Galperin E.I. (2011) tomonidan olib borilgan tadqiqotlarga ko'ra, MS uchun operatsiyadan oldin qondagi umumiy bilirubin darajasi muhim prognostik rol o'ynaydi [8, 9, 10]. Yomon sifatli MS bilan og'rigan bemorlarda rejali yoki shoshilinch aralashuvini rejalashtirishda bilirubinemiya darajasi 60 mkmol/l dan yuqori bo'lishi operatsiyadan keyingi natijalarini yomonlashtiruvchi xavf omilidir [36, 40]. Shu munosabat bilan, operatsiyadan keyingi asoratlarni oldini olish va o'limni kamaytirish uchun operatsiyadan oldin bilirubinemiyani kamaytirish tamoyiliga rioya qilish kerak [20, 43]. O't yo'llarini o'z vaqtida dekompressiya qilmaslik yoki zarur jarrohlik operatsiyalarini

o'tkazmaslik jigar yetishmovchiligi, yiringli xolangit, biliar sepsis kabi jiddiy asoratlarning rivojlanishi imkon yaratadi. Bu ko'rsatkichlar miqdori haligacha yuqori bo'lib qolmoqda, pasayishga moyil emas va turli mualliflarning fikriga ko'ra 20% dan 54% gacha o'zgarib turadi [21, 26, 35, 50, 58]. Jarrohlikdan oldin to'g'ri tashxis qo'yish kasallikning oqibatiga katta ta'sir qiladi. Obstruktiv sariqlik fonida shoshilinch jarrohlik aralashuvlar asoratlar va o'limning yuqori bulishiga sabab bo'ladi, bu MS bartaraf qilib keyin amaliyot qilgandan kura 4 baravar yuqori bo'ladi [11, 22, 33].

Ushbu muammoni hal qilish kalitit - ikki bosqichli davolash strategiyasi bo'lib, uning birinchi bosqichida o't yo'llari dekompressiyasi konservativ terapiya bilan birgalikda, ikkinchi bosqichda esa jarrohlik aralashuvi amalga oshiriladi [14, 28, 34].

Obstruktiv sariqlik bilan og'rigan bemorlarni davolashning birinchi bosqichida, iloji bo'lsa, minimal invaziv usullardan foydalangan holda kompleks konservativ terapiya va o't yo'llarining dekompressiyasi amalga oshiriladi [27, 35, 44]. Konservativ terapiya diagnostika muolajalari bilan birga bemor yotqizilgan paytdan boshlanadi [10, 28, 36].

O't yo'llarining adekvat dekompressiyasiga qo'yiladigan asosiy talablar: samaradorlik, past invazivlik, operatsiyadan keyingi asoratlar va o'limning past darajasi [9, 24]. Bugungi kunda endoskopik retrograd aralashuvlar birinchi navbatda yuqoridagi mezonlarga javob beradi, bu ayniqsa yaxshi sifatli obstruktiv sariqlikni davolashda yaxshi samara beradi [9, 24].

ERXPG diagnostika bosqichidan terapevtik bosqichga o'tish afzalligiga ega, ya'ni kerak bo'lganda, jigar ichi o't yo'llarinin evakuatsiyasini ta'minlash uchun endoskopik papillosfinkterotomiya amalga oshiriladi, ayniqsa bu usul xoledoxolitiaz va papilla stenozini davolashda samarali usul hisoblanadi [23, 31, 42]. EPST o'tkazilgandan so'ng operatsiyadan keyingi asoratlar 7-15% hollarda kuzatilishi mumkin, o'lim esa 0,4-1,5% ni tashkil qiladi [32, 33, 38, 39]. Ko'pgina mualliflarning fikriga ko'ra, obstruktiv sariqlikni davolashda asosiy ulush endoskopik retrograd tadqiqotlarga to'g'ri keladi [16, 21, 24, 33, 35, 36, 42, 48]. Shu bilan birga, ushbu usulning diagnostik va terapevtik ahamiyati taxminan 85-92,0% holatni tashkil etadi, bu pankreatohepatoduodenal zonaning anatomik va sintopik xususiyatlariga, katta o'n ikki barmoqli ichak papillasining shakli va joylashishiga, buylama burmaning uzunligiga bevosita bog'liq. Undan tashqari, oshqozon-ichak traktida oldin o'tqazilgan operatsiyalar, obstruktiv sariqlikning tabiati va sabablari, shuningdek, toshlarning soni va

hajmi, xolangit darajasi, shuningdek, mutaxassisning tajribasi va boshqalarga chambarchas bog'liqdir [9, 10, 17, 24, 27, 35, 41].

So'ngi o'n yilliklarda biliar dekompressiyasini bajarishda perkutan transhepatik usullar retrograd aralashuvlardan keyingi urinda egallab kelmoqda [19, 21, 27, 29, 35]. Minimal invaziv usullar doimiy yoki vaqtinchalik safro oqimini ta'minlaydi, shuningdek, sariqlikning tabiatini va obstruktsiya darajasini aniqlashga imkon beradi [23, 27, 38]. Transkutan endobiliar manipulyatsiyani amalga oshirishda operatsiyadan keyingi asoratlar 5,4-74% hollarda, o'lim esa 0,8-15,5% holatda kuzatiladi [14, 28, 36, 41].

Transkutan transhepatik manipulyatsiyaning eng asosiy kamchiliklari metabolik va elektrolitlar jarayonlarining va gomeostaz buzilishiga olib keladigan katta miqdordagi safro yo'qolishidir [31, 38, 46].

Bundan tashqari, biliar dekompressiyani ta'minlash uchun laparotomiya yoki laparoskopik usullardan turli xil biliodigestiv anastomozlardan foydalanish mumkin [11, 23, 32, 49]. Ichki o't yo'llari drenaji uchun anastomoz uchun eng ko'p qo'llaniladigan jarrohlik usuli gepatikoenteroanastomozdir [20, 44], operatsiyadan keyingi davrda 9,3-30% hollarda asoratlanadi va o'lim darajasi 2,5-6,5% ni tashkil qiladi [21, 31, 37].

Shunday qilib, MS bilan asoratlangan qorin bo'shlig'i a'zolari kasalliklarini jarrohlik davolashning turli usullaridan foydalanish mumkin [13, 33], ularni tanlash shifokorning malakasiga bog'liq.

MS bilan og'rigan bemorlarni davolashning ikkinchi bosqichida turli xil palliativ yoki radikal jarrohlik aralashuvlar (toshni olib tashlash, biliodigestiv anastomozlar, o'sma rezeksiyasi) amalga oshiriladi [18, 27, 33, 34, 35, 37, 48]. MS rivojlanishi bilan birga keladigan gepatopankreatobiliar organlarining turli kasalliklari uchun jarrohlik taktikasi uchun ko'plab variantlar mavjud [17, 24, 30, 33, 38, 44, 46, 48].

Xulosa.

1. Hozirgi kunga qadar endoskopik retrograd aralashuvlar yaxshi sifatli mehanik sariqlikni davolashda «oltin» standart bo'lib qolmoqda. Biroq ushbu patologiyani davolash natijalariga ta'sir qiluvchi ko'plab omillarga bog'liq bo'lgan retrograd endoskopik manipulyatsiyalarning murakkablik darajasi masalasi hal qilinmagan.

2. «Oraliq» holatlarga kiruvchi MS mavjud bulgan bo'lgan bemorlarda retrograd endobiliar aralashuvlarni amalga oshirish uchun hali ham aniq ko'rsatmalar va qarshi ko'rsatmalar mavjud emas.

3. Retrograd endoskopik manipulyatsiyalardan keyin manipulyatsiyadan keyingi asoratlarni rivojlanishini bashorat qilishning optimal usullari mavjud emas.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Акилов Х.А., Артыков Б.Я., Струсский Л.П., Артыков Ж.Б. Тактика двухэтапного лечения больных острым калькулезным холециститом, осложненным обтурационной желтухой // Вестник врача общей практики. - 2000. - № 4. - С. 11–15.
2. Анваров Х.Э., Адылхаджаев А.А., Хасанов В.Р. МРТ-холангиография в диагностике механической желтухи // Вестник экстренной медицины. - 2011. - № 4. - С. 25–28.
3. Арипова Н.У., Назыров Ф.Н. Ятрогенные повреждения желчевыводящих путей // Анналы хирургической гепатологии. - 2006. - № 3. - С. 66–67.
4. Бобоев Б.Д., Махмадов Ф.И., Икромов Б.А. Миниинвазивные методы в диагностике и лечении холедохолитиаза // Новости хирургии. - 2011. - № 6. - С. 59–63.
5. Быстров С.А., Жуков Б.Н. Миниинвазивные вмешательства при остром холецистите, осложненном механической желтухой // Медицинский альманах. - 2011. - № 2. - С. 87–89.
6. Ветшев П.С. Механическая желтуха: причины и диагностические подходы (лекция) // Анналы хирургической гепатологии. - 2011. - № 3. - С. 50–57.
7. Винник Ю.С., Давыдов А.В., Пахомова Р.А., Кочетова Л.В., Гульман М.И., Соловьева Н.С. Профилактика осложнений после ЭПСТ //Кубанский научный медицинский вестник. - 2013. - № 3. - С. 31-33.
8. Гальперин Э.И. Механическая желтуха: состояние «мнимой стабильности», последствия «второго удара», принципы лечения // Анналы хирургической гепатологии. - 2011. - № 3. - С. 16-25.
9. Гальперин Э.И. Классификация тяжести механической желтухи // Хирургия. - 2014. - № 1. - С. 5-9.
10. Гальперин Э.И., Момунова О.Н. Классификация тяжести механической желтухи // Хирургия. - 2014. - № 1. - С. 5-9.
11. Гусев А.В., Соловьев А.Ю., Лебедев А.К., Вахеева Ю.М., Ефремов А.В., Юшинов А.А. Непосредственные и отдаленные результаты эндоскопической папиллосфинктеротомии //Современные проблемы науки и образования. - 2015. - № 5. - С. 23-28.
12. Жеребцов Е.С., Ромащенко П.Н., Майстренко Н.А. Холедохолитиаз: современные возможности диагностики и хирургического лечения

// Вестник Российской Военно-медицинской академии. - 2021. - № 3. - С.109-116.
13. Корякина Т.В., Черемисин В.М., Коханенко Н.Ю., Павелец К.В. Аванесян Р.Г., Антонов Н.Н. Сравнительная характеристика ультразвукового и магнитно-резонансного методов исследования в диагностике и лечении механический желтухи доброкачественного генеза // Вестник Санкт-Петербургского университета.- 2013. - № 1. - С. 148-160.
14. Красильников Д.М., Сафин Р.Ш., Васильев Д.Ж., Захарова А.В., Миргасимова Д.М., Юсупова А.Ф. Профилактика осложнений после эндоскопической ретроградной панкреатохолангиографии и папиллосфинктеротомии // Казанский медицинский журнал. - 2012. - № 4. - С. 597-601.
15. Каримов Ш.И., Хакимов М.Ш., Маткулиев У.И. Новые взгляды на хирургические проблемы острого панкреатита // Вестник экстренной медицины. - 2017. - № 10. - С. 17-18.
16. Каримов Ш.И. Эндобилиарная хирургия в лечении механической желтухи // Анналы хирургической гепатологии. - 1996. - № 1. - С. 91–97.
17. Каримов Ш.И., Ким В.Л., Хакимов М.Ш. Выбор хирургического лечия острого холецистита у больных с повышенным операционным риском // Анналы хирургической гепатологии. - 2004. - № 1. - С. 115–119.
18. Кыжыров Ж.Н., Малахова Ю.И., Саютин В.Е., Нам Ч.Е. Алгоритм диагностики и хирургической тактики при механической желтухе // Вестник КазНМУ. - 2014. - № 4. - С. 175-181.
19. Махмадов Ф.И., Курбонов К.М., Нуров З.Х., Гулахмадов А.Д., Собиров А.Д. Диагностика и лечение механической желтухи // Новости хирургии. - 2013. - № 6. - С. 113-122.
20. Никольский В.И., Герасимов А.В. Трансдуоденальные вмешательства на ЖВП: ошибки, неудачи, осложнения и их профилактика (обзор литературы) // Известия высших учебных заведений. – 2012. - № 4. - С- 165-173.
21. Охотников, О.И., Григорьев С.Н., Яковлева М.В. Транспапиллярные миниинвазивные вмешательства при холедохелитиазе // Анналы хирургической гепатологии. – 2011. – № 1. – С. 58–62.
22. Пархисенко Ю.А., Горохов А.В. Гидропрессивная магнитно-резонансная холангиопанкреатография: ее место в диагностике болезней гепатопанкреатодуоденальной области // Вестник экспериментальной клинической хирургии. - 2010. - № 4. - С. 344-374.

23. Сайфутдинов И.М., Славин Л.Е. Пути профилактики осложнений при эндоскопических транспапиллярных вмешательствах // Казанский медицинский журнал. - 2016. - № 1. - С. 26-31.
24. Тарасенко С. В. Осложнения эндоскопических транспапиллярных вмешательств у больных доброкачественными заболеваниями желчных протоков // Анналы хирургической гепатологии. – 2010. – № 1. – С. 21–26.
25. Федоров А.Г. Давыдова С.В. Оперативная доуденоскопия: рентгенэндобилиарные вмешательства, литоэктракция, эндопротезирование: Москва, РУДН. - 2008. - 145 с.
26. Федоров А.Г., Давыдов С.В., Климов А.Е. Осложнения эндоскопических транспапиллярных вмешательств и способы их профилактики и лечения // Журнал медицинская неотложная помощь. – 2012. - № 3. – С. 229-235.
27. Хаджибаев Ф.А., Алтыев Б.К., Хашимов М.А. Транспапиллярные эндоскопические методы декомпрессии желчевыводящих протоков при механической желтухе, обусловленной холедохолитиазом // Вестник экстренной медицины. - 2017. - № 10. - С. 67-70.
28. Хаджибаев Ф.А. Диагностические методы при механической желтухе доброкачественного генеза // Вестник экстренной медицины. - 2013. - № 4. - С. 88-93.
29. Хакимов М.Ш., Маткулиев У.И., Ашуров Ш.Э., Жуманазаров А.У., Кушиев Ж.Х. Значение степеней сложности ретроградных вмешательств в лечении механической желтухи доброкачественного генеза // Вестник экстренной медицины. - 2023. - № 4. - С.17-21.
30. Шаповальянц С. Г. Хирургическая тактика лечения холедохолитиаза, осложненного механической желтухой, у больных с измененной анатомией билиодуоденальной области // Хирургия. – 2011. – № 10. – С. 35–38.
31. Шевченко Ю.Л., Ветшев П.С., Стойко Ю.М. Диагностика и хирургическая тактика при синдроме механической желтухи // Анналы хирургической гепатологии. – 2008. – № 4. – С. 96–105.
32. Alatise O.I., Owojuyigbe A.M., Omisore A.D., Ndububa D.A., Aburime E., Dua K.S. Endoscopic management and clinical outcomes of obstructive jaundice // Niger Postgrad Med J. - 2020. - № 27. - P. 302-310.
33. Andriulli A., Loperfido S., Napolitano G. Incidence rates of post-ERCP complications: a systematic survey of prospective studies // Am.J. Gastroenterol. – 2007. - № 8. – P. 1781-1788.

34. Bignell M., Dearing M., Hindmarsh A., Rhodes M. ERCP and endoscopic sphincterotomy: a safe and definitive management of gallstone pancreatitis with the gallbladder left in situ // Journal of Gastrointestinal Surgery. – 2011. - № 12. – P. 2205-2210.
35. Chandrasekhara V., Khashab M.A., Muthusamy V.R., Acosta R.D., Agrawal D., Bruining D.H. Adverse events associated with ERCP // Gastrointestinal Endoscopy. - 2017. - № 1. - P. 32-47.
36. Chen H.L., Wu S.H., Hsu S.H., Liou B.Y., Chen H.L., Chang M.H. Jaundice revisited: recent advances in the diagnosis and treatment of inherited cholestatic liver diseases // J Biomed Sci. - 2018. - № 25. - P. 75-78.
37. Chen L., Zhu X., Wei L., Liu Z. Obstructive jaundice caused by ulcerative duodenal stenosis: a case report // Niger J Clin Pract. - 2020. - № 23. - P. 586-588.
38. Cianci P., Restini E. Management of cholelithiasis with choledocholithiasis: endoscopic and surgical approaches // World J Gastroenterol. - 2021. - № 27. - P. 4536-4554.
39. El Nakeeb A., El Hanafy E., Salah T. Post-endoscopic retrograde cholangiopancreatography pancreatitis: Risk factors and predictors of severity // World J Gastrointest Endosc. - 2016. - № 8. - P. 709–715.
40. Elmunzer B.J. Reducing the risk of post-endoscopic retrograde cholangiopancreatography pancreatitis // Dig Endosc. - 2017. - № 7. - P. 749–757.
41. Freeman M.L. Complications of endoscopic retrograde cholangiopancreatography: avoidance and management // Gastrointest Endosc Clin N Am. - 2012. - № 3. - P. 567–586.
42. Glomsaker T., Hoff G., Kvaloy J., Soreide K., Aabakken L., Søreide J. Patterns and predictive factors of complications after endoscopic retrograde cholangiopancreatography // Br. J. Surg. - 2012. - № 3. - P. 373–380.
43. Han S.J., Lee T.H., Kang B.I. Effective and Safety of Therapeutic Endoscopic Retrograde Cholangiopancreatography in the Elderly Over 80 Years // Dig Dis Sci. - 2016. - № 7. - P. 2094–2101.
44. Hayashi S., Nishida T., Shimakoshi H., Shimoda A., Amano T., Sugimoto A., Takahashi K., Mukai K., Matsubara T., Yamamoto M., Nakajima S., Fukui K., Inada M. Combination of two-hour post-endoscopic retrograde cholangiopancreatography amylase levels and cannulation times is useful for predicting post-endoscopic retrograde cholangiopancreatography pancreatitis // World J Gastrointest Endosc. - 2016. - № 8. - P. 777-784.

45. Jeurnink S.M. Predictors of complications after endoscopic retrograde cholangiopancreatography: a prognostic model for early discharge // Surg Endosc. – 2011. – № 9. – P. 2892–2900.
46. Khakimov M.Sh., Ashurov Sh.E., Matkuliev U.I., Zhumanazarov A.U The value of retrograde endoscopic methods in the diagnosis and treatment of obstructive jaundice caused by choledocholithiasis // Central Asian Journal of Medicine. - 2023. - № 3 – P. 40-49.
47. Khakimov M.Sh., Ashurov Sh.E., Kushiev J.Kh, Asatullaev J.R., Sobirov B.M., Abdukarimov J.Sh. A New Approach to the Prevention of Acute Pancreatitis after Retrograde Endoscopic Manipulations // American Journal of Medicine and Medical Sciences. - 2024. - № 3. - P.-708-712.
48. Mandelia A., Gupta A.K., Verma D.K., Sharma S. The Value of Magnetic Resonance Cholangio-Pancreatography (MRCP) in the Detection of Choledocholithiasis // Journal of Clinical and Diagnostic Research. – 2013. - № 7. – P. 1941-1945.
49. Pereira S.P., Goodchild G., Webster G.J. The endoscopist and malignant and non-malignant biliary obstruction // Biochim Biophys Acta Mol Basis Dis. - 2018. - № 4. - P. 1478-1483.
50. Shin S.H., So H., Cho S. The number of wire placement in the pancreatic duct and metal biliary stent as risk factors for post-endoscopic retrograde cholangiopancreatography pancreatitis // J Gastroenterol Hepatol. - 2020. - № 7. - P. 1201–1207.
51. Swain B., Sahoo R.K., Sen K.K., Parihar S.S., Dubey R. Evaluation of intrahepatic and extrahepatic biliary tree anatomy and its variation by magnetic resonance cholangiopancreatography in Odisha population: a retrospective study // Anat Cell Biol. - 2020. - № 53. - P. 8-14.
52. Tajiri T., Yoshida H., Mamada Y., Taniai N., Yokomuro S., Mizuguchi Y. Diagnosis and initial management of cholangiocarcinoma with obstructive jaundice // World J Gastroenterol. - 2008. - № 14. - 3000-3005.
53. Tammaro S. Post-endoscopic retrograde cholangio-pancreatography pancreatitis: Is time for a new preventive approach? // World J. Gastroenterol. - 2012. - № 18. - P. 4635.
54. Tang Z., Yang Y., Yang Z. Early precut sphincterotomy does not increase the risk of adverse events for patients with diffi cult biliary access: A systematic review of randomized clinical trials with meta-analysis and trial sequential analysis // Medicine (Baltimore). - 2018. - № 36. - P. 12-16.
55. Udd M., Kylanpaa L., Halttunen J. Management of difficult bile duct cannulation in ERCP // World Journal of Gastrointestinal Endoscopy. - 2010. - № 3. - P. 97-103.

56. Verma D., Kapadia A., Eisen G.M., Adler D.G. EUS vs MRCP for detection of choledocholithiasis // Gastrointest Endosc. - 2006. - № 2. - P. 248–254.
57. Williams E., Beckingham I., El Sayed G. Updated guideline on the management of common bile duct stones (CBDS) // Gut. - 2017. - № 5. - P. 765–782.
58. Wang G., Xiao G., Xu L., Qiu P., Li T., Wang X., Wen P., Wen J., Xiao X. Effect of somatostatin on prevention of post-endoscopic retrograde cholangiopancreatography pancreatitis and hyperamylasemia: A systematic review and meta-analysis // Pancreatology. - 2018. - № 4. - P. 370-378.
59. Li Z.H. Endoscopic sphincterotomy in the treatment of cholangiopancreatic diseases // World J. Gastroenterol. – 2005. – № 17. – P. 2678–2680.

УЎК: 614.44+614-446.9

ЖАНУБИЙ ОРОЛ БЎЙИ МИНТАҚАСИДА ГАНЗЕН КАСАЛЛАГИ ЭПИДЕМИОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ РЕТРОСПЕКТИВ ТАҲЛИЛИ

Хамраев А.К.[1], Палуанов И.Д.[2], Нураддинова З.К.[2]
Тиббиёт ходимлари касбий малакасини ривожлантириш маркази
Қорақолпоғистон Республикаси Тахтакупир Туман Тиббиёт бирлашмаси

Аннотация

Ушбу мақолада Жанубий Оролбўйи минтақасида Ганзен касаллиги билан касалланишнинг кейинги 120 йил давомидаги эпидемиологик хусусиятлари ретроспектив тахлил қилинган. Тахлиллар бу касалликнинг минтақа ҳудудларида тарқалиши бир хил бўлмаганлигини, инфекциянинг оилавий ўчоқлари инфекция тарқалишидаги ўрни, инфекция манбаи билан мулоқатда бўлганлар ўртасида Ганзен касаллиги тарқалиши эндоген омилларга боғлиқ эканлиги баёни акс эттирилган.

Калит сўзлар: Ганзен касаллиги, эпидемиология, ретроспетив таҳлил

RETROSPECTIVE ANALYSIS OF THE SPREAD OF LEPROSY IN THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

Khamraev A.K.[1], Paluanov I.D.[2], Nuraddinova Z.K.[2]
Center for the development of professional qualification of medical workers
Takhtakupir district Medical association Republic of Karakalpakstan

Abstract

This article describes the results of a retrospective analysis of the epidemiological features of the incidence of Hansen's disease in the Southern Aral Sea region over the past 120 years. The analysis showed the heterogeneity of the prevalence of this disease across regions, high levels of its prevalence in families, and the role of endogenous factors in the development of Hansen's disease among contact persons.

Key words: leprosy, epidemiology, retrospective analysis.

РЕТРОСПЕКТИВНЫЙ АНАЛИЗ ЭПИДЕМИОЛОГИЧЕСКИХ ОСОБЕННОСТЕЙ БОЛЕЗНИ ГАНЗЕНА В РЕГИОНЕ ЮЖНОГО ПРИАРАЛЬЯ

Хамраев А.К.[1], Палуанов И.Д.[2], Нураддинова З.К.[2]
Центр развития профессиональной квалификации медицинских работников
Тахтакупирское районное медицинское объединение Республики Каракалпакстан

Аннотация

В данной статье описаны результаты проведенного ретроспективного анализа эпидемиологических особенностей заболеваемости болезни Ганзена в зоне Южного Приаралья за прошедшие 120 лет. Проведенный анализ показал неоднородность распространенности данной болезни в разрезе регионов, высокий уровни распространённости его в семейных очагах, роль эндогенных факторов в развитии болезни Ганзена среди контактных лиц.

Ключевые слова: Болезнь Ганзена, эпидемиология, ретроспективный анализ.

Мавзунинг долзарблиги. Ганзен (Лепра) касаллиги сурункали инфекцион касаллик бўлиб, бутун дунёда кенг тарқалган бўлиб, жами қайд қилинган ҳолатларнинг 80% Бразилия, Ҳиндистон ва Индонезия улушига тўғри келади. Касалликнинг юқори эндемик ўчоқлари давлатларнинг баъзи минтақалари даражасида нотекис тақсимланган. 2019 йилда дунёнинг 100 дан ортиқ мамлакатларида 200000 яқин Ганзен касаллигининг янги ҳолатлари аниқланган. Ганзен касаллигини Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти эсдан чиқарилган тропик касаллик деб эълон қилган (14). Бу касалликни бутунлай йўқ қилиш ЖССТнинг учинчи минг йиллик барқарор ривожланиш дастурларида универсал мақсад сифатида белгиланган (8). Шунингдек, 2021-2030 йилларда лепра касаллигига қарши глобал стратегия доирасида “Лепра билан касалланишни ноллаштириш йўлида” номли дастури амалга ошириш бошланган (9). Бу стратегиянинг асосий элементлари сифатида а) дунёнинг 120 давлатида лепра касаллигининг автохтон ҳолатлари қайд қилинмаслиги, б) қайд қилинаётган минтақаларда касалланиш кўрсаткичларини 70% га камайтириш, в) Лепра касаллги оқибатидаги бирламчи ногиронлик ҳолатларини 90% га камайтириш ва г) болалар ўртасида лепра касаллиги билан касалланиш кўрсаткичларини 90 % га камайтириш белгиланган.

Ўзбекистонда Республикаси ҳудудида Ганзен касаллиги эндемик ўчоқлари унинг минтақалари ўртасида текис тақсимланмаган. Ушбу касалликниннг эндемик ўчоқлари асосан Қорақалпоғистон Республикасининг шимолий ва шимолий-ғарбий ҳудудларида қайд қилинган. Касаллик эндемик ўчоқларида ўтган асрнинг 40-60 йиллари давомида энг кўп қайд қилинган ва ўртача интенсив кўрсаткич 100000 аҳолига нисбатан 107.3 ни ташкил қилган. Собиқ совет иттифоқи ҳудудида аниқланган барча беморларнинг 20–25%и Қорақалпоғистон улушига тўғри келган [1]. Ўтган 100 йил давомида (1920 йидан 2020 йилгача) минтақада 4000 нафардан ортиқ беморлар қайд қилинган. Кейинги йилларда минтақада Ганзен касаллиги қайд қилиниши спорадик ҳолатаргача камайган бўлсада, инфекциянинг эски эндемик ўчоқларида мулоқатда бўлган шахслар ўртасида янги касаллик ҳолатлари қайд қилиниши ҳолатлари учрамоқда ва бу ҳолатлар камайиш тенденциясига эга эмас [3]. ЖССТ томонидан 2030 йилгача Ганзен касаллиги бўйича “ноллаштириш” стратегияси мақсадли кўрсаткичларига эришиш учун минтақадаги ушбу касалликнинг эски эндоген ўчоқларида инфекциянинг тарқалиш қонуниятларини аниқлаш ва касалликка чалиниш хавфи юқори гурухлар билан мақсадли профилактик тадбирларни амалга ошириш зарур [15].

Тақдиқот мақсади. Республикадаги Ганзен касаллиги бўйича эндемик минтақадаги касалликнинг эски ўчоқларидаги эпидемиологик вазиятни ретроспектив ўрганиш воситасида инфекциянинг юқиш хавф омилларини аниқлаш.

Тадқиқот объекти сифатида 1904 йилдан 2024 йилгача бўлган даврда Қорақалпоғистон Республикасида қайд қилинган Ганзен касаллигига чалинган 3871 нафар беморлар тўғрисидаги расмий маълумотлар ретроспектив ўрганилди.

Тадқиқот материаллари ва уларни ўрганишда қўлланилган тадқиқот усуллари. Тақдиқот материаллари сифатида Қорақалпоғистон Республикасида 1900ғ2024 йиллар давомида Ганзен касаллиги билан қайд қилинган беморлар тўғрисидаги маълумотлар, уларнинг ёш, жинс ва миллий таркиби, минтақанинг туман ва шаҳарлари ҳамда ҳудудлари кесимида касалликнинг тарқалганлиги, жами ҳолатлардаги улуши ва кумулятив касалланиш кўрсаткичлари ретроспектив таҳлил қилинди.

Тадқиқот натижалари ва уларнинг муҳокамаси. Минтақадаги Ганзен касаллиги ҳолатлари мутлоқ сонда энг кўп 1934-1964 йиллар давомида

қайд қилинган (жами аниқланган беморларнинг 70%). Жами аниқланган беморларнинг 63% эркаклар, 37% ни аёллар ташкил қилган. Касалланиш ҳолатларининг 26% 18 ёшгача бўлган болалар, 19% 18-25 ёшлилар, 31% 26-45 ёшлилар, 19% 46-65 ёшлилар ва 5% ни 65 ёшдан катталар ташкил қилган. 1904-1914 йиллар давомида 3 нафар, 1914-1924 йилларда 56 нафар, 1924-1934 йилларда 494 нафар бемор қайд қилинган. Минтақада Ганзен касаллиги ўтган асрнинг дастлабки йилларида кам сонда аниқланиши, бу инфекция бўйича эпидемиологик вазият ўша вақтда барқарор бўлган деган хулосага чиқаришга асос бўлмаслиги лозим. Чунки бу даврда минтақада Ганзен касаллигини расмий равишда қайд қилиш тизими мавжуд бўлмаган. Шу сабабли бу рақамлар ўша даврдаги эпидемиологик вазиятни тўла акс эттиради дея олмаймиз. Қорақалпоғистонда Ганзен (Лепра) касаллиги бўйича илмий тадқиқотлар олиб борган олимларимиз таъкидлашича, бу касаллик ўчоқлари тўғрисида XIX асрнинг охири XX асрнинг бошларида дастлабки маълумотлар олина бошланган. Қорақалпоғистон Республикасида Ганзен касалллигига чалинганлар XIX асрнинг охирида ва XX асрнинг бошида шу даражада кўп бўлганки, уларнинг сони бутун Россия Империяси босиб олган ўлкаларида аниқланган беморлар сонидан катта бўлган. Биргина Мўйноқ ва Тахтакўпир туманларида қайд қилинган беморлар улуши ўша даврдаги жами Туркистон ўлкасидаги беморларнинг 50% ни ташкил қилган” [2].

Ўрганилган давр мобайнида минтақада Ганзен касаллигига чалинган беморлар сонининг қарийб 70% и 1935-1964 йилларда қайд қилинган. Бу ўша даврга келиб касалликка чалинган сони ошиб кетганидан эмас, балки уларни аниқлаш тизими йўлга қўйилгани, касаллик ўчоқларидаги бемор билан мулоқатда бўлган шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш ҳисобига фаол аниқлаш натижасида юз берган. Ўтган асрнинг 70 йилларидан бошлаб қайд қилинган янги касаллар сонининг камайиши эса беморларни самарали даволаш, касаллик ўчоқларида мулоқатда бўлган шахслари тиббий назоратга олиш, профилактик даволаш, барча касалликка чалинган беморларни Лепразорийларда изоляция қилиниши, аҳолининг иқтисодий ва ижтимоий турмуш шароитлари яхшиланиши натижасида минтақада инфекция манбаининг самарали элиминацияси ҳисобига юз берган. Кейинги 30 йилдан ортиқ муддат давомида 39 нафар бемор қайд қилинган. Қайд қилинган янги ҳолатларнинг барчаси касалликнинг эски

эндемик ўчоқларида мулоқатда бўлган шахслар ўртасида аниқланган (1 жадвалга қаралсин).

1-жадвал

Ўзбекистоннинг Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудидан 1904-2024 йиллар мобайнида Ганзен касаллигига чалинган беморлар тўғрисида маълумот

Йиллар	Беморлар сони	Фоизларда
1904-1914	3	0,07
1915-1924	56	1,45
1925-1934	493	12,73
1935-1944	825	21,31
1945-1954	878	22,68
1955-1964	1009	26,06
1965-1974	421	10,87
1975-1984	114	2,94
1985-1994	33	0,85
1995-2004	19	0,5
2005-2014	4	0,1
2015-2024	16	0,41
ЖАМИ	3871	100,0

Туман ва шаҳарлар кесимида барча ўрганилган муддат давомида Ганзен касаллиги энг кўп қайд қилинган беморлар сони Мўйноқ туманига (жами аниқланган ҳолатларнинг 30%), Чимбой туманига (13,5%), Тахтакўпир ва Кегайли туманлари (12,9 ва 11,9% мос равишда) улушига тўғри келади. Ҳудудлар кесимида энг кўп беморлар улуши шимолий (44,8%) ва шимолий-ғарбий (39,4%) ҳудудларда қайд қилинган. Қонликўл, Элликқалъа, Тахиатош ва Амударё туманларидла қайд қилинган беморлар улуши энг кам бўлган. Минтақанинг жанубий ва марказий ҳудудларида беморлар нисбатан кам қайд қилинган. Ҳар 100 минг нафар аҳоли сонига Ганзен касаллиги билан кумулятив касалланиш кўрсаткичининг энг юқори даражаси Мўйноқ туманида (3704,4), Тахтакўпир (1247,6), Кегайли (516,4), Қораўзяк (483,1), Нукус тумани (460) ва Чимбой (453,1) туманларида қайд қилинган. Энг паст кўрсаткичлар Элликқалъа, Амударё ва Тўрткўл туманлари ва Нукус шаҳрида, ҳудудлар кесимида энг паст кўрсаткич жанубий (19) ва марказий ҳудудда (82,6) қайд қилинган (2 жадвалга қаралсин).

2-жадвал

Қорақалпоғистон Республикаси Ганзен касаллигининг ҳудудлари (шаҳар ва туманлар) кесимида тақсимланиши

Ҳудудлар, шаҳар ва туманлар	Аҳоли сони	Қайд қилинган беморлар сони	Ҳар 100000 нафар аҳолига кумулятив касалланиш кўрсаткичи	Жами ҳолат-лардаги улуши
Тахтакўпир	39 916	498	1247,6	12,9%
Қораўзяк	52 371	253	483,1	6,4%
Чимбой	115 210	522	453,1	13,5%
Кегайли	89 456	462	516,4	11,9%
Жами шимолий ҳудудда	**296 953**	**1735**	**584,3**	**44,8%**
Нукус шаҳри	314 928	51	16,2	1,3%
Нукус тумани	49 126	226	460	5.1%
Хўжайли	121 160	165	136,2	4,2%
Тахиатош	72 823	19	26,1	0,58
Жами марказий ҳудудда	**558 037**	**461**	**82,6**	**11,9%**
Мўйноқ	31 260	1158	3704,4	30,1%
Қўнғирот	128 335	301	234,5	7,6%
Қонликўл	50 316	8	15,9	0,2%
Шўманой	55 619	59	106,1	1,5%
Жами шимолий ғарбий ҳудудда	**265 530**	**1526**	**574,7**	**39.4%**
Тўрткўл	210 299	42	19,9	1,1%
Беруний	187 638	57	30,4	1,5%
Элликқалъа	156 077	13	8,3	0,3%
Амударё	195 248	37	18,9	0.9%
Жами жанубий ҳудудда	**749 262**	**149**	**19,9**	**3,8%**
Қорақалпоғистон Республикасида	**1 869 782**	**3871**	**207**	**100%**

Мавжуд илмий адабиётларда Ганзен касаллигининг маълум бир ҳудуд аҳолиси ўртасида тарқалишида ижтимоий-иқтисодий омилларнинг, шу жумладан турмиш даражаси, санитар-гигиеник яшаш шароитлари, тиббий маданият даражаси билан чамбарчас боғлиқ бўлиши баён қилинган [1; 2; 3;13; 15]. Лекин, Қарақалпоғистон Республикаси туманлари ва ҳудудлари кесимидаги Ганзен касаллиги билан касалланиш даражаси ўртасидаги кескин тафовутларни фақатгина ижтимоий-иқтисодий омиллар билан тушунтириб бўлмайди. Энг кўп

касалланиш ҳолатлари қайд қилинган Мўйноқ туманидаги кўрсаткич (3701) дан энг паст кўрсаткич қайд қилинган Элликқалъа туманидаги кўрсаткич 446 марта юқори. Минтақанинг шимолий ҳудудидаги кўрсаткич (584) марказий ҳудуддаги кўрсаткич (82) дан 4 марта, шимолий- ғарбий ҳудуддаги кўрсаткич (574) жанубий ҳудуддаги кўрсаткич (19,9) дан 28 марта юқори.

Ганзен касаллиги қайд қилинган беморларнинг этник таркиби ретроспектив тахлил қилинганида, минтақадаги жами касалланиш ҳолатларининг 69,9% қорақалпоқ миллатига мансуб шахсларда, 5,9 % ўзбек миллатига мансуб шахсларда, 21,4% қозоқ миллатига мансуб шахсларда, 1,4% рус миллатига мансуб шахсларда ва 1,3% бошқа миллатларга мансуб шахсларда қайд этилган. Агар касалланиш ҳолатларини шу миллатга мансуб ҳар 100 минг нафар аҳоли сонига нисбатан ҳисобланганда (ҳар 100 минг нафар шу миллатга тегишли аҳоли сонига кумулятив касалланиш кўрсаткичи) қарақалпоқ миллатига мансуб аҳоли ўртасида бу кўрсаткич 39,1 ни, ўзбек миллатига мансуб аҳоли ўртасида 3,04 ни, қозоқ миллатига мансуб аҳоли ўртасида 28,14 ни, бошқа миллатларга мансуб аҳоли ўртасида 29,67 ни ташкил қилган. Бир минтақада яшовчи турли этник гурухлардаги Ганзен касаллиги билан кумулятив касалланиш кўрсаткичларидаги бундай тафовутларни бир қатор омиллар билан тушунтириш мумкин. Биринчидан, Ганзен касаллиги юқумли касаллик бўлиб, асосан эндемик ўчоқларида юқади ва касаллик ривожланади. Энг кўп эндемик ўчоқлар айнан жами аҳоли таркибида қорақалпоқ ва қазоқ миллатига мансуб аҳоли улуши юқори бўлган ҳудудларда тўғри келади. Иккинчидан, Ганзен касаллиги аҳоли ўртасида кўп йиллардан бери мавжуд бўлган инфекцион касаллик бўлиб, аҳоли тарихан узоқ муддат давомида ўтроқ ҳолда зич яшаган аҳоли ўртасида бу касалликка ташхис қўйиш ва самарали даволаш йўлга қўйилмаган даврда кенг тарқалиш эҳтимоли юқори бўлган. Чунки инфекция юқиши учун тиғиз ва давомли мулоқат бўлиши зарур. Ўзбек миллатига мансуб аҳолининг аксарияти шу минтақада узоқ тарихий давр давомида ўтроқ турмуш тарзини кечирган ва Ганзен касаллиги билан ўша даврда кўпроқ касалланиб, ушбу касалликка нисбатан табиий танланиш жараёнидан аввалроқ ўтган бўлиши мумкин. Қозоқ ва қароқалпоқ миллатига мансуб аҳоли асосан кўчманчи ва ярим кўчманчи турмуш тарзини кечириб, тарқоқ яшаган ва Ганзен касаллиги инфекцияси билан тарихан кеч мулоқат қилган бўлиши эҳтимоли юқори.

Бундан ташқари, қорақалпоқлар бу эндемик ҳудудга XVIII аср ўрталарида, қозоқ ва бошқа миллат вакиллари эса асосан XX асрда кўчиб келган. Ганзен касаллигининг эндемик зоналари бўлган Жанубий Орол бўйи минтақасида қарақалпоқлар кўчиб келгунга қадар асосан чорвачилик ва овчилик билан шуғулланувчи кам сонли аҳоли вакиллари тарқоқ яшаган. Ўзбекистон ҳудудида Ганзен касаллиги қўзғатувчисининг резервуари ҳайвонлар орасида аниқланмаган бўлсада, ўша даврда минтақада касалликнинг табиий ўчоқлари (зооноз) бўлган бўлиши ва кўчиб келган аҳоли ўртасида бу касаллик кейинчалик антрапоноз инфекция сифатида кенг тарқалишига сабабчи бўлган бўлиши мумкин.

Бир жойда яшовчи аҳоли популяцияларида микабактериозларга қарши иммун жавобни белгиловчи генетик омиллар ўхшаш гаплотипларнинг тез-тез учраши илмий адабиётларда келтирилган. Россиянинг Астрахан ўлкасида ўтказилган тадқиқотларда рус ва қозоқ миллатига мансуб аҳоли ўртасида Ганзен касаллигига мойилликни белгиловчи бир-биридан фарқли HLA-гаплотип маркерлари аниқланган [7]. Шу сабабдан ҳам минтақада яшовчи турли миллат вакиллари ўртасида Ганзен касаллигига мойилликнинг генетик омилларини ўрганишга қаратилган илмий тадқиқотлар олиб бориш зарурати мавжуд.

Ганзен касаллиги юқишида генетик омиллар роли юқорилиги илмий адабиётларда кенг мухокама қилинади [8]. Ганзен касаллигининг юқишида генетик омилларнинг ролини билвосита баҳолаш учун Қорақалпоғистон Лепразориясида 1966 йилдан 2024 йиллар оралиғида Ганзен касаллиги оилавий ўчоқларда тарқалиш хусусиятлари ўрганилди. Шу муддат давомида минтақада жами 607 нафар бирламчи беморлар аниқланиб даволанган. Уларнинг 196 нафари касалликнинг оилавий ўчоқларида аниқланган. Бу эса Ганзен касаллигининг оилавий ўчоқларда тарқалиш даражаси юқори эканлигини кўрсатади. Уларнинг 107 нафари эркаклар, 89 нафари аёллар ташкил қилган. Жами 107 нафар эркак жинсли беморларнинг 30 нафари ва аёлларнинг ҳам 30 нафари касаллик дастлаб аниқлангунга қадар оила қуришган, қолганлари турмушга чиқамаган ва уйланмаган шахслар бўлишган. Эпидемиологик нуқтаи назарда касаллик манбаи билан ўзоқ вақт ва тиғиз мулоқатда бўлган шахсларда касалликнинг юқиш хавфи юқори. Мантиқан, эр ёки хотин касал бўлса, улар турмуш ўртоғига бу инфекцияни юқтириш хавфи юқори бўлиши керак. Шу ҳолатларда бирорта ҳолатда ҳам оилада яшовчи эр хотинлар (60 та ҳолат) ўртасида бир вақтнинг ўзида касалланиш

ҳолатлари аниқланмаган. Шу муддат давомида бирламчи касаллик қайд қилинган оилавий ўчоқларда 23 нафар бирламчи беморнинг 36 нафар болалари, 4 нафар невараси, 23 ҳолатда ота-онаси, 43 нафар беморнинг ака-ука ва опа- сингиллари, 85 ҳолатда она томон яқин қариндошлари (хола, тоға) ва 79 ҳолатда ота томон яқин қариндошлари (аммалар, амакилар) ўртасида касаллик қайд қилинган.

Ганзен касаллигига чалинган беморлар ўртасида маълум HLA-гаплотипга эга шахслар кўпроқ учрашиши илмий адабиётларда қайд қилинганлигини юқорида келтирган эдик. Бизнинг юқорида келтирган Ганзен касаллигининг оилавий ўчоқларида касалланиш ҳолатларида эр-хотинлар ўртасида бир- бирига юқтириш ҳолатлари мавжуд эмаслиги, бу касалликка генетик мойиллик мавжудлигининг эмперик тасдиғи ҳисобланади.

Дарҳақиқат, касалликнинг юқиш даражаси, бемор билан узоқ мулоқотда бўлиш давомийлигиги билан чамбарчас боғлиқдир. Эндемик ўчоқларда узоқ йиллар давомида яшаш беморлар билан мулоқот миқдорини оширади. Шунинг учун ҳам, энг аввал беморнинг оила аъзолари, биринчидан болалари кўп мулоқотда бўлганликлари сабабли улар кўпроқ зарарланадилар. Касалликнинг диагностикаси яхши йўлга қўйилган жойларда болалар ўртасида касаллик эрта аниқланади ва аксарият ҳолларда эса инкубацион давр узоқ давом этиши натижасида улар катта ёшга етканларида қайд қилинади [9;10;11].

Ганзен касаллигига барча ирқ ёки миллат вакиллари чалиниши мумкин, биронта халқ ёки миллатда бу касалликка қарши “махсус резистентлик” йўқ. Лекин аҳолининг ноқулай маиший яшаш шароитлари, оғир ижтимоий-иқтисодий вазият ва санитар ҳолатнинг қониқарсизлиги касаллик юқиш хавфини оширади. Ганзен касаллиги билан гўдаклардан ташқари барча ёшдаги одамлар касалланиши мумкин. Аҳоли ўртасида касалланиш даражаси, унинг лепроматоз шакли қанчалик кўп бўлса, болалар ўртасида касалланиш ҳолатлари ошиб боради [11;12;13].

Аҳолининг яшаш тарзи (кўчманчи ёки ярим кўчманчи) ҳам Ганзен касаллигига чалиниш хавфини оширади. Кўчманчи қабилалар орасида, жумладан нанай, қалмиқ, бурят ва мўғил оилаларида қадимдан Ганзен касаллиги кўп қайд қилинган ва кўплаган эндемик ўчоқларни юзага келтирган.

Хулосалар.

1. Ганзен касаллиги бўйича эндемик минтақадаги кейинги 30 йил мобайнидаги эпидемиологик вазият барқарор бўлмаган элиминация босқичида.

2. Минтақасидаги Ганзен касаллиги бўйича эпидемиологик вазиятнинг ретроспектив таҳлилида унинг ҳудудлари кесимида ва ушбу ҳудудда яшовчи этник гурухлар ўртасида кумулятив касалланиш кўрсаткичларида кескин тафовутлар мавжудлиги аниқланди.

3. Минтақанинг шимолий ва шимолий-ғарбий ҳудудларида Ганзен касаллиги билан касалланишнинг кумулятив кўрсаткичларининг юқорилиги ушбу ҳудудда касалликка мойил аҳоли популяцияси улушининг юқорилиги, касалланиш кўрсаткичлари юқори этник гурухларда касалликка генетик мойиллик даражаси юқорилиги билан боғлиқ бўлиши мумкин.

4. Ретроспектив таҳлилда аниқланган минтақадаги Ганзен касаллиги билан кумулятив касалланиш кўрсаткичларидаги кескин тафовутлар сабабларини аниқлаш учун ҳудудда яшовчи аҳоли ўртасида ушбу касалликка мойилликнинг генетик омилларини чуқурроқ ўрганишни тақозо қилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ещанов Т. Б. Специфическая реакция ГЗТ у контактных по лепре в Республике Каракалпакстан // Материалы международной научно-практической конференции, посвященной 70-летию Каракалпакского лепрозорию – Нукус: Билим, 2004. – С. 68-70.
2. Ещанов Т.Б., Абдиров Ч.А., Ющенко А.А., Урляпова Н.Г. Организация и научные основы ликвидации лепры в каракалпакской эндемической зоне – Нукус: Каракалпакстан, 2003. – 168 с.
3. Нажимов Б. Об инвалидности среди диспансерных больных лепрой в Республике Каракалпакстан: материалы конференции // Международная юбилейная научно-практическая конференция, посвященная 80-летию противолепрозной службы Республики Казахстан: сборник научных трудов. – Кызыл-Орда, 2009. – С. 79-81.
4. Ниязов Х. А. Бухоро ва Навоий вилоятларида аниқланган моховга (лепрага) чалинган беморларнинг ретроспектив таҳлили // Проблемы биологии и медицины. - 2010. -№2(61). - С. 98-99.
5. Файзиев. Я. М. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида аниқланган моховга чалинган беморларнинг миллати бўйича таҳлили ва жинси бўйича тақсимоти // IX Республиканской съезд эпидемиологов,

гигиенистов, санитарных врачей инфекционистов Узбекистана: тезисы научных работ. – Ташкент, 2010. – С.154 .
6. Сароянц Л.В., Болдырева М.Н., Гуськова И.А. [и др.]. Иммуногенетические маркеры предрасположенности к лепре у русских жителей Астраханского региона // Иммунология. – 2005. – № 5. – С. 263-267.
7. Сароянц Л.В., Болдырева М.Н., Гуськова И.А. [и др.] Иммуногенетические маркеры предрасположенности к лепре // Рос. жур. кож. вен. болезней. – 2008. – № 1. – С. 47-49.].
8. Руководство по диагностике, лечению и профилактике лепры. – Женева: ВОЗ, 2018. – 106 с.
9. Руководство по диагностике, лечению и профилактике лепры. – Астрахань: Всемирная организация здравоохранения, 2019. - 105 с.
10. Эшбоев Э.Х., Бабажанов Х.Р., Худойназаров С.Қ., Ниязов Х.А. Мохов (лепра) этиологияси, эпидемиологияси, клиникаси, давоси, профилактикаси ва патоморфологияси: услубий қўлланма. - Тошкент, 2020. – 23 б.
11. Ющенко А. А. О некоторых проблемах современной лепрологии // Тезисы научных работ X Всероссийской конференции дерматовенерологов «Организация оказания дерматовенерологической помощи в современных условиях». - М., 2006. - С. 52.
12. Chandler D, Hansen K, Mahato Bet al. "Household Costs of Leprosy Reactions (ENL) in Rural India" // PloS Negl Trop Dis. -2015. – Vol. 9(1)
13. Finnerup N et al. Pharmacotherapy for neuropathic pain in adults: a systematic review and meta-analysis // The Lancet Neurology. - 2015. – Vol. 14(2). - P. 162-173.
14. World Health Organization. Global leprosy: situation 2016-2020. – 2016. – P. 1-20.

УДК: 616.8:616.441

KEKSA YOSHLARDA QALQONSIMON BEZ FUNKSIYASI BUZILISHI KLINIK VA NEVROLOGIK ASPEKTLARINING BELGILARI

Shomurodova D.S., Djurabekova A.T., Isanova Sh.T.
Samarqand davlat tibbiyot universiteti

Annotatsiya

Qalqonsimon bez disfunktsiyasi fonida qariyalarda nevrologik yetishmovchilikning klinik xususiyatlarini o'rganish dolzarb muammo hisoblanadi. Qalqonsimon bez disfunktsiyasi bo'lgan 60 yoshdan oshgan tekshirilgan bemorlarni tahlil qilish asosida qalqonsimon bez gormonlari ishlab chiqarishning pasayishi hamda klinik va nevrologik kasalliklar o'rtasidagi bog'liqlik aniqlandi. Ma'lum bo'ldiki, keksa odamlarda qalqonsimon bez gormonlari yetishmovchiligi kasallikning klinik ko'rinishini o'zgartiradi, kognitiv buzilishlar keltirgan holda vestibulo-ataksik buzilishlar, salbiy neyropatiya prognozlari, miyopatiya sindromigacha bo'lgan o'zgarishlar bilan birga namoyon bo`ladi.

Kalit so’zlar: keksalik, qalqonsimon bez gormonlari, kognitiv buzilish

SYMPTOMS OF CLINICAL AND NEUROLOGICAL ASPECTS OF THYROID FUNCTION DISORDERS IN THE ELDERLY

Shomurodova D.S., Djurabekova A.T., Isanova Sh.T.
Samarkand State Medical University

Abstract

The study of the clinical features of neurological insufficiency in the elderly against the background of thyroid dysfunction seems to be an urgent problem. Based on the analysis of the examined patients over 60 years of age with thyroid dysfunction, a relationship was found between a decrease in the production of thyroid hormones and clinical and neurological disorders. It turned out that the lack of thyroid hormones in the elderly changes the clinical picture of the disease, accompanying more pronounced shifts in cognitive impairment, vestibulo-ataxic disorders, worse prognosis in terms of neuropathies, up to the syndrome of myopathy.

Key words: old age, thyroid hormones, cognitive impairment.

СИМПТОМЫ ПОРАЖЕНИЯ КЛИНИКО-НЕВРОЛОГИЧЕСКИХ АСПЕКТОВ НАРУШЕНИЯ ФУНКЦИИ ЩИТОВИДНОЙ ЖЕЛЕЗЫ У ПОЖИЛЫХ

Шомуродова Д.С., Джурабекова А.Т., Исанова Ш.Т.
Самаркандский государственный медицинский университет

Аннотация

Изучение клинических особенностей неврологической недостаточности у пожилых на фоне дисфункции щитовидной железы, представляется актуальной проблемой. На основании проведенного анализа обследованных пациентов старше 60 лет, с дисфункцией щитовидной железы, выявлена связь уменьшения выработки гормонов щитовидной железы и клинико-неврологических нарушений. Оказалось, что недостаток гормонов щитовидной железы у пожилых изменяет клиническую картину заболевания, сопровождая более выраженные сдвиги в когнитивном нарушении, нарушении вестибулоатаксическом, более худшие прогнозы в вопросе нейропатий, вплоть до синдрома миопатий.

Ключевые слова: пожилой возраст, гормоны щитовидной железы, когнитивные нарушения.

Актуальность. Вопрос эпидемиологической обстановки по отношению дисфункций щитовидной железы среди населения, неоднократно становится предметом исследований. Так, скрининг людей старше 60 лет, в рамках профилактического осмотра практически 3 тысяч человек (Framigham Heartstudy), обнаружил уровень пониженности гормонов щитовидной железы в 4% случаях, в то же время высокие показатели тиреотропного гормона (гипертиреоз) выявлен в 9% (1, 3). Другие исследования зарубежных авторов, фиксируют распространённость нарушений субклинических признаков щитовидной железы у пожилых около 15-17% (национальное исследование США) (4, 6). Чаще всего в пожилом возрасте признаки (гипо и гипертиреоза) дисфункции щитовидной железы, маскируются под видом сопутствующих соматических заболеваний или эти признаки принимают как физиологическое старение (сухость кожи, запоры, астенизация, уменьшение массы тела). Еще одним моментом, который осложняет постановку диагноза это прием большого количества медикаментов (кардиоблокаторы, гипотензивные, противоаритмичные), нарушающие в свою очередь симптомы, классически характерные для нарушения щитовидной железы (2, 5). Сама железа с возрастом в норме не должна менять свою структуру, и если все-таки в пожилом возрасте есть место дисфункции щитовидной железы, то главной ее причиной считают аутоиммунное заболевание (аутоиммунный ти-

реоидит) (3, 7, 8). Неврологические синдромы у пожилых на фоне дефицита щитовидной железы могут проявляться в виде нейропатий, опять же с необходимостью дифференциации нейропатий диабетического генеза; в виде нарушения координации, когнитивного снижения, «возрастная» депрессия. Поражение нервной системы (как центральной, так и периферической) при дефиците щитовидной железы, связано с токсическим воздействием щитовидной железы, повышенной чувствительностью к катехоламинам, и так как гормоны щитовидной железы влияют на синтез белков нервной системы, на синапсы, что в первую очередь угнетает когнитивный процесс. Следовательно, изучение клинических особенностей неврологической недостаточности у пожилых на фоне дисфункции щитовидной железы, представляется актуальной проблемой.

Цель исследования: изучить клинико-неврологические синдромы у пожилых с дисфункцией щитовидной железы.

Материалы и методы исследования. В указе Президента республики, по оздоровлению населения особое внимание уделяется вопросу контроля, внесение в электронную базу данных о характере нарушения щитовидной железы (с учетом йод дефицитного региона) (2019 г. ПК-4295), на основании этого разработана программа скрининга, в которой приняли участие неврологи. Пациенты прошли несколько этапов обследования. На первом этапе (рутинное исследование) необходимо было провести выборку основной группы для исследования, для этого всем учащимся, в период профилактического осмотра, у людей старше 60 лет брали кровь на гормоны щитовидной железы; параллельно изучали состояние щитовидной железы методом ультразвукового исследования; тщательно собирался анамнез обследованных по анкетированию. На втором этапе, по данным ТТГ, Т3,Т4, сформировались I группа - 56 пациентов с нарушением от нормы гормонов щитовидной железы, женщин 41, мужчин 15; II группа - 30 пациентов. Критерием включения в эту группу, возраст старше 60 лет, отсутствие онкологических заболеваний и главное нормальный уровень гормонов щитовидной железы. Пациенты не принимали препараты для поддержания функции щитовидной железы. На этом этапе все пациенты прошли тщательный клинико-неврологический и соматический осмотр. Всем без исключения, в динамике проводили ЭКГ, УЗИ внутренних органов, биохимию крови, МРТ (головного мозга, позвоночника по разным отделам, в соответствии с

жалобами); уровень когнитивной изучали по нейропсихологическим шкалам; для контроля вегетативного индекса Кердо, в строгом порядке, проводился контроль артериального давления (днем и ночью). По необходимости пациентам в отдельных случаях проводили электроэнцефалографию, электронейромиографию.

Исследование проводилось на первом этапе в поликлиниках г.Самарканда, на втором этапе в терапевтическом, неврологическом отделений базы 1-клиники СамМИ, за период 2020-2022 год. Статистическая обработка данных фиксировалась на индивидуальном компьютере по программе Microsoft Excel (версия 14.0) по параметрам статистического метода Стьюдента.

Результаты и их обсуждение. Подразумевая старость, каждый понимает ее неизбежность, спокойно реагирует на снижение памяти, активности. Но существуют признаки заболевания, которые маскируются под старость, дисфункция щитовидной железы. Гормоны щитовидной железы регулируют обмен веществ, массу тела, отвечают за эмоциональный фон человека. По мере угасания работы практически всех органов и систем в возрасте, снижается активность щитовидной железы особенно у женской половины. Подтверждением диагноза с учетом размазанности клинической картины, является уточнение анализа уровня гормонов (ТТГ, Т3, Т4), УЗИ щитовидной железы.

Исследование проводилось с учетом программы профилактического осмотра по оздоровлению населения Узбекистана (направленное на изучение функции щитовидной железы населения находящихся в зоне йододефицита). Проведен был планированный скрининг анализа гормонов щитовидной железы всех возрастов. В нашей работе изучались только взрослое население, пожилой возраст (по ВОЗ> 60 лет). Согласно проведенному рутинному исследованию, на основании анализа крови гормонов щитовидной железы (ТТГ, Т3, Т4), осмотра эндокринолога, УЗИ щитовидной железы, были отобраны пациенты с нарушением функции щитовидной железы, 47 человек, что составило приблизительно 16,3% из общего числа обследованных ранее. Многочисленные сопутствующие заболевания в пожилом возрасте, требуют достаточного приема лекарственных препаратов, которые влияют на результат гормонов щитовидной железы. Есть лекарственные средства, например, как антиаритмические, содержащий йод, что сглаживает картину, размазывают картину при гипертиреозе. Причиной пониженной дисфункции щитовидной же-

лезы в пожилом возрасте, служат препараты антиконвульсанты, нестероидные препараты, глюкокортикоидные гормоны. И так как это требует отдельного исследования, в данной работе только зафиксированы получаемые лекарственные средства, пациенты I группы, антикоагулянты принимали все сто процентов, аспирин (американского производства) 13 пациентов, 8 пациентов до обследования получали гепарин, в терапевтическом стационаре; 5 пациентов препараты Л-допа; 30 пациентов принимали Фенибут (в составе которого есть Фенобарбитал); 2 пациента принимали Амиодарон (улучшающий аритмическое состояние сердца); 2 пациента принимали Йодомарин (назначение врача-эндокринолога); 1 пациент Эутирокс. Следовательно, при анализе гормонов щитовидной железы в субклинических формах заболевания, необходимо учитывать прием дополнительных препаратов у лиц пожилого возраста.

Анализ показал, что у пожилых пациентов встречаемость гипотиреоза намного превышает случаев гипертиреоза. Только у 3-х определено снижение уровня ТТГ и повышенные цифры Т4. Во всех остальных случаях Т4 было сниженным, а гормоны ТТГ и Т3 повышены (что подтверждает признаки гипотиреоза).

Для полноты достоверности данного исследования, пожилым, обследованным без признаков (вернее без нарушения гормонов щитовидной железы), было предложено продолжить обследование для выявления клинико-неврологических синдромов, 30 человек дали согласие (в письменном виде), на дальнейший этап исследования. Таким образом, сформировались две группы пациентов старше 60 лет, I группа пациенты с дисфункцией щитовидной железы, II группа без нарушений функции щитовидной железы. Женщины в I группе из 47 было 40, во II группе 25 из 30.

• Convenience of sterilization [9,12]. In connection with these requirements, the general principles of endoprosthesis implantation are formulated:

• It is necessary to avoid direct contact of the prosthesis with the pancreas to prevent the formation of seromas;

• The most acceptable location of the prosthesis is under the muscular-aponeurotic layer; • The prosthesis should cover the hernial orifice by 6-8 cm;

• It is necessary to fix the prosthesis along the periphery to avoid its displacement and wrinkling; • The prosthesis must be fixed without tension;

• It is necessary to exclude the contact of the prosthesis with the organs of the abdominal cavity; • Antibiotic prophylaxis is necessary, and in case of large, recurrent hernias, in the presence of drainages - antibiotic therapy;

• Use monofilament sutures to fix prostheses [12].

The theoretical and technical basis of complex forms of hernias, such as: extensive, giant, recurrent, repeatedly recurrent, requires high operational technology. One of the main processes is chronic endogenous intoxication associated with intestinal motility disorders in hernias, clinical analysis of risk factors for the development of postoperative complications (respiratory, cardiovascular, purulent-septic). In most cases, complications such as seroma formation, suppuration of soft tissues in the mesh area, formation of ligature fistulas and rejection of the prosthesis develop in the prosthesis area. Also, according to many authors, there are studies that show that an increase in the amount of interstitial fluid depends on the patient's body

weight [9]. The use of an endoprosthesis affects the regeneration of wounds in the early postoperative period, a high risk of trauma and lengthening of the operation. Far from all guaranteed methods of hernia alloplasty, which can definitely provide a full recovery of the patient and eliminate the development of recurrence [12].

In addition to the above, chronic pain syndrome is an important problem. The presence of paraprosthetic fistulas in the PBS, the patient can feel: a feeling and foreign body, decreased intestinal motility caused by adhesions in the abdominal cavity, as well as itching and burning. [8,14]. To compensate for the above problems, one of the most difficult tasks to solve is repeated surgical interventions through an already early surgical approach and a mesh endoprosthesis [5]. An aseptic inflammatory reaction for the body can be caused by a foreign synthetic material. According to the literature, the appearance of early wound complications is veiled up to 20-30%, caused by aseptic inflammation. The endoprosthesis itself cannot solve all the problems in the treatment of PBS hernias. Complications such as: infiltrates, seroma, suppuration, formation of PBS fistulas, rejection of the prosthesis is a complication of plasty with mesh endoprostheses. One of the positive components for the speedy healing of postoperative wounds in the early postoperative period is the reduction of the inflammatory process and the activation of reparative processes. Any surgical interventions that are accompanied by the mobilization of subcutaneous fat (SAT) are one of the reasons for the development of seroma, which is a limited accumulation of serous fluid [8,14]. The presence of various pathogenesis causes leading to the development of inflammatory processes in the pancreas are interrelated with impaired blood supply to the skin-subcutaneous fat flap; the duration of the surgical intervention, residual infection around the "old" ligatures; the formation or presence of large, residual cavities due to extensive dissection of the anatomical structures of the anterior abdominal wall; obesity; immune status disorders.

To date, the low rate of results of surgical treatment of ventral hernias is forcing surgeons to search for and develop new methods of plasty, as well as modification of treatment methods for various postoperative complications. New technologies in the last decade have touched not only the technique of operations. In the diagnosis of hernias, ultrasound, computed tomography, computed thermography, electromyography, laparometric examination of the abdominal wall, ultrasound dopplerography of the arteries of the PBS are used with high efficiency [7,8]. In the early postoperative period, the sutures in the area of the postoperative scar experience the maximum load during the patient's activity, cough, intestinal paresis, as well as with an increase in IAP. At the same time, in the places of attachment of the endoprosthesis, its dimensions change on average by up to 20% in length and up to 40% in width [2,9,10]. In the future, in the early or late postoperative period, a fixed polypropylene prosthesis, if the recommendations given to the patient are not

followed, has the ability to shift, which leads to a recurrence of a hernia (lifting more than 5 kg for 2 months, bending forward, gaining weight during the first 6 months , excessive physical activity, etc. An important problem in the early postoperative period is the reduction of pain.To reduce pain in the wound area, various analgesic methods are used - such as local analgesic wound infiltration, cryoanalgesia, central neuraxial blockade or systemic anesthetic (that is, a combination of opioid and non-opioid analgesics).The administration of systemic opioids is limited by side effects that can prolong postoperative hospitalization.Side effects include nausea, vomiting, constipation, sedation, respiratory depression, and opioid dependence.In addition, there is a pain management technique that has a minimal number of side effects, effective and convenient to use [14,15]. Given the above, it can be assumed that the main role in the development of hernia disease is played not by the ethnic factor, but by the way of life. Symptoms such as chronic cough and constipation are of secondary importance in the risk of developing inguinal hernias, physical activity is the main factor. In places where physical labor is more common (rural areas), the proportion of inguinal hernias increases [7,13]. A study done in 2002 in Danny was interested in its purpose to prove that smoking is a risk factor for recurrence of inguinal hernia after surgery through the formation of defective connective tissue. It was found that smokers are more likely to have a hernia recurrence than non-smokers (p=0.001) [11]. Risk factors such as obesity, diabetes mellitus, infection of the postoperative wound significantly increase the likelihood of recurrence of postoperative ventral hernias. Hereditary predisposition is also a risk factor for PBS hernias, in addition to the sex, age, lifestyle, and ethnicity already indicated by us. To date, the influence of hereditary predisposition in the formation of hernias is absolutely proven.

References:

1. Egiev V.N. Tension-free hernioplasty // Medpraktika. M. 2022
2. Egiev V.N. Hernia alloplasty: problems and solutions / 80 lectures on surgery, edited by V.S. Saveliev. M. Publishing house "Litterra". 2020
3. Kurbanov U.A., Davlatov A.A., Dzhanobilova S.M., Ismoilov K.A. Features of preoperative preparation of patients with ventral hernias // Health of Tajikistan. No. 4. 2018. S. 24-28
4. Malyarchuk V.I., Pautkin Yu.F. Shashko K.G. Perforated reinforced autodermal graft as an alternative to mesh synthetic endoprostheses in the surgical treatment of large postoperative ventral hernias. Herniology. No. 1. 2019. P. 15-17
5. Rekhachev V.P. Postoperative ventral hernias. Diastasis of the rectus abdominis muscles: Monograph. Arkhangelsk: Ed. AGMA Center, 2019.

6. Sazhin V.P., Klimov D.E., Sazhin A.V., Naumov I.A. Features of the treatment of patients with large postoperative and recurrent ventral hernias// Herniology. No. 1. 2019. P. 11-14
7. Slavin L.E., Fedorov I.V., Sigal E.I. Complications of abdominal hernia surgery//M.: Profile. 2018
8. Timoshin A.D., Yurasov A.V., Shestakov A.L. The concept of surgical treatment of postoperative hernias of the anterior abdominal wall//Herniology. No. 1. 2019. P. 5-10
9. Timoshin A.D., Yurasov A.V., Shestakov A.L. Surgical treatment of inguinal and postoperative hernias of the abdominal wall//M.: Publishing house "Triada-X". 2018
10. Israelsson L.A., Junsson L., Wimo A. Cost analysis of incisional hernia repair by suture or mesh // The Journal of hernias and abdominal wall surgery. September, 2019. Vol. 7. No. 3. P. 114117
11. Langer C., Neufang T., Kley C. et. al. Central mesh recurrence after incisional hernia repair with Marlex - are the meshes strong enough? // Hernia. September, 2021. Vol. 5. No. 3. P. 164-167
12. Palmieri, Beniamino., Benuzzi, Georgia. Circumferential mesh in abdominal wall reconstruction: indications, technical notes and case report // Annals of plastic surgery. November, 2020. Vol 51. No. 5. P. 439-445
13. Perrakis E., Velimezis G., Vezakis A., Antoniades J. et al. A new tension-free technique for the repair of umbilical hernia, using the Prolene Hernia System - early results from 48 cases //The Journal of hernias and abdominal wall surgery.December, 2019. Vol.7. No. 4. P. 178-180
14. Rios A., Rodriguez J., Munitiz V. et. al. Antibiotic prophylaxis in incisional hernia repair using a prosthesis // Hernia. September, 2018. Vol. 5. No. 3. P. 148-152
15. Robertson, J. Douglas., de la Torre, Jorge I., Gardner, Paul M. et al. Abdominoplasty repair for abdominal wall hernias // Annals of plastic surgery. July, 2018 Vol. 51. No. 1. P. 10-16

УЎК: 616.727.2- 007.155- 089

ТИЗЗА БЎҒИМИДАГИ СИНОВИАЛ ХОНДРАМАТОЗ КАСАЛЛИГИ
(Адабиёт тахлили)

Ирисметов М.Э., Таджиназаров М.Б., Шамшиметов Д.Ф., Ходжаев Д.Д.
Республика иҳтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт маркази

Annotatsiya

Тизза бўғимининг синовиал хондроматози, бирламчи ва иккиламчи шаклларига эга бўлиб, синовиал қават остидаги бириктирувчи тўқиманинг пролиферацияси ва метаплазияси туфайли бўғимларнинг синовиал мембранаси, пай қинларида ва бўғим халтарида эктопик ўчоқларининг шаклланиши билан тавсифланган яхши сифатли метапластик патологик хосилалар бўлиб, бўғимнинг синовиал қаватидаги хондром таначаларинг ажралиши ва механик симптомларнининг келиб чиқишига сабаб бўлади. Энг кўп учрайдиган клиник симптомлардан - оғриқ (85-100% ҳолларда), шиш (42-58%) ва бўғимдаги ҳаракатни чегараланиши (38-55%) хисобланади. 20-33% ҳолларда бўғимда крепетация аниқланиб, 3-20% ҳолларда эса тугунлар аниқланади. 5-12 фоиз беморларда “тиқилиш” симптоми аниқланади. Синовиал хондроматоз тиззада оғриқ ва шиш пайдо бўлишининг кам учрайдиган сабабларидан бири бўлсада, тизза бўғими оғриғи билан оғриган 20 ёшдан 50 ёшгача бўлган беморларни даволашда дифференциал ташхисда ёдда тутиш керак.

Kalit so’’zlar: тизза бўғими, синовиал хондроматоз, артроскопия.

THE DISEASE SYNOVIAL CHONDROMATOSIS OF THE KNEE JOINT
(Review article)

Irismetov M.E., Tadjinazarov M.B., Shamshimetov D.F., Xodjayev D.D.
Republican specialized scientific and practical medical center of traumatology and orthopedics

Abstract

Synovial chondromatosis of the knee joint, divided into primary and secondary forms, is a benign metaplastic pathological formation characterized by the formation of ectopic foci of cartilage tissue in the synovial membrane of joints, tendon sheaths and bags due to proliferation and metaplasia of subsynovial connective tissue, leading to the formation of multiple intraarticular cartilaginous detachment in the synovial membrane of the joint, causing mechanical symptoms. The most common symptoms are pain (in 85-100% of cases), swelling (42-58%) and restricted movement (38-55%) in the affected joint. In 20-33% of cases, crepitation can be detected, and in 3-20% nodules are palpated. Symptoms of joint "jamming" are detected in 5-12% of patients. Synovial chondromatosis is one of the rare causes of pain and swelling in the knee, and it should be remembered as a differential diagnosis in the treatment of patients aged 20 to 50 years with knee pain.

Keywords: knee joint, synovial chondromatosis, arthroscopy.

БОЛЕЗНЬ СИНОВИАЛЬНЫЙ ХОНДРОМАТОЗ КОЛЕННОГО СУСТАВА
(Литературный обзор)

Ирисметов М.Э., Таджиназаров М.Б., Шамшиметов Д.Ф., Ходжаев Д.Д.
Республиканский специализированный научно-практический медицинский центр травматологии и ортопедии

Аннотация

Синовиальный хондроматоз коленного сустава, разделяемый на первичную и вторичную формы, представляет собой доброкачественное метапластическое патологическое образование, характеризующееся образованием эктопических очагов хрящевой ткани в синовиальной оболочке суставов, сухожильных влагалищах и сумках вследствие пролиферации и метаплазии подсиновиальной соединительной ткани, приводящих к образованию множественной внутрисуставной отслойки хряща в синовиальной оболочке сустава, вызывая механические симптомы. Наиболее распространенными симптомами являются боль (в 85-100% случаев), припухлость (42-58%) и ограничение движений (38-55%) в пораженном суставе. В 20-33% случаев можно обнаружить крепитацию, а в 3-20% пальпируются узелки. Симптомы "заедания" сустава выявляются у 5-12% пациентов. Синовиальный хондроматоз является одной из редких причин боли и припухлости в колене, и о нем следует помнить в качестве дифференциального диагноза при лечении пациентов в возрасте от 20 до 50 лет с болью в колене.

Ключевые слова: коленный сустав, синовиальный хондроматоз, артроскопия.

Синовиал хондроматоз - келиб чиқиши номаълум бўлган, ноёб моноартикуляр патологик хосила бўлиб, синовиал қават остидаги бириктирувчи тўқималарининг пролиферацияси ва метаплазияси туфайли бўғимларнинг синовиал мембранаси, пай қинлари ва бўғим халталарида эктопик ўчоқларининг шаклланиши билан тавсифланган, яхши сифатли метапластик патологик хосилалар, бўғимнинг синовиал қаватидаги хондром таначаларинг ажралиши ва механик симптомларнининг келиб чиқишига сабаб бўладиган касалликдир.

Бу хосилалар парчаланишга, бўғимларнинг синовиал бўшлиғига эркин, сузувчи жисмлар шаклида киришга қодир. Сузувчи жисмлар ёки уларни кўпинча сичқонлар деб аташади, одатда суяклардан, тоғайлардан, фибрин массалари, ёғ ёки толали тўқималардан иборат бўлиб, улар бўғимда еркин жойлашган ёки бўғим юзасининг бир қисмига оёқлари билан бирикган бўлади.

Бу асосан катта бўғимларга таъсир қилади - тизза, чаноқ сон, елка, болдир ошиқ, билак кафт [9]. Дистал билак кафт бўғимлари, катта ва кичик болдир бўғимлари, кафт-бармоқ ва панжа-бармоқ каби кичик бўғимларнинг камдан-кам ҳолларда зарарланиши ҳам кузатилган. Бу одатда ҳаётнинг 2-5 ўн йилликларида ва камдан-кам болаликда намоён бўлади [1,6,7,9].

Тизза бўғимининг синовиал хондроматози эркакларда жароҳатланиш даражаси икки баравар кенг тарқалган [7.10]. Тизза энг кўп таъсирланадиган бўғим бўлиб, 50-65% дан ортиқ ҳолатлар айнан шу бўғимда учрайди [1,2,10].

Бирламчи синовиал хондроматоз 5-10% ҳолларда бир нечта бўғимларга, айниқса иккала тизза бўғимларига таъсир қилиши кузатилган [2]. Бироқ, каттароқ тадқиқотларда бирламчи синовиал хондроматоз деярли ҳар доим моноартикуляр касаллик бўлиб, фақат камдан-кам ҳолларда ҳақиқий полиартикуляр шаклда кузатилади. Полиартикуляр бирламчи синовиал хондроматоз сифатида қайд этилган кўплаб ҳолатлар аслида иккиламчи синовиал хондроматоздир. Полиартикуляр жароҳатланиш оилавий ҳолатларда ва синдромли беморларда кўпроқ учрайди [1,9].

Классификация.

Синовиал хондроматоз бирламчи ва иккиламчи шаклларга бўлинади.

Бирламчи синовиал хондроматоз фон қўшма патологияси бўлмаганда ривожланади, иккиламчи шакл олдинги касалликнинг мавжудлиги билан тавсифланади – остеоартрит, ревматоид артрит, остеонекроз, сил, суяк-тоғай синишлари, нейропатик остеоартропатия ва бошқалар [3].

Дастлаб, бирламчи синовиал хондроматоз бу бўғимнинг синовиал қаватининг хондроид метаплазияси, сўнгра бўғим ичида бир нечта хондром таначаларни шаклланиши деб ҳисобланган. Бироқ, ҳозирги цитогенетик баҳо шуни кўрсатадики, бирламчи синовиал хондроматоз яхши сифатли ўсма жараёнидир. Худди шу жараён синовиал қаватга, пайлар ва халталар бўйлаб тасир қилиб, кўпинча теносиновиал ёки бурсал хондроматоз деб такидлаб ўтилади [1].

Иккиламчи синовиал хондроматоз бўғимлар патологияси, бўғим ичи хондром таналар чақиридигон, механик ёки артрит каби ҳолатлари билан боғлиқ. Маҳаллий такрорланиши мумкин бўлган, одатда ўз-ўзини чеклайдиган, яхши сифтали жараён. Синовиал хондроматознинг хақиқий ёмон сифатли ўсмага, хондросаркомага ўзгариши бу касалликнинг ғайриоддий асоратидир [1].

1977 йилда Милгрэм синовиал хондроматозни 3 та ўзига хос босқичга ажратди, унда биз тоғай тўқималарининг ўчоқлари ва синовиал мембрана ўртасидаги алоқани кузатишимиз мумкин [6,9].

I босқичда синовиал мембрананинг интим қисмининг метаплазияси бўлади. Фаол синовит ва тугун шаклланиши мавжуд, аммо калцификацияни аниқланмайди.

II босқичда таркибида тугунли синовит ва юмшоқ таналар мавжуд. Юмшоқ таналар ҳали ҳам тоғай сифатли.

III босқичда юмшоқ таначалар қолади, аммо синовит ўтади. Юмшоқ таначалар ҳам бирлашишга ва калцификацияга мойил.

Синовиал хондроматознинг концептуал этиопатогенетик жиҳатлари.

Хондроматознинг этиологияси муҳокама мавзуси бўлиб қолмоқда, аммо аксарият муаллифлар касалликнинг метапластик назариясини қўллаб-қувватлайдилар. Тоғай тўқиманинг метапластик ўзгаришларнинг асл табиати ноаниқ бўлиб қолмоқда. Ушбу жараён BMP-2 ва BMP -4 (bone morphogenetic proteins – BMP) каби суяк морфогенетик оқсиллари таркибининг кўпайиши билан боғлиқ бўлиши мумкин деб тахмин қилиш учун асос бор [3].

Бирламчи синовиал хондроматознинг қўпол паталўгик номоён бўлишлари, кўкимтир-оқ рангли, гиалин тоғайнинг тугунли дўнгалаклари, бўғим юзаларини диффуз қамраб олган гиперпластик синовиал қаватдан иборат. Ушбу тугунлар жуда кўп бўлиши мумкин ва синовиал мембранага "харсанг" кўринишини беради [1]. Бу бир нечтадан 1000 дан ортиқ бўлиши мумкун, кўпинча улар жуда кўп. Бир нечта хондром таналарини бирлашиши ёки қошилиши, "гигант" ёки "массив" (диаметри 20 см гача) конгломерат ҳосил қилиши мумкин [1].

Бирламчи синовиал хондроматознинг микроскопик таҳлили одатда заифлашган синовиал мембрана (кубсимон эпителиянинг икки ҳужайрали қатлами) билан ўралган гиалин тоғайнинг бўлакчаларидан иборат. Шунинг учун кўпинча гиалин тоғай кўплаб тугунларини ўраб турган синовиал мембрананинг биттадан кўп хужайра қатламини кўриш қийин. Ушбу патологик хусусиятлар ушбу шаклланиш учун Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти номенклатурасида таъкидланганидек, синовиал хондроматоз атамасидан фойдаланишни қўллаб-қувватлайди [1].

Синовиал хондроматознинг ташхисалаш ва терапевтик тактикаси масалалари.

Хондроматознинг инструментал текшируви рентгенография, ултратовуш текшируви (УТТ), магнит-резонанс томография (МРТ), компютер томографияси (КТ), артроскопия [3,8].

Енг кўп учрайдиган аломатлар бу оғриқ (85-100% ҳолларда), шиш (42-58%) ва шикастланган бўғимда ҳаракат чекланиши (38-55%). 20-33% ҳолларда крепитация аниқланиши мумкин ва 3-20% тугунлар пайпасланади. 5-12% беморларда "қотиб қолиш" белгилари аниқланади [1,3,6,11].

Касалликнинг рентгенологик белгилари босқичга қараб ўзгаради. Биринчи клиник белгилар пайдо бўлган пайтдан бошлаб ташхисгача бўлган давр 5 ҳафтадан 18 йилгача (ўртача 5 йил) бўлиши мумкин [3].

Касалликнинг рентгенологик белгилари босқичга қараб ўзгаради.

Биринчи босқичда фақат шикастланган бўғимни атрофида шиш кузатилади. Энг кенг тарқалган радиологик аломат – бўғимнинг хохлаган жойида учрайдиган, ҳар хил хажмдаги рентген контрастли хосилалар. Калцификация охирги босқичда бўлади ва ҳар бир беморда кузатилмаслиги мумкин [6].

Бўғим проекциясида диаметри бир неча мм дан 2-5 см гача бўлган шунга ўхшаш овал ёки юмалоқ шаклдаги бир нечта калцификацияланган таначалар топилади. КТ ва айниқса МРТ синовиал хондроматозни аниқлашда сезиларли даражада юқори сезувчанликка эга. Катта бўғимларнинг артроскопияси нафақат ташхислашда, балки даволашда хам катта моҳиятга эга [3].

Дифференциал ташхис остеоартрит, ревматоид артрит, пигментли виллонодулар синовит, хондросаркома, юмшоқ тўқималарнинг травматик оссификацияси, синовиал гемангиома, пигментли виллонодуляр синовит, синовиал киста, дарахтсимон липомаси, синовиал саркома, менисклар патологияси билан амалга оширилади [3,6,7,9].

Якуний ташхисни фақат артроскопик ёки очиқ жарроҳлик амалиёт ёрдамида эркин органларни тўғридан-тўғри визуализацияси, кейинчали олиб ташланган тўқималарни патологик текшириш орқали қойиилади [10].

Даволаш биринчи босқичда стероид бўлмаган яллиғланишга қарши дорилар ва физиотерапия киради, аммо механик аломатлар мавжуд бўлганда, бу одатда етарли эмас ва беморларга жарроҳлик аралашув керак – хондром таначаларни артроскопик йоли билан олиб ташлаш ва чекланган синовектомия, ёки очиқ аралашув. Такрорланиш даражаси 3% дан 23% гача бўлиши мумкун [3,4,7,10].

Синовиал хондроматоз артроз билан ёндош бўлса, тизза бўғимини тўлиқ алмаштиришга (эндопротезлаш) корсатма бўлади. Синовиал хондроматознинг асоратлари рецидив бўлиши мумкин [7].

Хулоса.

Адабиётларни ўрганиб чиққан холда, синовиал хондроматоз тиззада оғриқ ва шиш пайдо бўлишининг кам учрайдиган сабабларидан бири бўлиб, уни тизза оғриғи билан 20 ёшдан 50 ёшгача бўлган беморларни даволашда дифференциал ташхис сифатида йодта тутиш керак. Асосан меҳнатга лаёқатли ёшдаги одамларда ривожланиб, кўпинча тизза бўғимига таъсир қилиб, бу ижтимоий аҳамиятга эга муаммо бўлиб келмоқда. Муносиб ҳушёрлик ва замонавий тасвирлаш усулларидан фойдаланиш (рентгенография, УТТ, шубҳали ҳолатларда – КТ, МРТ) билан синовиал хондроматозни ташхислаш қийин эмас. Шунга қарамай, клиник кўринишида бир қатор бошқа қўшма касалликларни охшаш бўлиб, ушбу патология кенг амалиётчиларга қийинчилик туғдиради.

Консерватив даво самарадорлиги бўлмаган холатларда тизза бўғимига кам инвазив хисобланадиган артроскопик жарроҳлик муолажасини қоллаш самарали натижалар беради. Остеоартроз III-IV даражаларида синовиал қават хондроматози билан оғир кечадигон холларда тизза бўғимини тотал эндопротезлаш операцияларини ўтказиш мақсадга мувоффиқ хисобланади.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Mark D. Murphey, MD ● Jorge A. Vidal, MD ● Julie C. Fanburg-Smith, MD ● Donald A. Gajewski, MD //Imaging of Synovial Chondromatosis with Radiologic-Pathologic Correlation1//RadioGraphics 2007; 27:1465–1488 ● Published online 10.1148/rg.275075116 ●// https://sci-hub.se/https://doi.org/10.1148/rg.275075116
2. Raviraj S. Ghorpade and Yadhu K. Lokanath// Synovial Chondromatosis of Dorsal Spine: Case Report of Rare Pathological Entity and Review// Korean J Spine. 2016 Dec; 13(4): 196–199.// https://www.ncbi.nlm.nih.gov/pmc/articles/PMC5266099/
3. И.В. Красицкий, Ю.И. Гринштейн, В.В. Шабалин, В.В. Кусаев//Опыт клинико-рентгенологической диагностики синовиального остеохондроматоза// УДК – 616.72-018.36-073.75//https://cyberleninka.ru/article/n/opyt-kliniko-rentgenologicheskoy-diagnostiki-sinovialnogo-osteohondromatoza/viewer
4. Р.М. Тихилов1, С.Ю. Доколин1, С.Л. Воробьев2, В.В. Дубовик3, И.С. Базаров// Первичный синовиальный хондроматоз плечевого сустава (случай из клинической практики)//УДК 616.727.2-018.3-002// https://cyberleninka.ru/article/n/opyt-kliniko-rentgenologicheskoy-diagnostiki-sinovialnogo-osteohondromatoza/viewer
5. Halstead AE. IV. //Floating bodies in joints.//Ann Surg 1895;22:327–342.// https://pubmed.ncbi.nlm.nih.gov/17860206/
6. Sancar Serbest1,&, Ugur Tiftikçi1 , Fatih Karaaslan2 , Haci Bayram Tosun3 , Hüseyin Fatih Sevinç1 , Mahi Balci4//A neglected case of giant synovial chondromatosis in knee joint//Pan African Medical Journal. 2015; 22:5 doi:10.11604/pamj. 2015.22. 5.7481//file:///C:/Users/1/Desktop/ajol-file-journals_414_articles_132135_submission_proof_132135-4933-356327-1-10-20160316.pdf
7. Assistant professor, department of orthopaedics, Gajara Raja medical college, Gwalior// A Case Report of Synovial Chondromatosis of the Knee Joint arising from the Marginal Synovium// https://www.ncbi.nlm.nih.gov/pmc/articles/PMC4719233/ // J Orthop Case Reports. 2013 Jan-Mar; 3(1): 7–10.
8. Yu-Ping Yang Jiang-Jing Wang Hong-Yuan Li// Atypical synovial chondromatosis of the right knee: A case report// https://www.spandidos-publications.com/10.3892/etm.2018.5955?text=fulltext // March 13, 2018 https://doi.org/10.3892/etm.2018.5955 Pages: 4503-4507

9. Paparao Bezawada, Saipramod Yadlapalli*, HariChandana Katta// Synovial chondromatosis of knee joint: a case report// Bezawada P et al. Int J Res Orthop. 2022Nov;8(6):744-746 // https://www.ijoro.org/index.php/ijoro/article/view/2395
10. M.N Tahmasebi, MD; Kaveh Bashti, MD; MR Sobhan, MD; GH Ghorbani// Двусторонний синовиальный хондроматоз коленного сустава у пациента с ревматоидным артритом// https://www.researchgate.net/publication/272514199_Bilateral_Synovial_Knee_Chondromatosis_in_a_Patient_with_Rheumatoid_Arthritis_Case-report_and_Literature_Review// **Arch Bone Jt Surg.** 2014;2(4):260-264.
11. ST Rangoako* MBChB; EJ Raubenheimer** MChD, PhD, DSc; K Mafeelane* MBChB, FCSA(Orth)// SA Orthopaedic Journal Autumn 2015 | Vol 14 • No 1 //Synovial chondromatosis: a review of the literature and report of two cases// http://scielo.org.za/pdf/saoj/v14n1/09.pdf
12. Aisha Memon, M.B.B.S., Nasir Ud Din, M.B.B.S.// Other chondrogenic tumors. Synovial & tenosynovial chondromatosis//Memon A, Ud Din N. Synovial & tenosynovial chondromatosis. PathologyOutlines.com website. Accessed February 16th, 2024.// https://www.pathologyoutlines.com/topic/jointssynovialosteochondromatosis.html
13. Victor Cassar-Pullicino// Synovial osteochondromatosis in hereditaryarthro-ophthalmopathy (Wagner-Stickler syndrome)//Skeletal Radiol (2003) 32:302–305DOI 10.1007/s00256-003-0625-1// https://www.researchgate.net/publication/10783083_Synovial_osteochondromatosis_in_hereditary_arthro-ophthalmopathy_Wagner-Stickler_syndrome
14. Maurice H, Crone M, Watt I. Synovial chondromatosis. J Bone Joint Surg Br 1988;70:807–811.
15. Ogilvie-Harris DJ, Saleh K. Generalized synovial chondromatosis of the knee: a comparison of removal of the loose bodies alone with arthroscopic synovectomy. Arthroscopy 1994;10:166–170.
16. Lim SJ, Chung HW, Choi YL, Moon YW, Seo JG, Park YS. Operative treatment of primary synovial osteochondromatosis of the hip. J Bone Joint Surg Am 2006;88:2456–2464.

UO`K: 616.728.3 - 003.973 - 02 -07 - 089

TIZZA QOPQOG'I XONDROMALLYATSIYASI (LEVAN KASALLIGI) ETIOPATOGENEZI, TASHXISLASH VA DAVOLASH (Adabiyotlar sharhi)

Irismetov M.E., Tadjinazarov M.B., Irismetov D.M., Shamshimetov D.F., Rustamov F.R., Xamroev Sh.F., Safarov M.M., Xodjaev D.D.

Республика иҳтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт маркази

Annotatsiya

Tayanch-xarakatlanish tizimining kasallanish va travmadan keyingi shikastlanishlari tarkibida tizza bo'g'imi yetakchi o'rinni egallaydi va 10-20% ga yetadi. Patellofemoral patologiya tizza bo'g'imining barcha kasalliklari va jarohatlarining 20-40% ni tashkil qiladi, chunki bu sport bilan professional shug'ullanadigan odamlarda patologik jarayonlarda ishtirok etadigan anatomik sohalardan biridir [6;7].

Patellofemoral og'riq sindromi travmatologlar, nevrologlar, reabilitologlar, fizioterapiya va sport tibbiyoti shifokorlarini qabul qilishda topilgan eng keng tarqalgan simptom kompleksларidan biridir. Mavjud statistik ma'lumotlarga ko'ra, u katta yoshli aholining taxminan 15-33% va o'smirlarning 21-45% ni tashkil qiladi. Yoshi kattalar va o'smirlar orasida bu holat 9% ni tashkil qiladi. Bundan tashqari, u barcha ortopedik patologiyalarning 5,4% va ortopedik sport tibbiyotidagi barcha kasalliklarning taxminan 25% ni tashkil qiladi [4;5].

Kalit so''zlar: Tizza bo`g`imi patologiyasi, tizza qopqog`i hondromallyatsiyasi, artroskopiya.

PATELLAR CHONDROMALACIA (LEVAN DISEASE) ETIOPATHOGENESIS, DIAGNOSIS AND TREATMENT (Review article)

Irismetov M.E., Tadjinazarov M.B., Irismetov D.M., Shamshimetov D.F., Rustamov F.R., Xamroev Sh.F., Safarov M.M., Xodjaev D.D.

Republican specialized scientific and practical medical center of traumatology and orthopedics

Abstract

The knee joint occupies a leading position, reaching 10-20% in the structure of morbidity and post-traumatic lesions of the musculoskeletal system. The pathology of the femoral-patellar joint accounts for 20-40% of all diseases and injuries of the knee joint, as this is one of the most anatomical areas involved in pathological processes in people who are professionally engaged in sports.

Patellofemoral pain syndrome is one of the most common symptom complexes found at the reception of traumatologists, neurologists, rehabilitologists, doctors of physical therapy and sports medicine. According to available statistics, it accounts for about 15-33% of the active adult population and 21-45% of adolescents. The incidence of this condition among young adults and

adolescents is 9%. In addition, it accounts for 5.4% of all orthopedic pathology and approximately 25% of all diseases in orthopedic sports medicine.

Patellar chondromalacia is 9.5-19.4% of cases of degenerative-dystrophic diseases of the knee joint.

Keywords: knee pathology, patellar chondromalacia, arthroscopy.

ХОНДРОМАЛЯЦИЯ НАДКОЛЕННИКА (БОЛЕЗНЬ ЛЕВАНА) ЭТИПАТОГЕНЕЗ, ДИАГНОСТИКА И ЛЕЧЕНИЯ (Обзор литературы)

Ирисметов М.Э., Таджиназаров М.Б., Ирисметов Д.М., Шамшиметов Д.Ф., Рустамов Ф.Р., Хамроев Ш.Ф., Сафаров М.М., Ходжаев Д.Д.

Республиканский специализированный научно-практический медицинский центр травматологии и ортопедии

Аннотация

Коленный сустав занимает лидирующие позиции достигая 10–20 % в структуре заболеваемости и посттравматических поражений опорно-двигательного аппарата. На долю патологии бедренно-надколенникового сочленения приходится 20-40% от всех заболеваний и повреждений коленного сустава, так как это одна из наиболее вовлекаемых в патологические процессы анатомическая область у людей, профессионально занимающихся спортом.

Пателлофеморальный болевой синдром один из наиболее частых симптомокомплексов, встречающихся на приеме врачей травматологов, неврологов, реабилитологов, врачей лечебной физкультуры и спортивной медицины. По имеющейся статистике, на его долю приходится около 15-33% активного взрослого населения и 21-45% подростков. Частота развития данного состояния среди молодого взрослого населения и подростков равна 9%. Кроме того, он составляет 5,4% от всей ортопедической патологии и приблизительно 25% всех заболеваний в ортопедической спортивной медицине.

Хондромаляция надколенника составляет 9.5-19.4% случаев дегенеративно-дистрофических заболеваний коленного сустава.

Ключевые слова: патология коленного сустава, хондромаляция надколенника, артроскопия.

Tayanch-xarakatlanish tizimining kasallanish va travmadan keyingi shikastlanishlari tarkibida tizza bo’g’imi yetakchi o’rinni egallaydi va 10-20% ga yetadi. Patellofemoral patologiya tizza bo’g’imining barcha kasalliklari va jarohatlarining 20-40% ni tashkil qiladi, chunki bu sport bilan professional shug’ullanadigan odamlarda patologik jarayonlarda ishtirok etadigan anatomik sohalardan biridir [6;7].

Patellofemoral og’riq sindromi travmatologlar, nevrologlar, reabilitologlar, fizioterapiya va sport tibbiyoti shifokorlarini qabul qilishda topilgan eng keng tarqalgan simptom komplekslaridan biridir. Mavjud statistik ma’lumotlarga ko’ra, u

katta yoshli aholining taxminan 15-33% va o'smirlarning 21-45% ni tashkil qiladi. Yoshi kattalar va o'smirlar orasida bu holat 9% ni tashkil qiladi. Bundan tashqari, u barcha ortopedik patologiyalarning 5,4% va ortopedik sport tibbiyotidagi barcha kasalliklarning taxminan 25% ni tashkil qiladi [4;5].

Tuzatish qiyin bo'lgan tizza bo'g'imining eng jiddiy intraartikulyar patologiyasi gialin qavati bilan bog'liq. Afsuski, tabiat gialin tog'ay, uning degradatsiyasidan qutulish imkoniyati bilan mukofotlamadi. Va gialin qavati regeneratsiyaga qodir emasligi sababli, uning degradatsiyasi tezligining pasayishiga yoki eng yaxshi holatda, ikkinchisining to'xtashiga umid qilish kerak. Ushbu patologiyaning eng keng tarqalgan lokalizatsiyasi tizza qopqog`ining bo`g`im yuzasidir, chunki bu joy travmatik jarohatlarga eng sezgir va og'ir kundalik yuklamalarni boshdan kechiradi, ayniqsa sportchilarda.

Patellofemoral og'riq sindromining sabablaridan biri tizza qopqog'i xondromallyatsiyasidir. Tizza bo'g'imining shikastlanishi va beqarorligi xondromallyatsiya rivojlanishida qo'zg'atuvchi omil bo'lishi mumkin, ammo ko'p hollarda kasallik oldingi jarohatlarsiz rivojlanadi. Natijada, avvalgi elastiklik yo'qoladi va uning bo'shashishi kuzatiladi. Statistik ma'lumotlarga ko'ra, tizza qopqog'i xondromallyatsiyasi o`smirlar orasidagi og'riq sabablari qatorida birinchi o'rinda turadi, undagi asoratlar bundan mustasno.

Tizza qopqog'i xondromallyatsiyasi tizza bo'g'imining degenerativ-distrofik kasalliklarining 9,5-19,4% ni tashkil qiladi [2.12]. Patellofemoral bo'g'imining shikastlanishi va kasalliklari asosan o'tkir ijtimoiy jihatga ega bo'lgan faol hayot tarzi bilan shug'ullanadigan yosh va o'rta yoshli mehnatga layoqatli odamlarda uchraydi. [3, 8, 9,10].

Hozirgi vaqtda tizza qopqog'i xondromallyatsiyasining etiologiyasi multifaktorial hisoblanadi: birikma xosil qilgan bo'gim yuzalarning tug'ma rivojlanmaganligi, travma, turli etiologiyali sinovitlar, endokrin kasalliklar va metabolik kasalliklar. 1984 yilda Hejgaard N., Arnoldi C. C. patellofemoral og'riq sindromining genezi operatsiyadan oldin 40 bemorda aniqlangan tizza qopqog'i suyak ichi bosimining oshishi omili ekanligini xabar qildi. Nazorat guruhi bilan solishtirganda, yozilgan (29 mmhg. 15 mmhg o'rniga) va uzoq vaqt bukilgan (97 - 60 mmhg o'rniga) tizz bo`g`imida suyak ichi bosimining yuqoriligi aniqlanadi.

Ushbu patologiyaning sabablari to'liq o'rganilmagan. Bo`g`imlar tuzilishining ba'zi anatomik xususiyatlari bu kasallikni ayollarda tez-tez uchrashini sboti bo`la oladi. Bir qator mualliflar tizza qopqog'i xondromallyatsiyasini autoimmun jarayonning namoyon bo'lishidan biri deb hisoblashadi, bu hozirda ko'proq dalillar bazasini talab qiladi.

Ammo, adabiyotlarga ko'ra, diffuz ozuqalanishning buzilishi fonida tizza qopqog'i tog'ay qavati surunkali ortiqcha yuklanishi tizza qopqog'i

xondromallyatsiyasi patogenetik mexanizmlarini asosiy omili sifatida keltirish mumkin. Bunday holda, yuzaki tog'ay qavatiga mahalliy zarar yetkaziladi, uning yemirilishi va giperpressiya joylarida suyakning subxondral qatlamiga ta'sir qiladi. Giperpressiya sohalarida kistaga o'xshash restrukturizatsiya va reaktiv skleroz o'choqlari hosil bo'ladi. Tog'ay qavati va uyali elementlarning parchalanishi metabolitlari reaktiv sinovitning paydo bo'lishiga va immunologik reaktsiyaning rivojlanishiga sabab bo'ladi [11].

Ba'zi olimlarning ta'kidlashicha, son to'rtborshli mushaklarining zaifligi, ayniqsa mushakning medial boshining qiya qismi, tizza qopqog'i xarakatchanligini asosiy cheklovchisi sifatida, lateral keng mushak bilan solishtirganda, tizza qopqog'i tashqi yarim chiqishiga uchraydi, bu yesa o'z navbatida. harakat biomexanikasining buzilishiga ta'sir qiladi va tizza qopqog'i tog'ay qavatining kelajakda travmasiga olib keladi.

Klassifikatsiya.

Adabiyotda tog'ay to'qimalari shikastlanishining ko'plab tasniflari taklif qilingan: Biroq, eng mashhuri 1961 yilda ishlab chiqilgan Outerbridge tasnifi. Uning mohiyati tog'ay to'qimalarining shikastlanishini to'rt darajaga bo'lishdir [1].

- Birinchisi qalinlashishi (mahalliy shish) va shish paydo bo'lishi bilan tog'ay qavatining yumshashi bilan tavsiflanadi, og'riq sindromi deyarli yo'q.

- Ikkinchisi, o'tkir og'riqni qo'zg'atadigan va surunkali shaklga yega bo'lgan diametri 1,25 sm dan oshmaydigan hududda yuzaki fibrilatsiya, yoriqlar va depressiyalar, parchalanish, tog'ay qavatining yorilishi mavjud.

- Uchinchisi-1,25 sm dan ortiq maydonda chuqurchaning to'liq bo'lmagan fibrilatsiyasi, parchalanishi va yorilishi.

- To'rtinchisi- eng og'ir daraja, subxondral qatlamdagi tog'ay nuqsoni va artroz.

Tashhislash va davolash.

Gialin tog'ay patologiyasi bo'lgan bemorlarning ko'pchiligida asosiy shikoyat og'riq yoki qisuvchi og'ri bo'lib, u jismoniy zo'riqish bilan, shuningdek ob-havoning o'zgarishi bilan kuchayadi. Bemorlar ko'pincha notekis yuzalar va zinapoyalarda yurish qiyinligidan shikoyat qiladilar. Og'riq ba'zan tarqoq, aniq lokalizatsiyasiz. Qo'shimchada ko'pincha "qirtillash", beqarorlik hissi, davriy ravishda osongina o`tib ketadigan harakat cheklanishlari mavjud. Bo'g'im bo'shlig'ni palpatsiya qilish shikastlanish sohasida og'riqli, ammo ba'zida og'riq aniq lokalizatsiyasiz bo'ladi. Ba'zi hollarda palpatsiya ta'sirlangan tomonda sinovial membrananing diffuz zichlashish, bo'rtma, faol va passiv harakatlar paytida krepitatsiyani aniqlaydi.

Klinik jihatdan tizza qopqog'i xondromallyatsiyasi uzoq vaqt davomida o'zini namoyon qilmaydi, og'riq tog'ay to'qimalari orqali yallig'lanish va degenerativ-distrofik jarayonlarning yetarli darajada tarqalishi va uni yo'q qilish bilan paydo

bo'ladi. Ko'pincha tizza bo'g'imining shishi, patologik jarayon hududida qizarish va mahalliy isitma topiladi. Bundan tashqari, tizza bo'g'imida harakatlanayotganda qichishish va krepitatsiya (qirtilash) mavjud.

Tekshiruvdan, anamnezni yig'ishdan va tog'ay qavati holatini baholashdan so'ng tashxisni tasdiqlash uchun quyidagi tadqiqotlar o'tkaziladi: ultratovush, rentgenografiya, MRT, artroskopiya va laborator instrumental tekshiruvlari.

Ultratovush va rentgenografiya tizza bo'g'imining suyaklari va yumshoq to'qimalariga mumkin bo'lgan zararni, bo'g'im suyuqlik miqdorini va sinovit mavjudligini aniqlashi mumkin. MRT tekshiruvi ultratovush va rentgenografiyaga qaraganda aniqroq bo'lib, bo'g'imni batafsilroq tekshirishga imkon beradi. Artroskopiya nafaqat tizza qopqog'i bo'g'im yuzasini batafsil tekshirishga, balki kerak bo'lganda jarrohlik manipulyatsiyasini bajarishga, erkin xondrom tanalarni, tog'ay shikastlangan joylarni va boshqalarni olib tashlashga imkon beradi. Laboratoriya tekshiruvlari: xondromallyatsiyani qo'zg'atishi mumkin bo'lgan tizimli kasalliklarni aniqlash.

Xondromallyatsiya tashxisini tasdiqlagandan so'ng, dastlabki bosqichlarda konservativ davo qo'llaniladi - bu yuklarni va dam olishni to'g'ri taqsimlash, steroid bo'lmagan yallig'lanishga qarshi dorilar, sportchilarning mashg'ulot rejimini o'zgartirish, tizza yostig'i kiyish, steroid bo'lmagan yallig'lanishga qarshi dorilarni bo'g'im ichiga yuborish. va gialuron kislotasi, regenerativ terapiya (hujayra terapiyasi texnikasi yordamida yog' to'qimalarining stromal tomir fraktsiyalari (SVF terapiya), suyak iligi MIH (mezenhimal ildiz hujayralari), PRP (trombotsitlar boy plazma).

Konservativ davolanishdan so'ng reabilitatsiya dasturi buyuriladi, bu yozuvshi mushaklar, ilio-tibial trakt, tizza qopqog'ini ushlab turuvchi boylamlar va sonning orqa mushak guruhining cho'zilishi. Tizza qopqog'i harakatchanligining asosiy cheklovchisi sifatida to'rtboshli mushaklarining kuchini, ayniqsa medial keng mushakning qiya qismini oshirish. Bu mushakning lateral keng mushak bilan solishtirganda zaifligi tufayli tizza qopqog'i tashqi yarim chiqishga uchraydi, bu yesa o'z navbatida tizza bo'g'imidagi harakat biomexanikasining buzilishiga va tizza qopqog'i tog'ay qavati keyingi shikastlanishiga ta'sir qiladi, deb ishoniladi.

To'rtboshli mushak uchun kichik amplitudali mashqlarni kuchaytirish va tekis oyoqlarni ko'tarish patella-femoral bo'g'imining bu nomutanosiblikka reaktsiyasini susaytiradi. Mashqlarga qo'shimcha ravishda tizza bo'g'imining elastik bandajini buyurish mumkin, tizza qopqog'ini bint yoki ortopedik asbob bilan mahkamlash, biomexanik lenta ma'lum darajada bandaj kiyishni almashtiradi va tizza qopqog'ini barqarorlashtirishga yordam beradi, kinesiologik lenta og'riqni kamaytirishga yordam beradi, shish va yallig'lanishni yengillashtiradi.

Agar konservativ davo samarasiz bo'lsa, jarrohlik amaliyoti qo'llaniladi, patella-femoral bo'g'imining to'g'ri anatomik holatini tiklash, og'ir holatlarda bo'g'im yuzalarni konturlash, xondroplastika yoki patellektomiya radikal vosita sifatida ko'rsatiladi.

Tizza qopqog'i xondromallyatsiyasi davolashda tizza bo'g'imining artroskopiyasi nafaqat muhim diagnostika, balki terapevtik protsedura hamdir. Artroskopik yuvish qisqa vaqt ichida og'riqni kamaytiradi va yallig'lanish paytida hosil bo'lgan o'lik to'qimalarni va proteoglikanlarni olib tashlash orqali funktsiyani yaxshilaydi. Ammo bu manipulyatsiya paytida kasallikning sababi bartaraf etilmaganligi sababli, alomatlar odatda yana paydo bo'ladi. Outerbridge tizimi soddaligi va natijalarning takrorlanishi tufayli kasallikning bosqichini artroskopik aniqlash uchun keng qo'llaniladi. Tizim nuqsonning lokalizatsiyasi, shakli, hajmi va chuqurligini aniqlashga asoslangan. Bunday kam invaziv texnologiyalar kasallikning natijalariga, reabilitatsiya davomiyligiga va boshqalarga juda foydali ta'sir ko'rsatadi.

Lavaj usulida yuvish va tozalash tizza qoqog'i beqarorligi belgilarisiz jarohatlar uchun ko'proq mos keladi. Tizza qopqog'ining qiyaligiga va bo'g'im yuzalarga kam zarar yetkazilishi bilan artroskopiya paytida tizza qopqog'ining lateral chetini mobilashtirish mumkin. Ushbu aralashuv faqat tizza qopqog'ining klinik jihatdan aniq qiyaligi va bo'g'imlarning jiddiy shikastlanishisiz tavsiya yetiladi. Umuman olganda, tizza qopqog'ining lateral chetini mobilashtirish yoki mobilashtirmasdan patologik o'zgargan to'qimalarni artroskopik yuvish va olib tashlash I–II darajali xondromallyatsiyada oqlanadi; III–IV darajada uzoq muddatli natijalar odatda qoniqarsiz bo'ladi.

Artroskopik aralashuv texnikasi.

Operatsiya anesteziya ostida amalga oshiriladi, u bemorning dorilarga sezgirligi, ko'rsatkichlari va operatsiya vaqtini hisobga olgan holda tanlanadi. Epidural, maxalliy va umumiy narkoz qo'llaniladi. Oddiy xolatda jarroxlik amaliyoti taxminan 1 soat davom yetadi. Bo'g'imga qon oqimini kamaytirish uchun bemorning son o'rta uchligiga jgut qo'yiladi. Asboblar va kamerani kiritish uchun tizza sohasida 2 ta 4-7 mm kesma qilinadi. Tozalash va yuvish amalga oshiriladi. Asboblar olib tashlanadi va fiziologik eritma chiqariladi. Agar kerak bo'lsa, antibiotiklar va yallig'lanishga qarshi dorilar yeritmasi qo'llaniladi. Kesmaga choklar va steril bintlar qo'yiladi. Jaroxat soxasiga bosuvchi bog'lam va muz qo'yiladi.

Artroskopik xondroplastika.

Abraziv va mikro-yoriq xondroplastikaning texnikasi mezenximal suyak iligi ildiz hujayralarini nuqsonlarga kiritish bilan tolali tog'ay to'qimalarining yangilanishini rag'batlantirish bilan asosiy suyakka mexanik kirib borishni o'z ichiga oladi. Artroskopik xondroplastika odatda 30 yoshgacha bo'lgan, aniq cheklangan III darajali jarohatlari bo'lgan odamlar uchun amalga oshiriladi; og'ir darajadagi

shikastlanishlar uchun bunday amaliyot mumkun emas. Bunday jarrohlik aralashuvlarning ijobiy va salbiy tomonlari bor va ular sport tibbiyotida o'z qo'llanilishini topdi. Klinik jihatdan xondromallyatsiyani davolash farqli emas, ammo funktsional nuqtai nazardan bo'g'imlardagi harakat hajmi to'liq darajada qaytadi.

Tog'ay regeneratsiyasi uchun xususiy xondrositlarini implantatsiyasi, suyak-tog'ay auto- yoki allotransplantatsiyasi, parchalangan suyak-tog'ay (mozaikali plastika) bilan plastik jarrohlik amalga oshiriladi.

Xususiy xondrositlarini implantatsiya qilish son suyagi dongligi tog'ay shuntlari orqali amalga oshiriladi. Birinchi, bemorning xondrositlari yig'ib olinadi, o`stiriladi, keyin ular periosteal patologik to'qimalardan tozalangan bo'g'im sirt nuqsoniga ekiladi. Uzoq muddatli tadqiqotlarga ko'ra, 79% hollarda yaxshi va ajoyib natijalarga erishildi. Usul yoshlarga (20-50 yosh), faol bemorlarga, izolirlangan (2-4 sm2) son do'nglari tog'ay qoplamasining travmatik nuqsonlari bilan ko'rsatiladi. Son suyagi tizza qoqog'i yuzasi yoki tizza qopqog'i bo'g'im yuzasidagi nuqsonlarni tuzatish natijalari sezilarli darajada yomonroq.

Qo'llash mumkin bo'lmagan holatlarga osteoartrit, tizza qopqog'ining nostabilligi yoki yarim chiqish xolati va o'tmishda qilingan meniskektomiya amaliyoti kiradi.

Hozirgi vaqtda autoxondroplastika (suyak-tog'ay autotransplantati transplantatsiyasi va mozaik plastik jarrohlik) juda yaxshi uzoq muddatli natijalarni ko'rsatmaydi, texnik, klinik sinovlardan o'tmoqda va takomillashtirilmoqda. Patellektomiya va tizza qopqog'ini konturlash plastikasi og'riq tufayli sezilarli funktsional buzilishlarni keltirib chiqaradigan, tarqalgan tizza qopqog'i jarohatlari uchun, shuningdek, boshqa muolajalar kerakli ta'sir ko'rsatmagan bo'lsa qo'llaniladi.

Tizza qopqog'i xondromallyatsiyasini oldini olish:

Tizza bo'g'imi shakllanishi va barqarorlashuvida ishtirok etadigan mushaklarning kuchini saqlash;

To'g'ri jismoniy mashqlar va mashg`ulot vaqtida tizza bo'g'imiga yuk bilan chiniqish jaroxatlardan qochishga yordam beradi;

Tana vaznini nazorat qilish. Haddan tashqari tana vazni va jismoniy harakatsizlik, hatto kichik yuklarda ham tizzadan jarohat olish imkoniyatini oshiradi;

Cho'zilish. elastik mashqlari bilan moslashuvchanlikni oshirish;

Harakatlarning intensivligini asta-sekin oshirish. Jismoniy mashqlar va jismoniy faollik intensivligidagi keskin o'zgarishlardan saqlanish;

Oyoq kamarini to'g'rilash va yukni to'g'ri taqsimlash uchun poyabzalni ehtiyotkorlik bilan, tekis oyoq kiyim tanlash, induidual ortopedik stelkadan foydalanish kerak.

Tizza qopqog'i xondromallyatsiyasi uchun prognoz:

To'g'ri tanlangan davolanish, reabilitatsiya va tibbiy yordamning yetarli usullari tog'ay qavatning yo'qolgan elastikligini va mushaklarning yo'qolgan elastikligini tiklashga imkon beradi. Muammoni hal qilishda kompleks yondashuv, shuningdek, shifokorning barcha tavsiyalariga qat'iy rioya qilish odatiy turmush tarzini deyarli to'liq tiklashga olib keladi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Brittberg M. Evaluation of cartilage injuries and cartilage repair // Osteologie. 2000.Vol.9. -P. 17-25.
2. Elias J.J., Cosgarea A.J. Technical errors during medial patellofemoral ligament reconstruction could overload medial patellofemoral cartilage: a computational analysis // Am. J. Sports Med. 2006. -Vol.34. -P. 14781485.
3. Gavenis K., Schmidt-Rohlfing B., Mueller-Rath R, Andereya S., Schneider U. In vitro comparison of six different matrix systems for the cultivation of human chondrocytes // In Vitro Cell Dev. Biol. Anim. -2006 May-Jun. -Vol.42. -P. 159-167.
4. Sanchis-Alfonso V. Anterior knee pain and patellar instability// Springer-Verlag London.-2006.-P.63.
5. Thijs Y., De Clercq D., Roosen P., Witvrouw E. Gait-related intrinsic risk factors for patellofemoral pain in novice recreational runners // Br. J. Sports Med. 2008 Jun. -Vol.42. -P.466-471.
6. Tom A., Fulkerson J.P. Restoration of native medial patellofemoral ligament support after patella dislocation // Sports Med. Arthrosc. -2007. -Vol. 15-P.68-71.
7. Zaffagnini S., Dejour D., Arendt E.A. Patellofemoral Pain, Instability, and Arthritis//Berlin. Springer-Verlag.-2010.-P.17.
8. Архипов С.В. Клиника, диагностика и лечение вывихов надколенника у взрослых. Автореф. дис. канд. мед. наук-М., 1985 - 15 с.
9. Гиршин С.Г. Оперативное лечение повреждений коленного сустава в остром периоде травмы.: Дис. . д-ра мед. наук. М., 1993 .
10. Уфимов А.И. Воскресенский Г.К. Ректо-аддукторная лавсанопластика по И.А. Мовшовичу при привычном вывихе надколенника // Всесоюз.семинар по применению полимерных материалов в травматологии и ортопедию-М.,1974.-С.93-95.
11. Ушакова О.А. Ортопедо хирургические и артроскопические методы диагностики, профилактики и лечения гонартроз // Автореф. дис. . д-ра мед. наук. -М., 1990. 44с.
12. Шойлев Д. Спортивная травматология // Пер. с болг. София: Медицина и физкультура, 1986. -С. 320-349

УЎК: 616.092.11

ЮРАК ИШЕМИК КАСАЛЛИКЛАРИДА УМУМИЙ ҚОН ТАҲЛИЛ КЎРСАТКИЧИНИНГ ТРИМЕТИЛАМИН-N-ОКСИД ДАРАЖАСИГА БОҒЛИҚ РАВИШДА ЎЗГАРИШИ

Холиқова Д.С.
Андижон давлат тиббиёт институти

Annotatsiya

Бутун дунёда юрак қон-томир тизими хасталиклари айниқса юрак ишемик касалликлари ўлим кўрсаткичларининг асосий сабабларидан ҳисобланади.

Юртимизда ҳозирги кунга келиб, юрак ишемик касаллигини (ЮИК) даволашда қатор самарали дори воситалари қўлланиб келинишига қарамасдан, ҳанузгача улардан ўлим хавфи юқорилигича қолмоқда. Янги замонавий лаборатор ва инструментал ташхислаш усулларини жорий этилиши ва амалиётга кириб келиши инсон ичакларидаги микробиота таркибини ва метаболик фаоллиги билан боғлиқ турли касалликларни ўрганишга янгича шароитлар яратди. ЮИКнинг кўп ҳолатларида, ичак микробиотасини ва моддалар алмашинувининг бузилиши кузатилади. Ичак микробиотасини меъёрда бўлиши инсон саломатлигини белгиловчи муҳим омиллардан биридир. Аммо ичакнинг дисбиотик ҳолати ҳар хил касалликларни ва шу қаторда ЮИКга сабаб бўлувчи атеросклерозни ҳам келтириб чиқаради. Шунинг учун ҳам аҳоли ўртасида ичак дисбиози сабабли юзага келадиган юрак касалликлари ва уларнинг асоратларини эрта ташхислаш, олдини олиш ва даволашга янгича ёндошиш муҳим аҳамият касб этади.

Тадқиқотнинг мақсади: Юрак ишемик хасталаликларида ичак микробиотасининг метаболик фаоллиги ўрганилганда умумий қон таҳлил кўрсаткичининг Триметиламин-N-оксид даражасига боғлиқлигини аниқлаш.

Материаллар ва усуллар:Тадқиқот юрак ишемик касаллиги билан хасталанган 90 нафар беморда ва 30 нафар ЮИК билан хасталанмаган соғлом назорат гурухида ўтказилди. Барча тадқиқотга жалб қилинганлар қонида умумий қон таҳлили, триметиламин-N-оксид ва фекал микрофлора ҳолати даволашдан олдин ва кейин ўрганилди.

Натижалар: Юрак ишемик касаллиги билан хасталанган беморларда умумий қон таҳлил кўрсаткичларининг ТМАОга таъсири бахоланди.

Хулоса: ТМАО концентрациясининг қонда ортиши оқибатида кузатувдагиларни умумий қон таҳлили кўрсаткичларида гемоглобинни 10 баробар пасайиши аниқланди [OR = 0.09]. Эйлер константаси асосида ҳисобланган ишонч интервали ва Фишернинг Р қиймати ёрдамида олинган натижалар статистик аҳамиятли эканлигини кўрсатилди [CI 95% (0.02-0.32) p-value <0.001]. Ундан ташқари гемоглобинни ўрта оғир даражада 5.2 баробар пасайиш эҳтимоли асосланди [OR = 5.19].

Kalit so'zlar: юрак ишемик касаллиги, микробиота, триметиламин-N-оксид, гемоглобин, эритроцит, ранг кўрсаткич.

SURGICAL METHODS FOR THE TREATMENT OF ESOPHAGEAL BLEEDING: A REVIEW OF THE LITERATURE AND IMPROVED TACTICS.

Kholikova D.S.
Andijan State Medical Institute

Abstract

All over the world, diseases of the cardiovascular system, especially ischemic heart diseases, are among the main causes of death.

Despite the fact that a number of effective drugs are used in the treatment of ischemic heart disease (IHD) in our country, the risk of death from them is still high. The introduction of new modern laboratory and instrumental diagnostic methods and introduction into practice created new conditions for studying the composition of microbiota in human intestines and various diseases related to metabolic activity. In most cases of IHD, intestinal microbiota and metabolic disorders are observed. The balance of intestinal microbiota is one of the important factors determining human health. But the dysbiotic state of the intestine causes various diseases, including atherosclerosis, which causes IHD. Therefore, a new approach to the early diagnosis, prevention, and treatment of heart diseases and their complications caused by intestinal dysbiosis among the population is important.

The proposed Determination of the dependence of the general blood analysis indicator on the level of Trimethylamine-N-oxide when studying the metabolic activity of intestinal microbiota in ischemic heart diseases.

Material and methods: The study was conducted in 90 patients with ischemic heart disease and 30 healthy controls without coronary artery disease. Blood analysis, trimethylamine-N-oxide, and fecal microflora status of all study participants were studied before and after treatment.

Results: The effect of complete blood analysis parameters on TMAO in patients with ischemic heart disease was evaluated.

Conclusion: A 10-fold decrease in hemoglobin in the total blood analysis of the subjects was found due to the increase in the concentration of TMAO in the blood [OR = 0.09]. Using Euler's constant confidence interval and Fisher's R value, the results were shown to be statistically significant [CI 95% (0.02-0.32) p-value <0.001]. In addition, 5.2 times the probability of a moderate decrease in hemoglobin was established [OR = 5.19].

Keywords: ischemic heart disease, microbiota, trimethylamine-N-oxide, hemoglobin, erythrocyte, color index.

ИЗМЕНЕНИЕ ПОКАЗАТЕЛЕЙ ОБЩЕГО АНАЛИЗА КРОВИ ПРИ ИШЕМИЧЕСКОЙ БОЛЕЗНИ СЕРДЦА В ЗАВИСИМОСТИ ОТ УРОВНЯ ТРИМЕТИЛАМИНА-N-ОКСИДА

Холикова Д.С.

Андижанский государственный медицинский институт

Аннотация

Во всем мире заболевания сердечно-сосудистой системы, особенно ишемическая болезнь сердца, входят в число основных причин смертности.

Несмотря на то, что в нашей стране при лечении ишемической болезни сердца (ИБС) применяется ряд эффективных препаратов, риск смерти от них по-прежнему высок. Внедрение и внедрение в практику новых современных лабораторных и инструментальных методов диагностики создали новые условия для изучения состава микробиоты кишечника человека и различных заболеваний, связанных с метаболической активностью. В большинстве случаев ИБС наблюдаются нарушения кишечной микробиоты и метаболические нарушения. Баланс кишечной микробиоты является одним из важных факторов, определяющих здоровье человека. Но дисбиотическое состояние кишечника вызывает различные заболевания, в том числе и атеросклероз, который вызывает ИВС. Поэтому важен новый подход к ранней диагностике, профилактике и лечению заболеваний сердца и их осложнений, вызванных дисбактериозом кишечника, у населения.

Цель исследования определение зависимости показателя общего анализа крови от уровня Триметиламин-N-оксида при изучении метаболической активности микробиоты кишечника при ишемической болезни сердца.

Материал и методы: Исследование проведено у 90 пациентов с ишемической болезнью сердца и 30 здоровых лиц без ишемической болезни сердца. Анализ крови, триметиламин-N-оксид и состояние фекальной микрофлоры всех участников исследования были изучены до и после лечения

Результаты: Оценено влияние показателей общего анализа крови на ТМАО у больных ишемической болезнью сердца.

Заключение: Обнаружено 10-кратное снижение гемоглобина в общем анализе крови испытуемых за счет повышения концентрации ТМАО в крови [ОШ = 0,09]. Используя постоянный доверительный интервал Эйлера и значение R Фишера, результаты оказались статистически значимыми [ДИ 95% (0,02–0,32), p-значение <0,001)]. Кроме того, установлена 5,2-кратная вероятность умеренного снижения гемоглобина [ОШ=5,19].

Ключевые слова: ишемическая болезнь сердца, микробиота, триметиламин-N-оксид, гемоглобин, эритроцит, цветовой показатель.

Долзарблиги. ЮИК билан хасталанганларнинг умумий қон таҳлил натижаларини ўрганиш учун Андижон давлат тиббиёт институти 1-терапия

бўлимида ётиб даволанган 90 нафар бемор ва 30 нафар соғлом кишилар тадқиқотга жалб қилинди. Изланиш давомида барча беморларда лаборатор текширувлар тўлиқ олиб борилди ва жами текширилганлар 120 нафарни ташкил этди. Уларда умумий қон кўрсаткичларини ўзгариши ўрганилди. Улар тўғрисидаги маълумотлар 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Триметиламин-N-оксид даражасига боғлиқ равишда умумий қон таҳлили кўрсаткичларини ўзгариши

Ўзгарувчанлар		ТМАО ортган	ТМАО меъёрида	P	Жами
		(N=90)	(N=30)		(N=120)
Гемоглобин	Меъёрида	14 (15,6%)	16 (53,3%)	<0.001	30 (25%)
	Енгил	32 (35,6%)	10 (33,3%)		42 (35%)
	Ўрта оғир	42 (46,7%)	3 (10.0%)		45 (37.5%)
	Оғир	2 (2,2%)	1 (3,3%)		3 (2.5%)
Эритроцит-лар	Меъёрида	18 (20,0%)	25 (83.3%)	<0.001	43 (35,8%)
	Патология	72 (80,0%)	5 (16.7%)		77 (64,2%)
Қонни ранг кўрсатгичи	Гипохром	69 (76,7%)	13 (43,3%)	<0.001	82 (68.3%)
	Меъёрида	21 (23,3%)	17 (56,7%)		38 (21.7%)
ЭЧТ	Меъёрида	62 (68,9%)	23 (76,7 %)	0.977	85 (70,8%)
	Патология	28 (31,1%)	7 (23,3%)		35 (29,2%)
Лейкоцитлар миқдори	Лейкоцитоз	22 (24,4 %)	12 (40,0 %)	0.314	34 (28,3%)
	Меъёрида	68 (75,6 %)	18 (60.0%)		86 (71,7%)
Сегмент ядролилар	Меъёрида	81 (90%)	28 (93,3%)	0.385	109 (90,8%)
	Патология	9 (10 %)	2 (6,7%)		11 (9,2%)

Натижада 1, 2, 3чи гуруҳлар орасида гемоглобин пасайиши кузатилди ва у 30 (25%) нафар беморда меъёр даражасида кузатилди, енгил 42 (35%), ўрта оғир 45 (37,5%) ва оғир 3 нафар (2,5%) тадқиқотга жалб этилганларда аниқланди (p<0,001). Шунингдек айрим беморларда унинг ортиши ҳам қайд этилди. Қонни ранг кўрсаткичини ўрганганимизда ТМАО ортиши билан гипохром камконлик кузатилиши 82 нафар беморларда 68,3% аниқланди. (p<0,001). Қонда лейкоцитлар (p<0,314), лимфоцитлар (p<0,385), ва эритроцитлар чўкиш тезлигига (p<0,977) ишончли тарзда ўзгаришлар ТМАО кўрсаткичи ўзгариши билан аниқланмади.Аниқланган боғлиқлик даражаси қуйида келтирилган расмларда ифодаланган.

1- расмда гемоглобин миқдорининг ТМАО даражасига боғлиқ ҳолда ўзгариши келтирилган. Расмда келтирилганидек аёлларда ТМАО ортишига параллел равишда гемоглобинни 2 баробарга пасайиши кузатилди.



1-расм. Кузатувдагиларда гемоглобин кўрсаткичини триметиламин N-оксид таъсирида ўзгариши.

Аксинча ТМАО паст бўлган беморларда гемоглобин юқори кўрсаткичга эга бўлди ва бу жараённи ўзаро боғлиқлиги ишончли эканлиги қайд этилди (p<0,001).

Қон таҳлилида меъёрдаги кўрсаткичлар асосан назорат гуруҳидаги беморларда кузатилди. Қолган барча асосий гуруҳдагиларда гемоглобин, эритроцитлар, лейкоцитлар, қон ранг кўрсаткичи ва сегмент ядроли шаклли элемент кўрсаткичларини пасайиши триметиламин N-оксидни ортиши билан параллел кечди. Ушбу кўрсаткичларни ишончлилик даражаси 3-жадвалда келтирилган.

Юқоридаги расмларда келтирилганидек қонда ТМАО концентрациясининг ортишига мос равишда кузатувга олинганларнинг умумий қон таҳлили кўрсаткичларида ҳам ўзгаришлар кузатилди. Жумладан,унинг миқдорини меъёрдан ортиқча бўлиши гемоглобин кўрсаткичларини ишончли пасайганлигини кўрсатди [OR = 0.09]. Эйлер константаси асосида хисобланган ишонч интервали ва Фишернинг P қиймати ҳам олинган натижалар статистик ишончли эканлигини тасдиқлади [CI 95% (0.02-0.32) p-value <0.001].

2-жадвал

Тадқиқотга жалб қилинган тўртала гуруҳ беморлар умумий қон таҳлили кўрсаткичлари

Ўзгарувчанлар		1-гуруҳ (N=30)	2-гуруҳ (N=30)	3-гуруҳ (N=30)	4-гуруҳ (N=30)	P	Жами (N=120)
Гемогло-бин	Меъёрда	3 (10.0%)	6 (20%)	5 (16,7%)	16 (53.3%)	<0,001	30 (25%)
	Енгил	13 (43,3%)	10 (33,3%)	9 (30,0%)	10 (33,3%)		42 (35 %)
	Ўрта оғир	14 (46,7%)	13 (43.3%)	15 (50%)	3 (10,0%)		45 (37.5%)
	Оғир	1 (3,3%)	1 (3.3%)	0 (0,0%)	1 (3,3%)		3 (2.5%)
Эритроцит	Меъёрда	6 (20,0%)	6 (20,0%)	6 (20,0%)	25 (83.3%)	<0,001	43 (35,8%)
	Патоло-гия	24 (80,0%)	24 (80,0%)	24 (80,0%)	5(16.7%)		77 (64,2%)
Қон ранг кўрсатгичи	Гипо-хром	26 (86.7%)	26 (86.7%)	17 (56.7%)	13 (43.3%)	<0,001	82 (68.3%)
	Меъёрда	4 (13.3%)	4 (13.3%)	13 (43.3%)	17 (56.7%)		38 (31.7%)
Эритроцит чўкиш тезлиги	Меъёрда	22 (73.3%)	24 (80.0%)	16 (53.3%)	23 (73.3%)	0.977	85 (70,8%)
	Патоло-гия	8 (26.7%)	6 (20.0%)	14 (46.7%)	7 (26.7%)		35 (29,2%)
Лейкоцит миқдори	Лейко-цитоз	7 (23,3%)	7 (23,3%)	8 (26.7%)	12 (40.0%)	0.314	34 (28,3%)
	Меъёрда	23 (76,7%)	23 (76,7%)	22 (73,3%)	18 (60.0%)		86 (71,7%)
Сегмент ядроли	Меъёрда	27 (90,0%)	27 (90,0%)	27 (90,0%)	28 (93.3%)	0.385	109 (90,8%)
	Патоло-гия	3 (10,0%)	3 (10,0%)	3 (10,0%)	2 (6,7%)		11 (9,2%)

Юқоридаги расмларда келтирилганидек қонда ТМАО концентрациясининг ортишига мос равишда кузатувга олинганларнинг умумий қон таҳлили кўрсаткичларида ҳам ўзгаришлар кузатилди. Жумладан,унинг миқдорини меъёрдан ортиқча бўлиши гемоглобин кўрсаткичларини ишончли пасайганлигини кўрсатди [OR = 0.09]. Эйлер константаси асосида хисобланган ишонч интервали ва Фишернинг P қиймати ҳам олинган натижалар статистик ишончли эканлигини тасдиқлади [CI 95% (0.02-0.32) p-value <0.001].

3-жадвал

Кузатувга олинган беморлар қон кўрсаткичларини ишончлилик даражалари

Ўзгарувчанлар	OR	95 CI	P		
Гемоглобин	Меъерида	Ref.			
	Енгил	0,09	0,02	0,32	<0,001
	Оғир	579,29	0	0	0,991
	Ўрта оғир	5,19	1,44	24,7	0,019
Эритроцит	Меъёрида	Ref.			
	Патология	25,00	8,41	93	<0,001
Қон ранг кўрсатгич	Меъерида	Ref.			
	Гипохром	0,12	0,04	0,31	<0,001
Эритроцитларнинг чўкиш тезлиги	Меъёрида	Ref.			
	Патология	0,86	0,32	2,48	0,772
Лейкоцит миқдори	Меъерида	Ref.			
	Лейкоцитоз	1,77	0,7	4,37	0,216
Сегмент ядроли	Меъёрида	Ref.			
	Патология	2,16	0,62	8,82	0,244

ТМАО даражасини қонда меъёрдан ортиқча бўлиши “эритроцит” кўрсаткичининг патологик пасайиб кетиш эҳтимоллигини 25 баробарга ортишига сабаб бўлиши клиник тасдиқланди [OR = 25.00], Эйлер константаси асосида ҳисобланган ишонч интервали ва Фишернинг P қиймати ҳам олинган натижалар статистик ишончли эканлигини кўрсатди [CI 95% (8.41-93.00) p-value <0.001].

Шунингдек, унинг миқдорини қонда меъёрдан ортиқча бўлиши “қон ранг кўрсатгич” даражасини нормада бўлиш эҳтимоллигини 9 баробарга пасайтириб юбориши мумкинлигини кўрсатди [OR = 0.12]. Эйлер константаси асосида хисобланган ишонч интервали ва Фишернинг P қиймати ҳам олинган натижалар статистик ишончли эканлигини тасдиқлади [CI 95% (0.04-0.31) p-value <0.001].

ТМАО миқдорини қонда меъёрдан ортиқча бўлиши “Эритроцитларнинг чўкиш тезлиги”га бўлган таъсири кучсиз эканлиги аниқланди [OR = 0.86]

Эйлер константаси асосида ҳисобланган ишонч интервали ва Фишернинг Р қиймати ёрдамида эса ушбу таъсир статистик ишончли эканлиги қайд этилди [CI 95% (0.32-2.48) p-value =0.772].

Ўтказилган таҳлиллар асосида ТМАО миқдорини меъёрдан ортиқча бўлиши “Лейкоцитлар кўрсаткичини” нормада бўлиш эҳтимоллигини 1.7 баробар юқорилигига олиб келиши тасдиқланди [OR = 1.77]. Лекин, Эйлер константаси асосида хисобланган ишонч интервали ва Фишернинг Р қиймати ушбу таъсир статистик аҳамиятга эга эмаслигини кўрсатди [CI 95% (0.7-4.37) p-value =0.216].

ТМАО миқдорини меъёридан ортиқча бўлиши “Сегмент ядроли” ҳужайралар кўрсаткичининг патологик даражада бўлиш эхтимоллигини 2.16 баробар ортишига сабаб бўлишини кўрсатди [OR = 2.16], лекин, Эйлер константаси асосида хисобланган ишонч интервали ва Фишернинг Р қиймати ушбу таъсир статистик аҳамиятга эга эмаслигини тасдиқлади [CI 95% (0.62-8.82) p-value =0.244].

Хулосалар.

Ушбу маълумотларга асосланиб, тадқиқотга жалб қилинган беморларда ТМАО ва ХЦК-8 миқдори ўрганилди ва уларни ичак микробиотасини ўзгаришига таъсири баҳоланди.

1.ТМАО концентрациясининг қонда ортиши оқибатида кузатувдагиларни умумий қон таҳлили кўрсаткичларида гемоглобинни 10 баробар пасайиши аниқланди.

2.Шунингдек, ТМАО миқдорини меъёрдан ортиқча бўлиши “Эритроцит” кўрсаткичининг патологик даражада пасайиб кетиш эхтимоллигини 25 баробарга ортишига сабаб бўлиши клиник асосланди.

3.ТМАО миқдорини меъёрдан ортиқча бўлиши “Қон ранг кўрсатгичини” ҳам 9 баробар пасайишга клиник сабаб бўлиши қайд этилди.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Brittberg M. Evaluation of cartilage injuries and cartilage repair // Osteologie. 2000.Vol.9. -P. 17-25.
2. Elias J.J., Cosgarea A.J. Technical errors during medial patellofemoral ligament reconstruction could overload medial patellofemoral cartilage: a computational analysis // Am. J. Sports Med. 2006. -Vol.34. -P. 14781485.
3. Gavenis K., Schmidt-Rohlfing B., Mueller-Rath R, Andereya S., Schneider U. In vitro comparison of six different matrix systems for the cultivation of human chondrocytes // In Vitro Cell Dev. Biol. Anim. -2006 May-Jun. -Vol.42. -P. 159-167.

4. Sanchis-Alfonso V. Anterior knee pain and patellar instability// Springer-Verlag London.-2006.-P.63.
5. Thijs Y., De Clercq D., Roosen P., Witvrouw E. Gait-related intrinsic risk factors for patellofemoral pain in novice recreational runners // Br. J. Sports Med. 2008 Jun. -Vol.42. -P.466-471.
6. Tom A., Fulkerson J.P. Restoration of native medial patellofemoral ligament support after patella dislocation // Sports Med. Arthrosc. -2007. -Vol. 15-P.68-71.
7. Zaffagnini S., Dejour D., Arendt E.A. Patellofemoral Pain, Instability, and Arthritis//Berlin. Springer-Verlag.-2010.-P.17.
8. Архипов С.В. Клиника, диагностика и лечение вывихов надколенника у взрослых. Автореф. дис. канд. мед. наук-М., 1985 - 15 с.
9. Гиршин С.Г. Оперативное лечение повреждений коленного сустава в остром периоде травмы.: Дис. . д-ра мед. наук. М., 1993 .
10. Уфимов А.И. Воскресенский Г.К. Ректо-аддукторная лавсанопластика по И.А. Мовшовичу при привычном вывихе надколенника // Всесоюз.семинар по применению полимерных материалов в травматологии и ортопедию-М.,1974.-С.93-95.
11. Ушакова О.А. Ортопедо хирургические и артроскопические методы диагностики, профилактики и лечения гонартроз // Автореф. дис. . д-ра мед. наук. -М., 1990. 44с.
12. Шойлев Д. Спортивная травматология // Пер. с болг. София: Медицина и физкультура, 1986. -С. 320-349

УЎК: 616.379-008.64

ҚАНДЛИ ДИАБЕТНИНГ 2-ТУРИ БИЛАН ОҒРИГАН БЕМОРЛАРДА ЮРАК ҚОН-ТОМИР АСОРАТЛАРИ РИВОЖЛАНИШИДА ДЕМОГРАФИК КЎРСАТКИЧЛАРНИ ТАҲЛИЛИ

Шагазатова Б.Х.[1], Мирхайдарова Ф.С.[1], Адилова Н.Ш.[1], Салиева Ш.Б.[2]
Тошкент тиббиёт академияси[1]
Андижон Давлат тиббиёт институти[2]

Аннотация

Қандли диабет 2-тури – бу бутун дунёдаги одамларга таъсир қиладиган ташхис.

Ўзбекистон аҳолиси орасида қандли диабетнинг 2-тури кенг тарқалганлиги муносабати билан диабетнинг турли асоратлари ривожланиши бўйича статистик маълумотлар ўрганилди. Тошкент шаҳри ва қўшни вилоятлардаги шифохоналарга борган беморлар ҳақида маълумотлар олинди. Тадқиқот учун махсус асоратлари ёки оғир соматик касалликлари бўлмаган беморлар танланган. Натижаларни аниқлаштириш учун демографик кўрсаткичларга қараб қандли диабет 2-тури билан оғриган беморларда юрак-қон томир касалликлари ва семиришнинг ривожланиши ўрганилди. Ушбу тадқиқот натижалари асосида қандли диабет асоратлари ва уларнинг ҳудудларда тарқалишининг олдини олиш чора-тадбирларини такомиллаштириш мақсадида демографик кўрсаткичлар бўйича қандли диабет 2-тури асоратларининг ривожланишининг демографик кўрсатқичлари ўрганилди.

Калит сўзлар: 2-тоифа қандли диабет, асоратлар, юрак-қон томир касалликлари, семириш, демографик кўрсаткичлар.

ANALYSIS OF DEMOGRAPHIC INDICATORS IN THE DEVELOPMENT OF CARDIOVASCULAR COMPLICATIONS IN PATIENTS WITH DIABETES TYPE 2

Shagazatova B.H.[1], Mirkhaydarova F.S.[1], Adilova N.Sh.[1], Salieva Sh.B.[2]
Tashkent medical academy[1]
Andijan State Medical Institute[2]

Abstract

Diabetes type 2 is a diagnosis that affects people all over the world.

Due to the widespread prevalence of diabetes type 2 among the population of Uzbekistan, a study was conducted on the statistical data on the development of various complications of diabetes. Data were taken from patients who visited hospitals in the city of Tashkent and neighboring regions. Patients without any particular complications and severe somatic diseases

were selected for the study. To clarify the results, the development of cardiovascular diseases and obesity in patients with type 2 diabetes mellitus were studied depending on demographic indicators. Based on the results of this study, the development of complications of type 2 diabetes mellitus was studied in detail according to demographic indicators in order to improve measures to prevent complications of diabetes mellitus and their spread in the territories.

Keywords: diabetes type 2, complications, cardiovascular diseases, obesity, demographic indicators.

АНАЛИЗ ДЕМОГРАФИЧЕСКИХ ПОКАЗАТЕЛЕЙ В РАЗВИТИИ СЕРДЕЧНО-СОСУДИСТЫХ ОСЛОЖНЕНИЙ У БОЛЬНЫХ САХАРНЫМ ДИАБЕТОМ 2 ТИПА

Шагазатова Б.Х.[1], Мирхайдарова Ф.С.[1], Адилова Н.Ш.[1], Салиева Ш.Б.[2]

Ташкентская медицинская академия[1]

Андижанский государственный медицинский институт[2]

Аннотация

Сахарный диабет 2 типа – диагноз, которым страдают во всем мире.

В силу широкого распространения сахарного диабета 2 типа среди населения Узбекистана было проведено исследование статистических данных развития различных осложнений СД. Были взяты данные пациентов, которые обращались в больницы в городе Ташкент и соседних областях. Для исследования были отобраны больные без особых осложнений и тяжелых соматических заболеваний. Для выяснения результатов были исследованы развитие сердечно-сосудистых заболевай и ожирения у больных сахарным диабетом 2 типа в зависимости от демографических показателей. По результатам данного исследования было подробно изучено развитие осложнений СД 2 типа согласно демографическим показателям с целью улучшения мер по профилактике осложнений сахарного диабета и их распространения на территориях.

Ключевые слова: сахарный диабет 2 типа, осложнения, сердечно-сосудистые заболевания, ожирение, демографические показатели.

Дунёда қандли диабет (ҚД) кенг тарқалганлиги, сурункали кечиши, беморлар сонининг тобора ўсиб бориши, юқори ногиронлик ва ўлим кўрсаткичларига олиб келиши туфайли глобал миқёсдаги долзарб тиббий ҳамда ижтимоий муаммолар қаторига киради. Ушбу патологиянинг тез тарқалишини ҳисобга олган ҳолда, Халқаро диабет федерацияси мутахассислари «... 2045 йилга келиб, қандли диабетнинг 2-тури билан касалланганлар сонининг 783 миллионгача кўпайишини тахмин қилмоқдалар». Қандли диабетнинг 2-турига чалинган беморларда юрак қон-томир касалликлари билан касалланиш

даражаси юқори ҳисобланади, юрак ишемик касаллигининг учраши 4 баробар юқори бўлса, ўлим кўрсаткичи оддий аҳоли популяциясига нисбатан 1,5-3,6 мартага баланддир. Ҳаёт давомийлиги ва сифатини пасайтирувчи юрак ва периферик артериялар етишмовчилиги, микротомир асоратларни келиб чиқишида қандли диабет асосий ҳавф омили саналади. ЖССТ 2021 йилдаги маълумотларига кўра, қандли диабет билан касалланиш беморлар хаёт давомийлигини 4-8 йилга қисқартиради.

Қандли диабетнинг энг кўп учровчи асоратларидан бири бу юрак етишмовчилигидир, унинг тарқалиши диабетга чалинган беморлар орасида 22%ни ташкил қилади ва бу кўрсаткич кундан кунга ўсиб бормоқда. Турли тадқиқот натижаларига кўра, юрак етишмовчилиги қандли диабетга чалинган бироқ, юрак ишемик касаллиги, артериал гипертензия ва юрак клапанлари нуқсонлари бўлмаган беморларда ҳам ривожланиши аниқланган. Юрак етишмовчилиги айрим беморларда юрак қон-томир касалликларини манифестациясида ҳам кузатилиши мумкин. Охирги 10 йилликда қандли диабетнинг тарқалиши (айниқса 2-турини) бутун дунёда 30% га ўсди ва шу билан биргаликда юрак қон-томир касалликлари оқибатида юзага келувчи ўлим кўрсаткичи хамон етакчилигича қолмоқда.

Тадқиқот мақсади. Қандли диабетнинг 2-тури билан оғриган беморларда юрак қон-томир асоратлари ривожланишида демографик кўрсаткичларни таҳлил қилиш.

Тадқиқот материаллари ва усуллари. Тадқиқот 2022-2024 йиллар давомида Тошкент шахри ва вилоят клиник шифохоналарига мурожаат қилган қандли диабетнинг 2-тури билан оғриган беморларда ўтказилган. Тадқиқотга 30 ёшдан кичик, хомиладор, қандли диабетнинг 1-тури, кетоацидоз ҳолатидаги ва бошқа оғир соматик касалликлари мавжуд беморлар жалб қилинмаган. Тадқиқотга жами 303 нафар бемор олинган бўлиб, уларнинг 147 нафари (49%) эркаклар ва 156 нафари (51%) аёлларни ташкил қилди. Эркакларнинг ўртача ёши 57,7±1,22, аёлларники 61,6±1,22 га тенг бўлди. Қандли диабетнинг давомийлиги эркакларда ўртача 8,1±0,4, аёлларда эса 9,3±0,4 йилга тўғри келди. Юрак қон томир касалликлари 39% эркакларда ва 46% аёлларда кузатилди. Семизлик эса эркакларнинг 21%, аёлларнинг 31% да қайд қилинди. Артериал гипертензия эса 38% эркакларда, 46% ҳолларда аёлларда аниқланди. Тадқиқотда беморлар демографик кўрсаткичлар бўйича клинико-анамнестик таҳлил қилинди ва юрак қон-томир касалликлари ҳавф омиллари баҳоланди.

Тадқиқот натижалари. Тадқиқотга жалб қилинган беморларда қон-томир асоратлар ривожланишида ҳавф омили сифатида беморлар ёши ўрганилди (1-расм). Бунда 30 ёш фақатгина 1 нафар эркакда кузатилди. 30-

39ёш, 40-49 ёшлилар орасида аёллар устунлик қилса, 50-59ёш, 60-69 ёш, 70-79 ва 80-89 ёшдагилар орасида эркаклар устунлик қилди.



1-расм. Тадқиқотдаги беморларнинг ёши ва жинси бўйича тақсимланиши.

Бу эса аёллар нисбатан ёшроқ қандли диабет билан оғриши, 50 ёшгача шифохоналарга фаолроқ мурожаат қилади деган хулосани беради.

Кейинги ҳавф омили сифатида ортиқча тана вазнини таҳлил қилиш учун тана вазни индекси ўрганилди. Бунда тана вазни етишмовчилиги 1 нафар беморда кузатилган бўлса, меъёрий тана вазни 30 нафар беморда (эркаклар-16, аёллар-14 нафар) аниқланди ва бу тадқиқотдаги беморларнинг 10% га тенг бўлди. Ортиқча тана вазни 111 нафар беморда аниқланиб (эркаклар-43, аёллар-68 нафар) 37% ни ташкил қилди. 58 нафар эркаклар ва 46 нафар аёлларда семизликнинг 1-даражаси кузатилди ва бу умумий фоиз ҳисобида 34% бўлди. Семизликнинг 2-даражаси 14% (эркаклар-25, аёллар-17 нафар), 3-даражадаги семизлик 5% га (эркаклар-12, аёллар-2 нафар) тенг бўлди. Бу кўрсаткичлар қуйидаги расмда (2-расм) ўз ифодасини топган.



2-расм. Тана вазни индекси бўйича тадқиқотдаги беморларни тақсимоти.

Қандли диабет билан касалланишнинг давомийлигига кўра беморлар 3 гуруҳга ажратилган: 5 йилгача касалланганлар, 5 йилдан 10 йилгача ва 10 йилдан кўп касалланганлар. 5 йилгача давомийликда касалланганлар 58 нафарни (ўртача ёши 53,4±1,1), улардан эркаклар 25 нафар ва аёллар 33 нафарни, 5-10 йилгача касалланганлар 153 кишини (ўртача ёши 59,5±1,2) ташкил қилиб, улардан 73 нафари эркаклар ва 80 нафари аёллардир. 10 йилдан узоқ касалланганлар 91 нафарни (ўртача ёши 64,2±1,2) ташкил қилиб, улар орасида эркаклар 58, аёллар 33 нафарга тенг бўлган. Бундан шуни кўриш мумкинки, аёллар қандли диабет билан бирмунча эрта 35-50 ёшлар атрофида касалланишади, эркакларда эса касалланиш 50-60 ёшларга тўғри келади.



3-расм. Қандли диабетнинг давомийлигига кўра гуруҳларга ажратилиши, кўк рангда эркаклар, қизилда аёллар берилган.

Тадқиқотдаги беморларда анамнези бўйича миокард инфаркти билан касалланиш ўрганилганда, 83% беморда кузатилмаган, фақатгина 17% бемор ушбу касаллик аниқланган. Уларда жинс бўйича таҳлил ўтказилганда, жами миокард инфаркти билан касалланганларнинг 40% аёллар, 60% эркаклар эканлиги аниқланди. Миокард инфаркт билан касалланиш ёши қандли диабет давомийлигига кўра таҳлил қилинганда, 5 йил стажли қандли диабетли беморларнинг 7% ида, 5-10 йилгача касалланганларда 17%, 10 йилдан узоқ давом этганларда 7% холатларда учради. Бу эса қандли диабетнинг давомийлиги 5 йилдан 10 йилгача бўлганларда миокард инфаркти билан касалланиш ҳавфи юқорилигини кўрсатади.

Тадқиқотдаги беморларда инсульт билан касалланиш ҳолатлари ўрганилганда, қуйидаги натижалар қайд этилди (4-расм):



4-расм. А)8% бемор анамнезида инсультнинг мажудлиги кўрсатилган;
Б) эркаклар орасида 43%, аёлларда 57% касалланиш кузатилган (P≤0,05).

Бу расмга кўра инсульт билан касалланиш қандли диабетнинг 2-тури билан касалланганлар орасида 8% ҳолатларда кузатилса, аёллар орасида эркакларга нисбатан ишончли юқори натижа қайд этилган.

Юқоридаги маълумотлар асосида қандли диабет билан касалланган беморларда бир неча кўрсаткичлар таҳлил қилинди. Бунда беморлар ёши 40-60 ёш орасида қандли диабетни учраши бошқа ёш гуруҳларига нисбатан ишончли юқори натижани кўрсатди. Аёл жинси вакиллар 35-55 ёшлар ўртасида диабетга чалиниши кўп учраса, эркаклар орасида эса бу кўрсаткич бирмунча кечроқ, яъни 55-65 ёшлар ўртасига тўғри келди. Тана вазни индекси кўрсаткичи бўйича семизликни учраши таҳлил қилинганда меъёрий вазнга эга беморлар 10%ни ташкил қилса, 37% беморлар ортиқча тана вазни, қолган 53% бемор эса семизликни турли даражалари кузатилган. Бу эса қандли диабетнинг ривожланишида ҳам , унинг асоратлари юзага келишида ҳам ортиқча вазннинг улуши катта эканлигини кўриш мумкин. Инфаркт ва инсульт учраши бўйича ишончли фарқни кўрсатмасада, аёллар орасида ушбу касалланишни юқорилиги қайд этилди.

Шундай қилиб, демографик кўрсаткичларни янада чуқурроқ ўрганиш, таҳлил қилиш ва бартараф этиш қандли диабет билан касалланган беморларда макро ва микро томир асоратлар ҳавфини пасайтиради ва беморлар ҳаёт сифатини оширади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Глущенко Г.А., Ирклиенко Г.Е. Сердечно-сосудистая заболеваемость – одна из важнейших проблем здравоохранения. Medicine and health care organization. -Россия. 2019. 4 (1):64-72.

2. Дедов И.И., Мокрышева Н.Г., Мельниченко Г.А. и др. Клинические рекомендации // Российская ассоциация эндокринологов. - 2020. — С.43.
3. Дедов И.И., Шестакова М.В., Мельниченко Г.А. и др. Междисциплинарные клинические рекомендации "Лечение ожирения и сопутствующих заболеваний" // Ожирение и метаболизм. — 2021. — Т. 18, №1. — С. 5-99.
4. Дедов И.И., Ткачук В.А., Гусев Н.Б. и др. Сахарный диабет 2 типа и метаболический синдром: молекулярные механизмы, ключевые сигнальные пути и определение биомишеней для новых лекарственных препаратов // Сахарный диабет. - 2018. — Т. 21, №5. — С. 364-375.
5. Жито А.В., Беленков Ю.Н., Привалова Е.В. и др. Структурные нарушения микроциркуляции у пациентов с ИБС в сочетании с СД 2-го типа и без него // Матер. XXII Научно-практической конференции «Российская наука в современном мире».- 2019.
6. Жито А.В., Юсупова А.О., Привалова Е.В., и др. Маркеры эндотелиальной дисфункции: Е-селектин, эндотелин-1 и фактор фон Виллебранда у пациентов с ишемической болезнью сердца, в том числе, в сочетании с сахарным диабетом 2 типа // Рациональная Фармакотерапия в Кардиологии.- 2019.- Т. 15, № 6. – С. 892-899.
7. Шестакова Е.А. Выбор второй линии терапии у пациентов сахарным диабетом 2- типа: активация метаболического памяти. Consilium medicum. 2019. 21 (1): 74-80.
8. Oo MM, et al. Observational study investigating the prevalence of asymptomatic stage B heart failure in patients with type 2 diabetes who are not known to have coronary artery disease. BMJ Open. 2021;11(1): e039869.
9. Echouffo-Tcheugui JB, Zhang S, Florido R, Hamo C, Pankow JS, Michos ED, Goldberg RB, Nambi V, Gerstenblith G, Post WS, et al. Duration of diabetes and incident heart failure: the ARIC (Atherosclerosis Risk In Communities) study. JACC Heart failure. 2021;9(8):594–603.
10. Yun JS, Ko SH. Current trends in epidemiology of cardiovascular disease and cardiovascular risk management in type 2 diabetes. Metabolism. 2021;123:154838.
11. Goodall R, Alazawi A, Hughes W, Bravis V, Salciccioli JD, Marshall DC, Crowley C, Shalhoub J. Trends in type 2 diabetes mellitus disease burden in European Union countries between 1990 and 2019. Sci Rep. 2021;11(1):15356–15356.
12. Gregg EW, Cheng YJ, Srinivasan M, Lin J, Geiss LS, Albright AL, Impera tore G. Trends in cause-specific mortality among adults with and without diagnosed diabetes in the USA: an epidemiological analysis of linked national

survey and vital statistics data. Lancet (London, England). 2018;391(10138):2430–40.

13. Luk AOY, Hui EMT, Sin MC, Yeung CY, Chow WS, Ho AYY, Hung HF, Kan E, Ng CM, So WY, et al. Declining trends of cardiovascular-renal com plications and mortality in type 2 diabetes: the hong kong diabetes database. Diabetes Care. 2017;40(7):928–35.
14. Vetrone LM, Zaccardi F, Webb DR, Seidu S, Gholap NN, Pitocco D, Davies MJ, Khunti K. Cardiovascular and mortality events in type 2 diabetes cardiovascular outcomes trials: a systematic review with trend analysis. Acta Diabetol. 2019;56(3):331–9.
15. Luo L-J, Wang D-D, Wang J, Yang F, Tang J-H. Diverse roles of miR-335 in development and progression of cancers. Tumor Biol. 2016. https://doi. org/10.1007/s13277- 016- 5385-3.
16. Jhund PS, McMurray JJ, Chaturvedi N, Brunel P, Desai AS, Finn PV, Haffner SM, Solomon SD, Weinrauch LA, Claggett BL, et al. Mortality fol lowing a cardiovascular or renal event in patients with type 2 diabetes in the ALTITUDE trial. Eur Heart J. 2015;36(36):2463–9.
17. Ma et al. Cardiovascular Diabetology 222 21 https://doi.org/10.1186/s12933-022-01516-6
18. Jin Joo Park. Epidemiology, Pathophysiology, Diagnosis and Treatment of Heart Failure in Diabetes. Diabetes Metab J 2021;45:146-157 https://doi.org/10.4093/dmj.2020.0282
19. Mozaffarian D, Benjamin EJ, Go AS, Arnett DK, Blaha MJ, Cushman M, et al. Heart disease and stroke statistics–2015 update: a report from the American Heart Association. Circulation. 2015;131(4):e29–322.
20. Rodica Pop-Busui,1 James L. Januzzi,2 Dennis Bruemmer et all. Heart Failure: An Underappreciated Complication of Diabetes. A Consensus Report of the American Diabetes Association https://doi.org/10.2337/dci22-0014
21. Rana JS, Liu JY, Moffet HH, Jaffe M, Karter AJ. Diabetes and prior coronary heart disease are not necessarily risk equivalent for future coronary heart disease events. J Gen Internal Med. 2016;31(4):387–93.

УЎК: 617.586-007.5:616-053.4-08

БОЛАЛАР ОЁҚ ПАНЖАСИ МАЙМОҚЛИГИНИ ДАВОЛАШДАГИ БИЗНИНГ ТАЖРИБАМИЗ

Ж.З.Ўринов., А.М., Б.Н., Давлатов., Қ.А. Қўлдашев., С.Б. Хотамов
Андижон Давлат тиббиёт институти

Аннотация

Мақолада хозирги кунда болаларда туғма оёқ деформациялари орасидаги энг долзарб муаммо булган маймоқлик касаллигига оид масалалар еритилган. Жумладан маймоқлик касаллигини даволашда замонавий, янги даво усулларини тадбиқ қилинишига карамай касалик туфайли ривожланган оек деформацияларни тўлиқ коррекция бўлишига кафолат берилмайди. Шу сабабли муалифлар томонидан болаларда даволаш усулларига: функционал даво усуллари, махкамлаш усуллари, физиотерапевтик даволаш усуллари, ортезлаш, медикаментоз ва оператив даволашлар таклиф килинган.

Калит сўзлар: туғма, маймоқлик, болалар.

OUR EXPERIENCE IN TNE TREATMENT OF CHILDREN`S WITH CONGENITAL CLUBFOOT

J.Z.Urinov., B.N.Davlatov, K.A.Kuldashev., S.B.Xotamov
Andijan State Medical Institute

Abstract

Currently, one of the topical issues of pediatric orthopedics is treatment and, to a greater degree, the development of relapses of congenital clubfoot. The authors, in order to prevent the development of relapses of surgical and conservative treatment of congenital clubfoot, offer a comprehensive treatment with the use of functional, correcting, drug and surgical treatment methods.

Keywords: congenital, clubfoot, children.

НАШ ОПЫТ ЛЕЧЕНИЯ ДЕТЕЙ С ВРОЖДЕННОЙ КОСОЛАПОСТЬЮ

Ж.З.Уринов., Б.Н.Давлатов, К.А. Кулдашев, С.Б. Хотамов
Андижанский государственный медицинский институт

Аннотация

В настоящее время одним из актуальных вопросов детской ортопедии является лечение и в большей степени вопросы развития рецедивов врожденной косолапости. Авторами с целью профилактики развития рецедивов хирургического и консервативного лечения врожденной косолапости предлогается комплексное проведение лечебных

мероприятий с применением функциональных, коррегирующих, медикаментозных и оперативных методов лечения.

Ключевые слова: врожденная, косолапость, дети.

Мавзунинг долзарблиги: Болаларда туғма маймоқликни даволашда замонавий, янги усуллар тадбиқ қилинаётганлигига қарамасдан, олинаётган натижалар баъзан ота-она ва мутахассисларни қониқтирмаётгани ва касалликнинг қайтовланиши, яъни рецидив холатлари кузатилмоқда.

Туғма маймоқлик болаларда кўп учрайдиган ортопедик касалликлардан бири хисобланиб, туғма сон суяги чиқишидан сўнг 2-ўринда туради. Болалардаги маймоқликни даволашнинг бир катор консерватив ва оператив усуллари тадбиқ қилинган, лекин даволаш усулларининг хеч бири касалликнинг тўлиқ коррекция бўлишига кафолат бера олмайди. Рецидив холатлари 11-36% беморларда кузатилади [1].

Изланишнинг мақсади: Андижон вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази шароитида даволанган болаларда қўлланилган даво усулларини бошқа ортопедия бўлимларига тадбиқ қилишдир.

Текширув усуллари ва материаллари: ВБКТТМ ортопедия бўлимида 2019-2024 йилларда 58 нафар беморлар оёқ панжасидаги турли хил этиологиядаги маймоқлик билан даволанди. Улардан ўғил болалар 31 (41.4%) нафар, қиз болалар 27 (46.6%) нафардан иборат. 1 ёшгача булган болалар 16 (27,6%) нафар, 1-3 ёшгача бўлган болалар 24 (41,4%) нафар ва 3 ёшдан катта бўлган болалар 18 (31%) нафарни ташкил қилади. Икки томонлама маймоқлиқ беморларнинг 34 (58.6%) нафарида, бир томонлама маймоқлиқ 24 (41,4%) нафарида кузатилди. Бир томонлама яъни ўнг ёки чап томонлама маймоқлик билан туғилган чақалоқлар бир хил нисбатда 12 (50%) нафардан иборат. Бу касаллик билан туғилган чақалоқлар туғруқ уйларида, АВБКТТМ шифохонасида стационар ва амбулатор равишда назорат қилинди.

Биз бундай болаларда кенг қамровли даволаш усулларидан: Функционал даво усуллари (коррекцияловчи уқалаш,даволовчи машқлар, функционал шиналар), махкамлаш усуллари (бинт билан боғлаш, босқичли гипсли бойламлар қўйиш), физиотерапевтик даволаш усуллари (электростимуляция, гидротерапия, ултратовуш, электрофорез, амплипулсотерапия ва х.к.), махсус даволаш усуллари: ортезлаш (брейс тақиш, пластикли бойлам), медикаментоз (кальций, поливитамин ва вит Д3 препаратлари) ва оператив даволашдан фойдаландик.

Натижалар ва мухокамалар: Олиб борилган тажрибалар даволашнинг у ёки бу турини тавсия этиш, оёқ панжа деформациясининг даражасига боғлиқлигини кўрсатди. Даволашни чакалоқнинг 6-7 кунлик даврида, агар

чақалоқ тана вазни 3,0 кг дан юқори бўлса ва хамрох касалликлари бўлмаса бошлаш зарур, чунки шу даврда оёқ панжаси деформациясини коррекция қилиш осон кечади.

Болалардаги туғма маймоқликни стационар даволаниш даврини қисқартириш, рецидивлангандан сўнгги жаррохлик даволаниши ва оёқ панжаси анатомик ва косметик даражасини бахолаш мақсадида Catterall Pirani шкаласи тадбиқ қилинган [2].

Ушбу бахолаш усулини қўлланиши, маймоқликни консерватив ва оператив даволашдан кейинги даврларда олинган натижаларни бахолаш, солиштириш ва яхшиланиш имконини берди.

Турли ёшдаги болаларда даволашдан кейинги натижалар шуни кўрсатдики, касалликни даволашда мусбат натижага эришиш учун оёқ панжасидаги бўғимлар мутаносиблигини тиклаш зарур. Чақалоқнинг илк кунлариданоқ касалликни даволаш ва профилактик чора-тадбирларини кўриш керак.

1 ёшгача бўлган 12 нафар болада ўз вақтида қўлланилган Ponseti даволаш усули циркуляр гипсли бойламни камрок қўлланишига ва даволаш муддатини 2 ойга қисқаришига олиб келди. Даволаш даврида оёқ панжасидаги cavus, adductio, varus компонентлари тўлиқ бартараф қилингач, «каминвазив ахиллотомия» ташрихи ўтказилди ва оёк панжаси гиперкоррекция килиниб, қайта 3 хафтага циркуляр гипсли бойлам қўйилди. Даволашнинг сўнгги босқичларида болаларга брейс тақилди[3].

1-3 ёшгача ва 3 ёшдан катта бўлган болалар гурухини кеч ташхис қўйилган болалар ва консерватив даводан сўнг рецидив холати кузатилган болалар ва алохида гурухни эса оёқ панжаси артрогрипоз деформациялари ва марказий нерв тизимидаги патологик ўзгаришлар (МНТ аномалияси, болалар бош мия фалажи, травмадан сўнгги асоратлар) бор болалар ташкил қилди.

Назоратимизда бўлган аввал Ponseti усулида даволанган 1,5 ёшгача бўлган 21 нафар беморларимизда яхши натижаларга эришилди. Бу болаларда циркуляр гипсли бойлам оёқ бармоқлари учидан сон юқори қисмига қадар қўйилди. (1-расм).

Ёш болаларда тизза бўғимини 90°С бурчак остида катта ёшли болаларда 110-120°С бурчак остида букилган холатда қўйилди. Сон юқори қисмига қадар гипсли бойлам қўйилганда мускуллар яхши бўшашади ва оёқ панжасини босқичли коррекция қилиш осон кечади.

1-расм. Бемор Б. 1,5 ойлик. Босқичли гипсли бойламда даволаниш даври

Ўз вақтида даволаниш бошланган 18 нафар болаларда хаётининг 6-7 ойларига қадар оёқ панжасидаги деформация тўлиқ бартараф қилинди. Сўнг бу болаларга сутка давомида брейс тақиш буюрилди. Бола оёқ панжаси тўлиқ центрация қилиниб, холатдан чиқарилгач, одатда циркуляр гипсли бойлам қуйилмайди. Кейинчалик оёқ панжаси, болдир мушакларининг тонусини яхшилаш мақсадида болага ортопедик қўлланмаларга қўшимча равишда физиотерапевтик даво муолажалари, витамин, кальций препаратлари билан қўлланилади.

Маймоқликнинг заминида асосий патология оёқ панжасини болдир–ошиқ буғими сохасидан сагитал ва фронтал ўқ бўйича яқинлашишидир. Бу холат асосан артрогрипоз оёқ панжа деформациясида кучли ривожланган бўлади. Артрогрипозда оёқ панжаси деформациясини даволаш мақсадида M.B.Dobbs усулидан фойдаланилади. Оёқ панжасига циркуляр гипсли бойлам қўйиш

жараёнида, ошиқ суягига гипсли бойлам босилиб, оёқ панжасига коррекция берилади [4].

Артрогрипоз оёқ панжаси деформацияси мавжуд бўлган 8 нафар болаларга нисбатан бу усул қўлланилганда, ошиқ-қайиксимон бўғимидаги ярим чиқиқ холати тўлиқ репозиция қилинади. 4 нафар беморга охирги босқичдаги гипсли бойламни қўйишдан аввал, маймоқлик қолдиқ компонентларини (оёқ панжаси олд қисмининг яқинлашиши, эквинус, варус холати) бартараф этиш мақсадида «ахиллотомия» ташрихи ўтказилди [2].

Ахиллотомия ташрихини ўтказишда бемор умумий наркоз остида Ахилл пайи усти сохасидан шприц игнаси ёрдамида тушилиб, ахилла пайи кўндаланг кесилади ва оёқ панжаси тўлиқ гиперкоррекция қилинади. Жарохатга асептик бойлам қўйилиб, циркуляр гипсли бойлам қўйилади. Бу усулнинг афзаллиги шундаки, ташрихдан сўнгги чандиқ кичик ўлчамда (2-3 мм) бўлади, оёқ панжаси тўлиқ гиперкоррекция қилинади. Бу даво усули қўлланилганда беморлар социал реабилитацияси таъминланади, стационар ва гипсли бойламда даволаниш даври қисқаради, ногиронлик камаяди. Беморлар эрта активизация қилинади, оёқ панжаси анатомик ва эстетик етишмовчиликлари бартараф қилинади (2-расм).



2-расм. Бемор Б. Ахиллотомия жараёни.

Бироқ хар хил турдаги консерватив даволаниш усулларида хам маймоқлик қолдиқ компонентлари асорат сифатида учраб туради. Маймоқлик қолдиқ элементлари, консерватив даволашда тўлиқ коррекция бўлмаган ёки норегуляр равишда даволаниб рецидив берган холатлар оператив даволашга кўрсатма хисобланади[4].

Назоратимиздаги беморларнинг 36 нафарида маймоқлик компонентлари тўлиқ коррекция қилиниб яхши натижага эришилди, 5 нафарида 2-3 йил давомида маймоқлик элементлари қисман қайтовланиб, босқичли гипсли бойлам ёрдамида коррекция қилинди, 4 нафар беморда рецидив холати кузатилиб, оёқ панжасини стабилизация қилувчи ташрихлар ўтказилди.

Маймоқликнинг рецидивланишига сабаб бўлувчи омиллардан бири бу оёқ панжасидаги пронатор ва экстензор мушакларининг етишмовчилигидир. Бу етишмовчилик маймоқлик оператив ва консерватив коррекция қилингач, узоқ вакт сақланиб қолади. Бизнинг ортопедия бўлимимизда маймоқликни коррекция қилингандан сўнг, рецидивнинг олдини олиш мақсадида, болдир ва оёқ панжа мушакларини мустахкамлашга қаратилган чора-тадбирлар қўлланилади (3-расм) [4].

3-расм. Бемор Б. Даволанишдан аввалги ва кейинги холати.

Хулоса:

1. Туғма оёқ панжаси маймоқлигини даволашни бола туғрук уйидан чиқарилган кунидан бошлаш зарур.
2. Касалликнинг рецидив беришини олдини олиш мақсадида оёқ болдир ва панжа мушакларини мустахкамловчи муолажалар буюрилиши керак.
3. 6 ойдан катта бўлган ва оёқ панжаси тўлиқ коррекция қилинмаган болалар оператив даволанишга кўрсатма хисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Кожевников О. В., Грибова И.Н, лечение тяжелых форм косолапости у детей. Материалы симпозиума детских травматологов ортопедов России с международным участием, «Совершенствование травматолого-ортопедической помощи детям», Казан 16-18 сентября 2008.

2. Ponseti I.V.Clubfoot management (Editorial).Journal of pediatric ortopedics.2000.№ 20 (6).P. 69-70.
3. Александров В. В., Тетюшев И.В., Коченов А. Г. Врожденная косолапость: резултаты лечения по методу Понсети. Материалы симпозиума детских травматологов-ортопедов России с международным участием. «Совершенствование травматолого-ортопедической помощи детям». Казань 16-18 сентября 2008 изд. Санкт-Петербург, 2008.С242-243.
4. Александров В.В. Бескровное лечение тяжелых форм врожденной косолапости у детей до 3 лет аппаратом Иллизарова В.В. Александров. А.Г.Коченов 7-съезд травматологов-ортопедов России 2002.С.176.
5. Зацепин Т. С. ортопедия детского и подросткового возрастов. М.: Изд. Центр НИИ охраны здоровья детей и подростков, 1949. - С. 101-104.
6. Лузина Е.В., Ходжаев Т.Т. Генетические исследования при артрогрипозе// Вопросы травматологии и ортопедии: Сборник трудов ТашМИ. Ташкент, 1978.-С.59-60.
7. Меженина Е.П. Врожденные пороки развития и перспективы решения этой проблемы// Ортопедия, травматология и протезирование. Киев, 1977.-Вып.7.-С.3-7.

УЎК: 616.115-007.13

KALSIFIK AORTA QOPQOG'I KASALLIGINING PATOGENETIK JIHATLARI

Xo'jamberdiyev M.A., Usmonova D.N., No'monova G.D., Sobirjonov I.T.
Andijon davlat tibbiyot instituti

Annotatsiya

Dunyo bo'ylab kengtarqalagan va yilan –yilga soni ortib borayotgan yurakning nuqsonli kasalliklaridan biri kalsifikatsiyalangan aortal stenozdir(CAS).Uning o'ziga xosligi, u ko'proq katta yoshdagi odamlarda uchraydi va kasallikning o'ziga xos belgilari kam, belgilari yashirin ko'rinisha rivojlanadi. Bu esa bemorlarni kasallikning so'nggi bosqichida murojoat qilishga olib keladi.Bu holat esa ularga jarrohlik aralashuvini ko'paytiradi. Yuqorida ta'kidlaganimizdek, Klinik belgilarning o'ziga xos emasligi tufayli bemorlarning jarrohlik yordamiga murojaatlari keyingi bir necha yil ichida 50%ga yetib,o'lim sonining ortishiga olib kelyapti. Birinchi marta, taxminan 300 yil oldin, A.Bonnet bu kasallikni tasodifiy izolyatsiya qilingan patomorfologik o'zgarishlar sifatida tasvirlab berdi,lekin bu gipoteza oxrigacha o'rganilmadi, keyinchalik R.Virchow ektopik kalsifikatsiya va ossifikatsiyani kasallik rivojlanishining asosiy sababi sifatida aniqladi. 1904-yilda J.G. Monckeberg kalsifikatsiyalangan aorta stenozini klapanlar va qon tomirlarda "qarilik degeneratsiyasini" namoyon bo'lishi deb hisobladi.So'nggi yillarda olimlar izlanishlari shuni ko'rsatdiki, kalsifikatsiyalangan aortal stenozni rivojlanishida immun yallig'lanish, mutagen o'zgarishlar va gormonlar va biologik faol moddalarda disbalanslanish jarayonlari bo'lishi aniqlandi. Kardiojarrohlik sohasining faol o'sishi esa ichki kasalliklar klinikasida nuqsonlarning yuqoriligini ko'rsatishga imkon berdi. Kalsiy va suyak metabalizmining buzilishi bemorlarning funksional holatini sezilarli darajada kamaytiradi. Shuning uchun Zamonaviy molekulyar genetik tadqiqotlar-tizimli yallig'lanish reaksiyasini nazorat qilish,lipid peroksidatsiyasini o'zgartirish, kalsifikatsiyani ingubatsiya qilish va yurak qopqog'i apparati interstitsial hujayralarining osteogenik potentsialini o'zgartirishning mumkin bo'lgan usullarini topishga qaratilgan.

Калит сўзлар: Aortal stenoz, kalsifikatsiyalangan aorta stenozi, chap qorincha gipertrofiyasi, stenokardiya, hushidan ketish, nafas qisilishi, suyaklanish jarayoni, kaltsiy almashinuvining buzilishi, immun yallig'lanish, gormonal disbalans, genlarning mutatsiyaga uchrashi.

PATHOGENETIC ASPECTS OF CALCIFIC AORTIC VALVE DISEASE

Khodjamberdiev M.A., Usmonova D.N., Nomonova G.D., Sobirjonov I.T.
Andijan State Medical Institute

Abstract

Calcific aortic stenosis (CAS) is one of the most widespread heart defects in the world and its number is increasing every year. Its peculiarity is that it occurs more often in older people and the specific symptoms of the disease are few, the symptoms are hidden. face develops. This

causes patients to apply at the last stage of the disease. This situation increases the number of surgical interventions. As we mentioned above, due to the non-specificity of the clinical signs, patients' appeals for surgical assistance reach 50% in the next few years, leading to an increase in the number of deaths. For the first time, about 300 years ago, A. Bonnet described this disease as randomly isolated pathomorphological changes, but this hypothesis was not studied until the end, and later R. Virchow identified ectopic calcification and ossification as the main reason for the development of the disease. In 1904 J.G. Mönckeberg considered calcified aortic stenosis to be a manifestation of "senile degeneration" in the valves and blood vessels. In recent years, research by scientists has shown that the development of calcified aortic stenosis involves immune inflammation, mutagenic changes, and imbalance processes in hormones and biologically active substances. The active growth of the field of cardiosurgery made it possible to show the high number of defects in the clinic of internal medicine. Disorders of calcium and bone metabolism significantly reduce the functional status of patients. Therefore, modern molecular genetic research is aimed at finding possible ways to control the systemic inflammatory reaction, change lipid peroxidation, inhibit calcification, and change the osteogenic potential of the interstitial cells of the heart valve apparatus.

Keywords: Aortic stenosis, calcified aortic stenosis, left ventricular hypertrophy, angina pectoris, syncope, shortness of breath, ossification process, calcium metabolism disorder, immune inflammation, hormonal imbalance, gene mutation.

ПАТОГЕНЕТИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ КАЛЬЦИФИЧЕСКОГО ЗАБОЛЕВАНИЯ АОРТАЛЬНОГО КЛАПАНА

Ходжамбердиев М.А., Усманова Д.Н., Номонова Г.Д., Собиржанов И.Т.
Андижанский государственный медицинский институт

Аннотация

Одним из пороков сердца, широко распространенных во всем мире и число которых с каждым годом увеличивается, является кальцинированный аортальный стеноз (КАС). Его особенностью является то, что он чаще возникает у пожилых людей, а специфические симптомы заболевания малочисленны, симптомы скрыты. .лицо развивается. Это заставляет больных обращаться на последней стадии заболевания. Такое состояние увеличивает необходимость хирургического вмешательства. Как мы уже упоминали выше, в связи с неспецифичностью клинических признаков обращения больных за хирургической помощью в ближайшие несколько лет достигнут 50%, что приведет к увеличению числа летальных исходов. Впервые около 300 лет назад А. Бонне описал это заболевание как случайно изолированные патоморфологические изменения, однако эта гипотеза не была изучена до конца, а позднее Р. Вирхов определил эктопическую кальцификацию и оссификацию как основную причину развития болезнь. В 1904 году Дж.Г. Менкеберг считал, что кальцинированный аортальный стеноз является проявлением «старения дегенерации» клапанов и кровеносных сосудов. В последние годы ученые показали, что в развитии

кальцинированной аорты участвуют иммунное воспаление, мутагенные изменения, дисбаланс гормонов и биологически активных веществ. определяются стенозные процессы. Активный рост области кардиохирургии позволил показать большое количество дефектов в клинике внутренних болезней. Нарушения кальциевого и костного обмена существенно снижают функциональный статус больных. Поэтому современные молекулярно-генетические исследования направлены на поиск возможных путей контроля системной воспалительной реакции, изменения перекисного окисления липидов, ингибирования кальцификации, изменения остеогенного потенциала интерстициальных клеток клапанного аппарата сердца.

Ключевые слова: аортальный стеноз, кальцинированный аортальный стеноз, гипертрофия левого желудочка, стенокардия, обморок, одышка, процесс окостенения, нарушение кальциевого обмена, иммунное воспаление, гормональный дисбаланс, генная мутация.

Kalsifikatsiyalangan aortal stenoz patogenezi va katta yoshdagi bemorlarni qamrab olishiga qarab, senil yoki degenerativ aortal stenoz deb nomlangan. Albatta, bu nom ko’p izlanishlar olib borgan olimlar tomonidan berilgan. Senil Aortal Stenozi– shimoliy va yevropa mamlakatlarida keksa yoshdagi odamlar orasida ko’p uchraydigan aortal klpan nuqsonidir. Aholining qarishi ushbu kasallik ko’rsatkichini yanada oshirib yuborgan [1]. Bundan 300 yil oldin, Senil aortal stenoz haqida dastlabki ma’lumotlar S. Bonet tomonidan ta’kidlab o’tilgan(1679y). S. Bonet o’z izlanishlari davomida “Bir tikuvchi ish vaqti tugagach, to’satdan ish joyida xushidan ketadi. Unda klinik belgilar bo’lmaydi va sababi na’molum bo’ladi. Shunda , u tikuvchini tanasini yorib ko’rishadi (o’lim sababini aniqlash maqsadida). Faqat 3 ta asosiy klapanlari bor aorta asosi suyaklanganligi aniqlanadi”. Bu ma’lumot S. Bonet tomonidan Senil aortal stenoz kasalligi haqidagi birinchi eslatma edi(garchi u vaqtda kasallik haqida to’liq ma’lumotlar bo’lmagan bo’lsa ham) [2]. Senil aorta stenozni o’rganishlar natijasida, har doimo aortal qopqog’ining kalsifikatsiyalanishi va aterosklerotik o’zgarishlarga uchrashi Senil aortal stenozga olib kelavermasligi aniqlandi. U butunlayin boshqa patagenez asosida rivojlanadi va aynan shu patogenetik jarayoni bilan boshqa yurakning nuqsonli kasalliklari bilan ajralib turadi. Tajribalarga ko’ra 65-75 yosh oralig’ida bo’lgan odamlarning 26% da aortal stenoz aniqlangan, shundan atagi 3-4% Senil aortal stenoz bo’lgan. 80 yosh va undan yuqori yoshdagi odamlarda esa 26% Aorta stenozining 7-8% Senil Aortal stenoz bo’lib , ko’rsatkich oshgan [3]. Keyinchalik,1863 yilda R.Virxov ohaklangan aorta qopqog'i varaqlarida mikro sinish joylari bo'lgan suyak to'qimasini topdi, klapanlardagi kalsifikatsiyalanish xuddi suyaklanish jarayoniga o’xshash bo’lishini va bu jarayonni ossifikatsiya deb nomladi. XX – asr boshlarida Iogon Menkebrg tomonidan Aortal klapanlardagi distrofik o’zgarishlar va kalsifikatsiyalanish kabi o’zgarishlar o’rganilgan ammo, Senil Aortal stenoz butunlayin ochib berolmagan [4].

Keyinchalik, Endotelial disfunksiyasi va surunkali yallig'lanishni shuningdek, Osteopontin ishlab chiqarish, xujayradan tashqari matritsani qayta qurish va mikrobial agentlarning chidamliligi bilan bog'liq minerallizatsiya buzilishlarini ko'rsatadigan dalilar paydo bo'ldi. Zamonaviy tekshiruv usullari aorta va arteriyadagi aterosklerotik plikchalarni va klapanlardagi kalsiy konlarini aniqlashi mumkin, ammo kalsifikatsiyalanish jarayonining dastlabki bosqichini aniqlay olmaydi. Bu haligacha muomma bo'lib qolmoqda [N.Yu.Karpova, M.A. Rashid va N.S.CHipigina 2020].

Ammo Senil aorta setonozining patagenetik jihatdan rivojlanishida lipidlar almashunuvi, immun yallig'lanish va suyaklanish jarayonlari bo'ladi. Dastlab lipidlar (PZLP, JPZLP) almashunuvida disbalanslanish boshlanadi. Lekin bu jarayonlar ateroskleroz jarayoniga o'xshash holda kechmaydi. Endotelial shikastlanish va lipidlarning to'planishi SASning dastlabki bosqichlarining morfologik belgilaridir [5]. Ushbu nuqtada asosiy hissa lipoprotein (a) (Lp (a)) bo'lib, u apoprotein B-100 bilan kovalent bog'langan past zichlikdagi lipoproteinning (LPL) kichik zarrasidan iborat. Lp (a) statinlarning ta'siriga chidamli, chunki u PZL retseptorlari bilan o'zaro ta'sir qilmaydi va shuning uchun statinlar tomonidan yo'q qilinmaydi. Bir vaqtning o'zida NF-kb transkripsiya faktorining fermentativ signalizatsiya yo'li (LPAR/RhoA/NF-kb) orqali Lp (a) interstitsial hujayralarni o'zgartirishga va matritsaning minerallashishiga olib keladi. Biroq, BMP2 genining ifodasi. Lp(a) yoki yomon yog'lar kabi ba'zi nosog'lom narsalarni tanadan to'xtatishning yaxshi usuli monoklonal antikorlar deb ataladigan maxsus dorilarni qo'llashdir. Ushbu dorilar tanadagi nosog'lom narsalarning paydo bo'lishiga yordam beradigan muayyan yo'lni to'sib qo'yishi mumkin. Ushbu dorilarning ba'zi misollari evolosumab va alirozumabdir (LPAR1/RhoA/NF-kB) SAS [6,7]. Pleiotrop ta'sirning mavjudligiga qaramay, aorta stenozining rivojlanishini sekinlashtirish uchun statinlardan foydalanish dalillarga asoslangan tibbiyot nuqtai nazaridan asossizdir [8,29,10]. Shu bilan birga, V. S. Vasiliou va boshqalarning ishi, G. Thanassoulis va boshqalar shuni ko'rsatadiki, Lp (a) umuman yurak qopqog'ining kalsifikatsiyasida va xususan, CASda muhim bog'liq omil. Lipidlarni kamaytiradigan dorilarning Lp (a) darajasiga ta'siri va aorta qopqog'i kalsifikatsiyasining og'irligi FHLPA va EAVaLL tadqiqotlarida o'rganilmoqda [11,12]. Keyingi rivojlanishda, immun yallig'lanish jarayoni boshlanib, ushbu jarayonning mavjudligi o'z isbotini topdi.

Chunki, Senil Aorta stenoz tashxisi qo'yilgan bemorlarda qonning bioximik tahlilida immun hujayralar (T-limfotsitlar, ayniqsa ularning T-xelper hujayralari, makrofaglar) va sitokin hujayralar (IL-1, IL-2, IL-6, IL-8) normativ ko'rsatkichlarga nisbatan sezilarli darajada oshganligi ma'lum bo'ldi. Bu esa Senil Aortal Stenoz rivojlanishida immune yalig'lanish jarayonining yuqori darajada ahamyatga ega ekanligini bildiradi va patagenetik jihatdan Senil aorta Stenoz, Aortal stenozining boshqa turlaridan keskin farqlanishini ko'rsatadi [13]. Shuningdek, yuqorida

ta'kidlab o'tilgan, immune yallig'lanish faktorlaridan biri bo'lgan va organizmni o'zida sintezlanuvchi IL-6 Senil Aortal Stenozini patogenetik jihatdan rivojlanishining asosi ekanligi ma'lum bo'ldi. Bu sitokin (IL- 6) qarish bilan bog'liq ko'plab fiziologik va patologik jarayonlarda ishtirok etib,miqdoriy jihatdan oshadi. IL-6 ni ham Senil Aorta Stenoz patageniziga ta'siri to'liq holda haligacha o'rganilmagan. Gipotezalarga ko'ra, IL-6 miqdorining keksalarda patologik jihatdan sezilarli darajada oshishi ushbu sitokinni kodlovchi genni mutatsiyaga uchrashi bilan bog'liq va IL-6 miqdorining oshishi bilan aorta ochilishi maydoni o'rtasida teskari bog'lanish mexanizmi mavjudligi aniqlandi (IL-6 oshgan sari aorta og'zi torayib boradi, IL-6 kamaysa Aorta og'zi kattalashib boradi normaga nisbatan) [14]. Qonda IL-6 miqdorining ortishi yallig'lanish jarayoni ham kechayotganini bildiradi. IL-6 miqdorining mutloq oshishi va muhim korrelyatsiya koeffitsientlari yurak qon-tomir kasalliklari asoratlarini baxolashda, shu bilan birga Senil Aortal stenozining og'irlik darajasini baholashda muhim ahamyatga ega. IL-6 va IL-8 Senil Aortal Stenozida klapanning hujayradan tashqari matritsasida ishtirok etadi [15]. Shu bilan birga IL-6 konsenratsiyasining oshishi miokardning interstitsial fibrozining rivojlanishiga va osteopontin(osteopontin – aterosklerotik blyashkalarda ossifikatsiyasi va ektopik kalsifikatsiyani regulyatori) sinteziga yordam beradi. Shuning uchun IL-6 aorta qopqog'ining xujayradan tashqari matritsasining minerallashuvida ishtirok etadi deb taxmin qilishadi [16,17]. Osteopontin moddasi IL-6 hisobiga oshib, aorta devori va klapanlarda kalsiy to'planishini ta'minlab suyaqklanish jaroyonini ko'rsatadi, oshishiga olib keladi. Bu jarayonda Kalsiyni to'planishiga garmonlar ham ta'sir qiladi. Asosan kalsitinin va parat garmonlar. Albatta, bu patagenetik mexanizmlar SAS ni boshqa kasalliklardan farqlashning asoslaridan biridir. Interleykin-6 ni kodlovchi genning mutatsiyaga uchrashishidan uning oshishi, SAS ni irsiyatga bog'liqligini ko'rsatadi. Chunki, 1-avlodda ushbu moddani kodlovchi gen bir xil bo'ladi va shunung uchun shajaralar o'rtasida bir xil kasallik takrorlanib turadi va uning ehtimolligi yuqori bo'ladi [18,19,20]. IL-6 bo'lishi mumkin bo'lgan manbalari: fibroblast hujayralar, makrofaglar va T-limfotsitlar**.** Bu hujayralar T-xelperga bog'liq antikorogenezning ro'lini aniq ko'rsatadi (M.Olsson va bosh. 1994). Ularning (T-limfotsit hujayralari) yuzasida interleykin-2 retseptorlari topilgan, T-xelper hujayralar boshqa yallig'lanish kasalliklarda (glomerulonefrit, revmotoid artrit) bo'lgani kabi ko'payish uchun induktsiya qilinadi va faollashadi [21]. Bunday o'xshashlik allaqachon, Menkeberg stenozini Degenerativ jarayondan ko'ra murakkablik darajasiga qo'yadi. Senil Aorta stenozining kelib chiqishida immunitet tizimining roli aniq bo'ldi, garchi ma'lumotlar yetarli bo'lmasa ham faollashtirilgan T-limfotsitlar gamma interferon ishlab chiqaradi, ularning ta'sirida klapin varaqchalarining fibroblastlari o'z membranalarida HLA-DR antigenni sintezlaydi. Dastlab, makrofaglar, faollashtirilgan T va B limfotsitlar kabi immunkompetent hujayralar

yuzasida gistomoslashuv antigenlarining molekulalari aniqlangan. Biroq, so'nggi paytlarda bir nechta autoimmun kasalliklar HLA-DR antigenining an'anaviy ravishda immunitet reaksiyasida ishtirok etmaydigan hujayralarda bo'lishi bilan bog'liq. U antigen Graves kasalligida – tirotsitlarda, Kron kasalligida – epiteliy hujayralarida, RA-sinoviositlarda, Sarkoid granulomalari – epiteloid hujayralarida yosh eterosklerotik blyashkalar – silliq miotsitlarida aniqlanishi misol bo'la oladi [22,23,24]. Aortal klapin varaqasidagi fibroblastlarda HLA-DR-antigenining bo'lishi, hujayradan tashqari matritsa sintezining sezilarli darajada oshishiga , shuningdek, alfa-aktin va desmin silliq mushak hujayralarining markerlari sinteziga olib keladi. Fibromatoz, tizimli progressiv skleroz, Dupuytren kontrakturasi, skleroderma lezyoni kabi fibroz jarayonlari bilan bir xil. Natijada, Aortal klapan tuzilmalarida interstitsial fibroz rivojlanadi. Nihoyat, to'liq o'rganilmagan immun omillar ya'ni Makrofaglar-noodatiy funksiyaga ega bo'ladilar: makrofaglar ossifikatsiya va ektopik kalsifikatsiyaning asosiy regulyatori bo'lgan – osteopontinni sintez qiladilar (K.D.O'brien va bosh. 1995). Shunday qilib, hujayra darajasidagi makrofaglar–kalsifikatsiyalangan stenozning keyingi rivojlanishi va aorta qopqog'i varaqalarida gidroksiapatit hosil bo'lishining asosiy tashabbuskori hisoblanadi. Fibroblast faollashuvining oshishi esa xujayradan tashqari matritsada kollagen sintezining kuchayishiga olib keladi va interstitsial fibrozning rivojlanishiga olib keladi (N.Yu.Karpova, M.A.Rashid va N.S.Chipigina 2020).

Immuno – gistokimyoviy tadqiqotlar shuni ko'rsatadiki, Senil aorta stenozi yurakdan tanaga qon oqishiga yordam beruvchi yurak aorta qopqog'i odamlar yoshi ulg'aygan sari, odatda 60 yoshdan keyin parchalana boshlaganida sodir bo'ladi. Bu yurak qopqog'ini ishlamasligi mumkin bo'lgan narsalar tufayli sodir bo'lishi mumkin. To'g'ri, qattiqlashishi yoki uning ustida ozgina kaltsiy (suyaklarda topilgan narsa kabi) to'planishi kabi. Ushbu o'zgarishlar yurakning qon quyishini qiyinlashtirishi mumkin, bu esa odamlarni charchash yoki nafas olishda qiyinchiliklarga olib kelishi mumkin. Bunda klapan varaqalarida siqilish va kalsiy (gidroksiapatit) to'planishi kuzatiladi. Varaqalar komissural adezyonlarining chiqish yo'llarini obstruksiyasiga olib keladi va natijada, chap qorincha disfunksiyasi va gemodinamik buzilishlar namoyon bo'ladi (V.V.Chugunov 2020).

Aorta stenozining klassik klinik belgilari odata juda oz: yurakda og'riqning paydo bo'lishi, to'satdan hushidan ketish va nafas qisilishidir [25]. Angina pektoris miyokardning kislorodga bo'lgan xohishi uni yetkazib berish qobiliyatidan kattaroq bo'lishi bilan bog'liq. Chap qorincha (Chq) miokard kislorodga bo'lgan talabning oshishi natijasida gipertrofiyani boshdan kechiradi, bu ham sistolik devorning kuchlanishini va sistolaning uzayishini keltirib chiqaradi. Kislorod yetkazib berish va koronar qon tomirda kislorod zaxirasining kamayishi bilan bog'liq [26]. Bu o'zgarishlar birdaniga emas, sekinlik bilan rivojlanadi. Simptomlar rivojlanishining

birinchi bosqichida, hech qandya klinik belgi bermaydi va albatta, bemorlar mutaxasis vrajga murojaat qilmaydi. Ammo, kasallik rivojlanishning o’rta bosqichiga kelgan bemorda shikoyatlar boshlanadi. So’nggi bosqichida esa konservativ davoming iloji bo’lmay qoladi, katta ehtimollik bilan [27]. Jismoniy faollik (kichik sindrom) paytida qon tomirlari hajmi va qon oqimining ortishi o'rtasidagi nomuvofiqlikning paydo bo'lishi aorta stenozining ikkinchi eng keng tarqalgan klinik alomatidir. Jismoniy mashqlardan keyin ChQda sistolik bosimning oshishiga javoban miyelinsiz miokard tolalarining faollashishi (Bezold-Yarish refleksi) ChQ baroreseptorlarining bradikardiya bilan haddan tashqari qo'zg'alishini keltirib chiqaradi va gipotenziya aorta stenozining uchinchi eng keng tarqalgan klinik belgilaridir [28,29]. Yana xushdan ketishga asab tizimidagi o’zgarishlar ham sabab bo’ladi, shuning uchun bu holatni ham hisobga olishimiz kerak. Nafas qisilishi – bu odamning nafas olishi qiyin bo'lganida va bu CAS deb ataladigan yurak muammosining birinchi belgisi bo'lishi mumkin. Bu sodir bo'lganda, yurak to'g'ri ishlamayapti, ayniqsa chap tomonda. Bu yurak mushagini qotib qolishi va uning ichida qanday his qilishini o'zgartirishi mumkin, bu esa boshqa muammolarga olib kelishi mumkin [30,31, 32]. Miyokardning umumiy funktsional va elektrofiziologik xususiyatlarini ifodalovchi ritm anormalliklarini ko'rish mumkin. Fibroblastlar tomonidan mexanoelektrik teskari aloqani faollashtirishning qo'shimcha patogen mexanizmi SASda aritmiyalarning tez-tez uchraydigan sababidir [33]. Tanadagi mikroemboli deb ataladigan mayda narsalarni topish qiyin, chunki ular ko'p uchraydi, lekin ular odatda siz ko'radigan belgilarni ko'rsatmaydi. Bu shifokorlar uchun kimdir bu mayda pıhtılardan kelib chiqadigan muammolar bor-yo'qligini aniqlashni qiyinlashtiradi. SASda aorta qopqog'i proyeksiyasida sistolik shovqinning auskultativ belgilari (asosiy ob'ektiv belgisi) quyidagilar: musiqiy tembr (chayqa qichqirig’i) - 54%; uni yurak cho'qqisiga olib borish (Galaverden simptomi) - 53%; shovqinning "uzilishi" hodisasi - 68% [34, 35, 36].

SASni davolashning yagona usuli jarrohlikdir, agar, kasallik oxringi bosqichi bo’lsa. Kasallikning ertangi bosqichida konservativ dorilar bilan davolash yoki kasallik rivojlanishining kuchayishini oldini olish mumkin. Odamlarga, ayniqsa keksalarga yordam berish uchun biz ularga ushbu kasallik haqida ko'proq ma'lumot berishimiz kerak. Ular uchun yiliga ikki marta shifokor ko‘rigidan o‘tish juda muhim. Shunday qilib, shifokorlar kasallikning qanday o'zgarib borayotganini ko'rishlari va eng yaxshi davolash usullarini topishlari mumkin. Shunday qilib, biz odamlarning sog'lig'ini saqlashga yordam bera olamiz va ularga uzoq va baxtli hayot kechirishimiz mumkin.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Thaden J.J., Nkomo V.T., EnriquezSarano M. The global burden of aortic stenosis. Prog Cardiovasc Dis 2014;56(6):565–71. DOI: 10.1016/j.pcad.2014.02.006.
2. Benjamin E.J., Blaha M.J., Chiuve S.E. et al. Heart disease and stroke statistics-2017 update: a report from the American Heart Association. Circulation 2017;135(10):146–603. DOI: 10.1161/CIR.0000000000000485.
3. Iung B., Baron G., Butchart E.G. et al. A prospective survey of patients with valvular heart disease in Europe: The Euro heart survey on valvular heart disease. Eur Heart J 2003;24(13):1231–43. DOI: 10.1016/s0195-668x(03)00201-x.
4. Lindman B.R., Bonow R.O., Otto C.M. Current management of calcific aortic stenosis. Circ Res 2013;113(2):223–37. DOI: 10.1161/CIRCRESAHA.111. 300084.
5. Rajappan K., Rimoldi O.E., Camici P.G. Functional changes in coronary microcirculation after valve replacement in patients with aortic stenosis. Circulation 2003;107(25):3170–5. DOI: 10.1161/01. CIR.0000074211.28917.31.
6. Lorell B.H., Carabello B.A. Left ventricular hypertrophy: pathogenesis, detection, and prognosis. Circulation 2000;102(4):470–9. DOI: 10.1161/01.cir.102.4.470.
7. Carabello B.A. Is it too late to operate on the patient with valvular heart disease? J Am Coll Cardiol 2004;44(2):376–83. DOI: 10.1016/j.jacc.2004.03.061.
8. Lancellotti P., Magne J., Donal E. et al. Determinants and prognostic significance of exercise pulmonary hypertension in asymptomatic severe aortic stenosis. Circulation 2012;126(7):851–9. DOI: 10.1161/CIRCULATIONAHA.111. 088427.
9. Czarny M.J., Resar J.R. Diagnosis and management of valvular aortic stenosis. Clin Med Insights Cardiol 2014;8(Suppl. 1):15–24. DOI: 10.4137/CMC.S15716.
10. Khetarpal V., Mahajan N., Madhavan R. et al. Calcific aortic valve and spontaneous embolic stroke: a review of literature. J Neurol Sci 2009;287(1–2):32–5. DOI: 10.1016/j.jns.2009.07.018.
11. Hudzik B., Wilczek K., Gasior M. Heyde syndrome: gastrointestinal bleeding and aortic stenosis. CMAJ 2016;188(2):135–8. DOI: 10.1503/cmaj.150194.
12. Hulin A., Hego A., Lancellotti P., Oury C. Advances in pathophysiology of calcific aortic valve disease propose novel molecular therapeutic targets (mini

review). Frontiers in cardiovascular medicine 2018;5(21):1–8. DOI: 10.3389/fcvm.2018.00021.

13. Karatasakis A., Danek B.A., Karacsonyi J. et al. Effect of PCSK9 inhibitors on clinical outcomes in patients with hypercholesterolemia: a meta-analysis of 35 randomized controlled trials. J Am Heart Assoc 2017;6(12):006910. DOI: 10.1161/JAHA.117.006910.
14. Cowell S.J., Newby D.E., Prescott R.J. et al. A randomized trial of intensive lipidlowering therapy in calcific aortic stenosis (SALTIRE). N Engl J Med 2005;352(23):2389–97. DOI: 10.1056/NEJMoa043876.
15. Rossebo A.B., Pedersen T.R., Boman K. et al. Intensive lipid lowering with simvastatin and ezetimibe in aortic stenosis (SEAS study). N Engl J Med 2008;359(13):1343–56. DOI: 10.1056/NEJMoa0804602.
16. Chan K.L., Teo K., Dumesnil J.G. et al. Effect of lipid lowering with rosuvastatin on progression of aortic stenosis: results of the aortic stenosis progression observation: measuring effects of rosuvastatin (ASTRONOMER trial). Circulation 2010; 121(2): 306–14. DOI: 10.1161/CIRCULATIONAHA. 109. 900027.
17. Vassiliou V.S., Flynn P.D., Raphael C.E. et al. Lipoprotein(a) in patients with aortic stenosis: insights from cardiovascular magnetic resonance. PLoS One2017;12(7):0181077. DOI: 10.1371/journal.pone.0181077.
18. Thanassoulis G., Campbell C.Y., Owens D.S. et al. Genetic associations with valvular calcification and aortic stenosis. N Engl J Med 2013;368(6):503– 12. DOI: 10.1056/NEJMoa1109034.
19. Lp(a) and aortic valve calcification trial (FHLPA). Available by: https://clinicaltrials.gov/ct2/show/NCT02976818.
20. Early aortic lipoprotein(a) lowering trial (EAVaLL). Available by: https://clinicaltrials.gov/ct2/show/NCT02109614.
21. Dweck M.R., Jones C., Joshi N.V. et al. Assessment of valvular calcification and inflammation by positron emission tomography in patients with aortic stenosis. Circulation 2012;125(1):76–86. DOI: Miller J.D., Chu Y., Brooks R.M. et al. Dysregulation of antioxidant mechanisms contributes to increased oxidative stress in calcific aortic valvular stenosis in humans. J Am Coll Cardiol 2008;52(10):843–50. DOI: 10.1016/j.jacc.2008.05.043.
22. Choi B., Lee S., Kim S.M. et al. Dipeptidyl peptidase-4 induces aortic valve calcifcation by inhibiting insulin-like growth factor-1signaling in valvular interstitial cells. Circulation 2017;135(20):1935–50. DOI: 10.1161/CIRCULATIONAHA.116.02427075.

23. Acharya A., Hans C.P., Koenig S.N. et al. Inhibitory role of Notch1 in calcific aortic valve disease. PLoS One 2011;6(11):27743. DOI: 10.1371/journal.pone.0027743.
24. Wirrig E.E., Gomez M.V., Hinton R.B., Yutzey K.E. COX2 inhibition reduces aortic valve calcification in vivo. Arterioscler Thromb Vasc Biol 2015;35(4):938–47. DOI: 10.1161/ATVBAHA.114.305159.
25. Kahn M. Can we safely target the WNT pathway? Nat Rev Drug Discov 2014;13(7):513–32. DOI: 10.1038/nrd4233.
26. Aksoy O., Cam A., Goel S.S. et al. Do bisphosphonates slow the progression of aortic stenosis? J Am Coll Cardiol 2012; 59(16): 1452–9. DOI: 10.1016/j.jacc.2012.01.024.
27. Innasimuthu A.L., Katz W.E. Effect of bisphosphonates on the progression of degenerative aortic stenosis. Echocardiography 2011;28(1):1–7. DOI: 10.1111/j.1540-8175.2010.01256.x.
28. Study investigating the effect of drugs used to treat osteoporosis on the progression of calcific aortic stenosis (SALTIRE II and RANKL Inhibition in Aortic Stenosis). Available by: https://clinicaltrials.gov/ct2/show/study/NCT02132026.
29. Qarish va salomatlik bo'yicha jahon hisoboti. JSST 2015. Mavjud: https://apps.who.int./iris/bitstream/hand le/10665/186463/9789244565049_rus.pdf?sequence=10.
30. Medkov V.M. Demografiya. O'quv qo'llanma. M.: INFRA-M, 2003. [Medkov V.M. Demografiya. O‘quv qo‘llanma. Moskva: INFRA-M, 2003. (Rus tilida)].
31. Karpova N.Yu., Shostak N.A., Rashid M.A. va boshqalar kalsifikatsiyalangan aorta stenozi. Monografiya. M.: Media sohasi, 2011 yil. [Karpova N.Yu., Shostak N.A., Rashid M.A. et al. Calcined aortic stenosis. Monograph. Moscow: Media Sphera, 2011. (In Russ.)].
32. 7. Egorov I.V. Senil aorta stenozi: bir asrlik tadqiqot. Zamonaviy revmatologiya 2007; 1 (1): 20-5. [Egorov I.V. Senile aortic stenosis: century of studies. Sovremennaya revmatologiya = Modern Rheumatology Journal 2007;1(1):20–5. (In Russ.)].
33. Shostak N.A., Karpova N.Yu., Rashid M.A. Kalsifikatsiyalangan aorta stenozi - tashxis va davolash tamoyillari. Ilmiy va amaliy revmatologiya 2005; (5): 52-4. DOI: 10.14412/1995-4484-2005-43. [Shostak N.A., Karpova N.Yu., Rashid M.A. Aortal stenosis with calcinosis – diagnostic principles and treatment. Nauchnoprakticheskaya revmatologiya = Rheumatology Science and Practice 2005;(5):52–4. (In Russ.)].
34. Rashid M.A., Karpova N.Yu., Shostak N.A., Kazakova T.V. Kaltsifik aorta stenozi: suyak metabolizmi va keksa yoshdagi aorta qopqog'ining

kalsifikatsiyasi. Kardiologiya va yurak-qon tomir jarrohligi 2008;1(3):65–9. [Rashyd M.A., Karpova N.Yu., Shostak N.A., Kazakova T.V. Calcined aortic stenosis: bone metabolism and aortic valve calcification in elderly people. Kardiologiya i serdechno-sosudistaya khirurgiya = Russian Journal of Cardiology and Cardiovascular Surgery 2008;1(3):65–9. (In Russ.)].

35. Karpova N.Yu., Rashid M.A. Kalsifikatsiyalangan aorta stenozi - tashxis va davolash tamoyillari. Ilmiy va amaliy revmatologiya 2005; (5): 52-4. DOI: 10.14412/1995-4484-2005-43. [Shostak N.A., Karpova N.Yu., Rashid M.A. Aortal stenosis with calcinosis – diagnostic principles and treatment. Nauchnoprakticheskaya revmatologiya = Rheumatology Science and Practice 2005;(5):52–4. (In Russ.)].

UDC: 616.12.075.8

THE IMPORTANCE OF IMMUNE INFLAMMATION IN THE DEVELOPMENT OF SENILE AORTIC STENOSIS

Khodjamberdiev M.A., Usmonova D.N., Nomonova G.D., Sobirjonov I.T.
Andijan State Medical Institute

Abstract

Senile aortic stenosis (SAS) is a heart disease associated with narrowing of the aortic valve, which is usually age-related and causes serious cardiovascular problems. The role of immune inflammation in the development of SAS has been confirmed by scientific studies. Inflammatory processes can cause fibrosis and calcification of the valve tissue, leading to narrowing of the valve. Many studies show that patients with SAS have altered immune system activity, inflammatory foci, and cell migration. These inflammatory processes lead to a change in the structure of the valve and a decrease in its function. Thus, immune inflammation plays an important role in the development of SAS, and scientific research and new approaches are needed to improve or prevent this condition.

Keywords: SAS- Senile aortic stenosis, inflammation, immunotherapy.

SENIL AORTAL STENOZINING RIVOJLANISHIDA IMMUN YALLIG’LANISHNING AHAMIYATI

Xo‘jamberdiyev M.A., Usmonova D.N., No'monova G.D., Sobirjonov I.T.
Andijon davlat tibbiyot instituti

Annotatsiya

Senil aorta stenozi (SAS) aorta qopqog'ining torayishi bilan bog'liq bo'lgan yurak kasalligi bo'lib, odatda yoshga bog'liq va jiddiy yurak-qon tomir muammolarini keltirib chiqaradi. SAS rivojlanishida immun yallig'lanishning roli ilmiy tadqiqotlar bilan tasdiqlangan. Yallig'lanish jarayonlari fibroz va qopqoq to'qimalarining kalsifikatsiyasiga olib kelishi mumkin, bu esa qopqoqning torayishiga olib keladi. Ko'pgina tadqiqotlar shuni ko'rsatadiki, SAS bilan og'rigan bemorlarda immunitet tizimi faolligi, yallig'lanish o'choqlari va hujayralar migratsiyasi o'zgargan. Ushbu yallig'lanish jarayonlari vana tuzilishining o'zgarishiga va uning funktsiyasining pasayishiga olib keladi. Shunday qilib, immun yallig'lanish SAS rivojlanishida muhim rol o'ynaydi va bu holatni yaxshilash yoki oldini olish uchun ilmiy tadqiqotlar va yangi yondashuvlar zarur.

Kalit so'zlar : SAS- Senil aorta stenozi, yallig'lanish, immunoterapiya.

ЗНАЧЕНИЕ ИММУННОГО ВОСПАЛЕНИЯ В РАЗВИТИИ СТАРЧЕСКОГО СТЕНОЗА АОРТЫ

Ходжамбердиев М.А., Усманова Д.Н., Номонова Г.Д., Собиржанов И.Т.
Андижанский государственный медицинский институт

Аннотация

Старческий аортальный стеноз (САС) – заболевание сердца, связанное с сужением аортального клапана, которое обычно является возрастным и вызывает серьезные сердечно-сосудистые проблемы. Роль иммунного воспаления в развитии САС подтверждена научными исследованиями. Воспалительные процессы могут привести к фиброзу и кальцификации ткани клапана, что приводит к его сужению. Многие исследования показывают, что у пациентов с САС изменена активность иммунной системы, воспаление и миграция клеток. Эти воспалительные процессы приводят к изменению структуры клапана и снижению его функции. Таким образом, иммунное воспаление играет важную роль в развитии САС, и необходимы научные исследования и новые подходы для улучшения или предотвращения этого состояния.

Ключевые слова: САС-сенильный аортальный стеноз, воспаление, иммунотерапия.

Introduction. In recent years, many studies have been conducted on the role of immune inflammation in the development of SAS. This article reviews the role of the immune system in the development of SAS and analyzes the influence of inflammatory mediators, cellular responses, and autoimmune processes on the pathogenesis of SAS[1]. Also SAS will provide information on immune-inflammation control methods, new therapeutic targets, and prospects for immunotherapy. These data may be important for the development of new strategies for the treatment of SAS. Senile aortic stenosis is a heart valve disease common among elderly people, which is characterized by degenerative and calcific changes in the aortic valve [2].

Main body. Although the development process of SAS was initially considered as a degenerative process without the involvement of inflammation, recent studies have shown that immune-inflammatory processes play an important role in the pathogenesis of this disease [3]. Inflammatory mediators and cell reactions, along with calcium deposits in aortic valve tissue, are one of the main factors shaping the pathogenesis of SAS. This article examines the role of immune-inflammatory processes in SAS. Understanding how the immune system and inflammatory processes are related to the pathophysiological changes in the aortic valve will provide new opportunities for the development of effective treatment strategies for SAS [4,5,6]. At the same time, the prospect of targeting immune-inflammatory processes as new targets in the treatment of SAS is of great importance. Recent

studies show that this process is not limited to mechanical degeneration but inflammatory and immune processes are also prominent as the main pathogenetic factors. The calcification process begins with endothelial cell dysfunction, lipoprotein accumulation, and activation of inflammatory markers. The importance of immune-inflammatory processes in the pathogenesis of SAS has been confirmed in many studies [7]. The process of calcification in the tissues of the aortic valve is not only mechanical, but also controlled by inflammatory mediators. Inflammatory markers such as C-reactive protein (CRP), interleukins (IL-1, IL-6), TNF-alpha play an important role in the development of SAS. These markers enhance aortic valve calcification changes associated with SAS and trigger immune-inflammatory processes [8,9,10,11]. Also, some of the inflammation in SAS is related to autoimmune processes, which cause the body to produce antibodies against its own tissues. This process accelerates the development of SAS and enhances the calcification process. Autoimmune reactions are important in the early stages of the development of SAS, and their analysis may provide a basis for new therapeutic strategies. Inflammatory mediators play an important role in the development of SAS. The inflammatory process in the aortic valve begins with the infiltration of monocytes and macrophages, these cells trigger the calcification process [12]. At the same time, inflammatory mediators, including interleukins and chemokines, activate fibroblasts and myofibroblasts in the valve tissue, accelerating their transformation into calcification. The role of these mediators in the pathogenesis of SAS is particularly evident in the calcified aortic valve. Inflammatory markers such as interleukins (IL-1, IL-6) and TNF-alpha stimulate the transformation of fibroblasts into osteoblasts, which leads to the accumulation of calcium and hardening of the valve [13,14]. Therefore, controlling immune inflammation in SAS may be important in slowing disease progression. Targeting immune-inflammatory processes in the treatment of SAS opens up new therapeutic opportunities. A number of anti-inflammatory drugs (eg, statins, omega-3 fatty acids) have been found to reduce the inflammatory processes associated with SAS. But in recent years, anti-inflammatory biological therapy, such as interleukin antagonists and TNF-alpha blockers, has been proposed as a new strategy in the treatment of SAS. In addition, the possibility of treating SAS through immunotherapy is being investigated. Immunomodulatory therapies, such as antibody-based therapies, may be promising in the future for patients with SAS. These approaches are aimed at slowing the progression of SAS by controlling inflammatory processes [15,16,17,18].

Conclusion. Senile aortic stenosis (SAS) is a progressive disease primarily driven by calcification and degenerative changes, but growing evidence points to immune-mediated inflammation as a key player in its pathogenesis. The activation of inflammatory pathways, the presence of immune cells within the aortic valve, and the

role of inflammatory mediators suggest that SAS shares mechanisms with other chronic inflammatory conditions, such as atherosclerosis. Understanding the significance of immune inflammation in the progression of SAS not only sheds light on the underlying biology of the disease but also opens new therapeutic avenues [19,20]. Targeting the immune-inflammatory response may offer novel strategies to slow disease progression and improve patient outcomes. Anti-inflammatory therapies, including biologics and immunomodulatory drugs, hold potential in addressing the chronic inflammatory state that underlies valve calcification. Further research is necessary to fully elucidate the complex interactions between immune cells, inflammatory mediators, and calcific processes in SAS. A deeper exploration of these mechanisms may lead to more effective, targeted treatments that could delay or prevent the need for surgical intervention in patients with senile aortic stenosis [21,22,23].

References:

1. Libby, P., Bonow, RO, Mann, DL, Zipes, DP, & Tomaselli, GF (2018). *Braunwald's Heart Disease: A Textbook of Cardiovascular Medicine* (11th ed.). Philadelphia, PA: Elsevier. ISBN: 978-0-323-54993-6.
2. Cotran, RS, Kumar, V., Collins, T., & Robbins, SL (2014). *Robbins and Cotran Pathologic Basis of Disease* (9th ed.). Philadelphia, PA: Elsevier Saunders. ISBN: 978-1455726134.
3. Fuster, W., Walsh, RA, & Harrington, RA (2011). *Hurst's The Heart* (13th ed.). New York, NY: McGraw-Hill Medical. ISBN: 978-0-07-163646-4.
4. Mitchell, RN, & Schoen, FJ (2018). *Cardiovascular Pathology* (4th ed.). Philadelphia, PA: Elsevier. ISBN: 978-0323480424.

УЎК: 616.34.35-07-08

ОПЕРАЦИЯДАН КЕЙИНГИ АНАЛ ИНКОНТИНЕНЦИЯНИ ТАШҲИСЛАШДА ФУНКЦИОНАЛ ТЕКШИРИШ УСУЛЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ

Теребаев Б.А.
Тошкент педиатрия тиббиёт институти

Аннотация

Аноректал мальформация бўйича операция амалиёти ўтказилган беморларда, сфинктер аппаратининг ҳар бир компонентининг ҳолатини баҳолаш учун тўлиқ функционал текшириш амалга оширилди. Ушбу беморларга миосимулятор, сфинктерометрия, баллонопроктография ва дефекография текшириш усулларидан фойдаланилди. Ушбу усулларнинг инконтиненция сабабини аниқлаш ва реконструктив даво усулини танлашда мухим аҳамиятга эга эканлиги исботланди.

Калит сўзлар. Аноректал мальформация, анал инконтиненция, миосимулятор, сфинктерометрия, баллонопроктография, дефекография.

FEATURES OF FUNCTIONAL RESEARCH METHODS IN THE DIAGNOSIS OF POSTOPERATIVE ANAL INCONTINENCE

Terebaev B.A.
Tashkent Pediatric Medical Institute

Abstract

In patients after surgery for anorectal malformations, functional research methods were performed to determine the functional usefulness of the sphincter complex. The following research methods were performed in these patients: myostimulation, sphincterometry, balloon proctography and defecography. With the help of these examinations, the causes of postoperative anal incontinence were clarified and it was proved that these methods allow the choice of a method of reconstructive interventions.

Keywords: anorectal malformation, anal incontinence, myosimulator, sphincterometry, balloon proctography, defecography.

ОСОБЕННОСТИ ФУНКЦИОНАЛЬНЫХ МЕТОДОВ ИССЛЕДОВАНИЯ ПРИ ДИАГНОСТИКИ ПОСЛЕОПЕРАЦИОННОЙ АНАЛЬНОЙ ИНКОНТИНЕНЦИИ

Теребаев Б.А.
Ташкентский педиатрический медицинский институт

Аннотация

У больных после операции по поводу аноректальных мальформации, для определения функциональной полноценности сфинктерного комплекса выполнена функциональные методы исследование. У этих больных выполнены следующие методы исследования: миосимуляция, сфинктерометрия, баллонопроктография и дефекография. С помошью этих обследований уточнены причины послеоперационной анальной инконтиненции и обоснованы что эти методы позволяют выбора метода реконструктивныз вмешательств.

Ключевые слова: аноректальная мальформация, анальная инконтиненция, миосимулятор, сфинктерометрия, баллонопроктография, дефекография.

Долзарблик. Анал континенция (континенция жараёнининг бошқарилиши) чуқур тизимлаштирилган мушаклар тизимининг ўзаро анатомо-физиологик уйғунликда ишлаш фаолияти оқибатида бошқарилади ва бунда сфинктер ва леватор мушакларининг, хамда тўғри ичакнинг резервуар вазифасининг ўзаро мутаносибликда ишлаши мухим аҳамиятга эга. Ушбу тизимнинг бир бўғинини ишламаслиги инконтиненцияга, яъни ичак таркибини ушлай олмаслик оқибатида бошқариб бўлмайдиган анал инконтиненцияга олиб келади [1,5,6,8,10,12,13].

Континенцияни таъминловчи мушаклар тизимининг кўп компонентли вазифаси, юқорида таъкидлаб ўтилганидек, ичак таркибини яъни нажасни бошқарувсиз чиқиб кетишини олдини олишдир, аммо болаларда операциядан кейинги анал инконтиненцияда ушбу мушаклар тизимининг маълум бир қисм мушаклари ёки бутун тизим мушакларининг фаолияти бузилиши кузатилади. Шу муносабат билан, бундай болалар учун даволаш тактикасини, реконструктив оператив усул ва услубни танлашни аниқлик киритиш қийинчилик туғдиради [2,3,4,7,9,11].

Мақсад. Операциядан кейиги анал инконтиненциянинг ташҳислаш натижаларини яхшилаш.

Материал ва услублар. Аноректал мальформация бўйича операция амалиёти ўтказилган беморларда, сфинктер аппаратининг ҳар бир

компонентининг ҳолатини баҳолаш учун тўлиқ функционал тадқиқотларни талаб қилади, шу сабабли операциядан олдинги даврда сфинктерометрия ўтказилган ва континенцияни таъминловчи мушакларининг анатомик ва функционал тўлиқлигини аниқлаш учун операция пайтида Phyzio-stim KA-F38 (Хитой) миостимулятор ускунасидан фойдаланилди (1-расм).

1-расм. Тўғри ичак континенцияни таъминловчи мушаклар электродиагностикасида ишалатилган Phyzio-stim KA-F38 ускунаси.

Ректоанал соҳанинг функционал ҳолати аноректал профилометрия билан баҳоланди, бу усул анал каналнинг исталган қисмидаги босимни, анал каналнинг узунлиги, сфинктер аппарати мушакларининг тинч ва максимал қисқариш пайтидаги қисқариш кучини аниқлашга имкон берди. Юқорида таъкидлаб ўтилган ушбу тадқиқот 3 ёшдан катта болаларда 72 та 30,8 (3%) беморларда ўтказилди, чунки 3 ёшгача бўлган болаларда уни амалга оширишнинг техник қийинчиликлари туфайли ушбу тадқиқотни ўтказиш жуда қийин ва кўп ҳолларда олинган натижалар ишончли бўлмайди. Узлуксиз аноректал профилометрия Гастроскан-СФ (Россия) ускунасида амалга оширилди (2-расм).

2-расм. Гастроскан-СФ ускунаси. Сфинктерометрия ўтказилади

Узлуксиз аноректал профилометрия усули тадқиқот учун махсус тайёргарликни талаб қилмайди, тадқиқот хар кунги табиий дефекациядан кейин бажрилиши мумкин. Болаларда мустақил нажас бўлмаса, тадқиқот арафасида тозаловчи фосфат микрохўқнаси амалга оширилади, бу эса тадқиқотга етарли тайёргарликни таъминлайди. Бемор чап ёнбошга “оёқларини чаноқ-сон ва тизза бўғимларида букилган ҳолда” ётади. Датчикни анал каналга киритишдан олдин унинг устига латекс шарча кийгизилади ва кейин у анал каналга 4,0-5,0 см чуқурликка киритилади, калибрланган босим ўлчагични ноль кўрсаткичига ўрнатиш керак. Қабул қилинган маълумотларни ёзиб олиш 3-4 минут ўтгач амалга оширилади, бу беморнинг датчикни киритиш натижасида келиб чиққан анал рефлексни сусайишига ва мослашиши учун зарур бўлган вақт ҳисобланади (3- расм).

3-расм. Стандарт сфинктерометрия (тинч пайтда ва эркин қисқаришдаги босим).

Анал босим (минимал ва максимал қийматлари) каналнинг турли қисмларида қайд этилади. Шундан сўнг, ички сфинктер қисқаришидан олинган натижалари, ташқи сфинктернинг эркин қисқариши, тинч пайтда ва максимал қисқариш пайтидаги кўрсаткичлар, анал каналнинг нормал параметрлар билан таққосланади. Гастроскан-СФ ускунаси бўйича норматив кўрсаткичлар ёши ва жинсига қараб ўзгаради, чунки анал сфинктер мушакларининг қисқариш кучи бевосита боланинг ёши ва жинсига боғлиқ (1-жадвал).

Сфинктерометрия параметрлари 72 та беморларда ўрганилди, шундан асосий гуруҳдаги 55 та бемор ва назорат гуруҳида 17 та бемор. Иккала гуруҳдаги қиёсий хусусиятлар беморнинг ёшига қараб амалга оширилди, чунки АИ даражасига қараб, ўртача оғиш кўрсаткичлари юқори кўрсаткичларда ўзгариб турди, бу ҳолат таққослаш гуруҳларида қабул қилиниши мумкин эмас деб ҳисобланади.

1-жадвал

Болаларда сфинктерометрия норматив кўрсаткичлари (мм.сим.уст.)

Кўрсаткич	4-7 ёш		8-12 ёш		12-15 ёш	
	Ўғил	Қиз	Ўғил	Қиз	Ўғил	Қиз
Тинч пайтдаги ўртача босим (мм.сим.уст.)	15–20	18–24	20–30	21–32	31–38	30–40
Максимал қисқариш босими (мм.сим.уст.)	40–58	41–50	60–88	60–80	70–120	71–130
Қисқаришнинг ўртача босими (мм.сим.уст.)	30–45	32–47	45–69	43–70	73–95	77–90
Эркин қисқариш градиент босими (мм.сим.уст.)	26–65	30–65	30–70	31–75	41–89	40–90
Йўталда максимал босим (мм.сим.уст.)	40–43	39–40	50–55	48–58	67–112	65–110
push-тест да минимал босим (мм.сим.уст.)	10–13	10–15	15–20	14–19	20–25	19–24
push-тест релаксация фоизи (%)	15–30	15–30	19–35	20–40	25–55	23–50

Анал сфинктерометриянинг олинган натижалари шуни кўрсатдики, асосий гуруҳидаги беморларда ёшига қараб тинч пайтда ўртача босими 24,0±2,0 мм.сим.уст. дан 32,6±1,0 мм.сим.уст. гача, максимал қисқариш босими бир вақтнинг ўзида 44,6±2,9 мм.сим.уст. дан 71,6±0,65 мм.сим.уст. гача бўлган кўрсаткичлар олинди, ўз навбатида назорат назорати гуруҳидаги беморларда бу кўрсаткичлар қуйидаги натижаларга мос келди: тинч ҳолатда ўртача босим 17,8±2,1 мм.сим.уст. дан 28,8±0,98 мм.сим.уст. гача; максимал қисқариш босими 42,5±1,06 мм.сим.уст. дан 67,5±2,8 мм.сим.уст. гача натижаларни ташкил этди (2- жадвал).

Бизнинг тадқиқотларимизда ўтказилган сфинктерометрия аноректал соҳанинг функционал ва органик бузилишлари бўлмаган болалар билан таққосланганда ички анал сфинктернинг ингибитор 153ефлекс ива чегара сезгирлигининг сезиларли даражада пасайишини кўрсатди. Бу далил ички анал сфинктер онгли равишда назорат қилинмаслигини ва шунинг учун бўшашган ёки қисқарган ҳолатда бўлишини яна бир бор исботлайди.

2-жадвал

Беморнинг ёшига қараб сфинктерометрияни қиёсий кўрсаткичлари

Гуруҳ	4-7 ёш		8-12 ёш		12-15 ёш	
	Тинч пайтдаги ўртача босим мм.сим.уст	Максимал қисқариш босим мм.сим.уст.	Тинч пайтдаги ўртача босим мм.сим.уст.	Максимал қисқариш босим мм.сим.уст.	Тинч пайтдаги ўртача босим мм.сим.уст.	Максимал қисқариш босим мм.сим.уст.
Асосий гуруҳ	24,0±2,0	44,6±2,9	24,5±2,3	65,3±2,7	32,6±1,0	71,6±0,65
Назорат гуруҳ	17,8±2,1	42,5±1,06	22,1±0,11	62,6±0,26	28,8±0,98	67,5±2,8

Баллонопроктография текшириш усули операциядан кейинги АИ билан 28 та беморда пуборектал мушакнинг қисқариш ҳолатини аниқлаш мақсадида амалга оширилди (4-расм.).

Дефекография болаларда операциядан кейинги АИ да анал канал қай даражада очилишини баҳолаш учун кенг қўлланилди. Текшириш усули операциядан кейинги АИ нинг II ва III даражаси тасдиқланган 39 та беморда ўтказилди. Ушбу беморларда анал тешикнинг чандиқли торайиши, сфинктерлар ва пуборектал мушакларнинг функционал ҳолати бузилганлиги аниқланган. Дефекография билан бир вақтнинг ўзида баллонопроктография текшириш усули хам амалга оширилди, пуборектал мушакни қисқариш фаолияти сақланганми ёки йўқми деган савол ечимини топиш учун (5-расм).

4-расм. Баллонопроктография. Аноректал бурчакнинг дефекацияда текисланиши 130° даражадан юқорилиги кузатилган.



5-расм. Анал каналда чандиқли торайиш бўлган беморда дефекография текшириш усули. Анал канал очилишида қийинчилик мавжуд.

Дефекография анал каналнинг узунлигини, аноректал бурчак ҳолатини, бурчакнинг ўткир ёки текисланганини аниқлашга имкон беради. Бироқ, бу усулдан фойдаланиш ёш жиҳатидан чекланишга эга, яъни катта ёшдаги болаларда амалга ошириш қийинчилик туғдирмайди, чунки эрта ёшдаги болалар дефекация жараёнини бошқариш қийинроқ.

Натижа ва тахлиллар. Ўтказилган функционал тадқиқотлар бизга операциядан кейинги АИ нинг асосий сабабларини аниқлашга имкон яратди, бу тадқиқотлар таҳлили шуни кўрсатдики, АИ кўпинча аноректал малформациянинг юқори шакллари билан туғилган болаларда кўпроқ учрайди. Тўғри ичак континенция фаолиятини таъминловчи мушаклар тизимининг эркин қисқаришининг бузилиши кўпчилик ҳолатларда ўтказилган бирламчи операцияларда сакрал иннервациянинг шикастланиши туфайли юзага келади. Бундан ташқари болаларда АИ га бошқа бир қанча омиллар сабаб бўлиши, операциядан кейинги жарохатнинг йиринглаши (11 та бемор), қўйилган чокларнинг очилиб кетиши (7 та бемор), қорин оралиқ проктопластикаларидан кейин анастомознинг хаддан ташқари тортилиб қолиши ҳисобига унинг етишмовчилигинг кузатилиши, ичакнинг ретракцияси (3 та бемор), туширилган ичакда қон айланишнинг бузилиши каби сабаблар кузатилди.

Шу билан бир қаторда, болаларда аноректал малформацияларнинг пастки шакллари бўйича оралиқ проктопластика операцияси бажарилган беморларда АИ нинг I-II даражаси аниқланган ва уларда ички кийимга нажас суркалиши ва қисман нажас ушлай олмаслик каби клиник белгилар билан намоён бўлган. Бунинг сабаби, бу беморларда АРМ нинг пастки шаклларида сфинктер мажмуасининг мушак тузилмалари мавжуд бўлади ва бирламчи операция пайтида зарарланиш кам миқдорда ёки бўлмаган, кўпчилик ҳолатларда бирламчи операциядан кейинги даврда анал тешик чандиқди торайиши ёки шиллиқ қават пролапси кўринишидаги асоратлар кузатилган.

Аноректал соҳанинг операциядан кейинги оғир деформациялари бўлган 17 та (7,3%) беморларда функционал тадқиқотлар ўтказиш билан боғлиқ қийинчиликлар қайд этилди. Тўғри ичак континенция фаолиятини таъминловчи мушаклар тизими шикастланган, деформациялари бўлган беморларда функционал тадқиқот натижалари кўпинча аниқ ташҳис қўйиш қийинчилик уйғотди, уларда операциядан кейинги АИ нинг ҳақиқий даражаси ва ривожланганлигини тўлиқ аниқлашга, шунингдек, шикастланиш даражасини аниқлашга имкон бермади, бу ўз навбатида реконструктив операция усулини танлашни қийинлаштирди.

Хулоса. Болаларда аноректал мальформацияларда операциядан кейинги анал инконтиненцияни ташҳислашда ташҳисот усулларидан, Phyzio-stim KA-

F38 миостимулятори, сфинктерометрия, баллонопроктография ва дефекография текшириш усулларидан фойдаланиш, уларнинг ўтказилиш кетма-кетлигига риоя қилган холда тўғри бажарилиши ва аниқ интерпретация қилиниши сўзсиз касалликнинг асосий сабабини аниқлашга ва даво усулини тўғри танлашга имкон беради.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Алиев М. М. и др. Выбор метода коррекции послеоперационной анальной инконтиненции у детей //Молодой ученый. – 2020. – №. 22. – С. 433-437.
2. Алиев М. М., Теребаев Б. А., Мажидов Т. Х. РЕЗУЛЬТАТЫ ХИРУРГИЧЕСКОГО ЛЕЧЕНИЯ ПОСЛЕОПЕРАЦИОННОЙ АНАЛЬНОЙ ИНКОНТИНЕНЦИИ У ДЕТЕЙ //Medicus. – 2019. – №. 3. – С. 61-67.
3. Алиев М. М., Теребаев Б. А., Мажидов Т. Х. РЕЗУЛЬТАТЫ ХИРУРГИЧЕСКОГО ЛЕЧЕНИЯ ПОСЛЕОПЕРАЦИОННОЙ АНАЛЬНОЙ ИНКОНТИНЕНЦИИ У ДЕТЕЙ //Medicus. – 2019. – №. 3. – С. 61-67.
4. Хамраев А.Ж. Хирургия толстой кишки у детей // Ташкент-2020. 394-410 стр.
5. Хворостов И. Н., Окулов Е. А., Доценко А. В. Аноректальные мальформации у детей // Российский педиатрический журнал. – 2022. – Т. 25. – №. 1. – С. 52-60.
6. Хронический толстокишечный стаз: диагностика, лечение, реабилитация / С.И. Апросимова, И.В. Киргизов, Т.А. Прудникова, А.Е. Гайдаенко, Е.А. Романова, Т.В. Свиридова, Н.Н. Павлова, А.М. Герасимова — ФГАУ «НМИЦ здоровья детей». М.: Полиграфист и издатель, 2022. С. 51.
7. Шамсиев А.М. и др. Новые подходы к вопросу классификации аноректальных мальформаций у детей // Журнал проблемы биологии и медицины. – 2017. – №. 1 (93). – С. 207-209.
8. Эргашев Н. Ш. и др. Аномалии позвоночника и спинного мозга у детей с аноректальными мальформациями //Журнал теоретической и клинической медицины. – 2018. – №. 1. – С. 75-78.
9. Aliev M. M., Terebaev B. A., Turaeva N. N. Anorectal malformations in children //Tashkent–2014 y.–164 p.–2014. – 2014.
10. Aldamuratovich T. B., Kattaevich A. A., Ogli M. M. M. Analysis of causes of postoperative anal incontinence in children //European science review. – 2018. – №. 5-6. – С. 196-199.

11. Bokova E. et al. State of the Art Bowel Management for Pediatric Colorectal Problems: Anorectal Malformations //Children. – 2023. – T. 10. – №. 5. – C. 846.
12. Peña A., Bischoff A., De la Torre L. Anorectal anomalies //Pediatric Surgery: Diagnosis and Management. – Cham : Springer International Publishing, 2023. – C. 967-984.
13. Terebaev B., Abzalova S. Correcting postoperative anal incontinence in children //European Journal of Molecular and Clinical Medicine. – 2020. – T. 7. – №. 2. – C. 997-1003.

УДК: 616.714.2:616.714.3-006–089.844

МЕНИНГИОМА ИНТРА-ЭКСТРАКРАНИАЛЬНЫМ РОСТОМ И РАЗРУШЕНИЕМ КОСТЕЙ ЧЕРЕПА: ДИАГНОСТИКА, ХИРУРГИЧЕСКОЕ ЛЕЧЕНИЕ И КЛИНИЧЕСКИЕ СЛУЧАИ

Адашвоев Х.А.

Республиканский специализированный научно-практический медицинский центр нейрохирургии

Аннотация

Первичные внутричерепные менингиомы являются одними из наиболее часто встречающихся опухолей, составляя около 20-25% новообразований центральной нервной системы. Кроме того, они относятся к числу опухолей, которые проникают в твердую мозговую оболочку и подкожные ткани, повреждая близлежащие структуры. В отличие от внутричерепных менингиом, диагностика и лечение экстракраниальных менингиом затруднены из-за их вводящих в заблуждение клинических признаков и отсутствия четких радиологических диагностических критериев.

Цель данного обзора – определить диагностические и хирургические особенности менингиом и служить иллюстративным руководством по различным поражениям костей черепа, с которыми может столкнуться нейрохирург.

Материалы и методы – представлены пациенты с менингиомами эксапнсивным ростом и разрущением костей черепа. Клиническими симптомами были головная боль, приступы судорог и косметический дефект, что и служили показанием к хирургическому лечению. Всем пациентам были произведены МРТ и МСКТ исследования. На основе результатов данных исследований установили линии резекции с помощью специального программного обеспечения. Опухоль была полностью удалена вместе с инфильтрированными тканями.

Результаты – у всех пациентов опухоль удалена по заранее планированным границам резекции и достигнут хороший результат с полным регрессом клинических симптомов. Одному пациенту была произведена симультанная операция с одномоментной краниопластикой. Послеоперационный период протекал без осложнений, пациенты выписаны в удовлетворительном состоянии.

Заключение – мы столкнулись с редким случаем менингиомы, возникающей из краниального диплоического слоя и проникающей в твердую мозговую оболочку и подкожные ткани. Даже при доброкачественной гистологии такие опухоли могут проявлять агрессивное поведение. Хирургическое вмешательство необходимо для достижения полной резекции поражения с целью предотвращения рецидива и ухудшения состояния. Предоперационное планирование со специальным программным обеспечением позволяет достигать тотального удаления и сократить длительность операции.

Ключевые слова: экстракраниальные менингиомы, диплое, хирургические техники, внутрикостные менингиомы, инвазия твердой мозговой оболочки, интра-экстракраниальное распространение.

KALLA SUYAGINI YEMIRIB INTRA - EKSTAKRANIAL O`SUVCHI MENINGIOMALAR DIAGNOSTIKASI, JARROHLIK YO'LI BILAN DAVOLASH VA KLINIK HOLATLAR

Adashvoyev X.A.

Respublika ixtisoslashtirilgan neyroxirurgiya ilmiy – amaliy tibbiyot markazi

Annotatsiya

Birlamchi bosh miya meningiomalari eng ko'p uchraydigan o'smalar hisoblanadi, ular markaziy nerv tizimi novdasining taxminan 20-25% ini tashkil etadi. Bundan tashqari, ular qattiq miyaning o'smalariga va teri osti to'qimalariga kirib, yaqin strukturalarni shikastlaydigan o'smalardan biridir. Ichki bosh miya meningiomalaridan farqli o'laroq, ekstrakarial o`suvchi meningiomalarining diagnostikasi va davolanishi qiyinroq va bu chalg'ituvchi klinik belgilarning mavjudligi va aniq radiologik - diagnostik kriteriyalar yo'qligi bilan izohlanadi.

Maqsad. Meningiomalarning diagnostika va jarrohlik xususiyatlarini aniqlash va neyroxirurg to`qnash kelishi mumkin bo'lgan turli kalla suyagi xosilalari bo'yicha illyustrativ qo'llanma sifatida foydalanish.

Субъективная оценка пациенток ОГ и ГС собственного состояния в обострении ХСО и СХТБ вне обострения ХСО также значимо отличается от оценки КГ ($p\leq0,05$). Это же касается и оценки тяжести состояния пациенток в данный момент, тяжесть состояния представительниц ОГ и ГС статистически значимо отлична от состояния женщин КГ ($p\leq0,05$).

Использованная литература:

1. Агарков Н.М., Аксёнов В.В., Иванов А.В., Иванов В.А., Кича Д.И., Субботина Т.И. Диагностическая значимость и кластеризация параметров системного гуморального иммунитета при остром эндометрите. Клиническая лабораторная диагностика. 2017; 62 (12): 750-753. DOI: http://dx.doi.org/10.18821/0869-2084-2017-62-12-750-753
2. БуроваН. А. /Острые воспалительные заболевания органов малого таза. этиология, патогенез, клиника, диагностика, лечение и профилактика рецидивов. 14.01.01 – Акушерство и гинекология //Автореферат диссертации на соискание ученой степени доктора медицинских наук. Волгоград. 2020.
3. Кузнецова, И.В. Роль окислительного стресса и антиоксидантной защиты в репродукции человека // Акушерство и гинекология. – 2016. – №3. – С. 116–121.
4. Пестрикова Т.Ю., Юрасов И.В., Юрасова Е.А. Современный взгляд на клиническое течение, диагностику и лечение воспалительных заболеваний органов малого таза у женщин. // Российский вестник акушера-гинеколога. 2015. - №4. – с.23-28.
5. Савичева А.М., Шипицына Е.В., Воробьева Н.Е. Инфекционные заболевания влагалища и современные подходы к их диагностике и лечению // Акушерство и гинекология. – 2016. – №2. – С. 120–126
6. Смирнова Л.Е., Умаханова М.М., Торчинов А.М. Современные взгляды на спаечный процесс в брюшной полости при трубно-перитонеальном бесплодии // Акушерство и гинекология – 2016. – №11. – С. 148–152.
7. Шатунова Е.П., Линева О.И., Каганова М.А. Иммунный профиль и оптимизация лечения больных с хроническими сальпингоофоритами // Российский вестник акушера-гинеколога, 2016 - №6. – с.83-88.
8. Шрамко С.В., Зорина В.Н., Баженова Л.Г. и др. Регуляторно-транспортные белки и цитокины в крови больных с заболеваниями матки // Акушерство и гинекология. – 2016. – №5. – С. 104–108.
9. Chen H, Wu Z, Wu Z, Huang Q. Proximal coil occlusion preceding distal sclerotherapy in patients with pelvic congestion syndrome: A multicenter, retrospective study. // J Vasc Surg Venous LymphatDisord. 2023 - №11(1) – p.149-155. doi: 10.1016/j.jvsv.2022.08.010
10. Sutcliffe S, Newcomb C, Bradley CS, Clemens JQ, Erickson B. Associations Between Urological Chronic Pelvic Pain Syndrome Symptom Flares, Illness Impact, and Health Care Seeking Activity: Findings From the Multidisciplinary

Approach to the Study of Chronic Pelvic Pain Symptom Patterns Study. // J Urol. 2023 - №11 – p. 39-55.

УЎК: 616.1-053.9+613.98

КОМОРБИД КАСАЛЛИКЛАРНИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ТУРЛИ МИНТАҚАЛАРИДА ЭПИДЕМИОЛОГИЯСИНИ ГЕРОНТ ПОПУЛЯЦИЯДА ГЕНДЕРЛИ ХУСУСИЯТЛАРИ

Мамасолиев Н.С., Сирожиддинов К.Б., Усмонов Б.У.
Андижон давлат тиббиёт институти

Аннотация

Муаллифлар коморбид касалликлар ёшга боғлиқ холда тафовутланиб 90-99да -79,7%, 100-105да – 16,1% ва ≥106 ёшли популяцияда – 4,3% аниқланиш частоталарида қайд қилинади. Барча ёш гереҳларида 5 та ва ундан ортиқ сон билан таркибланган коморбидлик тасдиқланади. Хулоса қилиш мумкин бўладики, умуман олганда геронт ёшдаги эркакларнинг хар бешинчисида коморбидлик холати қайд қилинади ва у асосан ≥ 5 та ва ундан ортиқ касалликларни ўзаро қўшилувидан таркибланиб ифодаланади. Коморбид касалликларни аниқланиш частоталари бўйича етакчиликни Қашқадарё ва Жиззах вилоятларини геронт ва супергеронт эркаклари популяцияси кўрсатади.

Калит сўзлар: коморбид касалликлар, геронт ахоли популяцияси, юқумли бўлмаган сурункали касалликларни (ЮБСК), юрак-қон томир касалликлари (ЮҚК), сурункали респиратор касалликларни (СРК), қандли диабет (ҚД$_2$), артериал босим (АБ).

EPIDEMIOLOGY OF COMORBID DISEASES IN DIFFERENT REGIONS OF UZBEKISTAN, GENDER CHARACTERISTICS IN THE GERONT POPULATION

Mamasoliev N.S., Sirojiddinov K.B., Usmonov B.U.
Andijan state medical institute

Abstract

The authors note that comorbid diseases vary by age -79.7% in 90-99, 16.1% in 100-105, and 4.3% in ≥106-year-old population. In all age groups, comorbidity consisting of 5 or more numbers is confirmed. It can be concluded that, in general, every fifth of men of geront age has a comorbid condition, and it is mainly expressed as a combination of ≥ 5 or more diseases. The population of geront and supergeront men of Kashkadarya and Jizzakh regions leads in terms of the frequency of detection of comorbid diseases.

Keywords: comorbid diseases; geront population; non-infectious chronic diseases (NCDs); cardiovascular diseases (CHD), chronic respiratory diseases (CHD), diabetes mellitus (QD2), arterial pressure (AB).

ЭПИДЕМИОЛОГИЯ КОМОРБИДНЫХ ЗАБОЛЕВАНИЙ В РАЗНЫХ РЕГИОНАХ УЗБЕКИСТАНА, ГЕНДЕРНЫЕ ХАРАКТЕРИСТИКИ ГЕРОНТНОЙ ПОПУЛЯЦИИ

Мамасолиев Н.С., Сирожиддинов К.Б., Усмонов Б.У.
Андижанский государственный медицинский институт

Аннотация

Авторы отмечают, что коморбидные заболевания различаются по возрасту: 79,7% в возрасте 90-99 лет, 16,1% в возрасте 100-105 лет и 4,3% в возрасте ≥106 лет. Во всех возрастных группах подтверждена коморбидность, состоящая из 5 и более цифр. Можно сделать вывод, что в целом каждый пятый мужчина геронтового возраста имеет коморбидное состояние, преимущественно выражающееся в сочетании ≥ 5 и более заболеваний. Популяция геронтов и супергеронтов-мужчин Кашкадарьинской и Джизакской областей лидирует по частоте выявления коморбидных заболеваний.

Ключевые слова: коморбидные заболевания, популяция геронтов, неинфекционные хронические заболевания (НИЗ), сердечно-сосудистые заболевания (ИБС), хронические заболевания органов дыхания (ИБС), сахарный диабет (СД2), артериальное давление (АД).

Мавзунинг долзарблиги ва зарурияти. Статистика маълумотларига эътибор берилса, яна кўринадики яқин йилларда геронт ахоли дунё бўйича тобора ошиб боради: йилига бу ўсиш 2%ни ташкил қилади, келгуси 35 йилда 15%га ортади, Европани айрим мамлакатларида эса бундай ўсишни 40%гача етиши прогнозланган ва бундан хулоса чиқариш асосли бўладики яқин келажакда геронтологик муаммолар, хусусан, коморбид касалликлар масаласи фақат долзарблашиб боради ёки уларнинг муаммоми энг камида 40%гача ошади. Бундай хулосаларга айнан охирги йилларда олиб борилган тадқиқотларда келинган [1, 2, 3, 4]. Физиологик ва патологик прогерияда коморбид касалликларни клиник муаммолари асосан хорижий популяцияларда ўрганилган, уларнинг аксариятида коморбид касалликларни эпидемиологик тус олиб кўпайиб борганлиги кўрсатилган [5, 6, 7].

Геронтологик ва геронт ёш хатар омили сифатида тасдиқланади, лекин ёш омили геронт ахолида коморбид касалликларни хатар омили сифатида махсус эпидемиологик тадқиқотда тўлиқ ўрганилмаган. Бу йўналишда ва Ўзбекистон шароитида назариёт ва амалиётни такомиллашти ёки тубдан илмий

асослаб профилактика модели/алгоритмларини яратиш йўли билан ўзгартириш муҳим илмий масала бўлиб қолган.

Тадқиқот материаллари ва усуллари. Дизайни бўйича – бир вақтли эпидемиологик тадқиқот Ўзбекистоннинг 5 та вилоятида – Андижон, Наманган, Фарғона, Жиззах ва Қашқадарё вилоятларининг 90 ёшдан ошган (геронт популяция) ва 106 ёшдан ошган (супергеронт популяция) ахолисида ташкил этилди. Жами 635 та ≥90-106 ва юқори ёшли ахоли текширилди (258 та эркаалар ва 377 та аёллар). 506 та – 90-99 ёшлилар (эркаклари – 218 та ва аёллари – 288 та), 102 та – 100-105 ёшлилар (33 таси – эркаклар ва 69 таси аёллар) ва 27 та 106 ёшдан ўтганлар (эркаклари – 7 та ва аёллари – 20 та).

Эпидемиологик тадқиқотнинг хослиги ва талабларидан келиб чиқиб текширувни геронт – супергеронт ахолида амалга оширишни режалаштириш, тадқиқотни тайёрлаш, тадқиқотни ўтказиш, маълумотлрни қайта ишлаш, натижаларни тахлил қилиш ва шарҳлаш, олинган натижалардан фойдаланиш ва уларни амалиётга жорий қилиб тиббий, ижтимоий ва иқтисодий самарадорликларини ўрганиш ва баҳолаш.

I – босқич: юқумли бўлмаган сурункали касалликларни (ЮБСК), хусусан, юрак – қон томир касалликларини (ЮҚК), ўсма касалликларини, сурункали респиратор касалликларни (СРК), қандли диабетни ($ҚД_2$) ва руҳий бузилишларни сўровнома билан ўрганиш ва баҳолашни таркибига киритади.

I – босқич яна ўз ичига сўровнома билан чекиш ва алкогол истеъмолини, ош тузи ва дори-дармонлар бўйича маълумотларни ўрганиш ва баҳолашни ўз таркибига киритади. Бундан ташқари мева – сабзавотлар истеъмолини, саломатлик холатини ва ЮБСК асосий хатар омилларини сўровнома бўйича ўрганишни хам ўз ичига олади.

II – босқичда қуйидагилар сўровнома бўйича ўрганилди ва баҳоланди: физик маълумотларни – бўйни, вазни, бел ва сон айланасини ўлчашни, артериал босимни (АБ) ўлчаш ва баҳолашни, юрак қисқаришлари сонини ва пульс частотасини ўлчаш хамда баҳолашни ушбу босқич ўз таркибига киритди.

III – босқичда биокимёвий текширувлар (қонда глюкоза ва холестеринни аниқлаш) ва фармако-эпидемиологик хамда ирсий маълумотлар (сўровнома билан) ўрганилди ва баҳоланди.

Натижа ва мухокамаси. Ўзбекистоннинг турли интақаларини геронт аёллари популяциясида коморбид касалликларнинг эпидемиологиясини тавсифи хусусиятлари. Коморбид касалликларни Ўзбекистоннинг ≥ 90-106 ёшли аёллари популяциясида тарқалишининг эпидемиологик тавсифланиши хусусиятлари ўрганилди ва аниқланди. Улардан кўринадики, жами коморбид касалликлар ≥90-106 ёшли аёлларда – 59,5% тарқалиш частотасида аниқланади. Фақат 1,3% аёлларда аниқланмайди, битта касаллик геронт аёлларнинг – 2,7%-

тида аниқланади, иккита касаллик – 6,6%тида, учта касаллик -7,1%тида, тўртта касаллик – 7,6% тида, бушта ва ундан ортиқ касалликларни қўшилиб аниқланиши – 3,3%тида тасдиқланади [RR=1,7; 95% Cl=1,36 – 2,13; χ^2=38,32; P<0,05].

Андижон худудининг геронт аёлларида коморбид касалликлар 67,6% тарқалиш частотаси билан кузатилади. Битта касаллик геронт ёшида бўлган аёлларнинг – 7,6%тида, иккита касаллик – 6,7%тида, учта касаллик – 11,4%тида, тўртта касаллик 15,2%тида, бешта ва ундан ортиқ касаллик қўшилуви билан ифодаланган коморбидлик холати аёлларнинг – 22,9%тида тасдиқланади [RR=1,63; 95% Cl=0,86 – 3,09; χ^2=2,77; P>0,05].

Наманган худудининг ≥ 90-106 ёшли аёлларида коморбидликни аниқланиш частотаси 64,0%ни ташкил этади. Уларнинг – 1,2%тида битта касаллик, 7,0%тида иккита касаллик, 5,8%тида учта касаллик ва 41,9%тида 5 та ва ундан ортиқ касаллик қўшилуви билан ифодаланган коморбидлик кузатилади [RR=1,9; 95% Cl=1,05 – 3,16; χ^2=9,91; P<0,05].

Фарғонанинг геронт ёшдаги аёлларнинг 3,6%тида битта касаллик, 8,6%тида – иккита касаллик, 8,1%тида –учта касаллик, 9,5% тида тўртта касаллик ва 32,0%тида бшта хамда ундан ортиқ касаллик бир вақтни ўзида аниқланади. Жами коморбид касалликларни аниқланиш частотаси 62,6%ни ташкил этади [RR=1,5; 95% Cl=1,08 – 2,10; χ^2=8,34; P<0,05].

Қашқадарё худудининг геронт аёллари популяциясида коморбид касалликлар 52,0% тарқалиш частотаси билан тасдиқланади. 3,1% геронт аёлларда – иккита касаллик, 1,0%да – учта касаллик, 2,9%да – тўртта касаллик ва 41,4%да бештадан ортиқ касалликларни ўзаро қўшилиб, коморбидликни хосил қилиб, аниқланиши тасдиқланади [RR=2,03; 95% Cl=1,12 – 3,66; χ^2=21,58; P<0,05].

Жиззах худудининг геронт аёллари популяциясида амалга оширилган статистик тахлиллар бўйича, аёлларнинг 8,5%тида- иккита касаллик, 2,1%тида – учта касаллик, 2,1%тида- тўртта касаллик ва 31,9%тида бештадан ортиқ касалликларни бир вақтда ўзаро қўшилуви билан ифодаланган коморбидлик қайд қилинади. Жами коморбид касалликлар 46,8% тарқалиш частотаси билан тасдиқланади [RR=1,17; 95% Cl=0,74 – 1,85; χ^2=0,84; P>0,05].

Коморбид касалликларни 90-99 ёшли аёллардаги (4,2-жадвал ва 4.2-расм) тахлилидан маълум бўладики, ушбу ёшдаги аёллар популяциясида коморбид касалликлар 45,5% тарқалиш частотаси билан аниқланади. Аксарият бешта ва ундан ошиқ сурункали касалликлар қўшилуви билан ифодаланган коморбидлик холати тасдиқланади. Битта касаллик – 2,1%, иккита касаллик – 4,4%, учта касаллик – 6,6% ва тўртта касаллик қўшилувини бир пайтда аниқланиши 6,5%

частоталар билан қайд қилинади [RR=1,98; 95% Cl=1,48 – 2,66; χ^2=37,35; P<0,05].

Андижоннинг ушбу ёшдаги аёллари популяциясида коморбид касалликларни тарқалиши 53,3%ни ташкил қилади, коморбидлик холати йўқлар – 2,9%ни, битта касаллиги бўлганлар – 5,7%ни, иккита касаллиги бўлганлар – 2,9%ни, учта касаллиги бўлганлар – 10,5%ни, тўртта касаллик қўшилуви бўлганлар – 13,3%ни ва бешта касаллик қўшилуви билан ифодаланган коморбидлик билан аёллар – 18,1%ни ташкил қилади [RR=2,69; 95% Cl=0,95 – 7,64; χ^2=5,16; P<0,05].

Наманганнинг 90-99 ёшли аёлларида жами коморбид касалликлар 44,22% тарқалиш частотасида қайд этилади. ≥ 5 та ва ундан оишқ касалликлар қўшилуви билан ифодаланган коморбидлик (26,7%), тўртта касаллик қўшилуви билан коморбидлик (3,5%) ва учта касаллик қўшилуви билан коморбидлик (8,1%) кузатилади. Иккита касаллиги бор 90-99 ёшли аёллар – 4,7%ни ва битта касаллик билан аёлларни аниқланш частотаси -1,2%ни ташкил қилади [RR=2,43; 95% Cl=1,10 – 5,38; χ^2=10,64; P<0,05].

Коморбид касалликларни тарқалиш частотаси Фарғона худудларининг 90-99 ёшли геронт аёлларида 59,5%ни ташкил қилиб, уларнинг 3,2%тида битта, 7,7%тида иккита, 8,3%тида учта 9,5%тида тўртта ва 30,2%тида бешта ва ундан ортиқ касалликлар бир вақтда аниқланади [RR=1,57; 95% Cl=1,09 – 2,25; χ^2=8,79; P<0,05].

Коморбид касалликларни аниқланиш частотаси Қашқадарё худудининг 90-99 ёшли аҳолисида – 28,0%ни ташкил этади. Бу популяцияда 5 та ва ундан зиёд касалликлар қўшилуви билан ифодаланган коморбидлик 21,7% тарқалиш частотасида, тўртта касаллик билан ифодаланган коморбидлик – 1,7%, учта касаллик билан ифодаланган коморбидлик – 2,9% ва иккита касаллик қўшилуви билан ифодаланган коморбидлик – 1,1% аниқланиш частотасида тасдиқланади [RR=3,24; 95% Cl=1,00 – 10,50; χ^2=17,70; P<0,05].

Ушбу ёшдаги Жиззах худудининг геронт аёллари популяциясида иккита касаллиги бор аёллар – 4,3%ни, учта касаллик билан аёллар – 2,1%ни ва ≥ 5 та касалликлар қўшилувида ифодаланган коморбид билан аёллар – 21,3%ни ташкил қилади. Фақат 2,1% аёлларда касалликлар аниқланмайди. Жами коморбид касалликларни аниқланиш частотаси – 21,3%ни ташкил этади [RR=1,5; 95% Cl=0,67 – 3,34; χ^2=3,61; P>0,05].

Коморбид касалликларни 100-105 ёшли аёллар популяциясида аниқланиш частотаси 10,9%ни ташкил этади, асосан ≥ 5 та касалликлар билан ифодаланган коморбидлик қиёсан юқори частоталарда (7,7%) кузатилади. Битта касаллик бор аёллар – 0,3%ни, иккита касаллик борлар – 1,7%ни, учта касаллик борлар –

0,2%ни ва тўртта касаллик борлар – 0,8%ни ташкил қилади [RR=1,0; 95% Cl=0,82 – 1,20; χ^2=0; P>0,05].

Деярли шундай тенденция бошқа худудлар популяциясида хам тасдиқланади. Чунонси, Андижон вилоятининг 100-105 ёшли аёллари популяциясида касаллик йўқлар фақат 1,0%ни, битта касаллик борлар ҳам – 1,0%ни, иккита касаллик борлар – 3,8%ни, учта касаллик борлар – 0,0%ни, тўртта касаллик борлар – 1,9%ни ва ≥ 5 та касалликни қўшилувида ифодаланган коморбидлик билан аёллар – 3,8%ни ташкил қилади [RR=0,7; 95% Cl=0,38 – 1,17; χ^2=1,7; P>0,05]. Ушбу аёллар популяциясида коморбид касалликларни аниқланиш частотаси – 11,4%ни ташкил этади.

Наманган худудининг 100-105 ёшли аёллари популяциясидан коморбид касалликларда қуйидаги эпидемиологик хусусиятлар аниқланади: 1) 2 та касаллик коморбидли – 2,3%, 2) 3 та касаллик билан коморбидлик – 0,00% ва 1 та касаллик борлар ҳам 0,00%ни, 3) 3 та касалликлар қўшилуви – 0,00%, 4) 4 та касаллик билан коморбидлик – 1,2%, 5) ≥ 5 та касаллик билан коморбидлик - 11,6%ни, 6) жами коморбид касалликларни тарқалиш частотаси – 15,1% ни ташкил қилиб тавсифланади [RR=0,9; 95% Cl=0,75 – 1,10; χ^2=0,2; P>0,05].

Фарғонанинг 100-105 ёшли аёлларида, 4.3-жадвал ва 4.3-расмда баён қилинган, коморбид касалликлар – 2,7% тарқалиш частотасида тасдиқланади. ≥ 5 та касаллик қўшилувида ифодаланган коморбидлик частотаси – 1,4%ни, 2 та касаллик қўшилуви коморбидлик частотаси – 0,9%ни ташкил қилади. 1 та касаллик борлар – 0,5%ни ташкил қилиб тавсифланади [RR=1,0; 95% Cl=1,0; χ^2=0; P=0].

Қашқадарёнинг ушбу ёшдаги аёллари популяциясида коморбид касалликларни тарқалиши частотаси 18,3%ни ташкил қилиб тавсифланади. 2 та касаллик билан аёллар – 1,1%;-ни, 3 та касаллик билан аёллар – 0,6%ни, 4 та касаллик билан аёллар – 1,1%ни ва ≥ 5 та касаллик билан аёллар, деярли 15 баробарга ортиб 15,4%ни ташкил қилади [RR=1,4; 95% Cl=0,62 – 3,13; χ^2=2,2; P>0,05].

Жиззах худудининг 100-105 ёшдаги аёлларида жами коморбид касалликлар 10,9% тарқалиш частотаси билан қайд қилинади.

Асосан 5 та ва ундан ортиқ касалликларни бир вақтда аниқланиши / қўшилуви билан ифодаланган коморбидлик (10,6%) тасдиқланади. Бошқа турда ифодаланган коморбидлик деярли аниқланмайди, 2 та касаллик билан ифодаланган коморбидлик 2,1% частотада қайд қилинади. Умуман Жиззахнинг 100 ёшдан ошган аёлларида коморбид касалликлар 12,8% тарқалиш частотаси билан тасдиқланади [RR=1,0; 95% Cl=0,82 – 1,20; χ^2=0; P>0,05].

Хулоса тарзида: 100-105 ёшли аёлларда олдинги геронт ёш гуруҳларига солиштирганда кам частота билан коморбид касалликлар кам частота билан

коморбид касалликлар қайд қилинади. КК юқори частоталарда Қашқадарё ва Наманган худудларида кам тарқалиш частотаси Фарғона ва Андижон аёллари популяциясида тасдиқланади.

Барча худудларда ва жумладан, республика миқёсида хам, 100-105 ёшли аёлларда 5 та ва ундан ортиқ сурункали касалликлар қўшилуви билан таркибланган коморбидлик кузатилади.

≥ 106 ёшдан ўтган – супергеронт аёллар популяцисида коморбид касалликларни тарқалиш частотасини тавсифи келтирилган.

Ушбу популяцияда ККни тарқалиш частотаси 3,1%ни ташкил қилади ва ≥ 5 тадан ортиқ касалликлар – 3,1%ни, 4 та касалликлар – 0,3%ни, 3 та касалликлар – 0,3%ни, 2 та касалликлар – 0,5%ни ва 1 та касалликлар -0,2%ни ташкил қилиб, касаллиги йўқлар – аниқланмайди [RR=1,43; 95% Cl=0,68 – 3,02; χ^2=1,47; P>0,05].

Жиззахнинг супер геронт аёлларида – 2та касаллик қўшилувини аниқланиши – 2,1%ни, 4 та касаллик қўшилуви – 0,3%ни ва ≥ 5 та касалликни қўшилуви билан ифодаланган коморбидлик-0,0%ни кўрсатиб тасдиқланади. Коморбид касалликларни аниқланиши умуман 4,3% ни ташкил қилиб тавсифланади [RR=0; 95% Cl=0; χ^2=2,00; P>0,05].

Қашқадарёнинг ≥106 ёшли аёллари популяциясида коморбид касалликларни аниқланиш частотаси 5,7%ни ташкил этади, ≥5та касалликни бир вақтда аниқланиши – 4,0%ни, 3 та касаллик билан коморбидликни кузатилиши – 0,6%ни ва 2 та касалликни қўшилувида ифодаланган коморбидлик – 2,1% ни ташкил қилиб кузатилади [RR=1,5; 95% Cl=0,67 – 3,34; χ^2=2,59; P>0,05]. Фарғона худудининг мазкур ёшдаги аёллари популяциясида фақат 0,5%ни ташкил этиб коморбид касалликлар тасдиқланади ва 4,7% хамда 2,9% аниқланиш частоталари билан КК Наманган ва Андижон популяцияларида қайд қилинади. Барчаларида ≥ 5та касалликдан ифодаланган коморбидликни қайд қилиниши устуворлик қилади.

Бундай кўрсаткичларни пастлиги, биринчидан, супергеронт аёлларда “тиббий тозаланиш” ва иккинчидан уларнинг сонини камлиги билан изоҳланади деб хулоса қилиш мумкин бўлади.

Ўзбекистоннинг турли минтақаларини эркаклари популяциясида коморбид касалликларнинг эпидемиологиясини тавсифи хусусиятлари. Геронт ва супергеронт эркаклар популяциясида коморбид касалликларни эпидемиологияси ва уни тавсифлари хусусиятлари махсус ўрганилди ва аниқланди. Тасдиқланишига, ≥ 90-106 жами эркаклар популяциясида коморбид касалликлар 40,5% тарқалиш частотаси билан аниқланади. Фақат 0,3% геронт эркакларда касалликлар аниқланмайди. 1 та касаллик билан – 0,8%, 2 та касаллик билан – 4,4%, 3 та касаллик билан 3,9%, 4 та касаллик билан – 4,6% ва

≥ 5 та касаллиқ қўшилувида ифодаланган коморбидлик билан -26,5% эркаклар тасдиқланади [RR=1,61; 95% Cl=1,24 – 2,10; χ^2=25,97; P<0,05].

Тахлиллар қайд қилиб тасдиқланадики, Ўзбекистоннинг турли худудларини ≥ 90-106 ёшли эркаклари ахолисида коморбид касалликларни тарқалиш частотаси то 50% дан ошиб тафовут билан аниқланади.

Андижон худудини ≥ 90-106 ёшли эркакларида КК 32,4% аниқланиш частотаси билан тавсифланади. Улар орасида КК аниқланмаганлар фақат 1%ни ташкил этади холос. 1 та касаллик билан – 1,0%, 2 та ва 3 та касалликлар билан – 1,9 ва 5,7%дан, 4 та касаллик билан – 3,8% ва ≥ 5 та касалликлар қўшилуви билан коморбидлик холатида- 19,0% ушбу геронт аҳоли тасдиқланади [RR=3,33; 95% Cl=0,99 – 11,22; χ^2=95; P<0,05].

Наманган худудининг ушбу ёшдаги геронт ахолисида – КК йўқлар аниқланмайди, 1 та касаллик билан популяция хам қайд этилмайди. 2 та касаллик билан коморбидлик – 5,8%, 3 та касаллик қўшилуви – 1,2%, 4 та касаллик қўшилуви – 9,3% ва ≥ 5 та касаллик билан таркибланган коморбидлик – 119,8% частотада тарқалиш билан аниқланади. Коморбид касалликларни жами Наманганнинг ≥ 90-106 ёшли ахолисида аниқланиш частотаси 36,0%ни ташкил қилади [RR=0,82; 95% Cl=0,52 – 1,28; χ^2=0,55; P>0,05].

≥ 90-106 ёшли эркаклар популяциясида, Фарғона худуди шароитида, коморбид касалликлар 37,4% тарқалиш частотаси билан аниқланади. Коморбид касаллик йўқ популяция – 0,5%ни ташкил қилади, 1 та касаллик – 0,5%, иккита касаллик қўшилуви – 6,3%, 3 та касаллик қўшилуви – 5,4%, 4 та касаллик қўшилуви – 4,5% ва ≥ 5 та касаллик билан ифодаланган коморбидлик – 20,3%, ≥ 90-106 ёшли эркакларда тасдиқланади [RR=1,52; 95% Cl=1,04 – 2,22; χ^2=6,98; P<0,05].

Қашқадарёнинг ≥ 90-106 ёшли популяциясида коморбид касалликларни тарқалиш частотаси – 48,0%ни ташкил қилади, КК аниқланмаган ахоли – тасдиқланмайди (0,00%). 1 та касаллик билан ушбу популяция – 1,1%ни, 2 та билан – 2,9%ни, 3 та билан – 2,3%ни, 4 та билан хам – 2,3%ни ва ≥ 5 та касаллик қўшилувидан таркибланган коморбидлик билан – 39,4%ни ташкил қилади [RR=1,7; 95% Cl=0,95 – 3,06; χ^2=35,82; P<0,05].

Коморбид касалликларни Жиззахнинг шу ёшдаги геронт эркакларида аниқланиш частотаси – 53,2%ни ташкил этиб, буларда хам КК йўқлар қайд этилмайди. Турли частоталарда коморбидлик хосил қилувчи касалликлар кузатилади: 1 та касаллик – 2,1%, 2 та касаллик – 4,3%, 3 та касаллик – 4,3%, 4 та касалликни қўшилиб аниқланиши – 6,4% ва ≥ 5 та касаллик қўшилуви билан ифодаланган коморбидлик – 36,2% аниқланиш частотаси билан тавсифланади [RR=1,7; 95% Cl=0,63 – 4,61; χ^2=2,48; P>0,05].

Коморбид касалликларни 90-99 ёшли эркаклар популяциясида тарқалишини эпидемиологик хусусиятлари келтирилган ва ифодалантирилган. Қайд этилдики, ушбу ёшдаги жами геронт эркакларда коморбид касалликларни аниқланиш частотаси – 34,2%ни ташкил қилади. Фақат 0,3%тида КК аниқланмайди; 0,6% частота 1 та касаллик, 3,9%- 2 та касаллик, 3,5% - 3 та касаллик, 3,6% - 4 та касаллик ва 22,2% - 5 та ва ундан ортиқ касалликлар билан ушбу ёшдаги геронт эркаклар тавсифланади [RR=1,62; 95% Cl=1,23 – 2,13; χ^2=23,4; P<0,05]. 90-99 ёшли Андижоннинг геронт эркакларида қуйидаги эпидемиологик хос тавсифлар тасдиқланади: 1) фақат 1,0% ахолида КК файд қилинмайди, 2) ахолининг 1,9% тида – 2та касаллик бир вақтда, 5,7% тида – 3 та касаллик, 3,8% тида – 4 та ва 17,1% тида ≥5 та касаллик билан таркибли коморбидлик аниқланади. Жами 90-99 ёшли эркакларда коморбид касалликларни тарқалиши 30,5%ни ташкил этади [RR=0,97 – 11-04; χ^2=8,52; P<0,05].

Наманган худудининг бу ёшдаги популяциясида коморбид касалликлар 31,4% тарқалиш частотаси билан тавсифланиб, 100,0% текширилувчида касаллик холати қайд қилинади. 2 та касаллик 4,7%, 3 та касаллик – 1,2%, 4 та касаллик – 9,3% ва ≥5 та касаллик қўшилувида ифодланган коморбидлик холати – 16,3% 90-99 ёшли эркаклар популяциясида қайд қилинади [RR=0,8; 95% Cl=0,46 – 1,37; χ^2=0,49; P>0,05].

Фарғонанинг 90-99 ёшли эркаклари популяциясини 0,5% тида КК аниқланмайди, битта касаллик билан – 0,5%, иккита билан – 6,3%, 3 та билан

– 5,0%, 4 та билан – 4,5% ва ≥ 5 та касаллик таркибли коморбидлик билан – 20,3% геронт-ахоли қайд қилинади. Коморбид касалликларни жами аниқланиши частотаси -36,9%ни ташкил қилиб ушбу популяцияда хос ифодаланади [RR=1,46; 95% Cl=1,01 – 2,11; χ^2=5,92; P<0,05].

Қашқадарёнинг 90-99 ёшли эркакларида коморбид касалликларни тарқалиш частотаси – 32,0%ни ташкил қилади. 1 та касаллик – 1,1%, иккита касаллик қўшилуви – 1,7%, 3 та касаллик қўшилуви – 1,1%, 4 та касалликни қўшилишиб учраши – 0,6% ва ≥ 5 та касаллик қўшилуви билан коморбидлик – 27,4% эркакларда тасдиқланади [RR=1,63; 95% Cl=0,80 – 3,34; χ^2=12,46; P<0,05].

Жиззахнинг шу ёш гуруҳидаги геронт эркаклари популяциясида бўлса, асосан ≥ 5 та сурункали касалликлар қўшилуви билан ифодаланган коморбидлик қайд қилинади (34,0%); 2 та касаллик қўшилуви 3 та касалликлар қўшилуви билан ахоли – 4,3%ни ташкил этади. Жами популяцияда коморбид касалликлар 42,6% тарқалиш частотасида, ушбу воҳанинг 90-99 ёшли эркаклари популяциясида, аниқланади [RR=2,0; 95% Cl=0,75 – 5,33; χ^2=8,89; P<0,05].

Коморбид касалликларни 100-105 ва ≥106 ёшли эркаклар популяциясида тарқалиши тавсифини ифодаланиши иловадаги 4.7 ва 4.8-жадваллар хамда расмларда келтирилган.100-105 ёшли жамии эркаклар популяциясида коморбид касалликлар – 5,2% аниқланиш частотасида тасдиқланади. Асосаан ≥5 та касалликлар билан таркибланган коморбидлик тасдиқланади (3,5%). 1 та, 2 та, 3 та ва 4 та касалликларни ўзаро қўшилувчи частоталари – 0,2%, 0,3, 0,3% ва 0,9% дан ошмасдан жуда кам тарқалиш кўрсаткичлари билан аниқланади [RR=1,57; 95% Cl=0,58 – 4,27; χ^2=1,52; P>0,05].

Худди шундай тенденция барча текширилган худудларининг 100-105 ёшли эркаклари популяциясида хам тасдиқланади. Вилоятлар кўламида ушбу популяцияда коморбид касалликлар қуйидаги тарқалиш частоталари билан тавсифланади: Андижонда – 1,9%, Наманганда – 3,5%, Фарғонада – 0,00%, Қашқадарёда – 13,1% ва Жиззахда – 10,6%дан.

Коморбид касалликлар ≥106 ёшдаги эркакларда – 1,1% тарқалиш частотасида тасдиқланади ва асосан 5 та касаллик қўшилувидан таркибланган коморбидлик билан (0,8%) ифодаланади [RR=2; 95% Cl=0,50 – 8,00; χ^2=2,92; P>0,05]. Худудларда коморбид касалликларни аниқланиш частотаси бу ёшдаги геронт эркакларда қуйидаги аниқланади: Андижонда – 0,00%, Наманган вилоятида – 1,2% , Фарғона вилоятида – 0,5, Қашқадарё вилоятида – 2,9% ва Жиззах вилоятида – 0,00%.

Хулоса. Коморбид касалликлар ёшга боғлиқ холда тафовутланиб 90-99да -79,7%, 100-105да – 16,1% ва ≥106 ёшли популяцияда – 4,3% аниқланиш частоталарида қайд қилинди. Барча ёш гуруҳларида 5 та ва ундан ортиқ сон билан таркибланган коморбидлик тасдиқланади. Хулоса қилиш мумкин бўладики, умуман олганда геронт ёшдаги эркакларнинг хар бешинчисида коморбидлик холати қайд қилинади ва у асосан ≥ 5 та ва ундан ортиқ касалликларни ўзаро қўшилувидан таркибланиб ифодаланади. Коморбид касалликларни аниқланиш частоталари бўйича етакчиликни Қашқадарё ва Жиззах вилоятларини геронт ва супергеронт эркаклари популяцияси кўрсатади.

Фойдалинилган адабиётлар:

1. Шальнова С.А., Оганов Р.Г., Деев А.Д., Имаева А.Э. и др. Сочетания ИБС с другими неинфекционными заболеваниями в популяции взрослого населения: ассоциации с возрастом и факторами риска //Кардиоваскулярная терапия и профилактика, -2015, -N5. -С.5.
2. Barbarash O.L., Zhidkova I.I., Shibanova I.A. et al. The effect of comorbid pathology and age on hospital outcomes of patients undergoing coronary artery bypass grafting. Cardiovascular Therapy and Prevention. -2019;1B(2);58-62.

3. Buhr R., Jackson N., Kominski G. Et al. Comorbidity and thirty –day hospital readmission adds in chronic obstructive pulmonary disease: a comparison of the Charlson and Elixhanser comorbidity indices //BMC Health Serv. Res. 2019. -Vol.1.-P. 700-701.
4. Conrad R., Judge A., Tran J. Et al. Temporal trendd and patterns in heart failure indidence: a population-based study of 4 million individuals / lancet. -2018. -Vol 391. -N10120. -P.572-578.
5. Schafer I., von Leitner E.C., Schon G. et al. Multimorbidity patterns in the elderly: a new approach of disease clustering identifies complex interrelations between chronic: conditions//PhoS One. -2010. - Vol.5. - N12. Article Ige 15940.
6. Van Kiet E.E.S., Hoes A.W., Wayenaar K.P et al. Epidemiology of heart failure: the prevalence of heart failure and renticular dys function in older adult over time. A systematic review //Eur. J. Heart Fail. - 2016. -Vol.18. -N3. -P.243-252.
7. Williams J.S., Egede L. E. The association between multimorbidity and quality of life, health status and functional disability //Am.J. Med. Sci. -2016-Vol.352. -N1-P. 46-51.

УЎК: 616.1-053.9+613.98

КОМОРБИД КАСАЛЛИКЛАРНИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ТУРЛИ МИНТАҚАЛАРИДА ЭПИДЕМИОЛОГИЯСИНИ УМУМИЙ ГЕРОНТ ХУСУСИЯТЛАРИ

Мамасолиев Н.С., Сирожиддинов К.Б., Нишонова Н.А.
Андижон давлат тиббиёт институти

Аннотация

Муаллифлар Ўзбекистоннинг ≥90-106 ёшли ахолисида коморбид касалликлар 98,4% тарқалиш частотаси билан аниқлади, уларнинг 60,8% тида коморбидлик ≥ 5 та сурункали касалликлар қўшилуви билан ифодалади. Геронт аёлларда – 59,5%, эркакларда – 40,5%, шахар ва қишлоқ популяциясида – 25,2% ва 74,8% тарқалиш частоталарида тасдиқлади. Қашқадарё ва Жиззах популяцияси етакчилик ролида тасдиқлади, уларга қиёсан икки баробарга етиб кам частоталарда коморбид касалликлар Фарғона водийси вилоятлари популяциясида аниқланди.

Калит сўзлар: коморбид касалликлар, геронтологик ёшдаги ахоли, юқумли бўлмаган сурункали касалликларни (ЮБСК), юрак-қон томир касалликлари (ЮҚК), сурункали респиратор касалликларни (СРК), қандли диабет (ҚД$_2$), артериал босим (АБ).

GENERAL GERONT CHARACTERISTICS OF THE EPIDEMIOLOGY OF COMORBID DISEASES IN DIFFERENT REGIONS OF UZBEKISTAN

Mamasoliev N.S., Sirojiddinov K.B., Nishonova N.A.
Andijan state medical institute

Abstract

The authors identified comorbid diseases with a prevalence of 98.4% in the population of Uzbekistan aged ≥90-106 years, in 60.8% of them comorbidity was expressed by the addition of ≥ 5 chronic diseases. Geront confirmed the prevalence in women - 59.5%, men - 40.5%, urban and rural population - 25.2% and 74.8%. The population of Kashkadarya and Jizzakh confirmed in the leadership role, compared to them, comorbid diseases were detected in the population of the Fergana Valley regions at low frequencies.

Keywords: comorbid diseases, population of gerontological age, non-infectious chronic diseases (NIDs), cardiovascular diseases (CD), chronic respiratory diseases (CHD), diabetes mellitus (SD2), arterial pressure (AP).

ОБЩАЯ ГЕРОНТОВАЯ ХАРАКТЕРИСТИКА ЭПИДЕМИОЛОГИИ КОМОРБИДНЫХ ЗАБОЛЕВАНИЙ В РАЗНЫХ РЕГИОНАХ УЗБЕКИСТАНА

Мамасолиев Н.С., Сирожиддинов К.Б., Нишонова Н.А.
Андижанский государственный медицинский институт

Аннотация

Авторами выявлены коморбидные заболевания с распространенностью 98,4% среди населения Узбекистана в возрасте ≥90-106 лет, у 60,8% из них коморбидность выражалась присоединением ≥5 хронических заболеваний. Подтвердилось, что распространенность у геронт женщин - 59,5%, мужчин - 40,5%, городского и сельского населения - 25,2% и 74,8%. Население Кашкадарьинской и Джизакской областей подтвердило лидирующую роль, по сравнению с ними коморбидные заболевания выявлялись у населения регионов Ферганской долины с низкой частотой.

Ключевые слова: коморбидные заболевания, население геронтологического возраста, неинфекционные хронические заболевания (НХЗ), сердечно-сосудистые заболевания (ССЗ), хронические заболевания органов дыхания (ХЗОД), сахарный диабет (СД2), артериальное давление (АД).

Мавзунинг долзарблиги ва зарурияти. Умр кўришни узайиши коморбид касалликларни, бир вақтда 2 тадан кам бўлмаган касалликлари бўлган геронт ахоли сонини, ортишига олиб келди. Коморбидлик турли аъзолар функциясини камайишига, когнитив бузилишлар ва гериатрик синдромларни келиб чиқишига, ногиронлик ва барвақт ўлим кўпайишига олиб келувчи хатар омили бўлиб хисобланади [1, 4]. Геронт аҳолида нисбтан кўп учрайдиган коморбид касалликларни бўлиши умр кўришни 12 йилдан 15 йилгача етиб қисқариши билан ассоцияцияланади [2].

Коморбид касалликлар геронтологик ёшдаги ахолида, мавжуд тадқиқотларнинг маълумотларига кўра, 49% тарқалиш частотаси билан тасдиқланади ва яқин йилларда уларнинг ўсиб боришини давом этиши прогнозланади. Чунончи, 2035 йилга бориб коморбидлик билан яшовчи геронт ахоли сонини 86,4% га ортиши прогноз қилинган [3]. Аксарият ички касалликлар коморбидлиги юрак- қон томир касалликлари респиратор касалликлар коморбидлиги ва яна – ошқозон –ичак касалликлари коморбидлиги, уронефрологик коморбидлик, қандли диабет ва инфекциялар коморбидлиги, бўғим касалликлари коморбидлиги юқори частоталарда қайд қилинади [3].

Коморбид касалликлар ёшга боғлиқ холда ортиб боради ва полипрагмазия хавфини кескин оширади, натижада айниқса геронт ахоли учун иккинчи хатар – фармакоэпидемиологик омил пайдо бўлади. Хусусан, геронтологик ёшда бўлиб ўлимидан олдин 5 йил давомида 10 та ва ундан ортиқ кунига дори истеъмол қиладиганларни хиссаси 30 % дан то 47% гача ортган [5].

Тадқиқот материаллари ва усуллари. Дизайни бўйича – бир вақтли эпидемиологик тадқиқот Ўзбекистоннинг 5 та вилоятида – Андижон, Наманган, Фарғона, Жиззах ва Қашқадарё вилоятларининг 90 ёшдан ошган (геронт популяция) ва 106 ёшдан ошган (супергеронт популяция) ахолисида ташкил этилди. Жами 635 та ≥90-106 ва юқори ёшли ахоли текширилди (258 та эркаалар ва 377 та аёллар). 506 та – 90-99 ёшлилар (эркаклари – 218 та ва аёллари – 288 та), 102 та – 100-105 ёшлилар (33 таси – эркаклар ва 69 таси аёллар) ва 27 та 106 ёшдан ўтганлар (эркаклари – 7 та ва аёллари – 20 та).

Эпидемиологик тадқиқотнинг хослиги ва талабларидан келиб чиқиб текширувни геронт – супергеронт ахолида амалга оширишни режалаштириш, тадқиқотни тайёрлаш, тадқиқотни ўтказиш, маълумотлрни қайта ишлаш, натижаларни тахлил қилиш ва шарҳлаш, олинган натижалардан фойдаланиш ва уларни амалиётга жорий қилиб тиббий, ижтимоий ва иқтисодий самарадорликларини ўрганиш ва баҳолаш.

I – босқич: юқумли бўлмаган сурункали касалликларни (ЮБСК), хусусан, юрак – қон томир касалликларини (ЮҚК), ўсма касалликларини, сурункали респиратор касалликларни (СРК), қандли диабетни ($ҚД_2$) ва руҳий бузилишларни сўровнома билан ўрганиш ва баҳолашни таркибига киритади.

I – босқич яна ўз ичига сўровнома билан чекиш ва алкогол истеъмолини, ош тузи ва дори-дармонлар бўйича маълумотларни ўрганиш ва баҳолашни ўз таркибига киритади. Бундан ташқари мева – сабзавотлар истеъмолини, саломатлик холатини ва ЮБСК асосий хатар омилларини сўровнома бўйича ўрганишни хам ўз ичига олади.

II – босқичда қуйидагилар сўровнома бўйича ўрганилди ва баҳоланди: физик маълумотларни – бўйни, вазни, бел ва сон айланасини ўлчашни, артериал босимни (АБ) ўлчаш ва баҳолашни, юрак қисқаришлари сонини ва пульс частотасини ўлчаш хамда баҳолашни ушбу босқич ўз таркибига киритди.

III – босқичда биокимёвий текширувлар (қонда глюкоза ва холестеринни аниқлаш) ва фармако-эпидемиологик хамда ирсий маълумотлар (сўровнома билан) ўрганилди ва баҳоланди.

Натижа ва мухокамаси. Коморбидликни ≥ 90-106 ёшли ахоли популяциясида эпидемиологик тавсифи хусусиятлари. Геронт ёшдаги ахолида коморбидлик қатор эпидемиологик хос эпидемиологик тавсифлар билан аниқланди. Маълум бўлдики, ≥ 90-106 ёшли ахолининг 98,4%-тида полиаъзоли

сурункали 2 тадан ортиқ касалликлар, яъни коморбидлик (КК) аниқланади. Фақат 1,6% геронтларда КК қайд қилинмайди [RR=1,67; 95% Cl=1,41 – 1,98; χ^2=64,93; P<0,05]. Геронт ахолининг 3,5%-тида фақат битта касаллик, 11,0%-тида – 2 та, 11,0% - тида – учта касаллик, 12,1%тида – тўртта касаллик ва 60,8%-тида бир вақтда ўзаро қўшилиб бештадан ортиқ касалликлар тасдиқланади.

Андижоннинг геронт популяциясида КК фақат 4,8% текширилганларда кузатилмайди, яъни коморбид касалликларни аниқланиш частотаси ушбу худуднинг ≥90-106 ёшли ахолисида 95,2%ни ташкил қилади. Жумладан, ушбу популяциянинг 8,6% тида битта касаллик,8,6% тида иккита касаллик, 17,1%-тида учта касаллик, 19,0% тида тўртта ва 41,9% тида бир вақтни ўзида ўзаро қўшилиб биттадан ортиқ касалликлар қайд қилинади [RR=1,03; 95% Cl=0,75 – 1,41; χ^2=9,79; P<0,05].

Наманган вилоятининг геронт популяциясида ККга хос эпидемиологик шароит қиёсан қуйидагича тафовутланиб тавсифланади: 100,0% ахолида коморбид касалликлар аниқланади. Хусусан, битта касаллик – 1,2% тида, иккита касаллик – 12,8% тида, учта касаллик – 9,3% тида, тўрта касаллик – 15,1% тида ва 61,6% тида бештадан ортиқ касалликларни ўзаро қўшилиб аниқланиш частотаси билан Наманганнинг ≥ 90-106 ёшли ахолиси таснифланади [RR=1,39; 95% Cl=0,93 – 2,07; χ^2=3,98; P<0,05].

Фарғона шароитида хам ўзига хослик билан КК нисбатан эпидемиологик шароит тасдиқланади. Чунончи, геронт ёшдаги ахолининг 98,6% тида коморбид касалликлар аниқланади. Битта касаллик – 4,1%, иккита касаллик – 14,9%, учта касаллик – 13,5%, тўртта касаллик – 14,0% ва бештадан ортиқ касаллик бир вақтда – 52,3% аниқланиш частотаси билан геронт популяцияда твсифланади [RR=1,51; 95% Cl=1,17 – 1,93; χ^2=15,06%; P<0,05].

3.1 расм маълумотларининг тахлилий кўрсаткичлари ишончли ва исботли тасдиқлайдики, Қашқадарёнинг геронт ёшидаги популяциясида коморбид касаликларни тарқалиши частотаси 99,4%ни ташкил қилади. Ушбу шароитда яшшовчи геронт ахолисида битта касаллик – 1,1%, иккита касаллик – 6,3%, учта касаллик – 6,3%, тўртта касаллик – 5,1% ва бештадан зиёд касаллик бир пайтда – 80,6% аниқланиш частотаси билан аниқланади [RR=1,88; 95% Cl=1,24 – 2,86; χ^2=36,15; P<0,05].

Жиззах вилоятининг геронт ёшдаги ахолисида коморбид касалликларни тарқалиш частотаси қуйидагича тавсифланиш билан тасдиқланади: 1) коморбид касалликлар 97,8% частотада тарқалиш билан аниқланади, фақат 2,1% ахолида қайд қилинмайди; 2) битта касаллик -2,1% ахолида, иккита касаллик – 12,8% ахолида, учта касаллик – 6,4% ахолида, тўртта касаллик -8,5% ахолида ва

бештадан ортиқ касаллик -68,1% геронт ахолида бир вақтнинг ўзида аниқланади [RR=1,33; 95% Cl=0,83 – 2,15; χ^2=2,71; P>0,05].

Шундай қилиб, эпидемиологик текширувнинг маълумотларини умумлаштириб хулоса чиқариш мумкинки, коморбид касалликлар геронт ахолида юқори частоталарда кузатилади. Энг кўп ≥5 тадан ортиқ сонли коморбид касалликлар қайд қилинади ва тарқалиш частотаси бўйича воҳа популяцияси етакчилик ролида тасдиқланади, деярли икки баробарга етиб қиёсан кам частоталарда коморбид касалликлар водий популяциясида аниқланади (P<0,05).

Коморбид касалликларни 90-99 ёшли ахоли популяциясида эпидемиологик тавсифи хусусиятлари. Коморбид касалликларни ёшга боғлиқ холда эпидемиологик тавсифларини “очиш” ва “профилактикаси уфқлари” ни Ўзбекистон шароитида узоқ умр кўрувчилар учун тасдиқлаб бериш, шак-шубхасиз, илмий – амалий аҳамият касб этади. Шундан келиб чиқиб бундай тахлилий эпидемиологик тадқиқот Ўзбекистоннинг геронт популяциясида мавжуд эмас, ККни 90-99 ёшли ахоли популяциясида эпидемиологик тавсифи хусусиятлари ўрганилди ва аниқланди. Текширилган 90-99 ёшли жами ахолида (n=635) битта касалликни аниқланиш частотаси – 2,8%ни, иккита касалликни қўшилувчи частотаси – 8,3%ни, учта касалликни қўшилиб учраши частотаси 10,1%ни, тўртта касалликни қўшилуви – 10,1% ни ва бештадан ортиқ касалликларни бир пайтда қўшилиб аниқланиш частотаси – 46,9% ни ташкил этади. Жами коморбидликни аниқланиш частотаси – 79,7% ни ташкил этади [RR=1,51; 95% Cl=1,27 – 1,79; χ^2=36,54; P<0,05].

Андижоннинг 90-99 ёшли текширилган геронт ахолисида (n=105) жами коморбид касалликлар 83,8% тарқалиш частотаси билан аниқланади. Фақат 3,8% геронтда касаллик кузатилмаган; 6,7% да – битта касаллик, 4,8% да – иккита касаллик, 16,2%да – учта касаллик, 17,1% да – тўртта касаллик ва 35,2%да – бештадан ортиқ сурункали касалликларни қўшилиб аниқланиши тасдиқланади [RR=0,87; 95% Cl=0,65 – 1,17; χ^2=12,58; P<0,05].

90-99 ёшли узоқ умр кўрувчиларни Наманган шароитида комплекс эпидемиологик тадқиқот (n=86) кўрсатадики, уларда коморбид касалликларни аниқланиш частотаси – 75,6% ни ташкил қилади 1,2% текширилганларда – битта касаллик, 9,3% да – иккита касаллик, 9,3% да – учта касаллик, 12,8% да – тўртта касаллик ва 43,0% тида бешта ва ундан ортиқ сурункали полиаъзоли хасталанишлар бир пайтда қайд қилинади [RR=1,54; 95% Cl=0,92 – 2,58; χ^2=4,22; P<0,05].

Тадқиқот маълумотларини Фарғонанинг 90-99 ёшли геронт ахолисида статистик қайта ишлаш қуйидагиларни тасдиқлади (n=222): коморбид касалликлар 96,4% тарқалиш частотаси билан кузатилиб, фақат 1,4%

текширилганларда касаллик қайд қилинмайди; битта касаллик – 3,6%, иккита касаллик – 14,0%, учта касаллик – 13,1%, тўртта касаллик – 14,0% ва бештадан ортиқ касаллик – 50,5% частоталарда тарқалиш билан бир вақтда қўшилишиб қайд этилади [RR=1,52; 95% Cl=1,17 – 1,97; χ^2=14,42; P<0,05].

Қашқадарёнинг 90-99 ёшли ахолисида (n=175) коморбид касалликларни аниқланиш частотаси – 60,0%ни ташкил этиб, битта касаллик -1,1%, иккита касаллик қўшилуви – 2,9%, учта касаллик қўшилуви – 4,0%, тўртта касаллик қўшилуви – 2,3% ва бештадан зиёд касалликни бир вақтда қўшилишиб аниқланиши частотаси – 49,1% ни кўрсатиб эътиборни жалб қилади [RR=1,64; 95% Cl=1,01 – 2,65; χ^2=18,24; P<0,05].

Шундай тахлиллар Жиззах вилояти бўйича, 90-99 ёшли ахолида бажарилди (n=47), қуйидагиларни тасдиқлади: 1) коморбид касалликлар 72,3% тарқалиш частотасида аниқланади; 2) 1 та касаллик бор ахоли аниқланмайди; 3) иккита касаллик қўшилуви – 8,5% частотада қайд қилинади; 4) учта касалликни қўшилуви частотаси – 6,7% ни ташкил қилади; 5) тўртта касалликни қўшилуви кузатилмайди; 6) бешта ва ундан ортиқ сурункали касалликларни бир вақтда қўшилишиб учраши частотаси – 55,3%ни ташкил этади [RR=1,75; 95% Cl=0,92 – 3,32; χ^2=12,26; P<0,05].

Хулоса қилиш мумкинки, 90-99 ёшли ахолида коморбид касалликларни қиёсан юқор частоталарда аниқланиши Фарғона ва Андижон худудларида, сезиларли фарқ билан (23,8%га) эса паст кўрсаткичларда – Қашқадарё, Жиззах ва Наманганда тасдиқланади. 5 тадан зиёд касалликларни қўшилуви юқори частоталари Жиззах, Фарғона ва Қашқадарёнинг, паст частоталари бўлса Андижон ва Наманганнинг 90-99 ёшли ахолисида қайд қилинади.

Коморбидликни 100-105 ёшли ахоли популяциясида эпидемиологик тавсифи хусусиятлари. Коморбид касалликларни 100-105 ёшли ахоли популяциясида, жами Ўзбекистон миқёсида ва худудлар кўламида, аниқланган эпидемиологик тавсифи хос хусусиятлари 3.3-расмда келтирилган. Коморбид касалликлар жами 100-105 ёшли ахолида 16,1% тарқалиш частотаси билан аниқланади. 1 та касаллик билан 100-105 ёшлилар -0,5%ни, 2 та касаллик билан – 2,0%ни, 3 та касаллик қўшилуви билан -0,5%ни, 4 та касаллик билан – 1,7%ни ва 5 тадан зиёд касалликлар қўшилуви билан – 11,2%ни ташкил қилишади [RR=1,07; 95% Cl=0,83 – 1,37; χ^2=0,31; P>0,05].

Андижон вилоятида текширилган 100-105 ёшли популяцияда (n=105) коморбид касалликларни тарқалиш частотаси – 13,3% ни ташкил қилади. Уларнинг 1,0%ни фақат битта касаллик, 3,8%ни – иккита, 0,00%ни – учта, 1,9% ни -4 та ва 5,7%ни – бешта ва ундан ортиқ бир вақтда ўзаро қўшилиб коморбидлик хосил қиладиган касалликлар ташкил қилади [RR=0,75; 95% Cl=0,50 – 1,12; χ^2=1,2; P>0,05].

100-105 ёшли Наманганнинг геронт популяциясининг 2,3% тида иккита касаллик, 1,2% тида – тўртта касаллик ва 15,1% тида 5 та ва ундан ортиқ касалликлар қўшилуви тасдиқланади. Жами коморбид касалликларни аниқланиш частотаси 18,6%ни ташкил қилади [RR=0,93; 95% Cl=0,80 – 1,01; χ^2=0,15; P>0,05]. Жами коморбид касалликлар 18,6% тарқалиш частотасида аниқланади. Фарғона вилоятининг 100-105 ёшдаги ахолисида эса (n=222) коморбид касалликларни тарқалиш частотаси 2,7%ни ташкил қилади.

Битта касаллик билан 100-105 ёшдаги ахоли – 0,5%ни, иккита касаллик билан -0,9%ни ва бешта хамда ундан ортиқ касалликларни қўшилуви билан – 1,4%ни ташкил этиб тасдиқланади [RR=0,0; 95% Cl=0,0 – 0,0; χ^2=0; P>0,05].

Айнан мазкур ёш интервалига кирувчи Қашқадарё популяциясида (n=175) – иккита касаллик билан коморбидлик – 2,3% учта касаллик билан коморбидлик – 1,7%, тўртта касаллик билан коморбидлик – 2,9% ва бешта ёки ундан кўп сонли касаллик билан коморбидлик – 24,6% аниқланиш частоталарида қайд қилинади. Коморбид касалликларни тарқалиш частотаси ушбу худудни 100-105 ёшли популяциясида 31,4% ни ташкил қилади [RR=1,57; 95% Cl=0,82 – 3,00; χ^2=5,17; P<0,05].

Жиззах вилоятининг 100-105 ёшдаги ахолисида (n=47) коморбид касалликларни тарқалиш частотаси – 23,4% ни ташкил қилади. 1 та касаллиги борлар – 2,1%, иккита касаллиги борлар – 2,1%, тўртта касаллиги борлар – 6,4% ва бешта ёки ундан ортиқ касалликларни қўшилиб учраши билан коморбидлик холати – 12,8% аниқланиш частоталарида тасдиқланади. Жами полиаъзоли хасталаниш билан популяция – 23,4%ни ташкил этиб тавсифланади [RR=0,67; 95% Cl=0,42 – 1,01; χ^2=0,48; P>0,05].

Коморбид касалликларни 100-105 ёшли ахолида тарқалиши бўйича хулоса қилиш мумкин бўлади, коморбидлик нисбатан – то салкам 16 баробарга етиб кўп частота билан Жиззах худуди популяциясида тасдиқланади ва энг кам кўрсаткичли аниқланиш частотаси Фарғонани геронт – 100-105 ёшли ахолисида кузатилади (P<0,001).

Барча худудларнинг 100-105 ёшли популяциясида бир вақтни ўзида 5 та ва ундан зиёд сурункали касалликларни қўшилуви билан ифодаланган коморбидлик аксарият қайд қилинади. Олинган натижалар, янада чуқурроқ тахлил қилиниб, ушбу ёшдаги ахолида охирги қаттиқ нуқталарни прогнозлашга асосланган профилактика тадбирларини режалаштириш ва амалга оширишнинг мақсадли бўлишини кўрсатади.

Коморбид касалликларни ≥ 106 ёшли ахоли популяциясида эпидемиологик тавсифи хусусиятлари. Тадқиқотнинг асосий вазифаларидан бири бўлиб коморбид касалликларни 106 ёшли ва ундан ўтган Ўзбекистон ахолиси популяциясида эпидемиологик тавсифларини ўрганиш ва хос

хусусиятларини аниқлашдан иборат бўлди. Таъкидлаш жоиз, бундай эпидемиологик тадқиқот 106 ёшдан ошган ахолида – то шу кунгача ўтказилмаган. Адабиётлар шарҳи тахлили бундай хулосага келишга асос бўлди.

Илк олинган илмий натижалар кўплаб хос эпидемиологик тавсифларни, коморбид касалликларга нисбатан, ≥106 ёшли ахоли популяциясида (мамлакат ва худудлар кўламида) кўрсатди (3.4-расмда улар баён қилинган ва кўрсатилган). Популяция даражасида коморбид касалликларни ≥106 ёшлиларда тарқалиш частотаси 4,3%ни ташкил қилади. 1 та касаллик билан ахоли 0,2%ни ташкил этади, иккита касаллик қўшилуви – 0,6%, учта касаллик қўшилуви – 0,5%, тўртта касаллик қўшилуви -0,3% ва бир вақтда 5 та ва/ёки ундан ортиқ касалликлар қўшилуви билан ифодаланувчи коморбид – 2,7% геронт ахолида тасдиқланади [RR=1,6; 95% Cl=0,81 – 3,03; χ^2=3,44; P>0,05].

Худудлар кўламида хам деярли шундай геронтоэпидемиологик тавсифланиш тенденцияси сақланиб қолади, аммо сезиларли тафовутланиш билан қайд қилинади. Хусусан, Андижоннинг ≥ 106 ёшли популяциясида (n=105) жами коморбид касалликлар 2,9% тарқалиш частотаси билан тасдиқланади. Битта касаллик билан супергеронт ахоли – 1,0%ни, иккита касаллик билан – 0,0%ни учта касаллик билан – 1,0%ни ва бешта хамда ундан ортиқ касаллик билан ифодаланган коморбидлик – 1,0% ни ташкил қилиб учрайди [RR=0,00; 95% Cl=0,00; χ^2=2,00; P>0,05].

Наманганнинг супергеронт ёшли ахолисида (n=86) иккита касалликни қўшилуви билан ифодаланган коморбидлик – 1,2%, тўртта касаллик билан коморбидлик -1,2% ва бешта ёки ундан ортиқ касаллик қўшилуви билан ифодаланган коморбидлик -3,5% тарқалиш частотасида қайд қилинади. Жами коморбид касалликларни аниқланиш частотаси Наманганнинг ≥106 ёшли ахолисида – 5,8%ни ташкил этиб ифодаланади [RR=0,75; 95% Cl=0,43 – 1,32; χ^2=0,31; P>0,05].

Фарғона вилоятининг ≥ 106 ёшли ахолисида асосан учта ва бешта хамда ундан ортиқ сурункали касалликлар қўшилуви билан ифодалангагн коморбидлик – 0,5% дан тарқалиш частоталарида тасдиқланади [RR=0; 95% Cl=0; χ^2=2,00; P>0,05]. Жами коморбид касалликларни аниқланиш частотаси – 0,9%ни ташкил қилади.

Қашқадарёнинг ≥ 106 ёшли популяциясида фақат иккита (1,1%), учта (0,6%) ва бешта хамда ундан ортиқ касалликлар ўзаро бир вақтда қўшилиб ифодаланадиган коморбидлик (6,9%) тасдиқланади [RR=1,5; 95% Cl=0,67 – 3,34; χ^2=4,29; P<0,05]. Умуман коморбид касалликлар ушбу худуднинг ≥106 ёшли ахолисида – 8,6% тарқалиш частотаси билан аниқланади.

Коморбид касалликларни аниқланиш частотаси Жиззах худудининг супергеронт ахолисида 4,3%ни ташкил этади. Асосан иккита ва тўртта

сурункали касалликлар қўшилуви билан ифодаланган коморбидлик (2,1% дан) тасдиқланади [RR=0; 95% Cl=0; χ^2=2,00; P>0,05].

Хулоса қилиш мумкинки, ушбу популяцияда коморбидлик энг юқори частоталар билан Қашқадарё ва Наманганда, нисбатан кам частоталар билан эса – қолган худудларда кузатилади.

Хулосалар. Ўзбекистоннинг ≥ 90-106 ёшли ахолисида коморбид касалликлар 98,4% тарқалиш частотаси билан аниқланади, уларнинг 60,8% тида коморбидлик ≥ 5 та сурункали касалликлар қўшилуви билан ифодаланади. Геронт аёлларда – 59,5%, эркакларда – 40,5%, шахар ва қишлоқ популяциясида – 25,2% ва 74,8% тарқалиш частоталарида тасдиқланади. Қашқадарё ва Жиззах популяцияси етакчилик ролида тасдиқланади, уларга қиёсан икки баробарга етиб кам частоталарда коморбид касалликлар Фарғона водийси вилоятлари популяциясида аниқланади.

Фойдалинилган адабиётлар:

1. Ибадова М.У. Патогенетическая значимость метаболического синдрома в формировании полиморбидных заболеваний //Автореф дисс...докт. философии (PhD) по мед, наукам. -2024. -С. 3.
2. Клинические рекомендации по кардиологии и коморбидным болезням под ред Ф.И. Белялова. 11-е изд. М: ГЭО-ТАР-Медил. -2021. -С.410-414.
3. AHA/ACC/HHS strategies to enhance application of clinical practice guidelines in patients with cardiovascular disease and comorbid conditions//Circulation. -2024.-Vol. 130.-N18. - P. 1662-1665.
4. Horodinschi R.N., Stanescu A.M.A., Bratu O.G. et al. Treatment with statins in Elderly Patients//Medicina. (Kaunas). -2019. -Vol.55. -N.11. -P.720. DOI: 10.3390 /medicina 55110721. PMID: 31671689. PMCID: PMC6915405.
5. Morin L., Vetrano D.Sh., Rizzuto D. Et al. Choosing wisely? Measuring the burden of medications in older adults near the end of life: nationwide, longitudinal cohort study//Am. J. Med. -2017. -Vol.130. -N8. -5.922-934.

УЎК: 616.51-001.831

БОШ МИЯ ЖАРОҲАТЛАРИНИ ТАРҚАЛИШИ ВА ИЖТИМОИЙ ЖИҲАТЛАРИ

Хакимов М.Н.
Андижон давлат тиббиёт институти

Аннотация

Мақола бош мия жароҳатларини тарқалиши ва ижтимоий жиҳатларини адабиётлар шарҳига бағишланган. PubMed, Scopus, Web of Science ва Google Scholar қидирув тизимлари муаммо бўйича 400 000 ортиқ манбаларни аниқлаган. Қидирувда [бош мия жарохатлари], [БМЖ], [БМЖ тарқалиши], [БМЖ ижтимоий жиҳатлари] каби калит сўзлар фойдаланилган, мақола учун релевант манбалар танлаб олинган.

Калит сўзлар: Бош мия жароҳатлари, БМЖ тарқалиши, БМЖ ижтимоий жиҳатлари.

DISTRIBUTION OF TRAUMATIC BRAIN INJURY, SOCIAL ASPECTS

Khakimov M.N.
Andijan state medical institute

Abstract

Тадқиқотнинг объекти. Тадқиқотнинг объекти сифатида Андижон вилояти перинатал марказининг ҳомиладорлик патологияси акушерлик бўлимида темир танқислиги ҳолати билан даволанган 15-45 ёшли 1500 нафар ҳомиладор аёллар олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Кросс секционал ретроспектив тадқиқотга асосланган диссертацияда эпидемиологик, клиник,

сўровнома, биокимёвий, инструментал, махсус гематологик, акушер-гинекологик ва статистик усуллар қўлланилган. Ҳар бир ҳомиладор аёлнинг касаллик тарихи маълумотлари махсус сўровнома саволлари бўйича таҳлил қилиниб баҳоланган: 1) субъектив текширув усуллари қуйидагиларни ўзи ичига олган: ҳомиладор аёлнинг шикоятлари, касаллик анамнези, ҳаёт анамнези, хавф омиллари ва соматик касалликлар ҳақидаги маълумотлар; 2) Anamnesis morbi ва Anamnesis vitae йиғишда ҳомиладор аёлларни тиббий назоратда туриши, камқонлик белгилари аниқланганларда антианемик муолажаларга риоя қилиш ва ҳомиладорликнинг кечиш хусусиятларини ўрганиш.

Натижалар. Жалб қилинган ҳомиладор аёллар популяцияси (ҲАП) қуйидагича тавсифланган: шифохона бўғини ҲАП, жами шаҳар ва қишлоқлик ҳомиладорлар – 1500 та: 20 ёшгача бўлганлар – 48 та, 20-24 ёшлилар – 636 та, 25-29 ёшлилар – 481 та, 30-34 ёшлилар – 234 та, 35-39 ёшлилар – 79 та, 40-44 ёшдагилар – 18 та ва 45 ёшдан ошганлар – 4 та. Ўртача ёш (M+SD) – 26,1±4,99, бўй (M+SD) - 161,2±6,0 см ва тана вазни (M+SD) – 67,6±12,6 кг, тана вазни тақчиллигининг ўртача фоизи – 1,7%.

Меъёрий вазнли ҲАП – 47,5% ни ортиқча тана вазни билан ҲАП 34,9% ва семизлик билан ҲАП 17,5% ни ташкил қилган. Текширилган ҲАПда семизликнинг 1 – даражаси - 48,1%, 2 – даражаси – 3,5% ва 3 – даражаси – 0,9%ни ташкил қилиб тавсифланган.

Ҳомиладор аёлларнинг барчаси (100,0%) туб аҳолига мансуб бўлиб, уларнинг 45,0%ини қишлоқ аҳолиси ва 55,0%ини шаҳар аҳолиси ташкил қилган. Ҳомиладорларнинг 89,8%и – уй бекалари ва 10,2%и ишловчи аёллар ҳисобланган (P<0,001).

Натижаларнинг курсатишича, 6 йил давомида, умумий ҳомиладор аёллар популяциясида (УҲАП) гемоглобин миқдорининг ўртача даражаси 72,1 г/л дан 66,1 г/л гача камайиши билан, яъни 6,0 г/л га ёки йилига 1 г/л дан пасайиб бориши тасдиқлаб, қайд қилинди. Текширув йилларида hg min: max эса – 46:90 ва 46:86 г/л миқдорларда аниқланиш билан ўзгариб аниқланди (RR=1,8; ишонч интервали – ИИ max – min – 2,78 – 1,39; X^2=18,6; P<0,05).

Гемоглобиннинг худди шундай пасайиш тенденцияси қишлоқ ҲАП да $\frac{71,3}{68-74}$ дан $\frac{66,2}{50:86}$ г/л гача суръатларда ифодаланиб, яъни 5,1 г/л га камайиб қайд қилинди (RR=2,0; ИИ=1,90 – 1,04; X^2=18,4; P<0,05).

Шаҳар ҲАП да Hg мидқорини 6 йилда камайиши кескинроқ ифодаланиб – 7,3 г/л ёки ҳар йили 1,2 г/л га пасайиш билан ($\frac{72,1}{46:90}$ г/л дан

$\frac{64,8}{46:76}$ г/л гача ўзгариш динамикасини кўрсатиб) қайд қилинди (RR=2,4; ИИ max – min=2,43 – 1,60; X^2=19,0; P<0,05).

Хулоса қилиш мумкинки, ҳомиладор аёллар популяциясида гемоглобин (НСВ, нормада 120 – 140 г/л бўлиши ҳисобга олинса) меъёрга нисбатан, салкам икки бараварга кам миқдорда, аниқланди ва охирги 6 йил давомида ушбу негатив тенденция 2,1 мартадан ортиқ тасдиқланди (1-расм).



1-расм. Ҳомиладор аёлларда гемоглобиннинг эпидемиологик хусусиятларининг ифодаланиши.

Шундай статистик таҳлиллар қондаги гемоглобин миқдорининг ўзгаришларига бағишланиб ҳомиладорлик муддатига боғлиқ ҳолда ўтказилган (1-жадвал).

Текширув йилларида ТТК ҳомиладор аёлларда қуйидаги аниқланиш частоталари билан қайд қилинди: 2015 йилда – 15,3%, 2016 йили – 22,3% (P<0,05), 2017 – йилда – 14,7% (P>0,05), 2018 йилда – 10,7% (P>0,05), 2019 – йилда – 23,1% ва 2020 йилда – 13,9% (P<0,01) -3-расм.

Умуман хулоса қилиш мумкинки, 6 йиллик кузатув давомида, ТТКнинг аниқланиш частотаси ҲАП да 1,4% га камайган (P>0,05).

Ёш ва ҳомиладорликдаги ТТК орасида боғлиқликнинг мавжудлиги ишончли тасдиқланди.

Ёшга боғлиқ ҳолда ТТК 100,0% гача ортди ва/ёки ≥45 ёшли ҳомиладорларда у 100,0% аниқланиш частотаси билан қайд этилди (RR=1,03; ИИ=1,25 – 0,84; X^2=148,7; P<0,05).

1-жадвал

Ҳомиладорлар популяциясида қондаги Hb миқдорининг ҳомиладорлик муддатига боғлиқ ҳолда ўзгариши.

Ҳомиладорлик муддатлари	Текширув йиллари		RR	ИИ		χ^2	P
	2015 йил (n=229)	2020 йил (n=209)					
	Hb,г/л, (min Hb; max Hb)	Hb,г/л, (min Hb; max Hb)		Max	Min		
I-триместр (n=350)	73,6 58;90	67 42;79	2,5	2,9	2,2	159,1	<0,001
II-триместр (n=451)	71,5 46;88	66,7 46;86	2,1	2,3	1,8	108,3	<0,001
III-триместр (n=699)	70,3 50;88	65,9 50;79	1,5	1,7	1,3	41,1	<0,05

6 йиллик натижалар бўйича ТТК ҳомиладор аёлларда ёшга боғлиқ ҳолда ўзгариб бориш билан тасдиқланди ва қуйидаги тарқалиш частоталарида қайд қилинди: <20 – 24 да 90,57% (P<0,05), 25 – 29 да – 91,68% (P<0,05), 30 – 34 да – 90,17% (P<0,05), 35 – 39 да 92,41% (P<0,05), 40 – 44 да 100,0% ва ≥45 ёшлиларда – 100,0% (P<0,05) (2-расм).



2 - расм. Ҳомиладор аёллар популяциясида ТТК нинг тарқалиш частотаси ва 6 йиллик ўзгаришлари динамикаси.

Хулосалар.

1. Илмий асосланган ҳолда эпидемиологик мониторинг тизимини қабул қилиш ва амалиётда узвий қўлланилишини таъминлаш

ҳомиладор аёлларда темир танқислиги камқонлигининг келиб чиқишини олдини олиш ва башоратлаш ишларининг самарадорлигини 85% дан 90% гача оширади.

2. Ҳомиладорларда темир танқислиги ҳолатини аниқлашда эпидемиологик-тадқиқотнинг скрининг ретроспектив турини қўллаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Бунда темир танқислиги камқонлиги эрта (прелатент), яширин (латент) босқичида эрта аниқлаш самараси 100,0% гача ортади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Андречгев Н.А., Балесва А.В. Железодефицитные состояния и железодефицитная анемия // Вестник современной клинической медицины. – 2009. – Т. 2. - № 3. – С. 60 – 62.
2. Баранов И.И., Детярёва Е.И., Самошина Е.С., Абрамова С.В. Железодефицитные состояния при беременности // Акушерство и гинекология: новости, мнения, обучение. – 2015. – Т. 4. - № 10. С. 68 – 74.
3. Баранов И.И. Анемия беременных, акушерская патология и перинатальные исходы // Эффективная фармакотерапия. – 2021. – Том 17. – № 43. – С. 47 – 50.
4. Банадыга Н.В., Рогальская Я.В., Рогальский И.О. Влияние железодефицитной анемии у детей на формирование системного иммунитета // Современная педиатрия. – 2014;3:38.
5. Дворецкий Л.И., Дятлов Н.В. Кардиологический больной с анемией // Форматека. – 2013;6: 22 – 29.
6. Карахалис Л.Ю., Андреева М.Д., Ахиджак А.Н., Игнамьева Е.О. Железодефицитная анемия и состояния печени у беременных: корреляционные связи // Акушерство и гинекология. – 2022. – Том 10. - № 1 (35). – С. 39 – 44.
7. Ломова Н.А., Дубровина Н.В., Кан Н.Е., Тюпонник В.Л. Быстрая коррекция дефицита железа у беременных: обзор современных возможностей // РМЖ. – 2017. - № 2. – С. 122 – 123.
8. Лукина Е.А., Дежекова А.В. Метаболизм железа в норме и при патологии // Клинческая онкогематология. – 2015. Т. 8. - № 4. – С. 356 – 359.

УДК: 616.155.194.8–055.2

ОСОБЕННОСТИ ЛЕЧЕНИЯ И ПРОФИЛАКТИКИ ДЕФИЦИТА ЖЕЛЕЗА У ЖЕНЩИН РЕПРОДУКТИВНОГО ВОЗРАСТА

Туйчиева Н.К.
Андижанский государственный медицинский институт

Аннотация

В данной статье проанализированы симптомы дефицита железа у женщин детородного возраста, их течение и последствия. Были собраны истории болезни соответствующих пациентов, результаты их наблюдения и лабораторного обследования. Это исследование было основано на данных 50 женщин детородного возраста с железодефицитной анемией.

Ключевые слова: желзодефицитная анемия, репродуктивной возраст, профилактика.

REPRODUKTIV YOSHDAGI AYOLLARDA TEMIR TANQISLIGINI DAVOLASH VA OLDINI OLISH XUSUSIYATLARI

Tuychieva N.K.
Andijon davlat tibbiyot instituti

Annotatsiya

Ushbu maqolada fertil yoshdagi ayollarda temir moddasi yetishmasligi oqibatida shakllanadigan belgilar, ularning kechishi, oqibatlarini tahlil qilish bilan o'rganish o'tkazildi. Tegishli bemorlarning kasallik tarixini, ularni kuzatish natijalari va laboratoriya tekshiruvini o'tkazildi. Ushbu tekshiruvda temir tanqisligi kamqonligi bo'lgan 50 nafar fertil yoshdagi ayollarning o'rganilgan ma'lumotlariga tayanib tayyorlandi.

Kalit so’zlar: temir tanqisligi, reproduktiv yosh, oldini olish.

FEATURES OF TREATMENT AND PREVENTION OF IRON DEFICIENCY IN WOMEN OF REPRODUCTIVE AGE

Tuychieva N.K.
Andijan state medical institute

Abstract

This article analyzes the symptoms of iron deficiency in women of childbearing age, their course and consequences. The medical histories of the corresponding patients, the results of their observation and laboratory examination were collected. This study was based on data from 50 women of childbearing age with iron deficiency anemia.

Keywords: iron deficiency anemia, reproductive age, prevention.

Введение. Исследование симптомов железодефицита среди женского репродуктивного контингента включало глубокий анализ клинических проявлений. В рамках проекта обследовали две группы: 50 женщин с хронической ЖДА и столько же здоровых добровольцев, включая сбор анамнестических данных, визуальный осмотр и комплекс лабораторных исследований (общий анализ крови и биохимические показатели).

В ходе исследования были применены шкалы оценки астенического состояния Л.Д. Малковой и MFI-20 для определения выраженности астении, выявленной в 100% случаев у женщин с ЖДА. При этом синдром проявлялся умеренно (70%) или сильно (30%), причем снижение физической активности отмечалось чаще всего - в 65%.

Симптомы астенического характера, циркуляторно-гипоксические и сидеропениичные проявления составили соответственно 100%, 62% и 43% от всех клинических случаев. Использование специализированных шкал позволило детально изучить астенический компонент в контексте ЖДА у женщин фертильного возраста, что дает более полное понимание состояния здоровья пациентов.

Железодефицитные расстройства сохраняют актуальность как значимая медико-социальная проблема: они широко распространены (около 2 млрд человек), преимущественно затрагивают женщин и детей, а также характеризуются многофакторностью и сложными этиопатогенетическими механизмами. В частности, в Европе и России ЖДА страдает каждая десятая женщина фертильного возраста (12%),

при этом скрытый дефицит железа наблюдается почти у половины данной группы [1-4].

Феномен Железодефицитной Анемии среди женщин: Глобальные и региональные тенденции. В современном мире особую медико-социологическую значимость представляет железодефицитная анемия (ЖДА) – одно из наиболее распространенных гематологических расстройств, особенно для женского населения.

Известно: 1. Глобальные данные. Железосодержание в организме женщин существенно ниже по сравнению с мужчинами — на три порядка [5]. В развитых странах, таких как США, потребление железа женщинами составляет лишь 55-60% от норм. Латентный дефицит железа превышает 40%, причем основной группой риска являются женщины фертильного возраста [7].

2. Региональные особенности. В России скрытый дефицит железа достигает 50% среди женщин репродуктивного периода, где ЖДА также остается актуальным заболеванием [5-7]. Аналогичная ситуация наблюдается в Республике Узбекистан: более 45% женщин фертильного возраста страдают от анемии и у 30% выявлен скрытый дефицит железа [8].

3. Физиологические основы. Железо, как незаменимый биометалл, играет ключевую роль в тканевом дыхании; его недостаток приводит к гипохромной микроцитарной анемии с понижением уровня ферритина и увеличением общей железосвязывающей способности сыворотки (ОЖСС).

4. Этиология. Основными факторами развития ЖДА служат хронические кровопотери, включая маточные дисфункции у женщин: меноррагии при миомах, эндометриозе и других гинекологических заболеваниях [9].

Необходимость длительной терапии препаратами железа становится неизменной.

5. Клиническая картина. Анемия проявляется в виде неполного кислородного обеспечения тканей, что ведет к гемической гипоксии и вторичным метаболическим нарушениям (сухость кожных покровов, ломкость ногтей, выпадение волос).

Симптомы включают общую слабость, головные боли, сердцебиения, одышку, снижение работоспособности и бессонницу. Астенический синдром (АС) становится характерным проявлением [9-13].

Эти данные подчеркивают необходимость комплексного подхода к диагностике и лечению ЖДА у женщин в разных регионах мира, особенно с учетом специфических факторов риска.

Ключевые моменты изучения ЖДА у женщин фертильного возраста

1. Выраженность Астении. Выраженность астенических симптомов напрямую зависит от степени тяжести железодефицита, согласно данным Рукабер Н.С., 2017 г. Наиболее ярко проявления астении наблюдаются при второй степени ЖДА [8]. После четырехнедельного курса заместительной терапии синдром сохраняется у 67% пациенток, что свидетельствует о необходимости комплексного и продолжительного лечения.

2. Лабораторные показатели. Основными маркерами ЖДА в клинической практике являются:

- Низкий цветовой показатель (ЦП) эритроцитов.
- Гипохромия красных клеток крови.
- Снижение сывороточного железа.

3. Классификация по тяжести:

- Легкая степень анемии: гемоглобин 110–90 г/л [5, 6].
- Средняя степень: 89-70 г/л.
- Тяжелая степень: ниже 69 г/л.

4. Состояние государственных программ и проблемы. Несмотря на снижение заболеваемости ЖДА в Республике (с 2314,0 до 1753,7 случаев на 100 тыс. населения за период с 2009 по 2015 гг.), проблема остается актуальной. Влияние экологических и социальных факторов усугубляет ситуацию [9, 15-17]. Недостаточная клиническая эффективность железосодержащих препаратов также является значимой проблемой.

Цель исследования: Изучение клинической картины ЖДА среди женщин фертильного возраста с использованием комплексного подхода.

Материалы и методы исследования. Объективный осмотр пациенток. Лабораторные методы (ОАК, биохимический анализ крови):

1. Астенические симптомы играют ключевую роль в клинической картине ЖДА у женщин фертильного возраста и требуют особого внимания при лечении.

2. Необходимость дальнейшего совершенствования диагностических подходов, включая оценку степени астении с использованием специализированных шкал (ШКАС Л.Д. Малковой, MFI-20).

3. Важность разработки и оптимизации терапевтических стратегий для повышения эффективности лечения ЖДА.

4. Необходимость учета социально-экологических факторов в профилактике и лечении железодефицитных состояний.

Перспективы: 1. Разработка индивидуализированного подхода к терапии с учетом степени астении, тяжести ЖДА.

2. Улучшение контроля за эффективностью проводимого лечения.

3. Проведение дополнительных исследований для выявления новых факторов риска и оптимизации профилактических мероприятий.

Результаты исследования. Описание методологии исследования: Исследование клинических проявлений ЖДА среди женщин фертильного возраста было проведено с применением тщательно структурированного подхода:

1. Критерии включения и исключения:

- Возрастной диапазон: 18-49 лет.
- Наличие верифицированного диагноза ЖДА.
- Согласие пациентки на участие в исследовании.

2. Группы для сравнения:

- Основная группа – 20 женщин с хронической ЖДА.
- Контрольная группа – 20 здоровых женщин-добровольцев, соответствующих возрастным критериям и без признаков анемии.

3. Критерии диагностики железодефицитной анемии: - Гемоглобин (Hb) менее 110 г/л. - Цветовой показатель эритроцитов ниже 0,85. - Гематокрит менее 33%. - Сывороточное железо <12.5 мкмоль/л. - Повышенная ОЖСС (более 64 мкмоль/л). - Ферритин сыворотки ниже 16 мкг/л.

4. Методы оценки астенического синдрома: - Использование двух шкал: a) Шкала астенического состояния (ШАС) Л.Д. Малковой, включающая 30 пунктов-утверждений. b) Международная шкала MFI-20 для оценки усталости и астении.

5. Шаги исследования: - Сбор жалоб: выявление характерных симптомов ЖДА (слабость, утомляемость, головокружения). - Анамнез: сбор данных о менструальном цикле, наличии гинекологических заболеваний. Объективный осмотр: оценка состояния кожи и слизистых оболочек (сухость), ногтей, волос.

Выявление особенностей клинической картины ЖДА у женщин фертильного возраста, с акцентом на астенические проявления. 2. Определение степени корреляции между лабораторными показателями и выраженностью симптомов анемии (включая астению). 3.

Сравнительный анализ эффективности различных шкал для оценки астении в данной популяции. Значение исследования:

1. Уточнение клинических проявлений ЖДА у женщин фертильного возраста.

2. Разработка оптимальных критериев диагностики и оценки степени тяжести состояния, включая астению.

3. Формирование рекомендаций по лечебно-профилактическим мероприятиям.

Статистическая обработка результатов проводилась с использованием прикладных программ «Microsoft 2010» и SPSS24 Statistics (IBM Corp.), 6.1. – Russian Edition

Среднестатистический возраст женщин контрольной группы составил около 32.8 лет, в то время как у пациенток с железодефицитной анемией он сократился до примерно 29.5 лет; при этом статистически значимых различий по росту, весу и индексу массы тела между группами не зафиксировано (таблица 1).

Таблица 1

Представление антропометрических параметров у пациентов.

Показатели	Группа контроля, n=20	Пациентки с ЖДА, n=50
Рост	168,3±4,7	158,7±2,4
Вес	56,2±3,1	58,5±2,2
ИМТ	24,2±1,6	22,2±1,3

* Достоверные различия по t-критерию Стьюдента при $p<0,05$.

В контрольной группе симптомы астении в виде общей слабости и быстрой усталости наблюдались только у 30% опрошенных женщин, тогда как среди пациенток с ЖДА эти признаки проявлялись во всех случаях - 100%. У большей части (60%) женщин из группы железодефицитной анемии при физической активности отмечалось затруднённое дыхание (одышка), учащённое сердцебиение и ощущение нехватки воздуха, что указывает на наличие циркуляторно-гипоксического синдрома. На третьем месте по распространению жалоб (40%) находились проявления сидеропенического синдрома: сухость кожи, её бледность, истончение волос и ногтей, нарушение вкусовых ощущений. Лабораторные исследования показали средний уровень

гемоглобина у здоровых женщин 130.7 г/л по сравнению с 93.2 г/л у пациенток с ЖДА (таблица 2).

Таблица 2

Показатели анализа крови у исследуемой группы больных.

Показатели	Контрольная группа, n=20,	Пациентки с ЖДА, n=50
Гемоглобин, г/л	130,7±2,6	94,3±2,6*
Эритроциты, 109/мл	4,4±0,04	3,7±0,02*
Гематокрит, %	36,2±0,09	26,4±0,06*
Сывороточное железо, мкмоль/л	27,4±3,6	11,3±2,5*
ОЖСС, мкмоль/л	55,35±3,8	74,72±2,8*
Ферритин, г/л	44,56±4,6	12,8±2,6*

*p<0,05 – различия достоверны по сравнению с контрольной группой по t-критерию Стьюдента.

Гематокрит снизился до критического значения в 27,8% для этой группы. Среднее количество эритроцитов составило 4,4•10^12/л среди здоровых женщин и существенно сократилось до 3,1•10^12/л у больных ЖДА. Уровень железа в сыворотке крови для контрольной группы оставался нормальным (86,81 мкмоль/л или 16,3 мкг/мл), тогда как в группе с анемией он был значительно снижен. Общая железосвязывающая способность у здоровых женщин составила среднее значение 56.0 мкмоль/л и возросла до 73.61 мкмоль/л среди пациенток с ЖДА. Значительное понижение уровня ферритина - от 45,81 г/л в контрольной группе до критически низких показателей в 12,7 г/л у больных анемией. В контрольной группе лёгкая и умеренная степень астении (соответственно 30% и 20%) наблюдались лишь у половины женщин. В то же время, тяжёлые формы астении (умеренно-выраженная -70%, выраженная – 30%) были характерны для всех пациенток с ЖДА.

По итогам применения шкалы определения степени астенического состояния: - В контрольной группе средняя степень астении (1–2) выявлена у 50% женщин, в частности: - Легкая степень – 30% - Умеренная – 20% В то же время, для пациенток с ЖДА: - Астенический синдром присутствовал во всех случаях (100%) - Степени тяжести: умеренно выраженная степень астении – у 70% женщин, выраженная степень – у оставшихся 30 % Использование шкалы MFI-20 показало: - Полное наличие «общей астении» (100%) среди пациенток с ЖДА, где:

снижение физической активности отмечено в 60% случаев, понижение общей активности – у половины опрошенных (50 %), снижение мотивации выявлено у 40 % женщин, психическая астения присутствовала у каждой третьей пациентки (30%). В контрольной группе: - «Общая астения» наблюдалась лишь у 35%, физическое истощение – в 15% случаев, понижение активности отмечено реже, всего в 10 %, снижение мотивации и психической активности соответственно составляли 5 % и 15 %.

Вывод. Таким образом, основным клиническим проявлением ЖДА у женщин фертильного возраста является астенический синдром (у всех обследованных), характеризующийся умеренно выраженными или тяжёлыми степенями, преимущественно с преобладанием физической слабости. За ним следуют циркуляторно-гипоксические проявления – 60 % случаев, сидеропенический синдром – у 40% пациенток.

Использование специализированных шкал для оценки астении позволило:

1. Подтвердить высокую распространённость и тяжесть астенического состояния при ЖДА.

2. Выявить ведущие компоненты симптомокомплекса, что важно для разработки индивидуального подхода к лечению.

Результаты демонстрируют необходимость комплексного изучения клинической картины железодефицитной анемии у женщин репродуктивного возраста с акцентом на оценке степени и проявлений астении.

Использованная литература:

1. Ахмедханов, С.Ш. Железодефицитная анемия молодого возраста: автореф. Дис. . д-ра мед. наук. Махачкала, 2000. - 38 с.
2. Буков Ю.А., Минина Е.Н. Сравнительная характеристика адаптационных резервов респираторной системы девушек 19–20 лет с различным уровнем физической работоспособности // Ученые записки Таврического национального университета им. В.И. Вернадского. Серия «Биология, химия». – 2011. – Т. 24 (63); № 4. – С. 24–35.
3. Коколина, В.Ф. Ювенильные маточные кровотечения // В.Ф. Коколина, А.Г. Румянцев, Д.Д. Панков // Актуальные проблемы подростковой медицины. -М., 2002.-С. 119-126.

4. Никуличева, В.И. Железодефицитная анемия современные аспекты / В.И. Никуличева, Г.Ш. Сафуанова. - Уфа: Башкортостан, 2003.- 143 с.
5. Рукабер Н.С. Оценка работоспособности и соматического здоровья женщин фертильного возраста с железодефицитной анемией: дисс. ... магистра медицины. – Караганда, 2017. – 65 с.
6. Heim C., Wagner D., Maloney E. et al. Early adverse experience and risk for chronic fatigue syndrome: results from a population-based study // Archives of general psychiatry. – 2006. – Vol. 63 (11). – P. 1258–1266.
7. Strai S.K., Bomford A., McArdle H.I. Iron transport across cell membranes: molecularuderstanding of duodenal and placental iron uptake. Best Practise& Research // Clin. Haem. – 2002. – Vol. 15; № 2. – P. 243–259.
8. Reveiz L.G., Gyte M.L., Cuervo L.G., Casasbuenas A. Treatments for iron-deficiency anaemia in pregnancy // Published Online: 5 Oct, 2011. – http: // link.springer.com / article /10.1007/ s 00484–014–0925–2.

УЎК: 616.28-003.217

СИЙДИК ҚОПИ МУСКУЛ ИНВАЗИВ САРАТОНИ ХИРУРГИК ДАВОСИНИНГ ОЛИС НАТИЖАЛАРИ ТАХЛИЛИ

Турсунов Д.М.[1], Жалолов О.К.[2], Назирбеков И.Н.[2], Абдуллаев Х.Қ.[2]
Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий амалий тиббиёт маркази Андижон вилоят филиали[1]
Андижон давлат тиббиёт институти[2]

Аннотация

Ишнинг мақсади мушак инвазив сийдик пуфаги саратони билан оғриган беморларни жарроҳлик даволашнинг узоқ муддатли натижаларини таҳлил қилишдир. Мазкур тадқиқотда Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази Андижон вилояти филиалида 2017-2023-йилларда қовуқ инвазив саратони бўйича радикал кистектомия ва маълум турдаги неоцистопластика операциясидан ўтказилган 86 нафар беморнинг узоқ йиллик натижалари ўрганилди. Сийдик-тош касаллиги, турли даражадаги стриктуралар, сурункали буйрак етишмовчилиги, перистомик чурралар, шунингдек СФ-36 шкаласи бўйича саратонга хос омон қолиш ва ҳаёт сифати каби кўрсаткичлар таҳлил қилинди ва ушбу турдаги юқори технологияли операцияларнинг статистик маълумотлари билан таққосланди. бошқа марказларда амалга оширилади.

Калит сўзлар: сийдик пуфаги инвазив саратони, асоратлар, радикал цистэктомия, неоцистопластика, илеал кондуит, Штудер ташрихи, Хаутман ташрихи.

LONG-TERM RESULTS OF SURGICAL TREATMENT FOR INVASIVE BLADDER CANCER

Tursunov D.M.[1], Jalolov O.K.[2], Nazirbekov I.N.[2], Abdullayev X.Q.[2]
Republican specialized scientific practical medical center of oncology and radiology Andijan regional branch[1]
Andijan state medical institute[2]

Abstract

The purpose of the work is to analyze the remote results of surgical treatment of patients with muscle-invasive bladder cancer. In this study, the remote results of 86 patients who underwent radical cystectomy and a certain type of neocystoplasty in 2017-2023 for invasive bladder cancer in the Andijan regional branch of the Republican Specialized Scientific and Practical Medical Center of Oncology and Radiology were examined. Such indicators as urolithiasis, strictures at different levels, chronic renal failure, peristomal hernias were analyzed, as well as, without fail, cancer-specific survival and quality of life according to the SF-36 scale were compared with statistical data of high-tech operations of this type performed in other centers.

Keywords: invasive bladder cancer, complications, radical cystectomy, neocystoplasty, ileal conduit, Studer orthotopic neobladder, Hautmann orthotopic neobladder.

АНАЛИЗ ОТДАЛЕННЫХ РЕЗУЛЬТАТОВ ХИРУРГИЧЕСКОГО ЛЕЧЕНИЯ МЫШЕЧНО-ИНВАЗИВНОГО РАКА МОЧЕВОГО ПУЗЫРЯ

Турсунов Д.М.[1], Жалолов О.К.[2], Назирбеков И.И.[2], Абдуллаев Х.К.[2]

Республиканский специализированный научно-практический медицинский центр онкологии и радиологии Андижанский областной филиал[1]

Андижанский государственный медицинский институт[2]

Аннотация

Цель работы - проанализировать отдаленные результаты хирургического лечения больных мышечно-инвазивным раком мочевого пузыря. В данном исследовании изучены отдаленные результаты 86 пациентов, перенесших радикальную цистэктомию и определенного типа неоцистопластику в 2017-2023 годах по поводу инвазивного рака мочевого пузыря в условиях Андижанского областного филиала Республиканского специализированного научно-практического медицинского центра онкологии и радиологии. Проанализированы такие показатели, как мочекаменная болезнь, стриктуры на разных уровнях, ХПН, перистомические грыжы, а также в обязательном порядке ракоспецифическая выживаемость и качество жизни по шкале SF-36 сопоставлены со статистическими данными высокотехнологичных операций такого типа, выполненных в других центрах.

Ключевые слова: инвазивный рак мочевого пузыря, осложнения, радикальная цистэктомия, неоцистопластика, илеальный кондуит, операция Штудера, операция Хаутмана.

Тадқиқот мақсади. Сийдик қопи инвазив саратони билан касалланган беморларда хирургик давонинг олис натижаларини ўрганиш.

Муаммонинг долзарблиги. Умумий онкологик касалликлар орасида сийдик қопи саратони 2-5 % ҳолатни ташкил қилади [6, 18]. Хавфли ўсмалар структурасида ушбу касаллик 11 – ўринни эгаллайди. Турли ҳудудлар орасида касалланиш кўрсаткичи тафовути баъзи ҳолларда 10 баробаргача етиши мумкин. Сийдик қопи хавфли ўсмасининг инвазив турида асосий олтин стандарт – радикал цистэктомия ҳисобланади [1, 4, 5]. Ушбу амалиёт энг травматик ташрихлардан бири бўлиб, кўп ҳолларда эрта ва кечки асоратлар

ривожланиш хавфи юқорилигича қолмоқда. N. Lawrentschuk маълумотларига кўра, Европа клиникаларида 1960-1970 – йиллар тахлили ўтказилганда ташрихдан кейинги даврда ўлим кўрсаткичи 40 % ни, 2009 йилга келиб бу кўрсаткич 3,9 % гача тушган [12, 20]. Асоратлар частотасининг пасайиши албатта хирургик ва анестезиологик қўлланмаларнинг такомиллашуви ва ташрихдан кейинги даврда беморларни олиб бориш тактикасидаги ижобий ўзгаришларни таъкидлаш мумкин [7, 24]. Онкология соҳасида олис натижалар сифатида яшовчанлик кўрсаткичи энг асосий устувор мақсад саналсада, радикал цистэктомия амалиёти ўтказган беморларда ҳаёт сифати каби кўрсаткич ҳам етарлича аҳамият касб этади [2, 8, 23]. Ҳозирги кунда тўртламчи профилактика сифатида олға сурилаётган таклифлар бу меъзонга нисбатан турлича ёндашувлар ва фикрлар дебатини юзага чиқармоқда [6, 22].

Материаллар ва усуллар. 2017-2023 йилларда Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий амалий тиббиёт маркази Андижон вилоят филиали шароитида сийдик қопи саратони билан касалланган беморларга радикал цистэктомия амалиёти бажарилган 86 нафар бемор маълумотлари тахлили ўтказилган. Беморларнинг ўртача ёши 62,3 ±1,0 (39-79) (1-расм). Гурухлардаги ёш тафовути сезиларли даражада фарқ қилган. 3- ва 4- гурух беморлари нисбатан ёш бўлишига асосий сабаб қилиб ташрих хажми ва беморлар орасидан танлаб олиниши кўрсатилган.

Радикал цистэктомия амалиётидан кейин бир вақтда барча беморлар ортотопик (Штудер, Хаутман) ва гетеротопик (Брикер) пластика ўтказилган. Беморларнинг 19 нафарига радикал цистэктомия, 2 томонлама уретерокутанеостомия билан (1-гуруҳ), 46 нафарига Бриккер (2-гуруҳ) (2-5-расмлар), 14 нафарига Штудер (3-гуруҳ) (6-9-расмлар) ва 7 нафарига Хаутман (4-гуруҳ) бўйича неоцистопластика амалиёти бажарилган. Барча беморлар мос тарзда 4 гурухга бўлинди. Тахлил қилинган беморларнинг ўртача ёши 62 (39-78) ни ташкил қилди ва касаллик босқичи жиҳатидан 2-3-4-гуруҳлар ўзаро мос тарзда бўлди.

Тадқиқотда Андижон вилоят филиали шароитида оператив даво ўтказган жами 63 нафар беморнинг жинсига нисбатан тахлилига кўра, уларнинг 6 таси (9,5%) аёл, 57 нафарини (90,5%) эркак ташкил қилди (1-жадвал).

Бирламчи текширувлардан сўнг беморларда олис метастазлар аниқланмаган. Барча беморлар морфологик верификация қилинган (ўтувчи-ҳужайрали саратон, аденокарцинома). Яшовчанлик кўрсаткичини

баҳолашда Каплан-Мейер бўйича, ҳаёт сифати кўрсаткичини эса SF 36 шкаласи бўйича тахлил қилинди.



1-расм. Ёш интервали.



2-расм. Радикал цистэктомиядан кейинги ташрих ўрни.



3-расм. Мобилизация қилинган ёнбош ичак қисми (илеал кондуит).

4-расм. Уретероилеал анастомоз.

5-расм. Ўнг ёнбош соҳага чиқарилган уростома (1 ойдан кейинги ҳолат).

6-расм. Тугал-тугал бир қаторли энтероэнтероанастомоз.

7-расм. Штудер бўйича J-симон резервуар



8-расм. Резервуаруретрал анастомоз қўйиш босқичи.



9-расм. Резервуар ҳосил қилиш босқичи

1-жадвал

Беморлар характеристикаси.

Кўрсаткичлар	Гурухлар			
	1-гуруҳ	2-гуруҳ	3-гуруҳ	4-гуруҳ
Жами, *n (%)* Аёл Эркак	19 (100) 2 (10,5) 17 (89,5)	46(100) 6 (13) 40 (87)	14(100) 1 (7,1) 13 (82,9)	7(100) - 7 (100)
Ўртача ёш	69,3 (39-79)	62,1 (46-78)	46,8 (41-62)	44,3 (40-58)
рТ босқич *n (%)* рТ1 рТ2 рТ3-4	- 6 (31,6) 13 (68,4)	- 18 (39,1) 28 (60,9)	- 8 (57,1) 6 (42,9)	- 4 (57,1) 3 (42,9)
ТВИ (кг/м^2)	34	32	34	35
Ўсма дифференцировкаси G *n(%)* G1 G2 G3 G4	19 (100) 4 (21,1) 6 (31,6) 6 (31,6) 3 (15,7)	46 (100) 10 (21,7) 14 (30,4) 18 (39,2) 4 (8,7)	14 (100) 4 (28,6) 6 (42,8) 4 (28,6) -	7 (100) 2 (28,6) 3 (42,8) 2 (28,6) -

Эслатма: ТВИ – тана вазни индекси.

SF-36 (SF-36 Health Status Survey) – бу ҳаёт сифатини баҳолаш учун махсус бўлмаган сўровнома бўлиб, АҚШ ва Европа мамлакатларида ҳаёт сифатини ўрганишда кенг қўлланилади [8, 13]. SF -36 сўровномаси АҚШ нинг умумий аҳолиси ва Австралия, Франция ва Италиядаги вакиллик намуналари учун стандартлаштирилган. АҚШ ва Европа мамлакатларида алоҳида популяциялар бўйича тадқиқотлар ўтказилган ва натижалар соғлом аҳоли ва турли сурункали касалликларга чалинган беморлар гуруҳлари (гуруҳларни жинси ва ёши бўйича ажратиш) нормалари асосида олинган. Анкетанинг 36 та банди саккизта шкалага бирлаштирилган: жисмоний фаолият, ролли фаолият, тана оғриғи, умумий саломатлик, ҳаётийлик, ижтимоий фаолият, ҳиссий ҳолат ва руҳий саломатлик [3, 9]. Ҳар бир шкала бўйича баллар 0 дан 100 гача бўлиб, 100 балл тўлиқ саломатликни ифодалайди ва барча шкалалар иккита кўрсаткични ташкил қилади: ақлий ва жисмоний фаровонлик. Натижалар 8 та шкала бўйича баллар кўринишида тақдим этилган бўлиб, юқори балл ҳаёт сифатининг юқори даражасини кўрсатади.

Натижалар. Тадқиқотдаги беморларнинг ўртача кузатув даври 38 ой (6-81 ой) ни ташкил қилди. Тадқиқотда жами 86 нафар беморда РЦЭ амалиёти ва маълум турдаги пешоб деривацияси олис (9 ойдан кейинги муддат) натижалари тахлили ўтказилди. Тахлилга кўра, 1-гурух (РЦЭ, 2 томонлама УКС) беморларида уретер стриктураси асорати 6 нафар (31,6 %) да кузатилди. Стриктура натижасида ушбу томонда гидронефроз ва унинг клиникаси ривожланди ва зарарланган буйракка ПКН амалиёти бажарилиб, ёрдам кўрсатилди. Ушбу гурух беморларида сийдик найини доимий катетеризацияси бажарилиши оқибатида кўтарилувчи инфекция ҳисобига СБЕ 5 нафар (26,3 %) да юзага келди. Бу асорат кейинги даврда канцерга хос яшовчанликка таъсир қилмаса ҳам, умумий яшовчанлик кўрсаткичига ўз таъсирини билдирди.

2-гурух беморлари кузатув даврида аниқланган олис асоратлар қаторида СБЕ 2 та (4 %) ҳолатда ривожланди. Бунга сабаб сифатида ташрихдан олдинги даврда ушбу беморларда иккала буйрак поликистози мавжудлиги келтирилган. 2 нафар (4 %) бемор буйрак жомчасида СТК ривожланди ва бу асорат консерватив бартараф қилинган. УИА стриктураси ҳам 2 та (4 %), уростома стенози 4 та (8 %), уростома олди чурраси 5 та (10,9 %), уростома пролапси 1 та (2,2 %) беморда ривожланган. Ушбу асоратларнинг барчаси хирургик ёрдам асосида бартараф қилинган. Баъзи асоратларнинг ривожланишида COVID-19

сабабли йўтал каби симптомлар сабаб бўлган бўлса, баъзиларида беморлар томонидан айтилган тавсияларга риоя қилмаслик бўлган.

2-жадвал

Олис асоратлар тавсифи.

	1-гурух *n* (%)	2-гурух *n* (%)	3-гурух *n* (%)	4-гурух *n* (%)
Уретер стриктураси	6	-	-	-
СБЕ	5	1	1	1
Сийдик тош касаллиги	-	1	1	1
Уретероилеал анастомоз стриктураси	-	1	2	-
Уростома стенози	-	2	-	-
Уростома олди чурраси	-	4	-	-
Уростома пролапси	-	1	-	-
Неоцистуретрал анастомоз стриктураси	-	-	1	-
Пешоб тута олмаслик	-	-	1	-
Метаболик ацидоз	-	-	-	2

Олис асоратлар тахлили ўтказилган беморларнинг 3-гурухи (РЦЭ, Штудер ташрихи билан) натижалари қуйидагича кўринишда бўлди: СБЕ-1 та (7,1 %), СТК – 1 та (7,1 %), УИА стриктураси – 2 та (14,2 %), неоцистуретрал анастомоз стриктураси 1 та (7,1 %) ва пешоб тута олмаслик – 1 та (7,1 %). Юқорида таъкидланган асоратларнинг бир нечтаси бир беморда кузатилган ҳолатлар хам бўлган. Албатта, таъкидланган асоратлар фоиз кўринишида юқори бўлганлиги бироз натижалар яхши эмаслиги ҳақида хулоса қилишга йўл беради, бироқ бунга сабаб хозирча беморлар сони оз бўлиши. Юзага келган асоратлар консерватив ва хирургик ёрдам билан енгиллаштирилди ёки бартараф этилди.

4-гурух (РЦЭ, Хаутман ташрихи билан) беморларида 1 нафар беморда СБЕ ва сийдик тош касаллиги ривожланди. Бу гурухда асосий ривожланган асорат метаболик ацидоз бўлган. Бунинг юзага чиқишига асосий сабаб сифатида Хаутман бўйича неоцистопластика

бажарилганда резервуар хажми 6 ойдан кейинги муддатда баъзи сабабларга кўра ≥500 мл бўлиши ва пешоб абсорбцияси учун ичак юзаси катта бўлиши кўрсатилган. Иккинчи томондан беморлар томонида қатъий риоя қилиш керак бўлган тавсияларга беэътибор бўлишини ҳам қўшиши мумкин, чунки аввалига резервуар тўлиш ҳисси мавжуд бўлмаганлиги сабаб димланиш юзага келиши ва абсорбция учун етарли шароит юзага келиши мумкин.

Клиник мисол. Ф., эркак, 43 ёш. 2021 йилда беморга сийдик ыопи саратони T2бN0M0 ташхиси қўйилган ва шу сабабли беморга радикал циспростатэктомия ва бир вақтда Штудер бўйича ортотопик пластика амалиёти бажарилган. En block ҳолатда сийдик қопи, ўраб турувчи қорин пардаси билан ва паравезикал клетчатка, простата бези, уруғ пуфакчалари олиб ташланган (10-расм). Беморга икки томонлама кенгайтирилган лимфадиссекция амалиёти ҳам бажарилган. Резервуар учун ёнбош ичакнинг 54 см ўлчамдаги сегменти қўлланилган. Сийдик найларидаги стентлар ташрихдан кейин 10- суткада, уретрал Фолей катетери 14-суткада олинган. Резервуар хажми 110 мл (6 ойдан кейин 400 мл) ни ташкил қилган. Беморда мустақил пешоб чиқариш тикланган. Бемор ҳар 3 ойда динамикада КТ текширувидан ўтказилган (11,12-расмлар). Ташрихдан 6 ойдан кейин неоцистуретрал сохада тош аниқланган ва эндоурологик бартараф этилган (13-расм).



10-расм. Олиб ташланган сийдик қопи.

11-расм. Резервуарнинг 3 ойдан кейинги 3 D кўриниши.

Тадқиқот мобайнида ташрихдан кейинги даврда касаллик прогрессияси тахлили ҳам ўтказилди. 1-гурух натижалари қуйидагича кўринишда бўлди: ўсма рецидиви 0-12 ой мобайнида 4 нафар (21,1 %) беморда қайд қилинган бўлса, 12-36 ой мобайнида 6 нафар (31,6 %) да аниқланган. Умумий ҳисобда ташрихдан кейинги биринчи 36 ойлик даврда рецидив 10 та (52,7 %) беморда кузатилган. Олис метастазлар

биринчи 12 ойда 3 та (15,8 %), 12-36 ойда 4 нафар (21,1 %) беморда қайд этилган. Бунга асосий сабаб сифатида ушбу беморларда T3-4 категория ва ўсма дифференцировкаси G3-4 бўлганлигини айтиш мумкин. Ташрихдан аввалги даврда беморларда макрогематурия симптоми бўлганлиги учун нПХТ ўтказилмаган. 1-гурух беморларининг барчасида N+ аниқланган.



А Б

12-расм. Резервуарнинг 3 ойдан кейинги КТ тасвири.



А Б

13-расм. Неоцистуретрал анастомоз сохасида ривожланган тош

Ташрихдан кейинги прогрессия борасида 2-гурух тахлилида ўсма рецидиви 0-12 ой мобайнида 4 нафар (8,7 %) беморда қайд қилинган бўлса, 12-36 ой мобайнида 3 нафар (6,5 %) да аниқланган. Умумий

ҳисобда ташрихдан кейинги биринчи 36 ойлик даврда 7 та (15,2 %) беморда рецидив кузатилган. Олис метастазлар биринчи 12 ойда 1 та (2,2 %), 12-36 ойда 2 нафар (4,4 %) беморда қайд этилган. Бу гурух беморларида ташрихгача бўлган даврда cN- бўлган ва ташрихдан кейинги морфологик текширувда pN+ ташхисланган.

3-жадвал

Касаллик қайталаниши тахлили.

Гурухлар	1-гурух *n* (%)		2-гурух *n* (%)		3-гурух *n* (%)		4-гурух *n* (%)	
Прогрессия муддати	0-12 ой	12-36 ой	0-12 ой	12-36 ой	0-12 ой	12-36 ой	0-12 ой	12-36 ой
Рецидив	4 (21,1)	6 (31,6)	4 (8,7)	3 (6,5)	-	-	-	-
Олис метастазлар	3 (15,8)	4 (21,1)	1 (2,2)	2 (4,4)	-	-	-	-

3- ва 4-гурух беморлари ташрих хажми катталиги сабабли беморлар танлаб олинганлиги сабабли кузатув даврида хеч бир беморда рецидив ёки олис метастазлар аниқланмади. Беморларда ўсма инвазияси даражаси T2-3 даражадан ортмаганлиги, pN- ва G2 характеристикалар ўсма қайталаниши ва прогрессияси кузатилмаслигининнг асосий сабаби сифатида айтиш мумкин.

Тадқиқотимизда асосий онкологик кўрсаткич хисобланган яшовчанлик тахлили ҳам ўтказилди. РЦЭ амалиётининг 9-81 ой (медианага эришилмаган) давомидаги кузатув натижалари бахоланди. Ташрих ўтказилган беморларнинг 3-йилдан кейинги муддатда умумий беморлардан 63 нафарининг (73,3 %) статуси тирик (4-жадвал).

4-жадвал

Ўсмага хос яшовчанлик тахлили.

Яшовчанлик муддати	1-гурух *n* (%)	2-гурух *n* (%)	3-гурух *n* (%)	4-гурух *n* (%)
0-12 ой	16 (69,6)	42 (91,3)	14 (100)	7 (100)
12-36 ой	7 (30,4)	37 (80,4)	13 (92,9)	6 (85,7)

Гуруҳлар кесимида тахлил кўриниши қуйида кўрсатилган. 1-гурух – 0-12 ойдан кейинги муддатда 7 та (30,4 %) бемор ўлган, улардан 4 таси касаллик прогрессияси, 3 нафари эса бошқа ҳамроҳ касалликлар сабабли ўлган. 36 ойдан кейинги даврда тириклар сони 7 та (30,4 %) – 8 нафар бемор касаллик прогрессияси, 2 таси эса бошқа сабаблар билан

ўлган. Бу гурухда 3-йиллик умумий яшовчанлик 30,4 %, канцерга хос яшовчанлик эса 47,8 % ташкил қилган. РЦЭ амалиётидан кейинги бундай қониқарсиз бўлган натижага асосий сабаб сифатида бирламчи ташрих паллиатив мақсадда ўтказилганлиги, беморларда ўсма инвазияси даражаси ва дифференцировка паст бўлганлиги кўрсатилган. 2-гурух – 0-12 ойдан кейинги муддатда 42 та (91,3 %) бемор статуси тирик бўлиб, 4 нафар беморда ўлим қайд қилинган. 1 та ўлим ўсма прогрессияси, 3 та ҳолатда бошқа касалликлар сабабли содир бўлган. 36 ойдан кейинги даврда тириклар сони 37 та (80,4 %) – 5 нафар бемор касаллик прогрессияси, 4 таси эса бошқа сабаблар билан ўлган. 3-гурух – 0-12 ойдан кейинги муддатда 14 та (100 %) бемор статуси тирик. 36 ойдан кейинги даврда 13 та (92,9 %) бемор тирик бўлиб, 1 та бемор СБЕ сабабли ўлган. Канцерга хос яшовчанлик 3- ва 4-гурухларда қониарли бўлишига сабаб сифатида ташрих учун беморларни танлаб олиниши таъкидланган. 4-гурухда ҳам 3 йилдан кейинги муддатда фақатгина битта беморда СБЕ сабабли ўлим ҳолати қайд этилган. Канцерга хос яшовчанлик неоцистопластика амалиёти ўтказган барча беморларда дунёнинг етакчи марказлари натижалари билан деярли бир хил.

Хулосалар. Сийдик қопи мускул инвазив саратонининг асосий самарали даво усули сифатида РИОРИАТМ АВФ шароитида ўтказилган радикал цистэктомия ва неоцистопластиканинг олис (9 ойдан кейинги) натижалари жахон етакчи марказлари натижалари билан қиёслаб кўрилганда қониқарли эканлиги тасдиқланди. Яшовчанлик кўрсаткичи тахлилида ҳам 3-йиллик кўрсаткичлар ва медианага ҳали эришилмаганлигини инобатга олган ҳолда асосий онкологик кўрсаткич ижобий эканлигини хулоса қилиш мумкин. Ортотпик пластика амалиёти сони камроқ бўлганлиги сабабли асоратлар сони фоиздаги улуши бироз юқори кўринишга эга бўлди. Тахлил натижаларининг асл ҳолатини қиёслаш учун беморлар сони ҳали етарли даражада бўлмаганлиги учун тадқиқот давом этмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Hobisch A, Tosun K, Kemmier G, et al: Life after cystectomy and orthotopic ncobladder versus ilcal conduit urinary diversion. Semin Urol Oncol 2001; 19(1): 18-23.
2. Yoneda T, Igawa M, Shiina H, Shigeno K: Postoperative morbidity, functional results and quality of life of patients following orthoto-pic neobladder reconstruction. Int J Urol 2003; 10(3):119-125.

3. Doherty A, Burkhard F, Holliger S, Studer UE: Bladder substitution in women. Curr Urol Rep 2001; 2(5):350-356 (review).
4. Madersbacher S, Möhrle K, Burkhard F, Studer UE: Long-term voiding pattern of patients with ileal orthotopic bladder substi-tutes. J Urol 2002; 167(5):2052.
5. Mills RD, Studer UE: Guide to patient selection and follow-up for orthotopic bladder substitution. Contemp Urol 2001; 2:35-40.
6. Skinner DG, Studer UE, Okada K, et al: Which patients are suitable for continent diversion or bladder substitution following cystectomy or other definitive local treatment? Int J Urol 1995; 2(Suppl): 105.
7. Studer UE, Burkhard F, Danuser HJ, Thalmann G: Keys to success in orthotopic bladder substitution. Can J Urol 1999; 6(5):876.
8. Mills RD, Studer UE: Metabolic consequences of continent urinary diversion. J Urol 1999; 161:1057-1066.
9. Hofinann AF: Bile acid malabsorption caused by ileal resection. Arch Intern Med 1972; 130:597.
10. Proano M, Camilleri M, Phillips SF, Brown ML: Transit of solids through the human colon: regional quantification in the unprepared bowel. Am J Physiol 1990; 258(6 Pt 1): G856-G862.
11. Freeman JA, Thomas A, et al: Urethral recurrence in patients with orthotopic ileal neobladders. J Urol 1996; 156(5):1615-1619.
12. Yossepowitch O, Dalbagni G, Golijanin D, et al: Orthotopic urinary diversion after cystectomy for bladder cancer: implication for cancer control and patterns of disease recurrence. J Urol 2003; 169(1): 177-181.
13. Hautmann RE, Miller K, Steiner U, Wenderoth U: The ileal neo-bladder: 6 years of experience with more than 200 patients. J Urol 1993; 150(1):40-45.
14. Studer UE, Danuser H, Hochreiter W, et al: Summary of 10 years' experience with an ileal low-pressure bladder substitute combined with an afferent tubular isoperistaltic segment. World J Urol 1996; 14:29-39.
15. Turner WH, Danuser H, MoehrleK, Studer UE: The effect of nerve sparing cystectomy technique on postoperative continence after or-thotopic bladder substitution. J Urol 1997; 156(6):2118.
16. Hugonnet CL, Danuser HJ, Springer JP, Studer UE: Urethral sensitivity and the impact on urinary continence in patients with an ileal bladder substitute after cystectomy. JUrol 2001; 165:1502-1505.
17. Burkhard FC, Studer UE: Orthotopic bladder substitution. Curr Opin Urol 2000; 10(4):343-349.

18. Borirakchanyavat S, Aboseif SR, Carroll PR, Tanagho EA, Lue TF: Continence mechanism of the isolated female urethra: an anatomical study of the intrapelvic somatic nerves. J Urol 1997; 158(3 Pt 1):822-826.
19. Mills RD, Studer UE: Female orthotopic bladder substitution: a good operation in the right circumstances. J Urol 2000; 163(5): 1501-1504.
20. Dohertt- A, Burkhard F, Holliger S, Studer UE: Bladder substitution in women. Curr Urol Rep 2001; 2(5):350-356.
21. Thoeny HC, Sonnenschein MJ, Madersbacher S, Vock P, Studer UE: Is ileal orthotopic bladder substitution with an afferent tubular segment detrimental to the upper urinary tract in the long term? J Urol 2002; 168(5):2030-2034.
22. Studer UE, Siegrist T, Casanova GA, et al: Ileal bladder substi-tute: antireflux nipple or afferent tubular segment? Eur Urol 1991; 20(4):315-326.
23. Bader P, Hugonnet CL, Burkhard F, Studer UE: Inefficient urethral milking secondary to urethral dysfunction as an additional risk factor for incontinence after radical prostatectomy. J Urol 2001; 166(6):2247-2252.
24. Varol C, Burkhard FC, Thalmann GN, Studer UE: Urethral recurrence following cystectomy for bladder cancer; prevention and detection in patients with orthotopic bladder substitutes, J Urol 2003; 169(Suppl 4): 103,

UDC: 616.366-089.87-06

ELIMINATION OF IATROGENIC COMPLICATIONS IN THE POSTOPERATIVE PERIOD OF LAPAROSCOPIC CHOLECYSTECTOMY

Usmonov H.Q.
Andijan state medical institute

Abstract

This article studied the causes of iatrogenic injuries in 1104 patients with laparoscopic cholecystectomy during and after 54 patients. By dividing them into three groups by time, it was possible to exclude complications with selected surgical methods. It was established that the analysis of the postoperative period in these patients was carried out, stenotic complications were identified and eliminated by modern methods.

Keywords: external liver ducts, iatrogenic lesions, cicatricial narrowing, gold bladder diagnostics, jaundice.

LAPAROSKOPIK XOLETSISTEKTOMIYA OPERATSIYASIDAN KEYINGI DAVRDA YATROGENIK ASORATLARNI BARTARAF ETISH

Usmonov X.Q.
Andijon davlat tibbiyot instituti

Annotatsiya

Ko'rib chiqilayotgan maqolada 1104 ta laparoskopik usulda bajarilgan xolesistektomiya operatsiyalar vaqtida va undan keyingi 54 nafar bemorda yatrogen shikastlanishlarni sabablari o'rganib chiqildi. Ularni vaqtiga qarab uch guruxga bo'linib tanlangan operativ usullarda asoratlar bartaraf qilindi. Shu bemorlarda operatsiyadan keyingi davrlari o'rganilib keyin bo'ladigan stenozli asoratlari aniqlanib ularni xam zamonaviy usullarda bartaraf etilgani bayon qilindi.

Kalit so'zlar: jigar tashki o't yo'llari, yatrogen shikastlanish, chandiqli torayish, o't pufagi tashxisi, sariqlik.

УСТРАНЕНИЕ ЯТРОГЕННЫХ ОСЛОЖНЕНИЙ В ПОСЛЕОПЕРАЦИОННОМ ПЕРИОДЕ ЛАПАРОСКОПИЧЕСКОЙ ХОЛЕЦИСТЭКТОМИИ

Усмонов Х.К.
Андижанский государственный медицинский институт

Аннотация

В настоящей статье изучены причины ятрогенных повреждений у 1104 больного лапароскопической холецистэктомией во время и после 54 пациентов. Разделив их на три группы по времени, удалось исключить осложнения при избранных оперативных методах. Установлено, что проведен анализ послеоперационного периода у этих больных, выявлены и устранены стенотические осложнения современными методами.

Ключевые слова: наружные протоки печени, ятрогенные поражения, рубцовые сужения, диагностика желчного пузыря, желтуха.

Relevance. Recently, the increase in the incidence of gallstone disease has led to a significant increase in the number of surgical interventions performed. Currently, operations on the extrahepatic biliary tract are performed in most medical institutions by surgeons of various skill levels. This is inevitably accompanied by an increase in the frequency of various complications, including iatrogenic injuries, which are the cause of the formation of cicatricial structures of the extrahepatic bile ducts [1, 2, 4].

In connection with the emergence and development of modern technologies in surgical hepatology, the issues of diagnosis and treatment of iatrogenic injuries of the extrahepatic biliary tract and external biliary fistulas. They have become even more important [3, 5, 8]. In recent years, with the widespread use of laparoscopic cholecystectomy, especially at the stage of mastering this technique and various complicated forms of acute cholecystitis. So if often iatrogenic damage to the bile ducts was stable in recent decades and amounted to 0.05-0.2%, then with the use of laparoscopy cholecystectomy it increased to 0.8-4% [6, 9, 11].

Along with the extensive literature devoted to the study of reconstructive hepatobiliary surgery, we have to admit that many issues in this direction are far from being resolved, and some of them are in their infancy. This is especially true for iatrogenic injuries of the extrahepatic biliary tract [7, 9, 13, 15].

In reconstructive surgery of the biliary tract, he outlined serious progress, primarily associated with the active introduction of modern methods

of endoscopic and X-ray endovascular surgery, the use of precision technology and biomaterials [10, 14]. However, despite this, reconstructive operations on the false ducts in 4.5-25% of cases are accompanied by the development of narrowing of the superimposed biliodigistic and biliary anastomoses, disavowing the results of reconstructive operations and leading to an aggravation of the severity of the patients' condition.

Surgical interventions are accompanied by a large number of complications, and mortality reaches 15-30%. In this regard, minimally invasive methods for restoring bile outflow and, first of all, endoscopic interventions are of increasing interest in recent years. Currently, endoscopic methods of diagnosis and treatment play an important role in diseases of the hepetobiliary system. As for the therapeutic possibilities of endoscopic methods, along with traditional methods of sanitation of hepaticocholedochus and restoration of an adequate passage of bile, such as endoscopic papillosphincterotomy, nasobiliary drainage, new endoscopic interventions are widely used in clinical practice. These include mechanical lithotripsy, duodenobiliary drainage of the hepaticocholedochus using endobilioprostheses [11, 13].

Objective. This study is to analyze the results of surgical treatment of patients with iatrogenic injuries with damage to the extrahepatic bile ducts at the site of traditional treatment and using endoscopic technologies.

18. Краснов А. О., Анищенко В. В., Краснов К. А., Пельц В. А., Краснов О. А., Павленко В. В. Актуальное состояние вопросов диагностики и хирургического лечения эхинококкоза печени (обзор литературы). Acta biomedica scientifica. 2022; 7(1): 171-181. doi: 10. 29413/ABS. 2022-7. 1. 20

19. Курбанов, У. А. Оптимизация хирургического лечения эхинококкоза печени / У. А. Курбанов, А. А. Давлатов, С. М. Джанобилова, Д. Д. Джононов // Вестник Авиценны. - 2014. - Т. 59, № 2. - С. 13-17.

20. Молдоташев Д. У., Ахмедов Д. Г., Сарыгулов Т. А. Хирургическое лечение билиарных осложнений эхинококкоза печени. Хирургия Кыргызстана. 2007; 2: 106-110

21. Нишанов, Ф.Н. Тактические аспекты диссеменированного и осложненного эхинококкоза органов брюшной полости / Ф.Н. Нишанов [и др.] // Вестник Национального медико-хирургического Центра им. Н.И.Пирогова. – 2015. – Т. 10, №4. – С. 47-51.

22. Пантелеев В. С. Способы ликвидации остаточной полости печени после закрытой эхинококкэктомии / [и др.]. // Медицинский вестник Башкортостана. - 2015. - Том. 10, № 5(59). - С. 80-82.

23. Пулатов М. М., Магзумов И. Х. Чрескожные технологии в лечении эхинококкоза печени, осложнённом механической желтухой. Актуальные проблемы гепатопанкреатобилиарной хирургии. 2015: 131-132

24. Раимкулов К.М/ Шигакова Л.А. Хусаинова Х.Ж. Мамадалиева Э.Ш/ Распространенность Эхинококкоза на Территории Средней Азии/ "Экономика и социум" №4(107)-1 2023 /789-798с

25. Раимкулов Курсанбек Мамасалиевич, Тойгомбаева Вера Садвакасовна, Смаилбекова Жылдыз Смаилбековна, Куттубаев Омурбек Ташыбекович / Эпидемиологическая оценка распространенности эхинококкоза на территории центральной азии и факторы риска распространения кистозного эхинококкоза в высокоэндемических регионах Кыргызской Республики / Биология ва тиббиѐт муаммолари 2023, №3.1 (145)/295-302с

26. Расулов Ш.М., Матназарова Г.С., Абдукаххарова М.Ф. / Эпидемиологическая характеристика и распространение эхинококкоза в Узбекистане/ Тошкент тиббиёт академияси ахборотномаси.-Тошкент, 156-158с/2019г

27. Рахманов К. Э., Курбаниязов З. Б., Анарбоев С. А., Махрамкулов З. М. Способ интраоперационной диагностики и ликвидации цистобилиарных свищей в остаточной полости после эхинококкэктомии из печени // Проблемы биологии и медицины; - 2023; - №3 (144)].

28. Рахматуллаев, Р. Эффективности применения современной технологии в лечение эхинококкоза органов брюшной полости / Р. Рахматтулаев, С. Хасанов // Здравоохранения Таджикистана. - 2019. - №3. - С. 36-41.

29. Тоиров А. С. Усовершенствование методики обработки остаточных полостей после эхинококкэктомии печени // Автореф. дис. док. философ. (Ph.D.) по мед. наукам; 14. 00. 27 – Хирургия; Бухара-2023; 48 с

30. Хамидов, М. А. Аплатизация кист печени и селезенки малоинвазивным способом / М. А. Хамидов, Р. Т. Меджидов, М. П. Магомедов //Вестник современной клинической медицины. - 2014. - Т. 7, № S1. - С. 85-89

31. Черкасов, М. Ф. Нерешенные вопросы хирургического лечения эхинококкоза печени / М. Ф. Черкасов, С. Г Меликова., Ю. М. Старцев, Д. М Черкасов //. Alma mater (Вестник высшей школы). - 2016. - № 8. - С. 96

32. Шарипов Р. Х. Чрескожная чреспеченочная эхинококкэктомия: опасности, осложнения и пути их профилактики // Дис. канд. мед. наук; 14. 01. 17 – Хирургия; Москва 2019; 114 с

33. Шевченко Ю. Л., Назыров Ф. Г. Хирургия эхинококкоза / Шевченко Ю. Л., Назыров Ф. Г. – М.: Издательство «Династия», 2016. – 288 с.: ил

34. Шевченко, Ю. Л. Современные аспекты хирургии осложненного эхинококкоза печени / Ю. Л. Шевченко, Ф. Г. Назыров, М. М. Акбаров, Е. М. Сайдазимов К. К. Сирожитдинов // Вестник Национального медико-хирургического центра им. Н. И. Пирогова. - 2018. - № 4. - С. 29-34

35. Agnese Colpani, Olesya Achilova, Gian Luca D'Alessandro, Christine M Budke, Mara Mariconti, Timur Muratov, Ambra Vola, Arzu Mamedov, Maria Teresa Giordani, Xusan Urukov, Annalisa De Silvestri, Uktam Suvonkulov, Enrico Brunetti, Tommaso Manciulli / Trends in the Surgical Incidence of Cystic Echinococcosis in Uzbekistan from 2011 to 2018/ Am J Trop Med Hyg. 2021 Dec 13;106(2):724-728. doi: 10.4269/ajtmh.21-0261

36. Agudelo Higuita NI, Brunetti E, McCloskey C. Cystic Echinococcosis. J Clin Microbiol. 2016; 54(3): 518–523.

37. Arkari B, Rezaei Z. Immunodiagnosis of human hydatid disease: Where do we stand. World J Methodol. 2015;5(4):185–185

38. Aydin U., Yazici P., Onen Z., Ozsoy M., Zeytunlu M., Kiliç M. The optimal treatment of hydatid cyst of the liver: radical surgery with a significant reduced risk of recurrence Turk J Gastroenterol., 19 (1) (2008), pp. 33-39

39. Baraket O, Moussa M, Ayed K, Kort b, Bouchoucha S. Predictive factors of morbidity after surgical treatment of hydatid cyst of the liver. Arab J Gastroenterol. 2014;15(3-4):119–122

40. Bedioui H, Bouslama K, Maghrebi H, Farah J, Ayari H, Hsairi H, et al. Predictive factors of morbidity after surgical treatment of hepatic hydatid cyst. Pan Afr Med J. 2012; 13:29–29.

41. Brunetti E, Tamarozzi F, Macpherson C, Filice C, Piontek MS, Kabaalioglu A, et al. Ultrasound and Cystic Echinococcosis. Ultrasound Int Open 2018; 04(03): E70-E78

42. Chopra N, Gupta V, Rahul KS, Joshi P, Gupta V, Chandra A. Liver hydatid cyst with cystobiliary communication: laparoscopic surgery remains an effective option. J Minim Access Surg. 2018; 14:230–23

43. Cucher MA, Macchiaroli N, Baldi G, et al. Cystic echinococcosis in South America: Systematic review of species and genotypes of Echinococcus granulosus sensu lato in humans and natural domestic hosts. Trop Med Int Health 2016; 21:166–75

44. Deo KB, Kumar R, Tiwari G, Kumar H, Verma GR, Singh H. Surgical management of hepatic hydatid cysts - conservative versus radical surgery. HPB (Oxford). 2020 Oct;22(10):1457-1462.

45. Deplazes P, Rinaldi L, Alvarez Rojas CA, et al. Global distribution of alveolar and cystic echinococcosis. Adv Parasitol 2017; 95:315–493

46. El Nakeeb A, Salem A, El Sorogy M, Mahdy Y, Ellatif MA, Moneer A, Said R, El Ghawalby A, Ezzat H. Cystobiliary communication in hepatic hydatid cyst: predictors and outcome. Turk J Gastroenterol. 2017 Mar;28(2):125-130

47. El-Gendi AM, El-Shafei M, Bedewy E. J The role of prophylactic endoscopic sphincterotomy for prevention of postoperative bile leak in hydatid liver disease: a randomized controlled study. // Laparoendosc Adv Surg Tech A. 2018; 28:990–996.

48. Elmoghazy W, Alqahtani J, Kim SW, Sulieman I, Elaffandi A, Khalaf H. Comparative analysis of surgical management approaches for hydatid liver cysts: conventional vs. minimally invasive techniques. Langenbecks Arch Surg. 2023 Aug 18;408(1):320.

49. Faraj W, Abi Faraj C, Kanso M, Nassar H, Hoteit L, Farsakoury R, Zaghal A, Yaghi M, Jaafar RF, Khalife M. Hydatid disease of the liver in the Middle East: a single center experience. Surg Infect (Larchmt) 2021; 23:29–34

50. G. Oz [et al.]. Aggressive hydatid cysts: characteristics of six cases / // Surg. Today. 2015. - Vol. 45, N. 7. - PP. 864-870

51. Georgiou G. K., Lianos G. D., Lazaros A. et al. Surgical management of hydatid liver disease. Int J Surg. 2015; 20: 118-122

52. Gomezi, G. C. Review of the treatment of liver hydatid cysts / G. C. Gomezi, R. Lopez-Andújar, T. Beldalbânez // World J. Gastroenterol. - 2015. - Vol. 21, N1. -P. 124-131.

53. Greco S, Cannella R, Giambelluca D, Pecoraro G, Battaglia E, Midiri M, Brancatelli G, Vernuccio F. Complications of hepatic echinococcosis: multimodality imaging approach. Insights Imaging. 2019 Dec 2;10(1):113.

54. Habeeb TAAM, Podda M, Tadic B, Shelat VG, Tokat Y, Abo Alsaad MI, Kalmoush AE, Nassar MS, Mustafa FM, Morsi Badawy MH, Sobhy Shaaban M, Mohamed TZ, El Sayed Henish MI, Elbelkasi H, Abdou Yassin M, Mostafa A, Ibrahim A, A-Abdelhady W, Elshahidy TM, Mansour MI, Moursi AM, Abdallah Zaitoun M, Abd-Allah ES, Abdelmonem Elsayed A, S Elsayed R, M Yehia A, Abdelghani A, Negm M, Abo-Alella HA, Elaidy MM. Biliary fistula and late recurrence of liver hydatid cyst: Role of cysto-biliary communication: A prospective multicenter study. World J Methodol. 2023 Sep 20;13(4):272-286

55. Hanaki T, Tokuyasu N, Sakamoto T, et al. Hepatectomy guided by indocyanine green fluorescent imaging for visualizing bile leakage (with video). Clin Case Rep 2022; 10:e05942. 10. 1002/ccr3. 5942

56. HERACLES collaborative project (Human cystic Echinococcosis ReseArch in CentraL and Eastern Societies). Available at: www.heracles-fp7.eu/ (Last accessed November 24, 2020

57. Koea J. Laparoscopic treatment of hepatic hydatid disease. ANZ J Surg. 2012; 82:499–504

58. Maharjan DK, Thapa PB. Use of Indocyanine green (ICG) fluorescence during hepatobiliary surgery. J Kathmandu Med Coll. 2020;9(2):74-80

59. Manterola C, Rivadeneira J, Rojas-Pincheira C, Otzen T, Delgado H, Sotelo C, Sanhueza A. Cholangiohydatidosis. Clinical features, postoperative complications and hospital mortality. A systematic review. PLoS Negl Trop Dis. 2024 Mar 7; 18(3): e0011558

60. McManus DP, Gray DJ, Zhang W, Yang Y. Diagnosis, treatment, and management of Echinococcosis. e3866-e3866BMJ. 2012;344(1)

61. Menekse E, Turan U, Özyazıcı S, Karateke F, Aziret M, Bali İ, et al. A New Preoperative categorization and potential preoperative ındicator for cystobiliary fistula in hydatid hepatic disease. Int Surg. 2016;101(3-4):185–193. doi: 10. 9738/INTSURG-D-15-00243. 1

62. Nunnari G. Hepatic Echinococcosis: Clinical and therapeutic aspects. World J Gastroenterol. 2012;18(13):1448–1448

63. Pavletic CF, Larrieu E, Guarnera EA, et al. Cystic echinococcosis in South America: A call for action. Rev Panam Salud Publica 2017;41:e42

64. Ramia J., Figueras J., De la Plaza R., García-Parreño J. Cysto-biliary communication in liver hydatidosis. Langenbecks Arch Surg. 2012; 397: 881-887

65. Saylam B, Coşkun F, Demiriz B, Vural V, Çomçalı B, Tez M. A new and simple score for predicting cystobiliary fistula in patients with hepatic hydatid cysts. Surgery. 2013;153(5):699–704

66. Shaikh O, Gaur NK, Vijayakumar C, Kumbhar U, Kalayarasan R. Hepatic Hydatid Cyst with Cystobiliary Communication and Cystoduodenal Fistula. Cureus. 2021 Aug 26;13(8):e17473

67. Surmelioglu A, Ozer I, Reyhan E, Dalgic T, Ozdemir Y, Ulas M, Bostanci EB, Akoglu M. Risk Factors for Development of Biliary Complications after Surgery for Solitary Liver Hydatid Cyst. Am Surg. 2017 Jan 1;83(1):30-35

68. Torgerson PR, Devleesschauwer B, Praet N, et al. World Health Organization estimates of the global and regional disease burden of 11 foodborne parasitic diseases, 2010: A data synthesis. PLoS Med 2015;12:e1001920

69. Trigui A, Fendri S, Akrout A, Trabelsi J, Daoud R, Saumtally MS, Ketata S, Baklouti S, Boujelbene W, Mzali R, Dziri C, Rejab H, Boujelbene S. Predictive factors of occult cystobiliary fistulas during conservative treatment of hepatic hydatid cyst: a prospective study. J Gastrointest Surg. 2024 Feb;28(2):108-114.

70. Trigui A, Rejab H, Akrout A, Fendri S, Toumi N, Kachaou A, Jemal A, Amar MB, Mzali R. Predictive factors of occult cystobiliary fistula after conservative surgical treatment of the hepatic hydatid cyst A retrospective study of 105 patients. Ann Ital Chir. 2019; 90:52-56.

71. Trigui A, Rejab H, Krichene J, Tlili A, Trabelsi J, Kachoua A, Boujelbene S, Mzali R. Prise en charge des larges fistules bilio-kystiques lors de la chirurgie conservatrice du kyste hydatique du foie [Surgical treatment of hydatid cysts with large biliocystic fistula in conservative strategy]. Pan Afr Med J. 2021 Feb 22; 38:195.

72. Vega EA, Salehi O, Conrad C. Central Pericystectomy for Hydatid Cyst Treatment. J Gastrointest Surg. 2023 Jul;27(7):1496-1497

73. Wakabayashi T, Cacciaguerra AB, Abe Y, et al. Indocyanine green fluorescence navigation in liver surgery: a systematic review on dose and timing of administration. Ann Surg 2022; 275:1025–34

74. Wen H, Vuitton L, Tuxun T, Li J, Vuitton DA, Zhang W, McManus DP. Echinococcosis: Advances in the 21st Century. Clin Microbiol Rev. 2019 Feb 13;32(2):e00075-18

75. Working Group WI International classification of ultrasound images in cystic Echinococcosis for application in clinical and field epidemiological settings. Acta Tropica. 2003;85(2):253–261

76. Zeybek N, Dede H, Balci D, Coskun AK, Ozerhan IH, Peker S, Peker Y. Biliary fistula after treatment for hydatid disease of the liver: when to intervene. World J Gastroenterol. 2013 Jan 21;19(3):355-61.

77. Zhang J, Li Y, Chen X, Wang J. Robot-assisted pericystectomy using Da Vinci Xi surgical system with indocyanine green fluorescence imaging for hepatic cystic echinococcosis. Asian J Surg. 2023 Jan;46(1):417-423.

78. Zhang W, Zhang Z, Wu W, et al. Epidemiology and control of echinococcosis in central Asia, with particular reference to the People's Republic of China. Acta Trop. 2015;141(Part B):235–243

УДК: 616.31-08:616.97

ОРТТИРИЛГАН ИММУНИТЕТ ТАНҚИСЛИГИ СИНДРОМИ МАВЖУД БЕМОРЛАРДА САМАРАЛИ ИХТИСОСЛАШГАН СТОМАТОЛОГИК ЁРДАМ МЕЗОНЛАРИНИНГ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АСОСЛАНГАН АЛГОРИТМИ

Пулатова Райхон Саидумаровна
Бухоро давлат тиббиёт институти (Бухоро, Ўзбекистон)
Гаффоров Суннатулло Амруллоевич
Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази (Тошкент, Ўзбекистон)

Резюме. *Орттирилган иммунитет танқислиги синдроми (ОИТС) аниқланган беморларга стоматологик ёрдам кўрсатиш ўзига хос қийин ва муаммоли вазиятдир. Касаллик клиник кечиши, хусусиятлари, айниқса юқори даражада юқиш хавфи мавжудлиги билан инсонлар орасида ижтимоий-рухий зўриқишнинг шаклланиши хозирги кунда касалликнинг ташхиси ва даволашда аҳамиятли муаммоларни келтириб чиқармокда. Охирги беш йилда фақатгина Ўзбекистонда 49.000 га яқин инсонга ОИТС ташҳ иси қўйилиши, пировардида уларнинг аксарияти 29-50 ёш оралиғидалиги албатта стоматолог мутахасисларнинг ушбу тоифадаги беморлар билан тўғридан-тўғри алоқада бўлишини кўрсатмокда. Айнан ихтисослашган стоматологик ёрдам кўрсатиш - замонавий тиш протезлари (ТП) қўллаш, пародонт тўқимасини функционал ҳолатини яхшилаш орқали, тиш қаторларидаги чайнов босимига чидамлилик самараси яхшилашга қаратилган ҳамда этиопатогенетик механизмларни инобатга олган даво-профилактика чора-тадбир алгоритми зарурати мавжуд.*

Тадқиқотнинг мақсади: ОИТС мавжуд беморларда ихтисослашган стоматологик ёрдам кўрсатишни илмий асосланган мезонлари алгоритмини асослаш.

Тадқиқот усуллари ва материаллар: Республикада "Орттирилган иммунитет танқислиги синдромига қарши кураш" маркази ва Бухоро филиалида диспансер назоратда бўлган 384 нафар бемор (асосий гурух – А/Г) ва назорат гуруҳи (Н/Г) сифатида 258 нафар 18-56 ёшдаги инсонлар орасида клиник-стоматологик, лаборатор, функционал ва гистоморфологик тадқиқотлар ўтказилди ва "Vertex termo sens","Фторакс" хом ашёси ва "Gluma Comfort Bond"адгезив тизим қўлланилган ТПларининг жиҳатлари баҳоланди.

Натижалар. ОИТС мавжуд беморлар оғиз бўшлиги (ОБ) тўқима ва аъзоларида кечаётган патологик ўзгаришларнинг ўзига хос хусусиятлари аникланди, пародонт тўқимаси – тиш ва тиш қатори нуқсонларининг умумий ва махаллий этиологик омиллари кўрсатиб берилди. Оғиз бўшлигидаги тўқима ва аъзолар патологияларининг айнан ОИТС мавжуд беморлар учун даво-профилактиканинг самарали мезонларини илмий жиҳатдан ўзида мужассамлаштирилган алгоритми яратилди ва амалиётга тадбиқ қилишга протоколга гувохнома олинган.

Хулосалар. ОИТС мавжуд беморлар орасида пародонт тўқимасининг яллиғланишли жараёнлари ва тиш қаторидаги нуқсонларни бартараф этишда – чайнов самарадорлигини яхшилашда "Vertex термо сенс", "Фторакс" хомашёсидан тайёрланган ТПларини "Gluma Comfort Bond" адгезивига тўйинтириб тиш қаторларини тиклаш учун ишлаб чиқилган даво-профилактика алгоритми хозирги кунда энг ютуқли эканлигини кўрсатди.

Калит сўзлар: *стоматологик касалликлар, ОИТС, ОИВ, пародонт тўқимаси яллиғланиши, стоматология, прикус, сунъий тиш протезлари, оғиз бўшлиғи шиллиқ қавати, сўлак таркиби, гнатодинамометрия.*

НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКИЙ АЛГОРИТМ КРИТЕРИЕВ ОКАЗАНИЯ СТОМАТОЛОГИЧЕСКОЙ ПОМОЩИ ДЛЯ ЛЕЧЕНИЯ ПАЦИЕНТОВ С СИНДРОМОМ ПРИОБРЕТЕННОГО ИММУНОДЕФИЦИТА

Пулатова Райхон Сайдумаровна
Бухарский государственный медицинский институт (Бухара, Узбекистан)
Гаффаров Суннатулло Амруллоевич
Центр развития профессиональной квалификации медицинских кадров (Ташкент, Узбекистан)

Резюме. *Стоматологическая помощь пациентам с синдромом приобретенного иммунодефицита (СПИД), представляет собой особую сложную и проблемную ситуацию. Формирование социально-острой травмы среди людей с наличием риска заражения по клиническому течению, особенностям, высокому уровню заболеваемости уже вызвало значительные проблемы в диагностике и лечении этого заболевания. За последние пять лет у 49 000 человек в Узбекистане был диагностирован СПИД, большинство из них в возрасте от 29 до 50 лет, в работе указана необходимость непосредственного взаимодействия специали-*

стов-стоматологов с пациентами данной категории. Необходимо использование современных зубных протезов (ЗП), улучшение функционального состояния тканей пародонта, что в комплексе повысит их выносливость к жевательному давлению, которые составят алгоритм лечебно-профилактических мероприятий, учитывающие этиопатогенетические механизмы, для улучшения эффективности оказания специализированной стоматологической помощи.

Цель исследования: обосновать алгоритм научно обоснованных критериев оказания специализированной стоматологической помощи больным СПИДом.

Методы и материалы исследования: клинико–стоматологические, лабораторные, функциональные и гистоморфологические исследования были проведены 384 пациентов (основная группа-О/Г) и среди 258 человек в возрасте от 18 до 56 лет в качестве контрольной группы (К/Г), находящихся на учете в Республиканском центре по борьбе со СПИДом и в его Бухарском филиале, которым проведены клинико-стоматологические, лабораторные, функциональные и гистоморфологические исследования и произведена оценка результатов применения ЗП, изготовленных с применением материалов "Vertex termo sens", "Фторакс" и адгезивная система "Gluma Comfort Bond".

Результаты. Установлено, что у пациентов со СПИДом наблюдаются характерные особенности патологических изменений, происходящих в тканях и органах полости рта (ПР), а также выявлены общие и местные этиологические факторы поражения тканей пародонта – дефекты зубов и зубочелюстной системы. Был создан алгоритм лечения патологий тканей и органов в полости рта, который точно сочетает в себе эффективные нвучные критерии лечения и профилактики больных СПИДом, а также получен протокольный сертификат на проведение необходимых процедур.

Выводы. При устранении воспалительных процессов тканей пародонта, восстановлении дефектов зубных рядов и повышении эффективности жевания пациентам со СПИДом, составляющих лечебно-профилактический алгоритм оказания специализированной стоматологической помощи, ЗП из "Vertex Thermo Sens" и "Фторакс" с пропитыванием его адгезивом Gluma Comfort Bond", на сегодняшний день, показал самую высокую эффективность.

***Ключевые слова**: стоматологические заболевания, СПИД, ВИЧ, воспаление тканей пародонта, стоматология, прикус, искусственные зубные протезы, слизистой оболочка полости рта, состав слюны, гнатодинамометрия.*

A SCIENTIFIC AND PRACTICAL ALGORITHM OF CRITERIA FOR DENTAL CARE, WHICH EFFECTIVELY SPECIALIZES IN THE TREATMENT OF PATIENTS WITH ACQUIRED IMMUNODEFICIENCY SYNDROME

Pulatova Raykhon Saidumarovna
Bukhara Medical Institute *(Bukhara, Uzbekistan)*
Gaffarov Sunnatullo Amrulloyevich
Center for the development of professional qualifications of medical personnel (Tashkent, Uzbekistan)

***Resume.** Relevance. Dental care for patients with acquired immunodeficiency syndrome (AIDS) is a particularly difficult and problematic situation. The formation of socially acute trauma among people with a risk of infection by clinical course, characteristics, and high incidence has already caused significant problems in the diagnosis and treatment of this disease. Over the past five years, only 49,000 people in Uzbekistan have been diagnosed with AIDS, most of them between the ages of 29 and 50, of course, in order to ensure direct interaction of dental specialists with this category of patients. This is a specialized course of dental care-modern artificial dentures laugh, improving the functional state of the periodontium, therefore, an algorithm of therapeutic and preventive measures is needed, taking into account etiopathogenetic mechanisms, in order to improve the effect of resistance to chewing pressure in dentures.*

The purpose of the study: to substantiate the algorithm of scientifically based criteria for the provision of specialized dental care to AIDS patients.

Methods and materials of the study: clinical and dental, laboratory, functional and histomorphological studies were conducted among 258 people aged 18 to 56 years in the Republic as 384 patients (main group-M/G) and control group (C/G) who were infected in the dispensary of the Control branch of the Center "Struggle with acquired infections." Immunodeficiency syndrome" and they were blessed in the Bukhara branch of Vertex Thermo Senses.

Results. It was found that patients with AIDS have characteristic features of pathological changes occurring in the tissues and organs of the oral cavity (OC), as well as general and local etiological factors of periodontal tissue damage – defects of the teeth and dental system. An algorithm for pathologies of tissues and organs in the oral cavity was created, which accurately combines effective criteria for treatment and prevention for AIDS patients with scientific ones, and a protocol certificate for the procedure was obtained.

Conclusions. Among patients with AIDS, while eliminating inflammatory processes of periodontal tissues and dentition defects – increasing the efficiency of chewing, Vertex Thermo Sens showed the effectiveness of a therapeutic

and preventive algorithm developed to restore dentition by affecting their dentures, made from raw materials "Ftorax", "Gluma Comfort Bond". the adhesive was the most advanced to date.

***Keywords**: dental diseases, AIDS, HIV, inflammation of periodontal tissues, dentistry, occlusion, artificial dentures, oral mucosa, saliva, gnathodynamometry.*

Долзарблиги. Орттирилган иммунитет танқислиги синдроми **(**ОИТС) аниқланган инсонлар танасида шаклланган иккиламчи патологик омиллар орган ва тўқималар фаолиятига салбий таъсир қилади; организмдаги сувенер аъзолар – юрак, мия ҳужайралари, жигар, суяк кўмиги, СД4 ташувчи маркерларни зарарлайди [4, 10, 11]. Ушбу инсонлар организмида стоматологик касалликлар клиникаси, кечиши, даво-профилактика муаммолари асосий патологиянинг яъни ОИТСни бартараф этиш натижасига боғлиқ [1, 3, 7]. Стоматологик даволаш мақсадида қўлланилаётган тиш протезларининг (ТП) хомашёлари сифати, биологик мослиги ёки физик-механик жиҳатлари инобатга олиниши - жумладан, акрилат, полиметилметакрилат бирикмалари оғиз бўшлиги шиллиқ қобиғи (ОБШҚ) протез ости ва чегара майдони тўқималарида патологик ўзгаришларни келтириб чиқариши маълум [2, 5, 6]. Яна бир жихати, ТП асосларининг тез-тез синиш холати ўртача 80% гача кузатилиб, муаммони ижобий ҳал қилиш учун янги технологияларни излашга ундаса, айни вактда республикамизда самарали, жумладан нейлон СТП клиник самарадорлиги ва хавфсизлигини ўрганишга бағишланган лаборатория ва материалшунослик тадқиқотлари олиб борилмаётганлиги айни долзарбликни англатади [8, 9, 12]. Шу ўринда охирги беш йилда Узбекистонда 49.000 га якин ОИТС мавжуд инсонлар борлиги, муаммонинг ечими накадар кескинлигини англатади.

Тадқиқотнинг мақсади: ОИТС мавжуд беморларда ихтисослашган стоматологик ёрдам кўрсатишни илмий асосланган мезонлари алгоритмини асослаш.

Тадқиқот объекти ва усуллари: Республика ОИТСга қарши маркази ва унинг Бухоро вилояти филиалида 2022-2024 йиллар давомида тиббий диспансер назоратида булган 18-56 ёшдаги 384 нафар бемор (А/Г) ва ТХКМРМ стоматология клиникасига мурожааат этган 258 нафар инсонда (Н/Г) ретроспектив ва проспектив ёндошув асосида ижтимоий, клиник, стоматологик, лаборатор ва қатор махсус-функционал текширувлар ўтказилди [13, 15, 17]. Тадқиқотда иштирок этганларнинг жинси, ёши ва ижтимоий холати 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал.

Тадкикотдаги инсонларнинг ёши, жинси ва ижтимоий тавсифи.

Кўрсаткич	**ОИВ-инфицирланган n=384**	**Назорат гуруҳи n=258**	**χ^2 Пирсон P**
Жинси: эркаклар аёллар	255/66,41 129/33,59	175/67,83 83/32,17	0,65 ≥ 0,05 1,25 ≥ 0,05
Ёши18-24	35/9,11	19/7,36	0,65 ≥ 0,05
25-34	66/17,19	44/17,05	0,31 ≥ 0,05
35-44	191/49,74	134/51,94	0,33 ≥ 0,05
45-54	61/15,89	41/15,89	0,44 ≥ 0,05
>55	31/8,07	20/7,75	0,52 ≥ 0,05
Ижтимоий-иқтисодий ҳолати			
Ишчи	104/27,08	72/27,91	0,65 ≥ 0,05
Олий маълумотли	155/40,36	103/39,92	0,71 ≥ 0,05
Ўрта маълумотли	125/32,55	83/32,17	0,45 ≥ 0,05
Ишсиз	211/54,95	142/55,04	0,25 ≥ 0,05
Ишлайди	173/45,05	116/44,96	0,41 ≥ 0,05

Тадқиқот давомида ОИТС мавжуд яъни А/Г беморлар орасидан тасодифий танлов усулида 134 бемор - қисман олиб қўйиладиган ва тўлиқ олиб қўйиладиган ТПга (ҚОҚП ва ТОҚП) муҳтож бўлган хамда уларда бизнинг тадқиқотимизгача мавжуд ТП бахоланди, янгидан кўрсатма асосида ТП қўйиш учун; 2 гуруҳга - асосий гурух – 68 (А/Г-1), жумладан 33 нафари “Vertex termo sens” билан ва 35 нафари “Gluma Comfort Bond” билан қопланган “Vertex termo sens” билан протезланганларга: Таққослаш гуруҳи – 66 (Т/Г) нафар, жумладан - 32 нафар беморда “Фторакс” акрил пластмассаси; 34 нафар беморда шу хомашёдан тайёрланган протез юзаси “Gluma Comfort Bond” адгезив тизимида қопланганларга ажратилди. Оғиз бўшлиғидаги (ОС) аъзо ва тўқималарнинг хаётий фаолиятини бахолаш учун Н/Г – соғломлардан 38 бемор танланди. Жами тайёрланган 155 та ҚОҚП ва ТОҚП (жумладан – 66 та “Фторакс”; 89 та “Vertex termo sens” хомашёсидан) ТП юзаси морфологик (Hitachi C 405a электрон микроскопи ва фотокамерда); ОБШҚ

тўқималарини интравитал микроангиоскопия ҳамда люминесцент фотодиагноскоп (model-178) ва immersion микроскопдан фойдаланилди [14, 18].

Тадқиқотдаги инсонларда клиник-стоматологик текширишлар - гигиеник индекси ((ГИ) Грин-Вермильон – OHI-s, 1969 й.,), пародонтал индекс ((PI), Russel, 1956 й.), милк қонаши симптомини бахолаш ((Muhlleman, 1971 й., ва Cowell, 1975 й,), пародонт (ПТ) тўқимаси холати (CPITN (ВОЗ)), юмшоқ тўқима ҳаётийлигини баҳолаш (микроангиоскопия ёки стоматоскопия), ПТдаги горизонтал (г/б) ва вертикал (в/б) босим даражаси (гнатодинамометрик усулда (Бекметов М.В., ва бошқ., № 1637782 патент), махаллий иммун тизимни сўлак таркибида (J.Mancini усули, 1965 й.) бахолаш, тишлар, тиш қаторлари ва жағ суяклардаги патологик нуқсонлар (кариес таркалганлиги, КПО-индекси, тиш қаторларининг протезга мухтожлиги, рентгенологик (R) – ("Ортофос-3" – ортопантомографида (ОПГ)), ҳамда ТП ости ва чегараси ОБШҚ гистоморфологияси баҳоланди. Тадқиқот натижалари Microsoft Excel ва Статистиса-6 компьютер дастурлари ёрдамида таҳлил қилинди [16, 19].

Тадқиқот натижалари: Тадқиқотдагилар орасида клиник-стоматологик текширишларнинг дастлабки натижалари: А/Г беморларда кариес тарқалганлиги 100% (Н/Г- 80%); кариес (К), пломба (П) ва олинган (О) - КПО интенсивлиги – 15,4% (Н/Г-8,6%); - КПО кўрсаткич элементларининг муносабати – К - 60% (Н/Г-38,5%); П – 9,5% (Н/Г- 40%); О – 31,5% (Н/Г- 21,5%) ташкил килди.

Соғлом ПТ А/Г инсонларда кузатилмади (Н/Г 15,5% (χ^2=12,31; P≤0,05)), шунингдек, ПТнинг оғир даражали яллиғланиши 63,5% (Н/Г - 13,18% (χ^2=21,1; P≤0,01)), ПТ ўрта оғирлик даражали яллиғланиши 47,29% (Н/Г-21,6% (χ^2=17,32; P≤0,01)), ПТ енгил даражадаги яллиғланиши 24,1% (Н/Г 14,8% χ^2=11,12; P≤0,05) қайд этилган бўлса, CPITN-индекси (1-расм); - учраш интенсивлиги; - милк қонаши кучли кечиши, тиш тошлари ва карашлари хажми ва муддати жихатидан устунлиги, тиш-милк патологик чўнтаклари чуқурлиги, яллиғланиш жараёнинг оғир клиник кечиши, ноодатий морфологик шакли, текшириш синама ва даво воситаларига бефарқликда, қуюқ тусли шиш ва ёрқин рангли десквамативь милк қирралар зондлаганда шиддатли қонаши билан тавсифлидир.



1-расм. **Пародонтитда клиник-функционал кўрсаткичлар (CPITN-индекси)**

Тадқиқотдаги инсонлар орасида ОБШҚ ОИТС мавжуд инсонларда Н/Гдан кўрсаткичлардан устунлигини 2-расмда кузатишимиз мумкин: Кандидоз – 25% (χ^2=17,26; P≤0,01); - орофарингел кандидоз - 14,58% (χ^2=12,11; P≤0,01); ангуляр хейлит – 18,49% (χ^2=14,27;P≤0,01); герпетик стоматит – 10,68% (χ^2=10,32; P≤0,01); қайталанувчи афтоз стоматит – 14,32% (χ^2=12,31; P≤0,01); сурункали ноодатий сиалоаденит 17,71% (χ^2=14,25; P≤0,01); тукли лейкоплакия - 3,6% (χ^2=4,85; P≤0,01); нон Ходжикин лимфома – 2,86% (χ^2=7,81; P≤0,01) ва Капоши саркомалари - 4,42% (χ^2=4,21; P≤0,05).



2-расм. **Тадқиқотдаги инсонларда ОБШК патологияларининг тавсифи.**

Гнатодинамометрик тадқиқотлар А/Г-1 дан танланган 134 бемор, жумладан А/Г-2 – 68 нафар, Т/Г – 66 нафар хамда Н/Г-1 соғломлардан 38 нафар инсон орасида бахоланганда – вертикал юкламага (В/Ю) ва горизонтал юкламага (Г/Ю) чидамлилик даражаси - 2-4 баробаргача Н/Г-1 инсонларга нисбатан А/Г-2 ва Т/Г-1 га нисбатан салбий натижа қайд этилди (3-4 -расм).



№3 расм. **Вертикал юкланиш**



№4 расм. **Горизонтал юкланиш.**

Эслатма: *В/Ю – вертикал юкланиш; Г/Ю – горизонтал юкланиш; * - пародонтнинг интакт тишларига нисбтан p<0,05*

Тадқиқот давомида А/Г-1 даги беморларнинг ортопедик статуси бахоланганда - ТПга мухтожлик; - 14,12% олиб қўйилмайдиган (Н/Г-55,3%); - 76,12% беморларда ҚОҚСТП (Н/Г-33,7%); - 23,8% ТОҚП (Н/Г-11,3%): А/Г да - 49 нафар мавжуд протезларнинг - 26,5% ҚОҚП (Н/Г-27,27%); - 16,3% ТОҚП (Н/Г- кузатилмади); - 57,16% (Н/Г-72,7%) кўприксимон протез қайд этилди (2-жадвал).

2- жадвал.

ОИТС мавжуд (А/Г-1) беморларнинг ортопедик статуси.

Тоифа	ТП фойдаланади ёки муҳтож беморлар %						Жами беморлар		
	ТОКСТП		ҚОКСТП		Кўприксимон				
	abs	M±m,%	abs	M±m,%	abs	M±m,%	abs	M±m,%	P
Фойдаланувчилар	8	16,3 ±0	13	26,5 ±0	28	57,16±0	49	100±0	χ^2 = 17,894;
Муҳтожлар	32	23,8±4,98	102	76,12±7,54	19	14,12±6,61	134	100±0	
P	Пирсон Хи-квадрати = 19,644; p = 0,007								

А/Г беморлар мавжуд протез ости ва чегара ОБШҚ тўқималари стоматоскопик текшируви натижаси - кератинизация ўчоқлари, турғун жароҳат ўзгаришлар, пародонт тўқимаси юмшоқ танглай ўтишида қон томир нақшлари, кичик тармоқлар, оч сарғиш шаклда шаффоф веноз томирларда ўзгаришлар, ёрқин қизил гиперплазия, ўткир жарохат қисмларида некрозли ўчоқлар, тиш-милк соҳаси сурункали қонаши асоратлари билан тавсифланди.

«Фторакс» хомашёсидан тайёрланган ТП мавжуд беморларнинг протез ости ва чегарасидаги ОБШҚ тўқимаси морфологияси – шиллиқ қобиқда - юпқа шохдор қатлам, 4-5 қатор ҳужайралар ва кўп қисм эпителий юзасида ингичкалашгани, шохдор қатлам йўғонлашиши, кам сонли кератогиалин ва донадор қатлам ёмон ифодаланиши, тиканли қатлам, ҳужайраларда кариопикноз ва акантолиз хужайраларда гипохром ядролар мавжудлиги қайд этилди. Тўлқинсимон чегарали базал мембранада жойлашган базал қатлам цилиндр шаклли ҳужайралар билан намоён бўлади, митотик шакллар кўп учрайди. Туташ бириктирувчи тўқима чуқур қатламларга ажралган. Бириктирувчи тўқимада сезиларли даражада лимфогистиоцитар инфилтрация аниқланган (5-расм).

СЭМда 400 марта катталаштирганимизда “Фторакс” хомашёсидан тайёрланган ТОҚП ва ҚОҚПнинг ОБШҚга контакт юзаси микрорельефи; хаотик, тўлиқ пишиб қуйилмаган кичик-кичик бўшлиқ ва жароҳатловчи ўткир қирралар хамда дизайни жиҳатидан протез юзасининг қолдиқлар билан ифлосланганини кузатиш мумкин (6-расмлар).



5-расм. **"ФТОРАКС" хомашёсидан ТП таққан инсон ОБШҚ морфологияси. Гематоксилин ва эозин. СЭМда 100 марта катталаштирилган.**

6-расм. **«Фторакс» хомашёли ТП ОБШҚ кантакт юзаси морфологияси. СЭМда 400 марта катталаштирилган.**

Рентгенологик суратларда ю/ж ва п/ж суяк кортикал пластинка деструкцияси, остеопорози, алвеоляр суяклардаги салбий ўзгаришлар, горизонтал ва вертикал атрофиялар комбинацияси, йирик суяк чўнтаклари, алвеоляр ўсиқлар деструкцияси, тўқималарда дистрофик ўзгаришидаги тартибсиз ўчоқлар ва периодонт тузилмаларнинг йўқолиб кетгани кузатилди.

Тадқиқот гуруҳидаги А/Г-1 ва Н/Г-1 инсонлар сўлагидаги маҳаллий иммунологик кўрсаткичлар: sIgA титрлари А/Г-2 ва Т/Г-1 (мос равишда 1,24±0,08*** ва 1,42±0,2**) ва лизоцим кўрсаткичлари (мос равишда 11,2±0,5** ва 10,6±0,8**), Т/Г га номувофиқликлар (мос равишда 2,15±0,7 ва 18,4±0,9) А/Г-2 ва Т/Г-1 маҳаллий иммун тизими фаоллигининг камайишини тасдиқлайди.

Тадқиқотимиз давомида олинган юқоридаги натижаларнинг илмий-амалий мезонлари; ОИТСда инсон организмидаги умумий ва махаллий этиопатогенетик механизм кечишидаги ўзаро боғликликнинг асоратларини бартараф этиш максадида қуйидаги "ОИТС мавжуд беморлар учун ихтисослашган даво-профилактика алгоритими" режалаштирдик (7-расм.).

7-расм. **"ОИТС мавжуд беморлар учун ихтисослашган даво-профилактика алгоритми"нинг схема шакли.**

Тадқиқотнинг навбатдаги босқичида ОИТС мавжуд беморлар Халқаро стандарт ва протоколлар асосида профил мутахасислар томонидан доимий ва режали ретро вирусга карши кучайтирилган даволаш (РВҚД – АРВТ) олиши билан стоматолог мутахассис сифатида, махаллий даволаш қўлланилди: Бунда - Т/Г-1, 66 беморда пародонтитнинг ўртача оғирликдаги шаклларида анъанавий усулда, А/Г-2 - 68 беморда гигиеник холатни яхшилаш, некротик карашни бартараф этиш, кюретаж, жароҳатли окклюзияни бартараф этиш ва иммобилизациялаш, некротик тўқималарни тозалаш ва "Метрогил Дента" мази билан боғлам қўйиш (0,025%ли хлоргексидин ва 0,3%ли трипсин эритмасида ишлов бериш), ўткир яллиғланиш бартараф этилганидан сўнг эса ҳимоя-маҳкамловчи боғлам остига "Секстофаг" эритмасини қўлланилди. Қўшимча тарзда 14 кун давомида 100 мг дан "Флуконазол" хамда ОБШҚ патологиялари мавжудлар учун кунига 3 маҳалдан 400 мг дан «Ацикловир», тукли лейкоплакия - А витаминнинг 0,1%ли ёгдаги эритмаси қўлланди.

Ортопедик стоматологик даволаш учун барча беморлар ОБ протезлашга тайёрланди ва юқорида келтирилган 134 нафар (А/Г-1) беморлар; жумладан А/Г-2 дан 68 нафари ва Т/Г дан - 66 нафари, Н/Г дан - 38 нафар бемор ТП қўйилди. Тиш қатори нуқсонини бартараф этиш учун А/Г-2а - да 33 нафар бемор (термопластик "Vertex termo sens" хомашё), А/Г-2б да 35 нафар бемор ("Vertex termo sens" ТП "Gluma Comfort Bond" билан копланди); Т/Г да - 66 беморда жумладан - Т/Г-1да 32 нафар бемор ("Фторакс" акрилли пластмассали), Т/Г-2 да 34 нафар беморга («Фторакс» ТП юзаси "Gluma Comfort Bond" билан қопланган) "Фторакс" протезлар қўйилди. Н/Г дан танланган 38 нафар беморда юқори технологик термопласт "Vertex termo sens" хомашё асосида тайёрланган ТП қўйилди ва юқоридаги тадқиқотлар такрорий ўтказилиб олинган натижалар тахлил килинди.

Тадқиқотларда дастлаб "Фторакс" хомашёсидан ҚОҚП ва ТОҚП тайёрланиб юзалари Gluma Comfort Bond" билан тўйинтирилганда ТП юзаси дизайни (8, 10-расм) ва микрорельефи (9, 11-расмлар) сифати яхшиланди: адгезив протез ички юзаси ғовакларини тўлдирди, ингредиентларни изоляция қилди, силлиқлик хисобига овкат қолдиқлари ва микроорганизмлар тўпланиши учун муҳит йўколди. Беморлар ТПни қўллаш қулайлиги, ўткир қирралари йўклиги, функционал қулай ва чайнаш самарасининг юкорилигини такидлашди. ТП силлиқлиги хисобига ОБШҚ протез ости ва чегарасидаги жароҳатлар бартараф этилиши билан беморларнинг протезга мослашувчанлик даври қисқарди, функционал чайнов, ОБнинг гигиеник холатига ижобий ўзгаришига сабаб бўлиши башоратланди.



8-расм. **"Фторакс" хомашёсидан тайёрланган ТП ички юзаси ортофосфор кислота билан ишлов бериш боскичи.**

9-расм. **Протез юзаси «Gluma Comfort Bond" билн қоплангандан кейин СЭМ да 200 марта катталаштирилган релефи.**

10-расм. **Адгезив қопланган "Фторакс" ТП юзаси ва** ***11-расм.*** **СЭМ да 400 марта катталаштирилган релефи.**

“Vertex termo sens” хомашёсидан тайёрланган ТОҚП ва ҚОҚП (12 расм пастки жаг ва 13-расм юқори жаг учун ТП) клиник-морфологик жихатидан биологик мослиги ва дизайни жихатидан “Фторакс” хомашё ТПдан хам устунлигини кўрсатди. Ушбу ТП беморларни функционаллиги ва мослашиш даври талаб қилинмаслиги билан ўз устунлигини кўрсатди. ОБШҚни жарохатламаслиги, овқат қолдиғи ва аралаш сўлак таркибидаги қолдиқ ҳужайраларнинг протезга ёпишмаслиги жихатлари тавсифлидир.

***12-расм. Пастки* жаг учун, *13-расм* юкори жаг учун “Vertex termo sens” хомашёсидан тайёрланган ТП.**

“Vertex termo sens” хомашёсидан тайёрланган ТП юзаси СЭМда 400 баробар катталаштириб кўрилганда (14-расм), протезнинг ОБШҚга контакт юзаси янада аниқ силлиқ, микроорганизмлар яшаши учун деярли мухит йуклиги, протез хомашёси таркибидаги кимёвий ингредиентларнинг ОБШҚга ажралишига ҳимоя пардаси яратилганлигини ва шикастланиш хавфи бартараф этилгани кўришимиз мумкин (Расм №14).

***14-расм.* “Vertex termo sens” хомашёсидан тайёрланган СТП юзасининг СЭМда 400 марта катталаштириб олинган релефи.**

“Vertex termo sens” ва “Фторакс” хомашёсидан тайёрланган ТПларининг юзаси “Gluma Comfort Bond” адгезиви билан қопланиб беморга фойдаланиш учун топширилгандан 1ой ва 6 ой муддат ўтгандан кейин хам протез юзаси силлиқлигини, шаффофлигини, гигиеник жихатидан тозалиги, биомеханик, биофизик, клиник-функционал, морфологик хусусиятларини сақланиб қолишини кўрсатди.

ОИТС мавжуд беморлар орасида ТОҚП ва ҚОҚП қўйилгандан кейин самарали клиник натижалар Т/Г-1 (“Фторакс”) дан кўра Т/Г-2 (“Фторакс”ни никоблангани) ТПдан бир-мунча яхшиланганги кузатилди, айни вактда “Vertex termo sens” термопластик хомашёсининг устунлиги сакланиб колди. А/Г-2а ва А/Г-2б беморларда PI-индекс Т/Г-2 га нисбатан 0,87 ва 0,18 ни ташкил этди; Даво-профилактика ишлари натижаси, 6 ой ўтгач, ГИ А/Г-2 ада - 0,92, А/Г-2б да -0,88; Т/Г-1 да - 0,84, Т/Г-2 да 0,86 ($n<0,01$; $n<0,05$): CPTIN- индекси – 1,82; - 1,84; -1,02; -1,22 мосликда протезлашдан олдинги кўрсаткичлардан 0,04 дан 0,18 гача ($n=0,01$; $n<0,05$) фарқда ижобий ўзгариш кузатилди. Тиш қаторларидаги нуқсонларни бартараф этиш билан бир вактда ўтказилган санация натижасида тиш қаттиқ тўқимаси кариес жарохатлари ва қатор нуқсонлари хам самарали: 6 ой ўтгач, А/Г-1 КПО-индекси – “К” – 24%, “П” - 44%, “О” – 32%; Т/Г да 26%; 46%; 28% мосликда ижобий ўзгариш кузатилди.

№3-жадвал.

Даволашдан 6 ой муддат ўткач ОБ клиник-функционал холатининг кўрсаткичлари.

Гурух	Яхши 4 балл	Сезиларли яхшиланиш 3 балл	Сезилмас яхшиланиш 2 балл	Узгаришсиз 1 балл
Н/Г n=38	22/58	14/36,8	2/5,2	-/-
А/Г-2а n=33	7/21,2	17/51,5	9/27,3	-/-
А/Г-2б n=35	9/25,7	20/57,1	6/17,1	-/-
Т/Г-1 n=32	4/12,5	10/31,2	14/43,7	4/12,5
Т/Г-2 n=34	6/17,6	16/47,1	12/35,3	-/-

***Эслатма**: суратда – тегишли баллга эга бўлган беморлар сони; махражда – гуруҳдаги беморлар сонининг фоизи*

ОБШҚда кератинизация камайди, юмшоқ тўқимада рельефи сезиларли тикланди, гиперемия камайди, жароҳат ўчоқлари ва оғиз қуриб қолиши камайди, тилдаги бляшкалар йўқолди ёки сезиларли даражада камайди. Тиш-милк қисм ПТ соҳасида қизариш йўқолгани, веноз турғунлик ҳодисаларининг пасайишига ва қон томир кўринишидаги ижобий натижа кузатилди. R-суратда суяк тўқималарда барқарорлашув қайд этилди – ю/ж ва п/ж ҳолати сезиларли ижобий ўзгаришлар – баъзи ҳолларда суяк зичлашуви кузатилди.

Ортопедик даволашнинг турли усулларининг гнатодинамометрик параметрлари тахлили шуни кўрсатдики, Т/Г барча тиш гуруҳларининг даволашдан олдин уларнинг қийматларига нисбатан чидамлилигининг ошиши А/Г ўсишидан паст кўрсаткич кайд этилган бўлсада, ижобий натижалар кузатилди (№4-жадвал).

№4-жадвал.

Тадкикотдаги А/Г-1 беморларда даво-профилактикадан кейинги гнатодинамометрик улчов курсаткичлари.

Ўрганилаётган гуруҳлар		Кесувчи тишлар	Қозиқтишлар	Премолярлар	Молярлар
		Вертикал юкланишлар			
Интакт пародонт		16,3±0,64	24,8±0,76	23,7±0,78	32,5±1,33
Асосий гуруҳ	Даволашдан олдин	7,32±0,13*	9,5±0,12*	8,45±0,13*	8,14±0,19*
	Даволашдан кейин	11,28±0,06*$^{x\Delta}$	12,5±0,08*$^{x\Delta}$	12,66±0,08*$^{x\Delta}$	11,59±0,11*$^{x\Delta}$
	6 ойдан кейин	10,08±0,03*$^{x\Delta}$	11,3±0,05*$^{x\Delta}$	10,45±0,04*$^{x\Delta}$	11,33±0,15*$^{x\Delta}$
Таққослаш гуруҳи	Даволашдан олдин Даволашдан кейин	7,21±0,2*	9,2±0,16*	8,7±0,14*	8,25±0,19*
	6 ойдан кейин	9,25±0,03*^{x}	11,12±0,32*^{x}	11,71±0,04*^{x}	10,05±0,06*^{x}
	Даволашдан олдин	8,15±0,03*^{x}	10,02±0,12*^{x}	10,41±0,05*^{x}	9,15±0,05*^{x}
	Горизонтал юкланишлар				
Интакт пародонт		2,3±0,12	3,3±0,13	3,25±0,12	4,55±0,11
Асосий гуруҳ	Даволашдан олдин	0,99±0,04*	1,05±0,04*	1,15±0,04*	1,26±0,05*
	Даволашдан кейин	1,53±0,01*$^{x\Delta}$	1,42±0,01*$^{x\Delta}$	1,53±0,05*$^{x\Delta}$	1,92±0,05*
	6 ойдан кейин	1,02±0,03*	1,25±0,03*	1,35±0,04*	1,46±0,05*
Таққослаш гуруҳи	Даволашдан олдин	1,02±0,03*	1,1±0,03*	1,2±0,05*	1,32±0,05*
	Даволашдан кейин	1,24±0,03*^{x}	1,38±0,03*^{x}	1,4±0,05*^{x}	1,55±0,06*^{x}
	6 ойдан кейин				
	Даволашдан олдин	1,12±0,03*^{x}	1,24±0,03*^{x}	1,32±0,05*^{x}	1,4±0,06*^{x}

Эслатма**: * - соғлом шахслар гуруҳи билан таққослаганда фарқлар ишончлилиги қайд этилган (- P<0,05; ** - P<0,01; * - P<0,001); ^{x} – даволашдан олдинги натижалар билан таққослаганда фарқлар ишончлилиги қайд этилган (^{xxx} - P<0,05; ^{xx} - P<0,01; ^{x} - P<0,001);); $^{\Delta}$-1- гуруҳ ОИВ даволанганидан сўнги ҳолат билан таққослаганда фарқлар ишончлилиги қайд этилган ($^{\Delta\Delta\Delta}$ - P<0,05; $^{\Delta\Delta}$ - P<0,01; $^{\Delta}$ - P<0,001)*

Махаллий иммунологик текшириш натижаларида сўлакдаги sIgAда А/Г-1да 1,24 г/л дан 2,05 г/л; Т/Г - 1,42 г/л дан 1,68 гача; лизоцим титри 11,2 г/л дан 16,7 г/л гача ортганлиги Т/Г - 10,6 мг/% дан 13,8 мг/% ижобий натижалар кузатилди. Натижалар – ТПлари туфайли юзага келувчи ОБ дисбиотик ҳолатига тавсия этилган даво муолажаларидан сўнг, таклиф килинган ТПни қобиқлаш сабабли ОС таркиби ва махаллий иммунологик кўрсаткичлар яхшиланганлигини тасдиклайди (15-расм).

15-расм. **Тадкикотдаги инсонларда комплекс даво натижасидаги махаллий иммун тизимнинг тавсифи**



Изох: *- p <0,05, - p <0,01, - p <0,001 соглом шахсларга нисбатан курсаткичлар; * - p <0,05, - p <0,01, * - p <0,001 давогача булган курсаткичларга нисбатан*

Тадқиқот гурухининг А/Г-1 беморлари 6 ой мобайнида ТП, айникса "Vertex termo sens" хомашёсидан (16-расм) тайёрланган протез ости ва чегараси шиллиқ қобиқ тўқималаридан 4-5 микрон қалинликда кесиб олиниб морфологияси ўрганилганда яққол ижобий ўзгаришлар; - базал мембрана нисбатан ингичкалашган, силлиқ, қисман буришган, заиф кератинизация аломати, кератогиалин доналари мавжудлигидан қалинлашиш, шохли ва аниқ донадор қатламли қалин эпителия қатлам билан алмашиниш босқичида ва 2-3 қатор бошоқсимон ҳужайралар кузатилади.





16-расм. **"Vertex termo sens" хомашёсидан тайёрланган протез ости майдони шиллиқ қавати соҳаси ва *17-расм.* "Фторакс" хомашёсидан тайёрланган СТП ости шиллиқ қавати соҳаси. Гематоксилин ва эозин. 100 марта катталаштирилган**

"Фторакс" хомашёсининг "Gluma Comfort Bond" билан қопланган ТП сохаси (17-расм) ОБШҚ тўқималари гистоморфологик натижалари; эпителия нисбатан катта майдонда юпқалашган ва ингичкалашган шохдор қатламли, базал мембранада ижобий узгариш кузатилган, строма шиши камайган, семиз ҳужайралар сони камайган ва сўлак безлар сони купайган. А/Г-1 беморлар ОБШҚ морфологияси А/Г-2 дагига нисбатан камрок узгариши кузатилди.

Хулосалар: ОИТС мавжуд беморлар учун ОБ тўқима ва аъзоларида кечаётган патологик ўзгаришлар, ноодатий клиник хусусиятлари, учраш даражасининг частотаси ва кечишининг ўзига хослиги билан фарқ қилиши, кўп миқдордаги тиш қаторидаги нуқсонлар мавжудлиги, стоматологик ортопедик ёрдамга юқори даражада муҳтожлик - қисман олиб қўйиладиган тиш протезларига (76,04% га карши - 22,41% (н/г) (χ^2=7,11 - P≤0,05)), тўлиқ олиб қўйиладиган тиш протезларига 23,95% га карши 3,87% ни (н/г) (χ^2=8,25; P≤0,05) мухтожлик юқорилигига сабаб бўлади:

- Функционал тадқиқотларда ОИТС мавжуд беморлар чайнаш босими юкламасига чидамлилиги салбий ўзгаришлар - ПТда мўътадил г/ю (>29,63) ва в/ю га (>28,76) чидамлилик 2-4 баробар (Н/Г га нисбатан) камайишида, ПТ индексларидаги салбий ўзгариш хамда ОБ мавжуд протез ости ва чегараси шиллиқ қавати контакт юзасидаги тўқималардаги салбий морфологик ўзгаришларда акс этиши билан сўлак таркибидаги махаллий иммунитет кўрсаткичлари хам салбий ўзгаришга учрайди.

- ОИТС мавжуд беморлар оғзида мавжуд СТП ости ва чегара сохаси шиллиқ қавати тўқималарида чегара-мугуз қатлам қалинлашиши, ҳужайралар 8-9 қаторлашуви, тиканаксимон қатлам чегараси аниқланмаслиги ва кўплаб акантолиз ҳужайраларнинг пайдо бўлишида, ю/ж ва п/ж суяк кортикал пластинкаси дистрофияси, остеопорози ва алвеоляр суяклар атрофияси кучли намаён булади.

- ОИТС мавжуд беморлар учун таклиф килинган ва ишлаб чикилган "ОИТС мавжуд беморлар учун ихтисослашган даво-профилактика алгоритми"нинг илмий-амалий мезонининг самараси - беморлар хаёт сифатини яхшиланишида, жумладан ОБ аъзо ва тўқималари функционал холатини яхшилашга таклиф қилинган сунъий тиш протезлари - "Vertex термо сенс" хомашёси, хамда анъанавий тиш протезлари - "Фторакс"дан тайёрланган ТОҚТП ва КОҚТПларини "Gluma Comfort Bond" адгезивига тўйинтириш билан пардозлаш, силлиқлаш босқичларидан воз кечиб, мономерлардан протез юзаси говакларини ёпиш оркали химоялаш протезларнинг биокимёвий, биофизикавий хамда функционал хусусиятларини 42%га яхшиланишида акс этди.

- "ОИТС мавжуд беморлар учун ихтисослашган даво-профилактика алгоритми"да таклиф килинган ТОҚП ва ҚОҚПнинг конструкцияси ва қўлланилган хомашёлари – махаллий иммун тизимни қайта тиклаш оркали даволаш-профилактика чораларини самарадолигини ошириши, ОБда маҳаллий иммунитетни яхшиланишига (sIgA (42,11% (p<0,01)), лизоцим (27,13% (p<0,05)), патологик жараёнларнинг бартараф этилишига, гигиеник индекс кўрсаткичлари ва ПТ ҳолатини яхшиланишига (пародонтал индекс ПИ - 40% га камаяди (p<0,01)); OHI-S индекс - 53% (p<0,01); милклардан қон кетиши - 36,45% (p<0,01); гнатодинамометрик кўрсаткичларнинг яхшиланишига (54,4%, p<0,01), ОБШҚ ҳужайраларида гистоморфологик мухитнинг муқобиллашувида акс этди.

АДАБИЁТЛАР

1. Алимов А.С., Гаффоров С.А. Алимов А.А., Оптимизация ортопедической стоматологической терапии у ВИЧ-инфицированных больных с учетом состояния пародонта. Сб. трудов по матер. меж-науч-прак. конференц. «Медиц-я наука в эру цифровой трансформации»/10.12.2021. DOI 10.21626.
2. Астанов О.М., Гаффоров С.А. Тиш катори ва чайнов юзаси нуксонлари асоратидан шаклланган чакка пастки жаг бугими фаолиятидаги огрикли синдромларни ташхис куйишни мукаммаллаштириш. Метод. Реком. Утвержд. МнЗдрав Уз. 23.10.2021 протокол №968. Ташкент 2021
3. Белякова С., Базикян Э.А., Пчелин И. В., 'Обоснование исследования по оптимизации системы оказания хирургической стоматологической помощи пациентам с вич-инфекцией. Аналитический обзор литературы', *Журнал Инфектологии*, vol. 10, no. 3, Art. no. 3, Oct. 2018, doi: 10.22625/2072-6732-2018-10-3-45-53.
4. Гаффоров С.А., Пулатова Р.С. Клинико-функциональная оценка состояния твердых тканей зубов и слизистой оболочки полости рта вич-инфицированных больных. O'zbekiston tibbiyot jurnali. 2023, 2: 20-31.
5. Гаффоров С.А., Пулатова Р.С. Сравнительная оценка состояния тканей и органов полости рта ВИЧ-инфицированных пациентов. Integrative dentistry and maxillofacial surgery Vol 2, Iss 2 (4),65-73. https://doi.org/10.57231/j.idmfs.2023.2.2.009
6. Джумаев З.Ф., Каюмов Г. О., Гаффоров С.А., Хен Д.Н., Тожиев Ф.И. Восстановление дефектов челюстно-лицевой области после онкологических операций. Journal of Medicine and innovations. 2023, (12): 104-127.
7. Назаров У.К., Гаффоров С.А. Бириктиувчи тукима дисплазиясида чакка-пастки жаг бугими ва тиш катори шаклланишидаги нуксонларни башоратлашда замонавий текшириш усулларини куллашнинг ахамияти. Метод. Ре-

ком. Утвержд. МнЗдрав Уз. 16.01.2023 протокол №8н-р/88. Ташкент 2023.

8. Шень П.А., Хелминская Н.М., Гончарова А.В., Кравец В.И. 'Оценка факторов риска распространения ВИЧ-инфекции на стоматологическом приеме – тема научной статьи по клинической медицине читайте бесплатно текст научно-исследовательской работы в электронной библиотеке КиберЛенинка'. Accessed: Oct. 15, 2024

9. Aitken-Saavedra J. P., da Silva Barboza A., Ferreira M. L., Fábio Aranha A. M., and Lund R. G., 'Are propolis extracts potential pharmacological agents in human oral health? - A scoping review and technology prospecting', *J. Ethnopharmacol.*, vol. 271, p. 113846, May 2021, doi: 10.1016/j.jep.2021.113846.

10. Gafforov S.A., Pulatova R.S. Comparative estimates of the morphological structure of the surface of removable dentures made of different materials for the replacement of dentition defects. Science and innovation international scientific journal, 2023, 2(12): 918-924| https://doi.org/10.5281/zenodo.10405778

11. Gafforov S.A., Pulatova R.S. Clinical and laboratory studies of basic materials «ftorax" and «vertex termosens» used in dental prosthetics of hiv-infected patients. //Practice Oriented Science: UAE – RUSSIA – INDIA Materials of International University Scientific Forum August 25, 2023. 131-140. DOI 10.34660/INF.2023.80.56.059.

12. Ubaydullayev K.A, Gafur-Akhunov M.A., Gafforov S.A. Metod of Rehabilitation Treatment and Ortopedic Prosthetics of Oncologial Patients with Postoperative Defects in Maxillofacial Area. American Journal of Medicine and Medical Sciences, 11(2): 95-98. DOI. 20211102.05.

13. Glick M. and Williams D. M. 'FDI Vision 2030: Delivering Optimal Oral Health for All', *Int. Dent. J.*, vol. 71, no. 1, pp. 3–4, Jan. 2021, doi: 10.1016/j.identj.2020.12.026

14. Jain P. *et al.*, 'Outcomes of patients with chronic lymphocytic leukemia after discontinuing ibrutinib', *Blood*, vol. 125, no. 13, pp. 2062–2067, Mar. 2015, doi: 10.1182/blood-2014-09-603670

15. Lomeli-Martínez S.M. 'Oral Manifestations Associated with HIV/AIDS Patients'. Accessed: Oct. 15, 2024. [Online]. Available: https://www.mdpi.com/1648-9144/58/9/1214

16. Mustafaeva D.A., Pulatova R.S. Methods of Testing the Condition of the Oral Cavity in Patients with Hiv Infection // Research journal of trauma and disability studies. 2024. 3(1). 83-86

17. Nikou S.A. *et al.*, 'Candida albicans Interactions with Mucosal Surfaces during Health and Disease', *Pathogens*, vol. 8, no. 2, Art. no. 2, Jun. 2019, doi: 10.3390/pathogens8020053

18. Nurmatova N.T., Pulatova R.S. Gafforov S.A., Clinical Evaluation of the Effectiveness of Thermoplastic Materials Used in the Dental Prosthetics of Hiv-Infected Patients. Journal of Chemical Health Risks, (2023) 13(4). 484-495

19. Pekiner F. N. Keser G., Yılmaz G., and 'Assessment of Knowledge Level and Awareness About Human Papillomavirus Among Dental Students', *J. Cancer Educ.*, vol. 36, no. 4, pp. 664–669, Aug. 2021, doi: 10.1007/s13187-019-01683-3.

ОРТОПЕДИЧЕСКОЕ ЛЕЧЕНИЕ ЧАСТИЧНОЙ БЕЗЗУБОСТИ С УЧЕТОМ АНАТОМО-ФУНКЦИОНАЛЬНЫХ ОСОБЕННОСТЕЙ ПОЛОСТИ РТА

Ражабов Алишер Исломович - соискатель
Саидов Акбар Ахадович - д.м.н., профессор
Бухарский государственный медицинский институт (Бухара, Узбекистан)

Аннотация. *В данной статье рассматриваются методы ортопедического лечения частичной беззубости с учетом анатомо-функциональных особенностей полости рта. Ортопедическое лечение направлено на восстановление утраченных зубов, улучшение жевательной функции и эстетики. В исследовании применялись современные методы диагностики и протезирования, включая использование цифровых технологий и инновационных материалов. Оценка эффективности лечения проводилась на основе клинических и рентгенологических данных, а также отзывов пациентов. Результаты показали значительное улучшение функциональности и эстетики полости рта у большинства пациентов, что подтверждает важность индивидуального подхода к лечению частичной беззубости.*

Ключевые слова: *ортопедическое лечение, частичная беззубость, анатомо-функциональные особенности, протезирование, цифровые технологии, клинические исследования, жевательная функция, эстетика полости рта.*

ОҒИЗ БЎШЛИҒИНИНГ АНАТОМИК ВА ФУНКЦИОНАЛ ХУСУСИЯТЛАРИНИ ҲИСОБГА ОЛГАН ҲОЛДА ҚИСМАН ТИШСИЗЛИКНИ ОРТОПЕДИК ДАВОЛАШ

Ражабов Алишер Исломович – мустақил изланувчи
Саидов Акбар Ахадович – т.ф.д., профессор
Бухоро Давлат тиббиёт институти (Бухоро, Ўзбекистон)

Аннотация. *Ушбу мақолада оғиз бўшлиғининг анатомик ва функционал хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қисман тишсизликни ортопедик даволаш усуллари муҳокама қилинади. Ортопедик даволаш йўқолган тишларни тиклаш, чайнаш функцияси ва естетикасини яхшилашга қаратилган. Тадқиқотда замонавий диагностика ва протезлаш усуллари, шу жумладан рақамли технологиялар ва инновацион материаллардан фойдаланилган. Даволашнинг самарадорлиги клиник ва рентгенологик маълумотлар, шунингдек, беморларнинг фикр-мулоҳазалари асосида баҳоланди. Натижалар кўпчилик беморларда оғиз бўшлиғининг функционаллиги ва эстетикасида сезиларли яхшиланишни кўрсатди, бу қисман тишсизликни даволашда индивидуал ёндашув муҳимлигини тасдиқлайди.*

Калит сўзлар: *ортопедик даволаш, қисман тишсизлик, анатомик ва функционал хусусиятлар, протезлаш, рақамли технологиялар, клиник тадқиқотлар, чайнаш функцияси, оғиз бўшлиғининг эстетикаси.*

ORTHOPEDIC TREATMENT OF PARTIAL TOOTHLESSNESS, TAKING INTO ACCOUNT THE ANATOMICAL AND FUNCTIONAL FEATURES OF THE ORAL CAVITY

Razhabov Alisher Islomovich - independent researcher
Saidov Akbar Axadovich - D.M.Sc., professor
Bukhara State Medical Institute (Bukhara, Uzbekistan)

Annotation. *This article discusses the methods of orthopedic treatment of partial toothlessness, taking into account the anatomical and functional features of the oral cavity. Orthopedic treatment is aimed at restoring lost teeth, improving chewing function and aesthetics. The study used modern diagnostic and prosthetics methods, including the use of digital technologies and innovative materials. The effectiveness of the treatment was assessed on the basis of clinical and radiological data, as well as patient feedback. The results showed a significant improvement in the functionality and aesthetics of the oral cavity in most patients, which confirms the importance of an individual approach to the treatment of partial toothlessness.*

Keywords: *orthopedic treatment, partial toothlessness, anatomical and functional features, prosthetics, digital technologies, clinical research, chewing function, aesthetics of the oral cavity.*

Актуальность. Частичная беззубость представляет собой распространенное состояние, которое значительно снижает качество жизни пациентов.[1] Потеря зубов влияет не только на жевательную функцию, но и на эстетику полости рта, что может привести к психологическим и социальным проблемам. В условиях современной медицины и высоких стандартов жизни, восстановление утраченных зубов становится важной задачей для поддержания здоровья и благополучия пациентов. [5]

Современные методы диагностики и протезирования позволяют достичь высоких результатов в ортопедическом лечении частичной беззубости. Использование цифровых технологий, таких как 3D-сканирование и цифровая рентгенография, обеспечивает точную диагностику и планирование лечения, что значительно повышает его эффективность. [2] Инновационные материалы и технологии, такие как зубные имплантаты и съемные протезы, позволяют не только восстановить жевательную функцию, но и улучшить эстетику полости рта, делая протезы более комфортными и долговечными. [8]

Анатомо-функциональные особенности полости рта у каждого пациента уникальны, что требует индивидуального подхода к лечению. Оценка состояния полости рта, включая степень потери зубов, состояние десен и костной ткани, является важным этапом в разработке плана лечения. Комплексный подход, включающий диагностику, планирование и проведение лечения с учетом всех этих особенностей, обеспечивает высокие результаты и удовлетворенность пациентов. [5]

Эффективное ортопедическое лечение частичной беззубости имеет большое значение для улучшения качества жизни пациентов. Восстановление жевательной функции позволяет улучшить питание и общее состояние здоровья, а улучшение эстетики полости рта способствует повышению самооценки и уверенности в себе. Современные методы лечения также снижают риск развития вторичных осложнений, таких как заболевания десен и костной ткани, что подчеркивает их значимость в общей стратегии поддержания стоматологического здоровья. [9]

Таким образом, актуальность данного исследования обусловлена необходимостью разработки и применения современных методов ортопедического лечения частичной беззубости, которые учитывают анатомо-функциональные особенности полости рта каждого пациента. Это позволяет достигать высоких клинических результатов и улучшать качество жизни пациентов, что подтверждает важность комплексного и индивидуализированного подхода в современной стоматологии. [4]

Целью данного исследования является разработка и оценка эффективности современных методов ортопедического лечения частичной беззубости с учетом анатомо-функциональных особенностей полости рта. Основное внимание уделяется использованию цифровых технологий и инновационных материалов для точной диагностики, планирования и протезирования. Исследование направлено на выявление оптимальных методов восстановления жевательной функции и улучшения эстетики полости рта. Также важной задачей является оценка удовлетворенности пациентов и долговременных результатов лечения, что позволит разработать рекомендации для практического применения в стоматологии.

Материалы и методы.

В исследовании приняли участие 150 пациентов в возрасте от 20 до 65 лет с частичной беззубостью. Пациенты были разделены на две группы: основную (100 человек) и контрольную (50 человек). Основная группа получала лечение с использованием современных методов диагностики и протезирования, включая цифровую рентгенографию и 3D-сканирование. В контрольной группе применялись традиционные методы лечения.

Диагностика включала оценку анатомо-функциональных особенностей полости рта, состояния десен, плотности костной ткани и степени потери зубов. Для этого использовались цифровая рентгенография и 3D-сканирование, которые обеспечивали высокую точность и детализацию данных.

Протезирование в основной группе включало использование имплантатов и съемных протезов, изготовленных с применением современных материалов и технологий. Планирование лечения осуществлялось на основе цифровых моделей, что позволяло максимально точно подобрать и установить протезы.

Эффективность лечения оценивалась на основе клинических и рентгенологических данных, а также отзывов пациентов. Основными критериями оценки были восстановление жевательной функции, улучшение эстетики полости рта и удовлетворенность пациентов результатами лечения.

Результаты.

Результаты исследования показали высокую эффективность современных методов ортопедического лечения частичной беззубости с учетом анатомо-функциональных особенностей полости рта. В основной группе, получавшей лечение с использованием цифровых технологий и инновационных материалов, наблюдались следующие результаты: полное восстановление жевательной функции наблюдалось у 88% мужчин (n=44) и 92% женщин (n=46).

(рис.1)



Частичное улучшение жевательной функции было зафиксировано у 10% мужчин (n=5) и 6% женщин (n=3). Отсутствие значимых улучшений жевательной функции отмечено у 2% мужчин (n=1) и 2% женщин (n=1). *Улучшение эстетики полости рта Значительное улучшение эстетики полости рта наблюдалось у 85% мужчин (n=43) и 87% женщин (n=44). Частичное улучшение эстетики было зафиксировано у 10% мужчин (n=5) и 9% женщин (n=4). Отсутствие значимых изменений в эстетике полости рта отмечено у 5% мужчин (n=2) и 4% женщин (n=2).* Высокий уровень удовлетворенности результатами лечения был зафиксирован у 90% пациентов (n=90) в основной группе, что подтверждает эффективность и комфортность примененных методов. В контрольной группе положительные результаты наблюдались у 65% пациентов (n=32), что свидетельствует о значительном преимуществе современных методов лечения.Результаты были статистически значимыми ($p < 0.05$), что подтверждает достоверность полученных данных. Использование цифровых технологий и инновационных материалов в ортопедическом лечении частичной беззубости позволяет достигать высоких результатов в восстановлении жевательной функции и улучшении эстетики полости рта, что в свою очередь повышает качество жизни пациентов.Для наглядного представления результатов было создано графическое изображение данных по восстановлению жевательной функции и улучшению эстетики полости рта у пациентов основной и контрольной групп. Диаграмма демонстрирует значительные различия в результатах лечения между группами, подчеркивая эффективность современных методов.



Заключение. Проведенное исследование показало высокую эффективность современных методов ортопедического лечения частичной беззубости с учетом анатомо-функциональных особенностей полости рта. Использование цифровых технологий и инновационных материалов позволило достичь значительных результатов в восстановлении жевательной функции и улучшении эстетики полости рта у пациентов. В основной группе было отмечено полное восстановление жевательной функции у 88% мужчин и 92% женщин, что значительно превосходило показатели контрольной группы. Также значительное улучшение эстетики наблюдалось у 85% мужчин и 87% женщин.

Высокий уровень удовлетворенности пациентов результатами лечения подчеркивает важность индивидуального подхода и применения современных технологий в ортопедическом лечении частичной беззубости. Статистически значимые результаты ($p < 0.05$) подтверждают достоверность полученных данных и необходимость дальнейшего применения разработанных методов в клинической практике. Таким образом, комплексный подход, включающий оценку анатомо-функциональных особенностей и использование передовых технологий, является ключевым фактором в успешном лечении частичной беззубости и повышении качества жизни пациентов.

ЛИТЕРАТУРА

1. Токмакова С. И., Чудова Л. В., Кириенкова Е. А. Оценка показателей микрогемоциркуляции тканей пародонта при анатомо-функциональных нарушениях мукогингивального комплекса //Медико-фармацевтический журнал «Пульс». – 2016. – Т. 18. – №. 5. – С. 64-67.

2. Летягин А. Ю., Ганенко Ю. А., Уртегешев Н. С. Анатомо-функциональные мышечные механизмы формирования голосового тракта при произнесении аутентичных гласных сибирско-татарского языка по данным магнитно-резонансной томографии //Сибирский научный медицинский журнал. – 2013. – Т. 33. – №. 5. – С. 10-17.

3. Иванов Л. Н., Колотилова М. Л., Алексеева Н. В. Патогенная реактивность анатомо-функциональных систем организма //Медицина в Кузбассе. – 2023. – Т. 22. – №. 2. – С. 20-28.

4. Ластовка А. С. Дифференцированный подход при выборе метода хирургического лечения слюннокаменной болезни поднижнечелюстной железы //Стоматолог. Минск. – 2018. – №. 1. – С. 70-75.

5. Князьков В. Б., Праздников Э. Н., Дайхес Н. А. Анатомо-физиологическое обоснование техники лазерной скульптурной увулопалатопластики при ронхопатии и синдроме обструктивного апноэ сна //Лазерная медицина. – 2023. – Т. 27. – №. 1. – С. 39-45.

6. Мирзоев М. Ш. Совершенствование хирургических методов лечения дефектов нижней челюсти биосовместимыми материалами из никелида титана //Вестник последипломного образования в сфере здравоохранения. – 2017. – №. 1. – С. 46-52.

7. Старостина Л. С. Санация полости носа у детей раннего возраста //Педиатрия. Приложение к журналу Consilium Medicum. – 2019. – №. 1. – С. 33-36.

8. Шиленко Д. Р. и др. Функционально обоснованное протезирование беззубых челюстей //Мир медицины и биологии. – 2010. – Т. 6. – №. 1. – С. 129-132.

UDC: 616.8-009.24-02:618.3-06:616.379-008.64

YO`LDOSHNING MORFOMETRIK KO`RSATKICHLARINI PREEKLAMSIYANING OGIRLIK DARAJALARIGA BOG`LIQ HOLATDA O`ZGARISHLARI

Raxmanova Nodira Xodjayazovna - Ph.D., katta o`qituvchi
Toshkent tibbiyot akademiyasi Urganch filiali (Urganch, O'zbekiston)
Kattaxodjayeva Maxmuda Xamdamovna - t.f.d., professor
Toshkent Davlat stomatologiya instituti (Toshkent, O'zbekiston)

Annotatsiya. *Jahonda homilador ayollardagi gipertoniya holatlari, shuningdek, ular bilan bog'liq asoratlarni tashxislash va davolashga alohida e'tibor qaratilmoqda. Preeklampsiya va eklampsiya bilan og'rigan ayollarda tug'ilgandan keyin yuzaga keladigan perinatal asoratlar zamonaviy tibbiyotning dolzarb muammosidir.Ona va bolaning hayoti va sog'lig'ini saqlash bilan bog'liq muammolarni hal qilish uchun ona-platsenta-homila tizimining barcha bo'g'inlarini o'rganishda, shu jumladan klinik va patomorfologik usullardan foydalanishda innovatsion yondashuvlar zarur.*

***Kalit so`zlar:*** *preeklampsiya, eklampsiya, gipertoniya, elektron skanerlash mikroskopiyasi, yo`ldosh.*

ИЗМЕНЕНИЯ МОРФОМЕТРИЧЕСКИХ ПОКАЗАТЕЛЕЙ ПЛАЦЕНТЫ В ЗАВИСИМОСТИ ОТ СТЕПЕНИ ТЯЖЕСТИ ПРЕЭКЛАМСИИ

Рахманова Нодира Ходжаязовна - Ph.D., старший преподаватель
Ургенчский филиал Ташкентской медицинской академии (Ургенч, Узбекистан)
Каттаходжаева Махмуда Хамдамовна - д.м.н., профессор
Ташкентский государственный стоматологический институт (Ташкент, Узбекистан)

Аннотация. *Во всем мире особое внимание уделяется диагностике и лечению гипертонических состояний и связанных с ними осложнений у беременных женщин. Перинатальные осложнения после родов у женщин, страдающих преэклампсией или эклампсией, являются актуальной проблемой для современной медицины. Для решения проблем, влияющих на сохранение жизни и здоровья матери и ребенка, необходимы инновационные подходы, изучающие все звенья материнской, плацентарной и фетальной систем, включая использование клинических и патоморфологических методов.*

Ключевые слова*: преэклампсия, эклампсия, артериальная гипертензия, электронная сканирующая микроскопия, плацента.*

CHANGES IN MORPHOMETRIC INDICATORS OF THE PLACENTA DEPENDING ON THE SEVERITY OF PRE-ECLAMSIA

Rakhmanova Nodira Khodjayazovna - Ph.D., senior lecturer
Urgench branch of the Tashkent Medical Academy (Urgench, Uzbekistan)
Kattakhodzhaeva Maxmuda Khamdamovna - D.M.Sc., professor
Tashkent State Dental Institute (Tashkent, Uzbekistan)

Abstract. *The world pays special attention to the diagnosis and treatment of hypertensive conditions in pregnant women, as well as related complications. Perinatal complications that occur after childbirth in women with preeclampsia and eclampsia are an urgent problem in modern medicine.To solve issues related to preserving the life and health of the mother and child, innovative approaches are needed in the study of all links of the mother-placenta-fetus system, including the use of clinical and pathomorphological methods.*

Key words: *preeclampsia, eclampsia, placenta, mother-placenta-fetus system, antenatal diagnosis.*

Mavzuning dolzarbligi. Yo`ldosh homilaning o'sishiga va rivojlishiga, homiladorlik davrida onaning holatiga ta'sir qiluvchi, maxsus organdir. Fiziologik homiladorlik tizimli yallig'lanish, oksidlovchi stress va angiogen omillar darajasining o'zgarishi va qon tomirlarining reaktivligi bilan harakterlanadi. Ushbu o'zgarishlar preeklampsiyada (PE) kuchayadi, bu kompensatsiya mexanizmlarining buzilishi bilan bog'liq bo'lib, oxir-oqibat yo`ldosh va qon tomir disfunktsiyasiga olib keladi. (Vodneva D.N. va hammualliflar., 2014; DubovaE.A. va hammualliflar.,2012).

Yo`ldosh PE patogenezida hal qiluvchi rolni o'ynaydi, chunki bu holat faqat organizmda yo`ldosh to'qimalari mavjudligida rivojlanadi va uni olib tashlangandan keyin deyarli har doim to'xtaydi. Yo`ldoshning antiangiogen omillari onaning qon oqimiga kirib, onaning endoteliyasini buzadi va parchalaydi. Bu holat arterial gipertenziya, proteinuriya,

glomerulyar endotelioz, HELLP sindromi va PE rivojlanishiga olib kelishi mumkin. (LapinV.M. vahammualliflar., 2015, MaysinaA.I. vahammualliflar, 2015).

Homiladorlikning tez-tez uchraydigan asorati bo'lgan, surunkali yo`ldosh yetishmovchiligi- perinatal kasalanish va o'limning sabablaridan biridir. Yo`ldosh yetishmovchiligi, PE fonida rivojlanadi va "ona-platsenta-homila" funktsional tizimi shakllanishining dastlabki bosqichlaridagi buzilishlari tufayli yuzaga keladi. Mikroskopik tadqiqotlar shuni ko'rsatadiki, preeklampsiya tashxisi qo'yilgan tug'ruqdan keyingi ayollarda turli darajadagi surunkali platsenta yetishmovchiligining morfologik belgilari aniqlanadi, jumladan: so`rg`ichlar to`dasining rivojlanishi, obliterativ angiopatiya, so`rg`ichlar asos to`qimalarida sklerotik o'zgarishlar, afunktsional zonalarning paydo bo'lishi va ishemik infarktlar ko'rinishi bilan namoyon bo'ladi. Shuningdek bunga yo`ldoshdagi yallig'lanish o'zgarishlari ham xarakterlidir.

Tadqiqotning maqsadi innovatsion tadqiqot usullaridan (skanerlash va atom kuchi elektron mikroskopiyasi) foydalangan holda PE bilan kasallangan homilador ayollarda yo`ldoshning patomorfologik xususiyatlarini o'rganish orqali perinatal kasallanish va o'limini kamaytirish usullarini aniqlash.

Materiallar va usullar.PE bilan kasallangan 15 ta o'rta va 10 ta og'ir darajada bo'lgan 25 ayolning yo'ldoshlari o'rganildi. Namunalar organning markaziy, parasentral va periferik qismlaridan tayorlangan.Yorug'lik-optik tadqiqotni amalga oshirish maqsadida keyingi tahlil natijalarini olish uchun namunalar 10% neytral buferlangan formalinga o'rnatildi, so'ngra ular parafinga solindi va mikrotomdagi bloklardan bo'laklar qilindi, keyinchalik ular eozin va gematoksilin bilan bo'yaldi. Ular Topic-T Ceti mikroskopi yordamida suratga olingan. Bundan tashqari, "Video-Test Size" standart dasturi yordamida morfometrik tadqiqot o'tkazildi.

Elektron mikroskopda skanerlash uchun namunalar izotonik eritma shaklida tayyorlangan natriy xloridning bir necha qismlarida 37° C haroratda yuvildi. Keyin, xuddi shunday haroratda, ular glutaraldegiddan (fosfat buferida 2%) tashkil topgan fiksatsiya aralashmasiga botirildi va ikki kun davomida muzlatgichda saqlandi. Ikki kun o`tgach ob'ektlar tahlil qilindi va "FE1 Quanta 200 3D" va "FE1 Quanta 600 FEG" mikroskoplarida suratga olindi. Bundan tashqari, yorug'lik mikroskopi ostida bo'limlarni oldindan ko'rib chiqqandan so'ng, to'qimalar zond mikroskopiyasi (atom kuchlari laboratoriyasi) yordamida tahlil qilindi va zarur parafin bloklari tanlandi. Maqsadli ko'rishdan so'ng, suratga olish va morfometrik ishlov berish amalga oshirildi. Zond skanerlash mikroskopiyasi Ntegra-Aura qurilmasida, past vakuumli atmosferadan foydalangan holda Si yoki SiN kantileverllari yordamida intervalgacha va doimiy profilning aloqa rejimlarida amalga oshirildi. Atom kuchi tasvirlarini tahlil qilish va bajarish standart NOVA (“NT-MDT”) va ImageAnalysis (“NT-MDT”) dasturlari yordamida amalga oshirildi.

Tadqiqot natijalari va muhokama. Preeklampsiya bilan og`rigan homilador ayolda gematomalar, massiv so`rg`ichlararo tromblar, funktsional qismlar, bo'shliqlar, kalsifikatsiyalar, hamda oq va qizil rangli katta infarkt o`choqlar bo`lgan yo`ldosh maydoni nisbati sezilarli darajada oshdi;(**1-rasm)**. Patologik jihatdan o'zgartirilgan bo'laklarning mavjudligi nafaqat onadagi kasallikning og'irligiga, balki uning davomiyligiga, shuningdek, homilaning hayotiy faoliyatiga ham bog'liq bo`ladi.



A



B

Rasm 1. **Ayollarda og'ir preeklampsiyada yo`ldoshning bo'laklari. Infarkt parchalari. (A, B). So`rg`ich patologik yaqinlashuvi bilan afunktsional qismlar. (B).**
RasmA (x400). **Yorug`lik mikroskopiyasi.Gematoksilin va eozin bilan bo'yash.**
RasmB (x200). **Skanerli elektron mikroskop.**

Ona va homila yuzalarini o'rganishda qon aylanishining buzilishi, ko'p miqdorda qon quyqalari va qon ketishi, to'qimalarning shishishi, o'zgaruvchan jarayonlar, nekrozning fokal joylarigacha ijobiy dinamika topildi. Bu o'zgarishlar to'g'ridan-to'g'ri kasallikning og'irligiga bog'liq bo`lib, shu jumladan qon tomirlarining devorlarida sklerozli joylar ham kuzatilgan. (**Rasm.2,3)**.



A **B**

Rasm 2. **O'rta darajali preeklampsiyada yo`loshning bo'laklari. Asos va oraliq so`rg`ichlarga ustun bo'lgan homila yuzasi va so`rg`ichlar tutamii (A, B).**
RasmB (x600) rasm fragmenti A (x100).



A **B**

Rasm 3. **O'rta darajali preeklampsiyada yo`ldoshning bo'laklari. Shish va skleroz bo`lgan ona yuzasi. (A) Asos va oraliq so`rg`ichlar ustun bo'lgan homila yuzasi va so`rg`ich tutami (A, B)**
Rasm. A (x500), rasm. B (x140). Skanerli elektron mikroskop.

So`rg`ichlar tutami yo`ldoshdagi metabolik, himoya va immunitet mexanizmlarida asosiy rolni o'ynaydi. Shu sababli uning mikrostruktura xususiyatlarini o'rganishda biz unga asosiy e'tiborni qaratdik. Uning barcha morfologik tarkibiy qismlarida tadqiqot o'tkazildi: asos, oraliq va terminal so`rg`ich (**rasm. 4,5**).



A B

Rasm 4. **O'rta darajali preeklampsiyada yo`ldosh bo'laklari.**
Alohida kotiledonlardagi asos so`rg`ichlar sklerozi (A), shu jumladan ularning tomir devori (A, B).
Rasm A. **(x100).Yorug`lik mikroskopiyasi. Gematoksilin va eozin bilan bo'yash.**
RasmB. **Atom kuchi mikroskopi, uch o'lchamli tasvir (x1000).**



A B

Rasm 5. **O`rta daraja preeklampsiyada yo'ldosh qismlari.**
Alohida kotiledonlarda so`rgich biriktiruvchi to`qimalari qon to`lishishi. (A).
Oraliq so`rg`ichning ulushi sezilarli darajada oshdi.(B)
Rasm. A **(x250),** ***Rasm. Б*** **(x500). Skanerli elektron mikroskopiya.**

So`rg`ichlar komponentlarining tarkibiy qismlarini (so`rg`ich daraxtning o'ziga xos sohasi va undagi sinsitial tugunlar) regeneratsiya ko'rsatkichlari sifatida(fibrinoid bo'lgan joyda) o'rganish juda muhim hisoblanib, 1-jadvalda keltirilgan.

Turli og`irlikdagi preeklampsiya bilan og'rigan homilador ayollarda platsentaning morfometrik ko'rsatkichlari (%)

Kuzatuv guruhlari	Muayyan kvadrat(%)			
	So`rg`ichlar to`dasi	Sinsitial buyraklar	So`rg`ichlararo bo`shliq	So`rg`ichlararo fibrinoid
Preeklampsiya (o`rta darajada)	55, 0±3,1*	2,1±0,2*	36,8±1,8*	6,1 ±0,9 *
Preeklampsiya (Og`ir darajada)	50, 5±3,5* **	1,2±0,1* **	40,0±2,6* **	8,3 ±0,6* **
Nazorat guruhi	62, 5±3,2	2,9±0,8	31,3±2,7	3,3 ±0,6

Ilova. ** P <0.05 boshqaruv guruhiga nisbatan ** p <0.05 Preeklampsiyadagi o'zgaruvchanlik guruhiga nisbatan.*

Turli darajadagi PE bilan kechayotgan ayollarda yo`ldoshlarning morfometrik ko'rsatkichlarni o'rganish jarayonida, murakkab homiladorlik davrida sinsitial to`qimalari bo'lgan so`rg`ichlar tutami maydonining kamayishini kuzatdik, uning terminal qismi yuzasida fibrinoidning joylashishi ortib, so`rg`ichlararo bo'shliqqa tegishli ulushi qayta taqsimlangan.Ushbu ko'rsatkichlar bevosita kasallikning og'irligiga bog'liq (p <0.05).

Yo`ldoshda aniqlangan o'zgarishlar, standart tadqiqot usullari bilan tekshirilgan ko'rsatilganidan ham ko'proq darajada bo`lib, uning funktsiyalarini sezilarli darajada buzilganligini ko'rsatdi (gemoplatsental to'siq, gaz almashinuvi, trofik, ekskretor funktsiyalar). Bu homila va yangi tug'ilgan chaqaloqning hayotiy funktsiyalarini saqlab qolish uchun shifokorlar tomonidan hisobga olinishi kerak.

ADABIYOTLAR

1. Гагаев Ч.Г. Патология пуповины. Под редакцией проф. В.Е. Радзинского.// ИЗДАТЕЛЬСКАЯ ГРУППА «ГЭОТАР-Медиа» Москва, 2011.

2. Гайбуллаева Д.Ф., Каттаходжаева М.Х. Гипергомоцистеинэмия при преэклампсии.//Материалы13 Конгресса гинекологов FIGO, Рим 2021, С56-58.

3. Каттаходжаева М.Х., Гайбуллаева Д.Ф. Значение гипергомоцистеинэмии в развитии фетоплацентарной недостаточности при преэклампсии.// Материалы международной научно-практической конференции «Инновационные технологии в науке нового времени», Москва, 12.07. 2017 г., С.9.

4. Каттаходжаева М.Х., Гайбуллаева Д.Ф. Клинико-биохимические аспекты гипергомоцистеинемии при преэклампсии.// Nazariy va klinik tibbiyot jurnali. 2019, №5, С. 35-37.

5. Каттаходжаева М.Х., Гайбуллаева Д.Ф. Клинико-биохимические аспекты повреждения эндотелия при преэклампси.//“re-health/ Электронный журнал” Андижанский государственный медицинский институт. 2020. №1, С. 21-25.

6. Павлова Т.В., Щёголев А.И. Каплин А.Н., Селиванова А.В., Землянская Л.О. Применение атомно-силовой микроскопии в комплексной оценке системы «мать-плацента-плод» при акушерской и эндокринной патологии на фоне беременности.// Бюллетень экспериментальной биологии и медицины. 2021. Т. 171, № 2. С. 223-227.

7. Павлова Т.В., Каплин А.Н., Гончаров И.Ю., Малютина Е.С., Землянская Л.О., Нестеров А.В. Маточно-плацентарный кровоток при сахарном диабете у матери.// Архив патологии. 2021. Т. 83. № 1. С. 25-30.

УДК: 618.3:616.98:578.834-036.21-092

КОРОНАВИРУС ИНФЕКЦИЯСИ САБАБЛИ РИВОЖЛАНМАГАН ҲОМИЛАДОРЛИК АНИҚЛАНГАН АЁЛЛАРДА ГРАВИДАР ГОРМОНЛАР ҲОЛАТИ

Рузметова Н.Ф. - докторант
Шукуров Ф.И. - т.ф.д., профессор
Тошкент тиббиёт академияси (Тошкент, Ўзбекистон)

АННОТАЦИЯ. Мақсад. *Коронавирус инфекцияси сабабли ривожланмаган ҳомиладорлик аниқланган аёлларда гравидар гормонлар даражаларидаги ўзгаришларни баҳолаш ва гормонлар даражасининг ҳомиладорлик муддати ва COVID-19 оғирлик даражаси билан боғлиқлигини таҳлил қилиш.*

Тадқиқот материали.*Тадқиқотга жами 180 нафар COVID-19 билан боғлиқ ривожланмаган ҳомиладорлиги аниқланган аёллар киритилди. Улар учта гуруҳга ажратилди: I гуруҳ: 5-6 ҳафталик муддатда ривожланмаган ҳомиладорлик аниқланган 60 нафар аёл.II гуруҳ: 7-12 ҳафталик муддатда ривожланмаган ҳомиладорлик аниқланган 40 нафар аёл.III гуруҳ: COVID-19 билан касалланган ва ривожланмаган ҳомиладорлик профилактикаси ўтказилган 50 нафар аёл.Назорат гуруҳини 30 нафар соғлом ҳомиладор аёллар ташкил қилди.*

Натижалар. *Тадқиқот натижаларига кўра, COVID-19 сабабли ривожланмаган ҳомиладорлик аниқланган аёлларда гравидар гормонлар даражасида сезиларли ўзгаришлар аниқланди: I ва II гуруҳларда ХГЧ-β даражаси назорат гуруҳига нисбатан 94% га паст бўлди, I ва II гуруҳларда АФП даражаси назорат гуруҳига нисбатан 80% дан ортиқ пасайгани аниқланди. Трофобластик гликопротеин даражаси I ва II гуруҳларда 78% га паст бўлди. I ва II гуруҳларда прогестерон даражаси назорат гуруҳига нисбатан 50% га паст бўлгани аниқланди. III гуруҳ аёлларида гормонлар даражалари назорат гуруҳига яқин бўлиб, ҳомиладорлик асоратларсиз давом этди.*

Хулоса. *COVID-19 инфекцияси билан боғлиқ ривожланмаган ҳомиладорликда гравидар гормон даражаларида сезиларли пасайишлар кузатилди. I ва II гуруҳларда ХГЧ-β даражаси назорат гуруҳига нисбатан 94% га камайди, АФП даражаси I ва II гуруҳларда 80% дан кам бўлиб, TGB-beta 1 даражаси ҳам назорат гуруҳига нисбатан 78% га камайган ҳолда кузатилди. Прогестерон даражаси эса I ва II гуруҳларда 50% га паст бўлди. III гуруҳ профилактика ўтказилган аёлларда гормон даражалари назорат гуруҳи кўрсаткичларига яқин даражада бўлиб, ҳомиладорлик асоратларсиз давом этди.*

Калит сўзлар: *COVID-19; ривожланмаган ҳомиладорлик; хорионик гонадотропин; альфа-фетопротеин; трофобластик гликопротеин; прогестерон, гормонлар.*

СОСТОЯНИЕ ГРАВИДАРНЫХ ГОРМОНОВ У ЖЕНЩИН С НЕРАЗВИВАЮЩЕЙСЯ БЕРЕМЕННОСТЬЮ, ВЫЗВАННОЙ КОРОНАВИРУСНОЙ ИНФЕКЦИЕЙ

Рузметова Н.Ф. - докторант
Шукуров Ф.И. - д.м.н., профессор
Ташкентская медицинская академия (Ташкент, Узбекистан)

АННОТАЦИЯ. Цель. *Оценка изменений уровня гравидарных гормонов у женщин с неразвивающейся беременностью, вызванной коронавирусной инфекцией, и анализ связи уровня гормонов с гестационным сроком и тяжестью COVID-19.*

Материалы исследования. *В исследование было включено 180 женщин с неразвивающейся беременностью, связанной с COVID-19. Женщины были разделены на три группы: I группа — 60 женщин с неразвивающейся беременностью на сроке 5–6 недель; II группа — 40 женщин с неразвивающейся беременностью на сроке 7–12 недель; III группа — 50 женщин с COVID-19, прошедшие профилактику неразвивающейся беременности. Контрольную группу составили 30 здоровых беременных женщин.*

Результаты. *По результатам исследования выявлены значительные изменения уровня гравидарных гормонов у женщин с неразвивающейся беременностью, связанной с COVID-19: уровень ХГЧ-β в I и II группах был на 94% ниже по сравнению с контрольной группой, уровень АФП в I и II группах снизился более чем на 80%, уровень трофобластического гликопротеина в I и II группах был ниже на 78%, а уровень прогестерона был на 50% ниже. У женщин из III группы, прошедших профилактику, уровни гормонов были близки к показателям контрольной группы, и беременность протекала без осложнений.*

Заключение. *При неразвивающейся беременности, вызванной COVID-19, наблюдается значительное снижение уровня гравидарных гормонов. Уровень ХГЧ-β в I и II группах снизился на 94% по сравнению с контрольной группой, уровень АФП был ниже на 80%, уровень TGB-beta 1 снизился на 78%, а уровень*

прогестерона был ниже на 50%. У женщин из III группы, прошедших профилактику, уровни гормонов оставались близкими к контрольной группе, и беременность протекала без осложнений.

Ключевые слова: *COVID-19; неразвивающаяся беременность; хорионический гонадотропин; альфа-фетопротеин; трофобластический гликопротеин; прогестерон; гормоны.*

GRAVIDAR HORMONE STATUS IN WOMEN WITH NON-DEVELOPING PREGNANCY CAUSED BY COVID-19 INFECTION

Ruzmetova N.F. - doctoral student
Shukurov F.I. - D.M.Sc., professor
Tashkent Medical Academy (Tashkent, Uzbekistan)

ABSTRACT. Objective. *To evaluate changes in the levels of gravidar hormones in women with non-developing pregnancy caused by COVID-19 infection and to analyze the relationship of hormone levels with gestational age and COVID-19 severity.*

Study Materials. *The study included a total of 180 women with COVID-19-related non-developing pregnancy. They were divided into three groups: Group I — 60 women with non-developing pregnancy at 5–6 weeks; Group II — 40 women with non-developing pregnancy at 7–12 weeks; Group III — 50 women with COVID-19 who underwent non-developing pregnancy prevention. The control group consisted of 30 healthy pregnant women.*

Results. *The study results revealed significant changes in gravidar hormone levels in women with non-developing pregnancy due to COVID-19: HCG-β levels in Groups I and II were 94% lower compared to the control group; AFP levels in Groups I and II were more than 80% lower; trophoblastic glycoprotein levels in Groups I and II were 78% lower, and progesterone levels in Groups I and II were 50% lower. In Group III, where prevention was performed, hormone levels were close to the control group, and pregnancy continued without complications.*

Conclusion. *Significant decreases in gravidar hormone levels were observed in cases of non-developing pregnancy associated with COVID-19. HCG-β levels in Groups I and II decreased by 94% compared to the control group, AFP levels were more than 80% lower, TGB-beta 1 levels decreased by 78%, and progesterone levels were 50% lower. In the third group, where prevention was applied, hormone levels remained close to control group levels, and pregnancy progressed without complications.*

Key words: *COVID-19; non-developing pregnancy; chorionic gonadotropin; alpha-fetoprotein; trophoblastic glycoprotein; progesterone; hormones.*

Кириш. Коронавирус инфекцияси (COVID-19)нинг глобал пандемияси нафақат умумий аҳолининг саломатлигига, балки репродуктив соҳага ҳам салбий таъсир кўрсатиб келмоқда. COVID-19нинг ҳомиладорликка таъсири борасидаги тадқиқотлардан маълум бўлишича, инфекция ҳомиладорлик жараёнининг нормал кечишига турли кўринишларда таъсир қилади [1-3]. Жумладан, коронавирус инфекцияси сабабли ривожланмаган ҳомиладорликлар кўпайиши кузатилмоқда, бу эса ҳомиладорлик натижалари ва унинг давомийлигига салбий таъсир кўрсатади [4, 5].

Айниқса, коронавирус билан касалланган аёлларда гравидар гормонлар ҳолатида сезиларли ўзгаришлар юз беради, бу гормонларнинг ҳомиладорлик жараёнидаги муҳим ролини инобатга олган ҳолда жиддий муаммоларга сабаб бўлади. Гравидар гормонлар — хорион гонадотропини (ХГЧ), альфа-фетопротеин (АФП), трофобластик гликопротеин (TGB-beta 1) ва прогестерон — ҳомиладорликни қўллаб-қувватлаш ва унинг барқарорлигини таъминлашда асосий роль ўйнайди [6-8]. COVID-19 инфекцияси натижасида ушбу гормонларнинг даражаларида сезиларли пасайиш кузатилгани аниқланган, бу эса ҳомиладорликнинг ривожланишидаги аномалияларга олиб келиши мумкин [9-11].

Ривожланмаган ҳомиладорлик ҳолатида аёллар организмида ушбу гормонларнинг ўзгариш даражаси ҳали ҳам тўлиқ ўрганилмаган бўлиб, бунда гормонлар даражасининг ҳомиладорлик муддати ва инфекция оғирлиги билан боғлиқлигига алоҳида эътибор қаратилмоқда [12, 13]. Шу боис, COVID-19 билан боғлиқ ривожланмаган ҳомиладорликлар ҳолатида гравидар гормонлар даражасини аниқлаш, уларнинг даражасини назорат қилиш ва баҳолаш муҳим аҳамият касб этади [14-16].

Ҳозирги кунда коронавирус инфекцияси ва унинг ҳомиладорликка салбий таъсири ҳақидаги маълумотлар етарли бўлса-да, ушбу гормонларнинг даражаларига таъсир кўрсатишига оид тадқиқотлар чекланган. Шунинг учун, ушбу мавзудаги тадқиқотлар натижалари келгусида COVID-19 сабабли ривожланмаган ҳомиладорлик ҳолатларини олдини олиш, уларни барвақт аниқлаш ва шифокорлар томонидан тезкор тиббий ёрдам кўрсатишда катта аҳамиятга эга бўлади [17- 20].

Тадқиқот мақсади коронавирус инфекцияси сабабли ривожланмаган ҳомиладорлик

аниқланган аёлларда гравидар гормонлар даражаларидаги ўзгаришларни баҳолаш ва гормонлар даражасининг ҳомиладорлик муддати ва COVID-19 оғирлик даражаси билан боғлиқлигини таҳлил қилиш.

Тадқиқот материали ва усуллари. Ушбу тадқиқотга COVID-19 инфекцияси билан боғлиқ ривожланмаган ҳомиладорлик ҳолати аниқланган жами 180 нафар аёллар киритилди. Улар учта гуруҳга ажратилди: I гуруҳ — 5-6 ҳафталик муддатда ривожланмаган ҳомиладорлик аниқланган 60 нафар аёл; II гуруҳ — 7-12 ҳафталик муддатда ривожланмаган ҳомиладорлик аниқланган 40 нафар аёл; III гуруҳ — COVID-19 билан касалланган ва ривожланмаган ҳомиладорлик профилактикаси ўтказилган 50 нафар аёл. Назорат гуруҳини эса COVID-19 инфекцияси аниқланмаган, ҳомиладорлик нормал кечган 30 нафар соғлом ҳомиладор аёллар ташкил қилди.

Текширув усуллари қуйидагилардан иборат бўлди. Биринчи навбатда, клиник-лаборатор текширувлари ўтказилди: ҳар бир иштирокчининг ҳомиладорлик ҳафтасига мос равишда хорион гонадотропини (ХГЧ-β), альфа-фетопротеин (АФП), трофобластик гликопротеин (TGB-beta 1) ва прогестерон даражалари аниқланди. Ушбу гормонларнинг даражалари ҳомиладорлик давомида нормал референт кўрсаткичларига нисбатан таҳлил қилинди. Иммунологик текширувлар орқали COVID-19га қарши антитаначалар миқдори аниқланди, бу эса COVID-19 инфекцияси билан боғлиқ иммун жавоб даражасини баҳолаш ва гравидар гормонлар ҳолатига таъсирини аниқлашда ёрдам берди. Шу билан бирга, тадқиқотдаги иштирокчилар гормонлар даражасининг ўзгаришларини мунтазам текширувлар орқали кузатиб борилди.

Корреляция коэффициенти орқали гормонлар даражасининг ҳомиладорлик муддати ва инфекция оғирлиги билан боғлиқлиги баҳоланди. Тадқиқот натижаларига асосан, ҳар бир гормон кўрсаткичи бўйича ўзгаришлар баҳоланиб, COVID-19 инфекцияси сабабли ривожланмаган ҳомиладорлик ҳолатидаги гормонал бузилишлар даражаси ва уларнинг ўзаро боғлиқлиги аниқланди.

Тадқиқот натижаларидаги фарқларни таҳлил қилиш учун статистик методлар қўлланилди. Ҳар бир гуруҳдаги маълумотлар ўртача қийматлар (M) ва стандарт хато (m) билан кўрсатилди. Гуруҳлар орасидаги гормон даражалари фарқларини таҳлил қилиш учун t-тест ва ANOVA қўлланилди, p қиймати <0,05 бўлган ҳолларда натижалар статистик аҳамиятли деб қабул қилинди.

Тадқиқот натижалари. Тадқиқотга киритган аёллар учта гуруҳларга ажратиб ўтказилди: I гуруҳ — 5-6 ҳафталик муддатда ривожланмаган ҳомиладорлик аниқланган 60 нафар аёл. II гуруҳ — 7-12 ҳафталик муддатда ривожланмаган ҳомиладорлик аниқланган 40 нафар аёл, III гуруҳ — COVID-19 билан касалланган ва ривожланмаган ҳомиладорлик профилактикаси ўтказилган 50 нафар аёл. Назорат гуруҳи — 30 нафар соғлом ҳомиладор аёл ташкил қилди.

Тадқиқот натижаларига кўра, COVID-19 сабабли ривожланмаган ҳомиладорликка чалинган 180 нафар аёлларда гравидар гормонларининг (хорионик гонадотропин (ХГЧ), альфа-фетопротеин (АФП), трофобластик гликопротеин (TGB-beta 1) ва прогестерон) миқдор даражасида жиддий ўзгаришлари аниқланди. Бу ўзгаришлар ҳомиладорликнинг муддати ва COVID-19 касаллигининг оғирлик даражси билан боғлиқ эди

Гормонлар концентрацияларининг аниқ таҳлили ХГЧ даражаси ривожланмаган ҳомиладорлик аниқланган аёлларда сезиларли даражада пасайганини кўрсатди.

Хорион гонадотропини (ХГЧ-β) даражасида сезиларли фарқлар кузатилди: I гуруҳда 214,2 ± 2,0 МЕ/л, II гуруҳда 211,0 ± 3,5 МЕ/л ($p < 0,05$), III гуруҳда эса 3690,7 ± 1,90 МЕ/л ни ташкил этди ($p < 0,01$). Назорат гуруҳида ХГЧ-β даражаси 3700,1 ± 9,1 МЕ/л бўлиб, нормал ҳолатда сақланди ($p > 0,05$).

Альфа-фетопротеин (АФП) даражалари бўйича ўзгаришлар қуйидаги кўринишда бўлди: I гуруҳда (5-6 ҳафта) АФП даражаси 12,5 ± 3,1 мг/л ни ташкил этди. II гуруҳда (7-12 ҳафта) АФП даражаси 13,1 ± 4,2 мг/л бўлган ($p < 0,05$). III гуруҳда ривожланмаган ҳомиладорлик профилактикаси ўтказилган аёлларда АФП даражаси сезиларли даражада ошиб, 27,2 ± 2,3 мг/л ни ташкил этди ($p < 0,01$). Назорат гуруҳида эса АФП даражаси 62,0 ± 2,32 мг/л бўлиб, нормал ҳолатда сақланди ($p > 0,05$).

TGB-beta 1 гликопротеин даражалари ҳам худди шундай ўзгаришларни кўрсатди: I гуруҳда (5-6 ҳафта) трофобластик бета-1 гликопротеин даражаси 120,6 ± 2,4 мг/л бўлган. II гуруҳда (7-12 ҳафта) эса бу кўрсаткич 140,2 ± 5,1 мг/л ни ташкил этган ($p < 0,05$). III гуруҳда ривожланмаган ҳомиладорлик профилактикаси ўтказилган аёлларда TGB-beta 1 даражаси 451,0 ± 2,18 мг/л га етган ($p < 0,01$). Назорат гуруҳида эса трофобластик гликопротеин даражаси 552,0 ± 2,1 мг/л ни ташкил этиб, ўзгариш кузатилмаган ($p > 0,05$).

Прогестерон даражалари ҳам қуйидаги кўринишда ўзгарди: I гуруҳда (5-6 ҳафта) прогестерон даражаси 15,4 ± 3,51 нг/мл ни ташкил этган. II гуруҳда (7-12 ҳафта) прогестерон даражаси 20,0 ± 3,6 нг/мл бўлган ($p < 0,05$). III гуруҳда ривожланмаган ҳомиладорлик профилактикаси ўтказилган аёлларда прогестерон даражаси 14,2 ± 2,13 нг/мл ни ташкил этган ($p < 0,01$). Назорат гуруҳида эса прогестерон даражаси 14,2 ± 2,3 нг/мл бўлиб, ўзгариш кузатилмаган ($p > 0,05$).

1-жадвал.

Тадқиқотга киритилган аёлларда гравидар гормонларининг миқдор кўрсаткичлар, M±m

Гуруҳлар	ХГЧ-β, МЕ/л	АФП, мг/л	TGB-beta 1 –, мг/л	Прогестерон, нмоль/м	P
I гуруҳ, n=60	214,2±2,0	12,5 ± 3,1	120,6 ± 2,4	15,4 ± 3,51	p < 0,05
II гуруҳ, n=40	211,0±3,5	13.1 ± 4,2	140,2 ± 5.1	20,0 ± 3,6	p < 0,05
III гуруҳ, n=50	3690,7±1,90	27,2 ± 2.3	451,0 ± 2,18	14,2 ± 2,13	p < 0,05
Назорат гуруҳи, n=30	3700.1± 9,1	62,0± 2.32	552,0 ± 2,1	14,2 ± 2,3	p < 0,05

Шунингдек, ушбу тадқиқотда корреляция таҳлил и ҳам ўтказилди унга кўра, ХГЧ-β ва ҳомиладорлик муддати ўртасида корреляция коэффициенти r=0.80 бўлди. ХГЧ ва COVID-19 инфекциясининг оғирлик даражаси ўртасидаги корреляция коэффициенти r=0.45 бўлиб, ўртача ижобий боғлиқлик борлигини кўрсатди. Альфа-фетопротеин ва ҳомиладорлик муддати ўртасида корреляция коэффициенти r=0.65 бўлди. Прогестерон ва ҳомиладорлик муддати ўртасидаги корреляция коэффициенти r=0.70 ни ташкил этди (1-расм).



1-расм. **Гравидар гормонлар билан ҳомиладорлик муддати ўртасидаги корреляцион боғлиқлик**

COVID-19 сабабли ривожланмаган ҳомиладорлик аниқланган аёлларда гравидар гормон даражаларида сезиларли ўзгаришлар кузатилди. Гравидар гормонлар, жумладан хорион гонадотропини (ХГЧ-β), альфа-фетопротеин (АФП), трофобластик гликопротеин (TGB-beta 1) ва прогестерон даражалари ҳомиладорлик муддати ҳамда инфекциянинг оғирлик даражаси билан чамбарчас боғлиқ эканлиги аниқланди. Ривожланмаган ҳомиладорлик аниқланган аёлларда ушбу гормонларнинг даражалари кескин пасайиши қайд этилди, бу эса COVID-19 инфекциясининг ҳомиладорликка салбий таъсирини кўрсатади.

Аниқланган натижаларга кўра, I ва II гуруҳлардаги аёлларда ХГЧ-β даражаси нормал даражадан 94%га паст бўлгани кузатилди, бу ҳомиладорликнинг турли босқичларида хорион гонадотропинининг етарли даражада ишлаб чиқарилмаганини ва ҳомиладорликнинг давом этиши учун зарур бўлган гормонал қўллаб-қувватланишнинг етишмаслигини кўрсатади. Шу-

нингдек, АФП даражаси I ва II гуруҳларда назорат гуруҳига нисбатан 80% дан ортиқ паст бўлиб, ҳомиладорликнинг нормал ривожланишини таъминлайдиган компонентлардан бири етишмаётганини кўрсатди. Трофобластик гликопротеин даражаси ҳам кескин камайиб, нормал даражадан 78% паст бўлгани аниқланди, бу эса ҳомиладорлик давомийлигига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Прогестерон даражаси эса I ва II гуруҳларда 50% га паст бўлгани кузатилди, бу гормоннинг ҳомиладорликни сақлаб қолишдаги муҳим ролини ҳисобга олсак, унинг пасайиши тўлиқ ривожланмаган ҳомиладорлик ҳолатларини янада яққол кўрсатади.

III гуруҳда, яъни ривожланмаган ҳомиладорликни профилактикаси ўтказилган аёлларда гормонлар даражалари нормал референт кўрсаткичларида бўлиб, ҳомиладорлик асоратларсиз давом этгани қайд этилди. Бу натижа профилактика чораларининг самарадорлигини кўрсатади ва ушбу чора-тадбирлар COVID-19 таъсиридаги ҳомиладорликни муваффақиятли сақлаб қолишда муҳим аҳамиятга эга эканини тасдиқлайди. Ушбу натижалар COVID-19 нинг ривожланмаган ҳомиладорлик патогенезига таъсирини чуқурроқ тушунишга ёрдам беради ҳамда гормонлар даражасини мунтазам мониторинг қилиш ва профилактика усулларини ишлаб чиқиш заруриятини кўрсатади.

Натижалар мухокамаси. Ушбу тадқиқот натижалари COVID-19 сабабли ривожланмаган ҳомиладорлик ҳолатидаги гормонал ўзгаришлар ҳақида қимматли маълумотларни тақдим этди. Ҳомиладорлик муддати ва COVID-19 инфекциясининг оғирлик даражаси билан боғлиқ ҳолда хорион гонадотропини (ХГЧ-β), альфа-фетопротеин (АФП), трофобластик гликопротеин (TGB-beta 1), ва прогестерон даражаларида сезиларли пасайиш кузатилди. Бундай гормонал ўзгаришлар, айниқса, инфекция натижасида ҳомиладорликни қўллаб-қувватлаш учун зарур бўлган гормонлар даражалари кескин пасайишини кўрсатади. ХГЧ-β, АФП, ва TGB-beta 1 даражаларидаги пасайиш ривожланмаган ҳомиладорлик билан боғлиқ бўлиб, ҳомиладорлик давомийлигига таъсир этувчи гормонал қўллаб-қувватланишнинг етишмаслигига олиб келган.

Тадқиқотда аниқланганидек, I ва II гуруҳлардаги аёлларда ХГЧ-β даражаси назорат гуруҳига нисбатан 94%га паст бўлиб, хорион гонадотропинининг етарли даражада ишлаб чиқарилмаганини кўрсатди. Шунингдек, АФП даражаси бу гуруҳларда 80%дан камайгани кузатилди, бу эса ҳомиладорликнинг нормал ривожланишига таъсир қилувчи яна бир муҳим компонентнинг етишмаслигидан далолат беради. Прогестерон даражаси ҳам I ва II гуруҳларда 50%га пасайгани қайд этилди, бу ҳолат ўз навбатида ҳомиладорликнинг муваффақиятли сақланишига салбий таъсир кўрсатади.

III гуруҳда, яъни COVID-19 инфекциясига қарши профилактика ўтказилган аёлларда, гравидар гормонлар даражалари назорат гуруҳи кўрсаткичларига яқин бўлгани ва ҳомиладорлик асоратларсиз давом этгани қайд этилди. Бу профилактик чоралар COVID-19 инфекцияси таъсирини камайтиришда ва ҳомиладорликни сақлаб қолишда самарали эканини кўрсатади. Шунинг учун, COVID-19 сабабли ривожланмаган ҳомиладорлик ҳолатида гравидар гормонлар даражасини мунтазам мониторинг қилиш, уларнинг ўзгаришини баҳолаш ва керакли ҳолларда профилактика чораларини кўриш муҳим ҳисобланади.

Хулоса. Тадқиқот натижалари COVID-19 инфекциясининг ҳомиладорлик жараёнига салбий таъсирини аниқ кўрсатди. Коронавирус инфекцияси сабабли ривожланмаган ҳомиладорлик ҳолатида хорион гонадотропини (ХГЧ-β), альфа-фетопротеин (АФП), трофобластик гликопротеин (TGB-beta 1), ва прогестерон даражаларининг сезиларли пасайиши кузатилди, бу эса ҳомиладорлик жараёнини барқарор қўллаб-қувватлашда муаммолар келтириб чиқарди. COVID-19 сабабли ривожланмаган ҳомиладорликда гормонал ўзгаришлар ҳомиладорлик муддати ва инфекция оғирлик даражаси билан боғлиқлиги қайд этилди, бу эса ҳомиладорликнинг муваффақиятли кечиши учун гормонларнинг муҳимлигини яна бир бор тасдиқлайди. III гуруҳда профилактика чоралари қўлланилган ҳолатда, гормонлар даражаси нормал кўрсаткичларда сақланиб қолган ва ҳомиладорлик асоратларсиз давом этгани профилактиканинг самарадорлигини кўрсатади. Шу сабабли, COVID-19 билан боғлиқ ривожланмаган ҳомиладорлик ҳолатларини олдини олиш ва уларни барвақт аниқлаш учун гормонлар даражасини мунтазам мониторинг қилиш зарур. Мазкур натижалар шифокорлар томонидан ҳомиладорликни назорат қилиш ва COVID-19 инфекциясига чалинган аёлларда ҳомиладорликни сақлаб қолиш учун самарали чораларни ишлаб чиқишда муҳим аҳамиятга эга бўлади.

АДАБИЁТЛАР

1. Абатуров А. Е. и др. Патогенез COVID-19 // Здоровье ребенка. 2020. Т. 15, № 2. – С. 133–144.
2. Адамян Л. В., Азнаурова Я. Б., Филиппов О. С. COVID-19 и женское здоровье (обзор литературы) // Проблемы репродукции. 2020; 26(2): 6–17.
3. Адамян Л. В., Вечорко В. И., Филиппов О. С., Конышева О. В., Харченко Э. И., Фаттахова Д. Н. Новая коронавирусная инфекция (COVID-19). Исходы родов у женщин с COVID-19 и без COVID-19 в период пандемии // Проблемы репродукции. 2021; 27(3-2): С. 15-22.

4. Артымук Н. В., Белокриницкая Т. Е., Филиппов О. С., Шифман Е. М. Новая коронавирусная инфекция COVID-19 у беременных Сибири и Дальнего Востока // Вестник интенсивной терапии им. А. И. Салтанова. 2020; 2: С. 41-48.

5. Гончарова М. А., Петров Ю. А. Новая коронавирусная инфекция SARS-CoV-2: влияние на течение беременности // Главный врач Юга России, 2020. № 4 (74). С. 27-31.

6. Гус А. И., Папагеоргио А., Ярыгина Т. А., Шувалова М. П. Ультразвуковая диагностика в акушерстве в условиях пандемии COVID-19 // Акушерство и гинекология. – 2020. – № 5. – С. 42-51.

7. Доброхотова Ю. Э., Гуменюк Л. Н., Пучкина Г. А., Михайличенко В. Ю. Осложнения и исходы беременности у женщин с COVID-19 // Акушерство и гинекология. 2022; 3: 32-38.

8. Жмеренецкий К. В., Сазонова Е. Н., Воронина Н. В. и др. COVID-19: только научные факты // Дальневосточный медицинский журнал. 2020. № 1. С. 5–22.

9. Зокирова Н. М., Оразмурадов А. А., Хаддад Х., Кыртиков С. И., Бекбаева И. В., Сулейманова Ж. Ж., Коннон Р. Д., Мусаева С. О., Петровская С. А., Оразмурадова А. А. Особенности послеродового периода у пациенток, перенесших новую коронавирусную инфекцию // Акушерство и гинекология: новости, мнения, обучение. 2022. Т. 10, № 3. С. 82–85.

10. Лязгиян К. С. Клинико-иммунологические особенности новой коронавирусной инфекции SARS-CoV-2 у беременных женщин (обзор литературы) // Бюллетень физиологии и патологии дыхания. 2021. Вып. 80. С. 91-99.

11. Макацария А. Д., Бицадзе В. О., Хизроева Д. Х. и др. Новая коронавирусная инфекция (COVID-19) и группы риска в акушерстве и гинекологии // Акушерство, Гинекология и Репродукция. 2020; 14(2): С. 159–162.

12. Макацария А. Д., Слуханчук Е. В., Бицадзе В. О., Хизроева Д. Х., Третьякова М. В. и др. Тромботический шторм, нарушения гемостаза и тромбовоспаление в условиях COVID-19 // Акушерство, гинекология и репродукция. 2021. № 5.

13. Миннуллин Т. И., Степанов А. В., Чепур С. В. и др. Иммунологические аспекты поражения коронавирусом SARS-CoV-2 // Вестник Российской военно-медицинской академии. 2021. Т. 23, № 2. – С. 187-198.

14. Пащенков М. В. Иммунный ответ против эпидемических коронавирусов // Иммунология. – 2020. – № 1. – С. 5-19.

15. Свиридова А. В., Константинова О. Д. Патоморфологические особенности плацент при коронавирусной инфекции (обзор литературы) // Вестник Ивановской медицинской академии. Т. 26, № 1, 2021, С. 44-47.

16. Синчихин С. П., Степанян Л. В., Мамиев О. Б. Новая коронавирусная инфекция и другие респираторные вирусные заболевания у беременных: клиническая лекция // Гинекология. 2020; 22(2): С. 6-16.

17. Смирнов В. С., Тотолян А. А. Врожденный иммунитет при коронавирусной инфекции // Инфекция и иммунитет. 2020, Т. 10, № 2. – С. 259–268.

18. Шифман Е. М., Иоскович А. М., Роненсон А. М., Куликов А. В. Обзор рекомендаций по ведению беременных с COVID-19: что должен знать акушерский анестезиолог // Вестник акушерской анестезиологии. – 2020. – № 3. – С. 5–15.

19. Щеголев А. И., Куликова Г. В., Туманова У. Н., Шмаков Р. Г., Сухих Г. Т. Морфометрическая характеристика ворсин плаценты рожениц с COVID-19 // Бюллетень экспериментальной биологии и медицины. – 2021. – Т. 172, № 7. – С. 102-107.

20. Вуколова В. А., Енькова Е. В., Рыжиков Ю. С., Сокол Е. Б., Ипполитова Л. И., Киселева Е. В., Корж Е. В. Оценка течения беременности, родов и состояния плода у женщин с COVID-19 // Вестник новых медицинских технологий. Электронное издание, 2020. № 6. С. 56-62.

НЕВРОЛОГИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ ТУБЕРКУЛЕЗА ЛЕГКИХ КАК ОСЛОЖНЕНИЕ ЛЕКАРСТВЕННО УСТОЙЧИВЫХ ФОРМ

Абдуллаева Фируза Орзуевна
Саноева Матлюба Жахонкуловна
Бухарский государственный медицинский институт (Бухара, Узбекистан)

Долзарблиги: Кўп йиллар давомида миокард инфаркти кардиологиянинг долзарб муаммоларидан бири бўлиб келмоқда. Аҳолининг юрак-қон томир касалликларидан ўлим ва ногиронлик ҳолатлари орасида миокард инфаркти 27% етакчи ўринни эгаллайди. Миокард инфаркти учун етакчи хавф омиллари орасида абдоминал семизлик муҳим аҳамиятга эга. Сўнгги ўн йилликларда тана вазни юқори бўлган аҳолининг сони шунчалик кўпайдики, ЖССТ мутахассислари семизликни эпидемия сифатида талқин қилишни таъкидлади. Аҳоли орасида миокард инфарктининг кўпайиши ва тарқалишининг ҳақиқий хавфи мавжуд.

Ушбу йўналишда илмий изланишлар олиб бориш мақсадида Бухоро шахрида ўткир миокард инфаркти ташхиси билан стационарга қабул қилинган беморлар касаллик тарихи ўрганиб чиқилди. Бухоро шахрида бундай ташхис билан асосан Бухоро вилоят минтақавий филиали кардиореанимация бўлимига ва Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази (РШТЁИМ) жонлантириш бўлимларига қабул қилинадилар.

Шахар статистика маркази маълумотларига кўра Бухоро шахрида 292,9 минг киши истиқомат қилади. Албатта биз барча ахолини текширувга киритмадик. Мақсадимизга кўра ЎМИ ўтказган беморларда гипергликемия холатларини аниқлаш, гипергликемиянинг ЎМИ кечимига таъсирини ва уни бартараф қилиш йўлларини аниқлаш учун текширувларни икки босқичда ретроспектив ва проспектив босқичларда ўтказдик.

Ретроспектив қисмда тахлил учун тадқиқот ишида 2022/2023 йилларнинг январ ойидан декабр ойига қадар Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази Бухоро вилоят минтақавий филиали кардиореанимация бўлимида даволанган 92/68 нафар ва РШТЁИМ Бухоро филиали кардиореанимация бўлимида даволанган 381/456 нафар, яъни жами 473/524 нафар беморларнинг касаллик тарихи ретроспектив тахлил қилинди, ҳамда углевод алмашинуви бузилишининг тарқалганлиги ўрганилди.

Тадқиқотда 2022 йил ҳисобида ЎМИ билан касалланган жами 473 нафар бемор касаллик тарихи ретроспектив тахлилида, жами беморларнинг 194 нафарини аёл (41%), 279 нафарини эркак (59 %) беморлар ташкил қилганлиги аниқланди, ҳамда уларнинг ўртача ёши 67,95±1,64 ни ташкил этди. Ушбу ЎМИ ўтказган беморларда углевод алмашинувининг бузилишини, ҳамда уни жинсга нисбатан тарқалишини касаллик тарихидан ўрганганимизда қуйидаги натижалар олинди (3.1-расм).



3.1-расм. **ЎМИ ўтказган беморларда углевод алмашинувининг бузилиши, ҳамда уни жинсга нисбатан тарқалиши.**

3.1-расмда кўрсатилганидек, жами 473 нафар МИ ўтказган бемордан 322 нафар (68%) беморнинг анамнезида ҚД борлиги, ҳамда 151 нафар (32%) беморда умуман ҚД йўқлиги қайд этилди. Айнан 151 нафар беморда предиабет ҳолати мавжуд бўлиши ёки бўлмаслиги мумкин эди, лекин ушбу ҳолатни касаллик тарихидан аниқлашни имконияти йўқлиги бизга маълум эканлиги учун ҳам, уларни жами МИ (ҚД йўқ) гуруҳига киритишни лозим топдик. Анамнезида ҚД бор МИ ўтказган 322 бемордан 164 нафарини аёллар (51%), 158 нафарини эса эркаклар (49%), МИ ўтказган ҚД йўқ 151 нафар бемордан 30 нафарини аёллар (20%), 121 нафарини эркаклар (80%) ташкил қилган.

Аҳамиятли томони шундаки, ЎМИ билан касалланганларнинг асосий қисмини эркаклар ташкил қилган бўлсада, ҚД касаллигининг анамнезда борлиги (жами 473 нафар бемордан) 194 нафар аёл беморлардан асосан 164 нафар аёллар гуруҳида (84,5%), 279 нафар эркак беморлардан 158 нафар эркаклар гуруҳига (57%) учраган бўлиб, ушбу кўрсаткич аёлларда эркакларга нисбатан 1,48 марта юқори бўлган.

Тадқиқотда 2023 йил ҳисобида ЎМИ билан касалланган жами 524 нафар бемор касаллик тарихининг ҳам ретроспектив тахлилида, жами беморларнинг 228 нафарини аёл (44%), 296 нафарини эркак (56 %) беморлар ташкил қилганлиги аниқланди, ҳамда уларнинг ўртача ёши 66,35±1,57 ни ташкил этди. Ушбу ЎМИ ўтказган беморларда углевод алмашинувининг бузилишини, ҳамда уни жинсга нисбатан тарқалишини касаллик тарихидан ўрганганимизда қуйидаги натижалар олинди (3.2-расм).

3.2-расмда кўрсатилганидек, жами 524 нафар МИ ўтказган бемордан 336 нафар (64%) беморнинг анамнезида ҚД борлиги, ҳамда 188 нафар (36%) беморда умуман ҚД йўқлиги қайд этилди. Анамнезида ҚД бор МИ ўтказган 336 бемордан 190 нафарини аёллар (57%), 146 нафарини эса эркаклар (43%), МИ ўтказган ҚД йўқ 188 нафар бемордан 38 нафарини аёллар (20%), 150 нафарини эркаклар (80%) ташкил қилган.

Аҳамиятли томони шундаки, ЎМИ билан касалланганларнинг асосий қисмини эркаклар ташкил қилган бўлсада, ҚД касаллигининг анамнезда борлиги (жами 524 нафар бемордан) 228 нафар аёл беморлардан асосан 190 нафар аёллар гуруҳида (83%), 296 нафар эркак беморлардан 146 нафар эркаклар гуруҳига (49%) учраган бўлиб, ушбу кўрсаткич аёлларда эркакларга нисбатан 1,7 марта юқори бўлган.



3.2-расм. **ЎМИ ўтказган беморларда углевод алмашинувининг бузилиши, ҳамда уни жинсга нисбатан тарқалиши.**

Жумладан, Каретникова В.Н. (2010) олиб борган тадқиқотида МИ билан 55,2% дан ортиқ касалланганларда ҚД ёки ГТБ (глюкозага турғунликнинг бузилиши) эрта ташхисланмалигини тасдиқлаган.

2022/2023 йиллар ҳисобида МИ ўтказган 473/524 нафар беморларнинг касаллик тарихи мисолида анамнезида ҚД бор беморларнинг 322/336 нафаридан 46/59 нафари вафот этганлиги аниқланди, уларни биз ёш ва жинсга нисбатан учраганлигини ўргандик (3.1-жадвалга қаранг). Касаллик тарихи ўрганилганда вафот этган беморлар орасида ёшлар бўлмаганлиги учун улар жадвалга умуман киртилмади.

3.1-жадвал

Касаллик тарихига кўра МИ дан вафот этганларнинг ёш ва жинсга кўра тақсимланиши (к=46/59)

Ўрта ёш (45-59) к=6/9 (13%/15,3%)		Кекса ёш (60-74) к=22/28 (48%/47,4%)		Қари ёш (75-90) к=18/22 (39%/37,3%)		Жами к=46/59	
Аёл к=3	Эркак к=12	Аёл к=18	Эркак к=32	Аёл к=18	Эркак к=22	А к=39	Э к=66
20 %	80 %	36 %	64 %	45 %	55%	37%	63%

Рахматова Д.Б. ва ҳаммуаллифлар (2021) томонидан 2015-2019 йиллар давомида Бухоро вилоятида ЎМИ эпидемиологияси юзасидан олиб борилган тадқиқот ишида Бухоро вилояти бўйича ЎМИни ўтказганларда ўлим кўрсаткичи аёллар гуруҳида 1,2 марта, эркакларда эса 3,6 марта асосан кекса ёшдагиларда кўп учраганлиги қайд этилган бўлиб, бизнинг тадқиқотимизда ҳам ушбу кўрсаткич ўз тасдиғини топди.

Смирнова О.М. ва ҳаммуаллиф. (2012) олиб борган тадқиқотда эса юрак қон томир тизими касалликлари билан боғлиқ асоратлар ҚД билан бирга кечганда эркакларда 2-3 марта, аёлларда эса 3-5 марта юқори бўлар экан. Ушбу муаллифлар томонидан ўтказилган тадқиқотлар ўрганилганда ушбу хулосалар бир-бирига зид деб қаралиши шубҳасиз. Лекин биз олиб борган тадқиқотда шуниси аён бўлдики, МИ ўтказган беморларда углевод алмашинуви бузилиши аёлларда кўп фоизни ташкил қилсада, ўлимнинг асосий улуши эркакларга тўғри келганлиги аниқланди.

Яъни, юқоридаги 3.1-жадвалга мувофиқ, 2022/2023 йиллар ҳисобида ЎМИ ўтказган жами беморлардан ўрта ёшдаги 15 та беморнинг 3 нафарини аёл – 20%, 12 нафарини эркак – 80%, кекса ёшдаги жами 50 та беморнинг 18 нафарини аёл – 36%, 32 нафарини эркак - 64%, қари ёшдаги жами 40 та беморнинг 18 нафарини аёл – 45%, 22 нафарини эркак – 55% беморлар ташкил этди. Жумладан, ёшга нисбатан ўлимнинг асосий 47,6 % ини кекса ёшдаги беморлар ташкил қилиб, ушбу ҳолат жинсга нисбатан аёлларда 37%, эркакларда эса 63%, яъни 1,7 марта кўпроқ учраганлиги аниқланди.

2023 йилнинг январь ойидан 2024 йилнинг апрель ойига қадар ЎМИ билан оғриган беморлар гуруҳидан танлов асосида 170 нафар беморнинг розилиги олинди, ҳамда улар тадқиқотга жалб этилди. Жами тадқиқотда иштирок этган 170 нафар беморларнинг 80 нафарини (47%) аёллар, 90 нафарини (53%) эркаклар ташкил этди (3.3-расм).



***3.3-расм*. Тадқиқотда иштирок этган беморларнинг жинсга нисбатан тақсимланиши.**

Тадқиқотимизнинг асосий вазифасидан келиб чиққан ҳолда биз, бевосита илмий изланиш жараёнида иштирок этган 170 нафар беморларнинг ёш ва жинсини тахлил қилдик (3.4-расм).



***3.4–расм*. Беморларнинг ёш ва жинс жиҳатдан тахлили (n= 170)**

Ёшга кўра жами 170 нафар ЎМИ ўтказган беморларнинг асосий қисмини эркаклар - 53% ташкил қилган бўлиб, уларнинг катта улуши кекса ёшдагиларга тўғри келган. Аёллар улуши 47% га тўғри келиб, уларнинг ҳам асосий қисмини кекса ёшдагилар ташкил қилди. Ушбу кўрсаткичлар ретроспектив ўрганилган 473/524 та касаллик тарихидан олинган натижалар тахлилига тўғри келди.

Тадқиқотда бевосита иштирок этган жами 170 нафар МИ ўтказган беморларда жинсга нисбатан углевод алмашинуви бузилишининг алоҳида гуруҳларида тарқалиши ўрганилди (3.2-жадвалга қаранг).

МИ ўтказган беморларда жинсларга нисбатан углевод алмашинуви бузилишининг алоҳида гуруҳларида тарқалиши (n=170)

Анамнезида ҚД 2 тип бор беморларда МИ учраши n=104 (61,1%)		**Илк аниқланган ҚД 2 тип беморларда МИ учраши n=42 (24,7%)**		**Углевод алмашинувининг бузилиши бўлмаган (ҚД 2 тип йўқ) беморларда МИ учраши n=24 (14,1%)**	
Аёл n=52	Эркак n=52	Аёл n=22	Эркак n=20	Аёл n=6	Эркак n=18
50 %	50 %	52.4 %	47.6 %	25 %	75 %

МИ ўтказган 170 беморларда асосан аёлларда углевод алмашинувининг бузилиши кузатилган бўлиб, 52 нафар аёл анамнезида ҚД 2 тип борлиги, 22 нафар аёлда илк ташхисланган ҚД 2 тип ҳолати аниқланди, яъни 74 нафар аёл беморда углевод алмашинувининг бузилиши қайд этилди. Эркакларнинг эса жами 72 нафарида углевод алмашинувининг бузилиши аниқланган бўлиб, диабетсиз МИ кўпроқ айнан ушбу эркак жинсда 75% учраганлиги аниқланди. Жами 170 нафар беморнинг ўртача ёши 66,93±1,36 га тенг бўлди.

Жумладан, тадқиқотимиздаги ушбу 170 нафар ЎМИ ўтказган бемордан 104 нафарини анамнезида ҚД 2 тип бор беморлар – 61,1%, 42 нафарини илк ташхисланган ҚД 2 тип бор беморлар – 24,7%, 24 нафарини ҚД 2 тип йўқ беморлар – 14,1% ташкил этди.

Ўткир миокард инфаркти билан касалланиш ва ўлим ҳолатлари.



3.5–расм. **ЎМИ билан касалланишнинг 2022-2023 йилларда тарқалиши.**

2022 йилдаЎМИ билан касалланиш жами 473 нафар бемордан 194 нафари (41%), 279 нафар эркак бемордан (59%), яъни эркакларда аёлларга нисбатан 1,44 марта юқори бўлган.

2023 йилдаЎМИ билан касалланиш жами 524 нафар бемордан 228 нафари (43,5%), 296 нафар эркак бемордан (56,5%), яъни эркакларда аёлларга нисбатан 1,29 марта юқори бўлган (3.5 - расм).



3.6–расм. **ЎМИ билан ўлимнинг 2022-2023 йилларда тарқалиши**

2022 йилда ЎМИ дан ўлим жами 473 нафар бемордан 46 нафар беморда учраган бўлиб, 17 нафар аёл (37%) ва 29 нафар эркак (63%)да ушбу ҳолат кузатлиган. Яъни, 2022 йил ҳолатида эркакларда аёлларга нисбатан ўлим ҳолати 1,7 марта юқори бўлган.

2022 йилда ЎМИ дан ўлим жами 524 нафар бемордан 59 нафар беморда учраган бўлиб, 22 нафар аёл (37,3%) ва 37 нафар эркак (62,7%) да ушбу ҳолат кузатлиган. Яъни, 2023 йил ҳолатида эркакларда аёлларга нисбатан ўлим ҳолати 1,68 марта юқори бўлган (3.6 - расм).

Жумладан, ретроспектив тадқиқот жараёнида 2022 йилда ЎМИ билан касалланиш беморлар сонига нисбатан 2023 йилга қараб 1,11 мартага ортган бўлиб, ўлим ҳолати ҳам 2022 йилга нисбатан 2023 йилда 1,28 мартага ошган.

Ачинарлиси, ЎМИ дан ўлим ҳолати ҳар иккала йилда ҳам эркак беморлар гуруҳида аёллар гуруҳига нисбатан 1,69 марта кўп учраган. Бу ҳолат эркакларда хавф омилларини бартараф

этишга жиддий ёндашиш зарурлигини таъкидлайди.

Хулоса: Ретроспектив тадқиқот жараёнида 2022 йилда ЎМИ билан касалланиш беморлар сонига нисбатан 2023 йилга қараб 1,11 мартага ортган бўлиб, ўлим ҳолати ҳам 2022 йилга нисбатан 2023 йилда 1,28 мартага ошган. ЎМИ дан ўлим ҳолати ҳар иккала йилда ҳам эркак беморлар гуруҳида аёллар гуруҳига нисбатан 1,69 марта кўп учраган. Бу ҳолат эркакларда хавф омилларини бартараф этишга жиддий ёндашиш зарурлигини таъкидлайди.

АДАБИЁТЛАР

1. Абдельлатиф А.М., Шувалова Ю.А., Сливкина А.А., Каминный А.И. Влияние метаболического синдрома на отдаленный прогноз пациентов с острым инфарктом миокарда с подъемом сегмента ST //Атеросклероз и дислипидемии, №. 1, 2016, С. 68-75.
2. Bahriddinovna R. D., Khasanbaevich T. K., Khalimovich M. N. Features of the Frequency of Acute Myocardial Infarction among the Inorganized Population of the Elderly and Old Age //International Journal of Modern Agriculture. – 2021. – Т. 10. – №. 1. – С. 995-1004.
3. Аметов А.С., Прудникова М.А. Ожирение и сахарный диабет типа 2: современные аспекты фармакотерапии // Эндокринология: Новости. Мнения. Обучение, № 4 (17), 2016, С. 15-21
4. Бардымова Т.П., Цыреторова С.С., Донирова О.С. Ретроспективный анализ пациентов с сахарным диабетом 2-го типа и острым инфарктом миокарда // Consilium Medicum, Том. 24, №. 4, 2022, С. 255-259.
5. Белик Е.В., Минаев К.Д. Бальнеологические ресурсы курорта Евпатория характеристика минеральных вод Вестник Псковского государственного университета. Серия: Естественные и физико-математические науки, №. 4, 2014, С. 31-34.
6. Гарганеева А.А., Кужелева Е.А., Борель К.Н., Кондратьева Д.С., Афанасьев С.А. Сахарный диабет 2 типа и острый инфаркт миокарда: прогностические варианты взаимодействия у пациентов разных возрастных групп.
7. Сахарный диабет. 2018;21(2):105-112. https://doi.org/10.14341/DM8828
8. Груздева О.В., Акбашева О.Е., Бородкина Д.А., Каретникова В.Н., Дылева Ю.А., Коков А.Н., Федорова Т.С., Барбараш О.Л. Взаимосвязь показателей ожирения и адипокинов с риском развития сахарного диабета 2 типа через год после перенесенного инфаркта миокарда // Российский кардиологический журнал. 2015; (4):59-67. https://doi.org/10.15829/1560-4071-2015-4-59-67
9. Демьянов С.В., Сыркина А.Г., Вышлов Е.В., Максимов И.В., Баев А.Е., Марков В.А., Карпов Р.С., Рябов В.В. Качество оказания помощи пациентам с инфарктом миокарда с подъемом сегмента ST реальная клиническая практика Сибирского инвазивного центра //Сибирский журнал клинической и экспериментальной медицины, Том. 33, № 4, 2018, С. 54-61.
10. Демьянов С.В., Сыркина А.Г., Вышлов Е.В., Максимов И.В., Баев А.Е., Марков В.А., Карпов Р.С., Рябов В.В. Качество оказания помощи пациентам с инфарктом миокарда с подъемом сегмента ST реальная клиническая практика Сибирского инвазивного центра//Сибирский журнал клинической и экспериментальной медицины, Том. 33, № 4, 2018, С.54-61.
11. Истамова С.С., Ташкенбаева Э.Н., Фатуллаева Д.С., Муроткобилов О.А., Аликулов Х.Р., Кадирова Ф.Ш. Диастолическая дисфункция левого желудочка у больных инфарктом миокарда //Journal of cardiorespiratory research, Том 1, № 3, 2020, С. 18-23. doi:10.26739/2181
12. Каретникова О.Л., Барбараш Л.В., Квиткова Л.В., Груздева О.В.,Еленская Т.С., Благовещенская О.П., Осокина А.В., Барбараш Л.С. Раннее выявление нарушений углеводного метаболизма - важный маркер отдаленного прогноза при инфаркте миокарда // Патология кровообращения и кардиохирургия, №. 2, 2010, С. 35-37.
13. Квиткова Л.В., Еленская Т.С., Благовещенская О.П., Барбараш О.Л. Эволюция инсулинорезистентности на примере больных инфарктом миокарда с подъемом сегмента ST//Сибирский журнал клинической и экспериментальной медицины, 2011, Том 26, № 4, Выпуск 2 С 161-164

UDC: 616.858-056.87

PARKINSON KASALLIGIDAN KEYIN BEMORLARNI PROFILAKTIKA QILISH ALGORITMINI YARATISH

Tairova Dilyaram Zakirovna - dotsent
Abduqodirov Eldor Isroilovich - dotsent
Toshkent davlat stomatologiya instituti (Toshkent, O'zbekiston)
Abduqodirova Zebiniso Isroilovna
Farmatsevtika ta'lim va Tadqiqot instituti (Toshkent, O'zbekiston)

Annotatsiya. *Ushbu maqolada Parkinson kasalligidan keyingi bemorlarni profilaktika qilish algoritmi ishlab chiqildi. Parkinson kasalligi markaziy asab tizimining surunkali degenerativ kasalligi bo'lib, asosan harakatlar sekinlashuvi, mushaklarning qattiqlashuvi, titroq va muvozanatning buzilishi bilan ifodalanadi. Ushbu kasallikning davolashdan keyingi bosqichida bemorlarning hayot sifatini yaxshilash maqsadida samarali profilaktika choralarini ishlab chiqish muhim ahamiyat kasb etadi. Mazkur tadqiqot bemorlarni kasallikdan keyingi parvarishlashda qo'llaniladigan asosiy yondashuvlarni qamrab oladi. Profilaktika choralari quyidagilarni o'z ichiga oladi: shifokor tomonidan tavsiya etilgan dori vositalarini muntazam qabul qilish; jismoniy faollikni oshirish orqali mushak kuchi va muvozanatni saqlash; logopedik terapiya yordamida nutq va yutish muammolarini bartaraf etish; muvozanatli ovqatlanish va ich qotishi oldini olish; psixologik qo'llab-quvvatlash orqali ruhiy holatni yaxshilash. Shuningdek, uy sharoitini moslashtirish va xavfsiz muhit yaratish, ijtimoiy muloqotni kuchaytirish bemorning kundalik hayotini yaxshilashda muhim o'rin tutadi.*

Kalit so'zlar*: Parkinson kasalligi, profilaktika, algoritm, nomotor simptomlar, reabilitatsiya, fizioterapiya, mashqlar.*

DEVELOPING AN ALGORITHM FOR POST-PARKINSON'S DISEASE PATIENT PREVENTION

Tairova Dilyaram Zakirovna - associate professor
Abduqodirov Eldor Isroilovich - associate professor
Tashkent State Dental Institute (Tashkent, Uzbekistan)
Abduqodirova Zebiniso Isroilovna
Institute of Pharmaceutical Education and Research (Tashkent, Uzbekistan)

Abstract. *This article presents a developed algorithm for the prevention of patients following Parkinson's disease. Parkinson's disease is a chronic degenerative condition of the central nervous system, characterized by bradykinesia, muscle rigidity, tremors, and balance impairments. In the post-treatment phase, it is crucial to design effective preventive measures to improve patients' quality of life. The study outlines the main approaches to patient care post-disease. Preventive measures include regular administration of medications prescribed by physicians, increased physical activity to maintain muscle strength and balance, speech therapy to address issues with speech and swallowing, balanced nutrition to prevent constipation, and psychological support to enhance emotional well-being. Additionally, adapting home environments, creating a safe space, and fostering social interactions play a significant role in improving patients' daily lives.*

Keywords: *Parkinson's disease, prevention, algorithm, non-motor symptoms, rehabilitation, physiotherapy, exercises.*

СОЗДАНИЕ АЛГОРИТМА ПРОФИЛАКТИКИ ПАЦИЕНТОВ ПОСЛЕ БОЛЕЗНИ ПАРКИНСОНА

Тайрова Дилярам Закировна - доцент
Абдукодиров Элдор Исроилович - доцент
Ташкентский государственный стоматологический институт
Абдукодирова Зебинисо Исроиловна
Институт фармацевтического образования и исследований

Аннотация. *В данной статье разработан алгоритм профилактики для пациентов после болезни Паркинсона. Болезнь Паркинсона является хроническим дегенеративным заболеванием центральной нервной системы, характеризующимся замедлением движений, мышечной ригидностью, тремором и нарушением равновесия. На этапе после лечения важно разрабатывать эффективные профилактические меры, направленные на улучшение качества жизни пациентов. Данное исследование охватывает основные подходы к уходу за пациентами после болезни. Профилактические меры включают: регулярный прием лекарств, назначенных врачом; повышение физической активности для поддержания мышечной силы и рав-*

новесия; логопедическую терапию для устранения проблем с речью и глотанием; сбалансированное питание и профилактику запоров; психологическую поддержку для улучшения эмоционального состояния. Также важны адаптация условий в доме, создание безопасной среды и усиление социального общения, что играет важную роль в повседневной жизни пациента.

Ключевые слова: *болезнь Паркинсона, профилактика, алгоритм, немоторные симптомы, реабилитация, физиотерапия, упражнения.*

Kirish. Parkinson kasalligi neyrodegenerativ kasallik bo'lib, nerv hujayralarining buzilishi natijasida motor va nomotor simptomlar bilan kechadi. Hozirgi kunda dunyo bo'ylab Parkinson kasalligiga chalingan bemorlar soni ortib bormoqda. [1-2] Jahon Sog'liqni Saqlash Tashkilotining ma'lumotlariga ko'ra, 2020 yilga kelib Parkinson kasalligiga chalingan bemorlar soni 10 milliondan oshdi. [3] Kasallikning asosiy patofiziologik mexanizmi dopamin ishlab chiqaruvchi neyronlarning deganerasiyasi bo'lib, bu harakatlar koordinatsiyasining buzilishiga olib keladi. Parkinson kasalligi faqat motor simptomlar bilan emas, balki nomotor simptomlar bilan ham tavsiflanadi, bu esa bemorlarning hayot sifatiga jiddiy ta'sir ko'rsatadi.[4-6]

Hozirgi ilmiy adabiyotlarda Parkinson kasalligini davolash va profilaktik choralari bo'yicha bir qator yondashuvlar mavjud. Dopamin agonistlari, levodopa va boshqa dori vositalari simptomlarni boshqarishda qo'llanilsa-da, ular kasallikning rivojlanishini to'xtata olmaydi.[9] Shu sababli, kasallikdan keyingi profilaktika va reabilitatsiya choralari katta ahamiyatga ega. Ilmiy tadqiqotlar shuni ko'rsatadiki, jismoniy mashqlar, ovqatlanishni nazorat qilish, psixologik qo'llab-quvvatlash va fizioterapiya Parkinson kasalligidan keyingi davrda bemorlarning hayot sifatini yaxshilashda muhim rol o'ynaydi. [7]

Bundan tashqari, adabiyotlarda kasallikdan keyingi reabilitatsiya strategiyalarining individual yondashuv asosida amalga oshirilishi samaradorligi ta'kidlanmoqda.[8] Bemorlarning harakat faolligini saqlash, psixologik holatini barqarorlashtirish va ijtimoiy qo'llab-quvvatlash kabi omillar kasallikning takrorlanishini oldini olishda muhim ahamiyat kasb etadi. Shu sababli, ushbu maqolada Parkinson kasalligidan keyingi bemorlarni profilaktika qilish uchun algoritm ishlab chiqish va uni tadbiq qilish natijalari tahlil qilinadi.

Tadqiqot materiali va metodi.

Tadqiqot uchun Parkinson kasalligiga chalingan bemorlar guruhidan 60 kishi tanlab olindi. Bemorlar ikki guruhga bo'lindi: nazorat guruhi va tajriba guruhi. Nazorat guruhi odatdagi tibbiy yordamni oldi, tajriba guruhi esa ishlab chiqilgan profilaktika algoritmiga muvofiq davolandi. Algoritmda fizioterapiya, mashqlar, ovqatlanishni tuzatish, psixologik qo'llab-quvvatlash va dori vositalarini qabul qilish bo'yicha tavsiyalar mavjud edi.

Profilaktika algoritmining samaradorligini baholash uchun klinik mezonlar, hayot sifati anketalari va bemorlarning harakat faoliyati ko'rsatkichlari o'rganildi. Tadqiqot davomida 6 oy davomida bemorlar kuzatib borildi.

Tadqiqot natijalari.

Tajriba guruhi bemorlarida hayot sifatining sezilarli darajada yaxshilanganligi va kasallik simptomlarining kamayishi kuzatildi. Nazorat guruhi va tajriba guruhi o'rtasidagi farqni baholash uchun statistik tahlillar amalga oshirildi. T-test natijalariga ko'ra, tajriba guruhidagi bemorlarning hayot sifati indeksi ($p < 0.05$) sezilarli darajada yaxshilandi. Shuningdek, jismoniy faollik ko'rsatkichlari va psixologik holat mezonlari bo'yicha ANOVA tahlillari ham o'tkazildi, bu tahlillar tajriba guruhida ijobiy natijalarni tasdiqladi.

Algoritm asosida tuzilgan profilaktika dasturi bemorlarning umumiy hayot sifatini yaxshilash, jismoniy faollikni oshirish va psixologik holatni barqarorlashtirishga imkon berdi. Tajriba guruhi bemorlarida depresiya va tashvish simptomlari sezilarli darajada kamaydi ($p < 0.01$), bu esa ularning ruhiy holatining yaxshilanganligini ko'rsatadi. Bemorlarning harakat qobiliyatini o'lchashda Berg muvozanat shkalasi va Timed Up and Go testlari ishlatildi, va bu testlar natijalari ham tajriba guruhi foydasiga sezilarli yaxshilanishlarni ko'rsatdi.

Ishlab chiqilgan yangi profilaktika algoritmi odatiy profilaktika usullariga nisbatan ancha samarali bo'lib, bu bemorlarning faolligini saqlash, ularni ijtimoiy jihatdan qo'llab-quvvatlash va kasallikning takrorlanishini kamaytirishda ijobiy ta'sir ko'rsatdi. Tajriba guruhida kasallikning takrorlanish ko'rsatkichi nazorat guruhiga nisbatan 30% ga kamaydi, bu esa algoritmning samaradorligini ko'rsatadi.

Parkinson kasalligida profilaktika algoritmi

1. ***Jismoniy Faollik va Fizioterapiya***

○ Haftasiga kamida 3 marta jismoniy mashqlar (yengil yurish, yoga, muvozanat mashqlari).

○ Individual fizioterapiya dasturi: muvozanatni va harakat faolligini yaxshilash uchun mashqlar.

2. ***Ovqatlanishni Nazorat Qilish***

○ Bemorlar uchun antioksidantlarga boy ovqatlar: meva va sabzavotlar, to'liq don mahsulotlari.

○ Proteinlarni qabul qilishni levodopa qabulidan farqli vaqtda amalga oshirish.

3. ***Psixologik Qo'llab-quvvatlash***

○ Psixolog yoki psixoterapevt bilan muntazam uchrashuvlar.

○ Stressni kamaytirish uchun meditatsiya va nafas olish mashqlari.

4. ***Dori vositalarini Qabul Qilish***

○ Individual dori-darmonlar rejasi: levodopa, dopamin agonistlari va boshqa zarur vositalar.

- Dori vositalarining samaradorligini monitoring qilish va dozalashni moslashtirish.

5. Ijtimoiy Qo'llab-quvvatlash

- Bemorlarni ijtimoiy faoliyatlarga jalb qilish: guruh mashg'ulotlari va jamiyat tadbirlari.
- Oila a'zolari va qarindoshlari bilan qo'llab-quvvatlash tarmog'ini yaratish.

6. Kognitiv Mashg'ulotlar

- Kognitiv qobiliyatlarni saqlash uchun maxsus mashqlar: kitob o'qish, boshqotirmalar yechish, mantiqiy o'yinlar.

Ushbu algoritm Parkinson kasalligidan keyingi bemorlarning hayot sifatini yaxshilashga, kasallikning takrorlanishini kamaytirishga va bemorlarning umumiy ruhiy va jismoniy salomatligini saqlashga yordam beradi.

Muhokama. Ushbu tadqiqot natijalari Parkinson kasalligidan keyingi bemorlar uchun ishlab chiqilgan profilaktika algoritmining samaradorligini tasdiqlaydi. Algoritmning jismoniy mashqlar, ovqatlanishni nazorat qilish va psixologik qo'llab-quvvatlash bo'yicha tavsiyalari bemorlarning hayot sifatini yaxshilashga yordam beradi. Yangi ishlab chiqilgan algoritmning statistik tahlillar bilan tasdiqlangan samaradorligi odatdagi profilaktika usullariga qaraganda yaxshiroq natijalarni ko'rsatdi. Kelajakdagi tadqiqotlarda ushbu algoritmni kengroq tadqiq qilish va uning uzoq muddatli samaradorligini baholash tavsiya etiladi.

Xulosa. Parkinson kasalligidan keyin bemorlarni profilaktika qilish uchun ishlab chiqilgan algoritm hayot sifatini yaxshilash va simptomlarni kamaytirishda samarali ekanligi aniqlandi. Fizioterapiya, ovqatlanishni tuzatish va psixologik qo'llab-quvvatlash bemorlarning holatini yaxshilashga yordam beradi va kasallikning takrorlanishini oldini olish imkonini beradi.

Yangi algoritmning samaradorligi odatdagi profilaktikaga nisbatan sezilarli darajada yuqori bo'lib, bu bemorlarning harakat faolligi, psixologik holati va umumiy hayot sifatiga ijobiy ta'sir ko'rsatadi. Natijalar shuni ko'rsatadiki, individual yondashuv, dori-darmonlarni monitoring qilish, fizioterapiya va psixologik qo'llab-quvvatlash birgalikda bemorlarning hayotini yaxshilashda katta ahamiyatga ega. Kelajakda ushbu algoritmni boshqa turdagi nevrologik kasalliklarga ham qo'llash imkoniyatlarini o'rganish va uning uzoq muddatli ta'sirlarini baholash muhimdir.

Profilaktika algoritmi nafaqat kasallikning simptomlarini boshqarishga, balki bemorlarning hayot sifatini yaxshilashga va ular uchun ijtimoiy qo'llab-quvvatlash muhitini yaratishga yordam beradi. Tadqiqot natijalari kasallikdan keyingi reabilitatsiya jarayonida integrativ va kompleks yondashuvning ahamiyatini tasdiqlaydi, bu esa Parkinson kasalligidan keyingi bemorlarning umumiy sog'lig'ini va salomatligini yaxshilashga xizmat qiladi.

ADABIYOTLAR

1. Isroilovich A. E. et al. Development and Application of a New Method of Replantation for Dislocation //Research Journal of Trauma and Disability Studies. – 2024. – T. 3. – №. 3. – C. 249-252.
2. Isroilovich A. E. et al. Treatment of pregnant women with iron deficiency and work with patients //european journal of modern medicine and practice. – 2024. – T. 4. – №. 2. – C. 1-5.
3. Israilovich A. E. et al. Neurological conditions and their psychological manifestations in dental diseases //european journal of modern medicine and practice. – 2024. – T. 4. – №. 3. – C. 61-63.
4. Abdukodirov E. I. et al. Study of bioelectric activity of the brain in patients with neurosensorius deafness //Oriental Journal of Medicine and Pharmacology. – 2022. – T. 2. – №. 05. – C. 10-19.
5. Isroilovich A. E., Kodirovich K. N., Jumanazarovich M. R. Prevalence of Hereditary Diseases of the Nervous System in Uzbekistan on the Example of the City of Tashkent //International journal of health systems and medical sciences. – 2022. – T. 1. – №. 5. – C. 149-153-0.
6. Абдукодиров Э. И. Халимова Ханифа Мухсиновна, Матмуродов, Рустамбек Жумана-зарович. Паркинсон касаллиги предикторлари //Журнал GIObe. – 2022. – Т. 12.
7. Abdukodirov E. I., Kalanov A. B., Abdukodirov D. I. Modern approaches to teaching students in small groups at the department of nervous diseases and folk medicine at TSSI //International Journal on Integrated Education. e-ISSN. – 2023. – C. 2620-3502.
8. Israilovich A. E., Zakirovna T. D., Yuldashevna B. F. The Role of Neuroprotective Therapy In Primary Care In Acute Ischemic Stroke //International Journal of Health Systems and Medical Sciences ISSN. – C. 2833-7433.
9. Katus L., Shtilbans A. Perioperative management of patients with Parkinson's disease //The American Journal of Medicine. – 2014. – T. 127. – №. 4. – C. 275-280.
10. Sonsalla P. K., Golbe L. I. Deprenyl as prophylaxis against Parkinson's disease? //Clinical neuropharmacology. – 1988. – T. 11. – №. 6. – C. 500-511.
11. Aminoff M. J. et al. Management of the hospitalized patient with Parkinson's disease: current state of the field and need for guidelines //Parkinsonism & related disorders. – 2011. – T. 17. – №. 3. – C. 139-145.
12. Aminoff M. J. et al. Management of the hospitalized patient with Parkinson's disease: current state of the field and need for guidelines //Parkinsonism & related disorders. – 2011. – T. 17. – №. 3. – C. 139-145.

UDK: 578.824.11:616.9-022-07

TIBBIYOTDA QUTURISH VIRUSINING ZAMONAVIY TASHXIS USULLARI

Nuruzova Z.A. - professor
Mamanov J.B. - talaba
Toshkent tibbiyot akademiyasi (Toshkent, O'zbekiston)

Annotatsiya. *Ushbu adabiyotlar taxlilida oxirgi yillardagi(2012-2022) quturish virusining odamlardagi patogenezi, yuqish yo'llari, zamonaviy tashxis usullari, keng qo'llanilib kelinayotgan vaksinatsiyalar, davolash va tashxis qo'yishda qo'llanilayotgan serologik, molekulyar biologik, immunologik, usullarning axamiyati, ularning imkoniyatlari va afzalliklari to'g'risida keng ma'lumotlar keltirilgan. Masalan, Rapid Fluorescent Focus Inhibition Test (RFFIT), ELISA, viral RNA-RT-PCR, immunofluorescent test (dFAT), mouse inoculation test (MIT), shuningdek bemorlarda o'tkazilgan ko'plab klinik sinovlar natijasida bir nechta vaksinalar va farmakologik vositalar samaradorligi yuqori bo'lib turibdi masalan, Rabisin™, Recombitek®C6/CV, Recombitek®C8, SPBN GASGAS, SAD L16 hamda bir qancha immun kuchaytiruvchi vositalar shular jumlasidandir.*

Kalit so'zlar*: molekulyar-biologik, PZR, RT-PCR, (CDV), adenovirus (CAV), parvovirus (CPV), parainfluenza virus (CPiV), immunofluorescent test (dFAT), mouse inoculation test (MIT) and.polymerase chain reaction (PCR), Recombitek®C6/CV, Recombitek®C8, Rabisin™*

СОВРЕМЕННЫЕ МЕТОДЫ ДИАГНОСТИКИ ВИРУСА БЕШЕНСТВА В МЕДИЦИНЕ

Нурузова З.А. - профессор
Маманов Ж.Б. - студент
Ташкентская медицинская академия (Ташкент, Узбекистан)

Аннотация. *При анализе данных литературы патогенез вируса бешенства у человека в последние годы (2012-2022 гг.), пути передачи, современные методы диагностики, широко применяемые прививки, значение серологических, молекулярно-биологических, иммунологических методов, применяемых в лечении и диагностики, предоставляется обширная информация об их возможностях и преимуществах. Например, быстрый тест ингибирования флуоресцентного фокуса (RFFIT), ELISA, вирусная РНК - RT-PCR, иммунофлуоресцентный тест (dFAT), тест на прививку мыши (MIT), а также многочисленные клинические испытания, проведенные на пациентах, эффективность нескольких вакцин и фармакологических средств. высока, например, среди них Rabisin™, Recombitek®C6/CV, Recombitek®C8, SPBN GASGAS, SAD L16 и несколько иммуностимуляторов.*

Ключевые слова*: молекулярно-биологический, ПЦР, ОТ-ПЦР, (CDV), аденовирус (CAV), парвовирус (CPV), вирус парагриппа (CPiV), иммунофлуоресцентный тест (dFAT), тест на прививку мыши (MIT) и полимеразная цепная реакция (ПЦР), Recombitek®C6/CV, Recombitek®C8, Rabisin™*

MODERN DIAGNOSTIC METHODS OF RABIES VIRUS IN MEDICINE

Nuruzova Z.A. - professor
Mamanov J.B. - student
Tashkent Medical Academy (Tashkent, Uzbekistan)

Abstract. *In the analysis of these literatures, the pathogenesis of the rabies virus in humans in recent years (2012-2022), ways of transmission, modern diagnostic methods, widely used vaccinations, the importance of serological, molecular biological, immunological methods used in treatment and diagnosis, extensive information is provided on their capabilities and benefits. For example, Rapid Fluorescent Focus Inhibition Test (RFFIT), ELISA, viral RNA - RT-PCR, immunofluorescent test (dFAT), mouse inoculation test (MIT), as well as numerous clinical trials conducted on patients, several vaccines and pharmacological agents effectiveness is high, for example, Rabisin™, Recombitek®C6/CV, Recombitek®C8, SPBN GASGAS, SAD L16, and several immune boosters are among them.*

Key words*: molecular-biological, PCR, RT-PCR, (CDV), adenovirus (CAV), parvovirus (CPV), parainfluenza virus (CPiV), immunofluorescent test (dFAT), mouse inoculation test (MIT) and polymerase chain reaction (PCR), Recombitek®C6/CV, Recombitek®C8, Rabisin™*

Kirish. Quturish zoonoz kasallik bo'lib, o'lim darajasi deyarli 100% ni tashkil qiladi. Dunyo bo'ylab har yili taxminan 59 000 kishi quturishdan vafot etadi, o'limning katta qismi Osiyo va Afrikaning rivojlanayotgan mamlakatlarida sodir bo'ladi va bu o'limlarning 50% 15 yoshgacha bo'lgan bolalardir.

Iqtisodiy rivojlangan ba‘zi mamlakatlarda quturish kasalligi itlarni emlash orqali samarali nazorat qilingan. Kam rivojlangan hududlarda quturish kasalligining oldini olish va unga qarshi kurashda tibbiy muolajalar darajasi pastligi, vaksinalar va immunoglobulinlar zaxirasi yetarli emasligi va aholi e‘tiborining kamligi to‘sqinlik qilmoqda. Quturish holatlari, Quturish virusi (RABV) qo‘zg‘atuvchisi yuqori neyrotrop xususiyatga ega va barcha sutemizuvchilar virusga sezgirdir. RABVning yuqishi asosan kasal hayvonlardan, odatda itlardan tishlash yoki yalash orqali sodir bo‘ladi. So‘nggi yillarda RABV, shuningdek, AQSh va Rossiya kabi ba’zi mamlakatlarda ko‘rshapalaklar, tulkilar va boshqa yovvoyi hayvonlar tomonidan yuqtiriladi (4).

Biroq, RABV dunyoning katta qismlarida, masalan, Osiyo va Afrikada enzootik bo‘lib qolmoqda, bu yerda yiliga 35,172 ta holat va 21,476 odam o‘limiga olib keladi (JSST) (1).

Shunga qaramay, quturgandan keyingi profilaktika (QKP) orqali oldini olish mumkin, bu yaxshi samaradorlikni ko‘rsatadi. Biroq, Afrika va Osiyoda o‘rtacha kunlik daromad odam boshiga 1-2 dollarni tashkil qilganda, bu profilaktika 40 AQSh dollari turadi, bu esa xavf ostida bo‘lgan ko‘pchilik aholi uchun uni sotib olishning iloji yo‘q demakdir. Afrikada quturish kasalligining davom etishi, asosan, aniq epidemiologik ma‘lumotlarning yo‘qligi, aholi va qaror qabul qiluvchilarning beparvoligi, shiddatli sikl bilan bog‘liq. Quturishga qarshi vaktsinalar kirishi uchun geografik va moliyaviy to‘siqlar haqida jamoatchilik ma‘lumotlarining yetishmasligi va beparvoligi quturish xavfini oshiradi (20).



1-rasm. **2011-2019-yilgacha quturish bilan kasallanganlar soni**

Etiologiyasi. RABV Rhabdoviruslar oilasiga, Lyssavirus jinsiga tegishli va prototip lyssavirus hisoblanadi. Lyssaviruslar genetik va antigenik ma‘lumotlarga ko‘ra filogruppalarga bo‘linadi. Lyssavirus jinsining barcha a’zolari yuqori darajada neyrotropdir va quturganga o‘xshash halokatli ensefalitga olib kelishi mumkin. Nazariy jihatdan, barcha sutemizuvchilar turlari lyassavirus infeksiyasiga sezgir. RABVdan tashqari lyassaviruslar keltirib chiqaradigan ko‘pgina infeksiyalar itlar, mushuklar, sivetlar, ko‘rshapalaklar va boshqa hayvonlarda topilgan apoptoz paytida aniqlanishi mumkin (4).

Shunga qaramay, infeksiyaning kech bosqichlari, virusli infeksiya va neyrotropizmning kasallikka qanday aylanishi hali ham noma’lum. Molekulyar mexanizmlar ushbu keng qamrovli xatti-harakatlar o‘zgarishlariga olib keladigan, jumladan, tajovuzkorlik, o‘ta badjahllik, gidrofobiya va gipermobillik, noaniq ammo yangi hisobotlar ba’zi mumkin bo‘lgan mexanizmlarni ochib bera boshladi (26). Itlar inson uchun quturish kasalligining asosiy manbai hisoblanadi. (Hampson va boshq., 2015). RABV odatda oltita filogenetik sinfga bo‘linadi: ya’ni 1. Afrika yarimorollari 2. Afrika 3. Arktika bilan bog‘liq, 4. Osiyo, 5. Kosmopolit va 6. Hindiston yarimorolilari. (Pant va boshqalar, 2013), RABV guruhi hozirda kosmopolitan va Arab yarim orolida faollik ko‘rsatmoqda (Horton va boshq., 2015; Troupin va boshq., 2016). Yaqinda Qatarda ikkita Nepallik mehnat muhojirlaridan RABV infektsiyasi aniqlandi (1). RABV ning doimiy kasallik keltirib chiqaruvchi turlariga uy hayvonlari kiradi.

Yevropada tulki va yenot itlardan iborat yovvoyi yirtqich hayvonlar, Yaqin Sharqda tulkilar, Osiyoda yenot itlar va paroni bo‘rsiqlari, Amerikada skunks, tulki, qo‘y va manguslar, Afrika siveti va Af-

rikadagi manguslar kasallik manbai bo‘lishi mumkin. RABV ning odamga yuqishining 99% dan ko‘proq hollarida uy itlarining uy egalarini tishlashi sabab bo‘ladi. Quturish deyarli har doim bir marta rivojlanadigan klinik kasallik bo‘lib, o‘limga olib keladi (20).

Quturish kasalligining klinik belgilari paydo bo‘lganda, virus markaziy asab tizimiga (MAT) kirgan bo‘ladi va o‘lim darajasi 100% ga yaqinlashadi, bu virusni yuqtirgandan keyin qoniqarli davolash usullarining yo‘qligi tufayli yuzaga keladi. (26). Kasallikning inkubatsiya davri uzoq bo‘lishi tishlashning joylashishi va to‘qimalarga kirgan virusning dozasiga bog‘liq. Tishlaganda yuz, bosh, bo‘yin, yuqori oyoq-qo‘llarda, eng qisqa.

Pastki a‘zolarning eng keng tarqalgan tishlashi yuz berganda quturish uchun o‘rtacha inkubatsiya davri 1-3 oy. Ba’zida u 1-2 yildan oshib ketishi mumkin. Ro‘yxatga olingan inkubatsiya davrlari orasida 10, 13 va hatto 19,5 yil bo‘lgan quturish holatlari kuzatilgan. Tishlagandan keyin virus superkapsid orqali to‘qimalarga kirib boradi va protein G membranalardagi n-asetilxolin neyronlar va nerv-mushak retseptorlari bilan bog‘lanadi. Patogen infeksiyaning 2-xil varianti bo‘lishi mumkin. Ulardan biridatishlash natijasida virus mushak hujayralariga kirib, u yerda mahalliy ravishda ko‘payadi. Bunday holda, u uzoq vaqt davomida mushak to‘qimalarida (2 oygacha) qolishi mumkin, Boshqa variantda virus periferik nervlarning aksoplazmasi bilan bog‘lanadi va u yerdagi oqsillarni bilan tashish (dinein, neyrotropin) va aksonlar bo‘ylab retrograd miya, markaziy asab tizimiga, o‘murtqa va miya neyronlari tanasiga yetkaziladi. Bu erda retroaksonal tashish tezligi 50-100 mm / kun, bu inkubatsiya davrini qisqartiradi. MAT ga kirgandan so‘ng, orqa miya, miya sopi neyronlari, gippokamp, subkortikal ganglionlar, talamus, miya yarimsharlarida virus faol ravishda ko‘payadi. Shikastlangan so‘lak bezlari bilan, yangi kirgan viruslar butun tanada skelet mushaklari, yurak, qon tomirlari, ko‘zning to‘r pardasi va barcha ichki organlar orqali markazdan qochma tarzda tarqaladi (12).

Kasallikning prodormal davri bir necha kun davom etadi. Infeksiyaning boshlang‘ich davrida hissiy buzilishlar, bosh og‘rig‘i, qusish, isitma ko‘tariladi. Quturish kasalligining kechishida ikkita asosiy klinik ko‘rinish mavjud - zo‘ravonlik va paralitik. Zo‘ravonlik shakli belgilari ruhiy qo‘zg‘alish vositasi bilan namoyon bo‘ladi. Bemorlar qo‘rquvni his qilishadi, nafas olish mushaklarining spazmlari paydo bo‘ladi, suvga nisbatan qo‘rquv (gidrofobiya), hujumlar yorug‘lik ta‘sirida takrorlanadi, yorug‘likni ko‘rganda (fotofobiya), baland ovozda (akustikofobiya), havoning oqim harakatida (aerofobiya) va yutinishga qiynalish kabi xolatlar kuzatiladi. Agressivlik, g‘azablanish, terlash va so‘lak ajralishi (gipersalivatsiya) kuchayadi. Isitma kritik qiymatlari (41-42c yuqorigacha) yetib boradi. Infeksiya 2-8 kun ichida o‘lim bilan tugaydi. Paralitik shaklda dastlab mahalliy ta’sirlangan a’zoda falaj yuzaga keladi. Rivojlanish davomida kasallik umumiy falajga olib keladi. Bemorlarning o‘limi klinik ko‘rinishlar boshlanganidan keyin 30 kun ichida sodir bo‘ladi (12)



2-rasm. **Quturish virusining patogenezi Tashxis usullari.**

Quturish virusi III guruh patogenlik xususiyatiga ega bo'lganligi sababli, u bilan ishlash xavfli, shunung uchun ishlar ixtisoslashgan laboratoriyalarda tegishli bioxavfsizlik choralariga muvofiq amalga oshirilishi kerak. Quturish kasalligida faqat laboratoriya diagnostikasi usullari yordamida virusni aniqlash va aniq tashxis qo'yish mumkin. Qutirish tashxisni tasdiqlash uchun o'limdan keyingi va intravital diagnostika laboratoriya usullari qo'llaniladi.Tadqiqot uchun material: miyaning biopsiya namunalari, to'qimalar, bo'yinning orqa terisining biopsiyalari, (boshning orqa qismi) nerv uchlari bo'lgan soch follikulalarini o'z ichiga oladi va tekshirishga olinadi. Miya to'qimalarida immun floresansiya bilan (oltin standart" diagnostikasi) quturish virusi antigenini aniqlashda eng ko'p qo'llaniladi. Yorug'lik mikroskopiyasi yordamida ta'sirlangan neyronlar sitoplazmasida Babesh-Negri jismlarini aniqlash darajasi pastroq, immun floresansiyaning diagnostik aniqligi esa yuqori hisoblanadi.

Shuningdek, u to'qimalarda virusli antigenlarni aniqlash uchun ELISA, virusli RNK - RT-PCR lar ishlatiladi. Quturish virusi hozirgi kunda 1-2 kun ichida hujayra kulturalarida RIF, Elisa yoki PCR yordamida aniqlanishi mumkin. Virusni AG immun floresansiya reaksiyasida aniqlanash, yoki virusli RNK PCR orqali aniqlanadi. So'lak, lakrimal suyuqlik va miya ichi suyuqligi laboratoriya hayvonlari (sichqonlar, quyonlar) yoki hujayra kulturalarida virusni yetishtirish uchun intraserebral infektsiya sifatida ishlatiladi. Serodiagnoz uchun bemorlar miya ichi suyuqligi (kasallikning keyingi bosqichlarida) va ularning zardobida antiviral antikorlarni aniqlash uchun Elisa va boshqa reaksiyalarni qo'llash mumkin. Biroq ko'p hollarda serodiagnoz emlash paytida immunitet darajasini baholash uchun qo'llaniladi. Inson quturishi yiliga yuzlab odamlarni o'ldiradigan halokatli kasallikdir. Erta tashxis terapiyada muhim ahamiyatga ega, to'g'ridan-to'g'ri immunofluoresan test (dFAT), sichqonchani emlash testi (SET) va polimeraza zanjiri reaktsiyasi (PZR) muntazam tashxis uchun ishlatiladi, lekin sezilarli noto'g'ri salbiy ko'rsatkichlarga ega hisoblanadi. Metagenomika keyingi avlod sekvensiyasi (mNGS) diagnostikaning yangi varianti sifatida quturish kasalligining kamdan-kam qayd etilgan usuli bo'ldi. Biroq, bu holda ham, biz tasvirlab bergan diagnostika usuli (mNGS yordamida) bemorni davolashda it tishlashidan keyin quturish sindromini rivojlantirgan (23).

Quturish virusini baholashda emlashning ta'sir qilishdan oldin yoki keyingi samaradorligini hamda immunitet holatini aniqlashda ishonchli serologik usullar talab qilinadi va aniqlashda yordam beradi. Bir nechta turli xil tahlillar mavjud quturishga qarshi emlash uchun immunitetni o'lchash, shu jumladan hisoblash RVNA titrlarini hujayra asosidagi usullari, masalan, Rapid Fluorescent Fokus Inhibition qilish testi (RFFIT), floresan o'qishga asoslangan antikor virusni neytrallash testi, soddalashtirilgan floresan Inhibition mikrotesti va psevdotip virus mikro-neytralizatsiya tahlillari yoki bilvosita floresan antikor testi, immunoperoksidaza Inhibition kabi ferment bilan bog'langan immunosorbent tahlili (ELISA) asosidagi usullar immunoelektroforez testi (World Health Organisation/Department of Control of Neglected Tropical Diseases, 2018).

Quturishga **mahsus profilaktika** asosan unga qarshi immunizatsiya preparatlari uchun ot va odamning immunoglobulinlari qo'llaniladi. Shuningdek quturishni davolash uchun har xil turdagi dorilar ishlab chiqilmoqda. Monoklonal antiviral antikorlar insonlar uchun yaratildi. Tibbiyotda quturishni davolash va oldini olishga ko'plab urinishlar bo'lgan. Ba'zi dorilar uchun ularning quturishga qarshi faoliyati hech bo'lmaganda in vitro sharoitda o'rganilgan (masalan, rifampitsin). 2004 yilda AQShda birinchi muvaffaqiyatli urinish amalga oshirildi, ko'rshapalak chaqqandan so'ng kasallik paydo bo'lgan sichqonlarda quturish kasalligini davolash uchun quturishga qarshi emlash amalga oshirilmagan. Kasal sedativ va antikonvulsantlar bilan bir vaqtning o'zida tayinlangan sun'iy komaga kiritadigan antiviral vositalar (ribavirin, amantadin) qabul qildi. Oxirida kasal organizmni davolash va uzoq muddatli reabilitatsiya qilish natijasida quturish virusini yo'q qilish bilan uning tuzalishi tasdiqlandi. Qatl qilish joyida ushbu davolash rejimi qabul qilindi va Miluoki (yoki Viskonsin) protokoli deb ataladi. Biroq ushbu davolash rejimining keyingi natijalari juda ayanchli bo'ldi. 43 kishini davolash natijasida 5 ta tuzalish holati qayd etildi. Umuman olganda, quturish uchun samarali davo terapiyasi ishlab chiqish kelajak masalasi bo'lib qolmoqda (12).

Hozirgi vaqtda Recombitek®C8 vaktsinalari: itlarning distemper virusining (CDV) HA va F glikoproteinlarini va 3 ta jonli zaiflashtirilgan viruslarni (Canine Adenovirus 2 -CAV2, Canine Parvovirus - CPV va Canine Parainfluenza virusi -CPV) ifodalovchi rekombinant kanaripoksni o'z ichiga olgan muzlatilgan quritilgan vaktsinalar, 4 ta inaktivatsiyalangan Leptospira serovarlarini o'z ichiga olgan suyuq vaktsina (Icterohaemorrhagiae - Li; Canicola - Lc; Grippotyphosa - Lg; Pomona - Lp), Recombitek®C6/CV: Muzlatib quritilgan vaktsinani o'z ichiga olgan rekombinant kanaripoks, itlarning distemper virusi (CDV) glikoproteinlari va 4 ta jonli zaiflashtirilgan viruslar (Canine Adenovirus 2 -CAV2, Canine Parvovirus - CPV, Canine Parainfluenza -CPV, Canine Coronavirus -CCV) + 2 ta faol bo'lmagan Leptospira serovari (Icterohaemorrhagiae - Li; Canicola - Lc) o'z ichiga olgan suyuq vaktsina, Rabisin ™: quturishga qarshi aktivlangan alyuminiy gidroksid va inaktivlangan vaktsinalar samarasi yuqoriroq bo'lib turibdi (18).

Quturish o'limga olib keladigan kasallikdir, shuning uchun faqat o'z vaqtida qilingan terapevtik va profilaktika choralari ("ta'sirdan keyingi profilaktika") qurbonlarni o'limdan saqlashi haqida ogohlantirish lozim. Quturish virusining inson bilan 3-xil toifadagi aloqasini ajratishimiz mumkin.

1-toifali aloqa biologik ta'sirni o'z ichiga oladi jaroxatlanmagan terida hayvonlarning suyuqliklari va sekretsiyasi bo'lishi. Bunday hollarda quturish virusi yuqmaydi shunday holat sodir bo'lsa, bu toifadagi shaxslar profilaktika choralarini qo'llashi shart emas. 2-toifali aloqa (minimal zarar yoki teri ustida qonsiz tirnalgan joy bo'lsa, terining o'sha ochiq joylari siqiladi) emlash kursi darhol boshlanadi va mahalliy shikastlanish joyini (ekspozitsiya joyi) tibbiy davolash boshlanadi. Uy hayvonlari sog'lom bo'lishi uchun tashqi tomondan izolyatsiya qilingan bo'lishi kerak, ular 10 kun davomida nazorat qilinadi. Agar bu davrda kasallik hayvonlarda sodir bo'lmasa, emlash kursi to'xtatiladi. 3-toifali aloqa (transdermal chaqishlar yoki qon ko'rinishli jaroxatlar, shilliq pardalarga zarar yetishi yoki tirnash orqali shikastlangan teriga hayvonlarning so'lagi tushishi, uchuvchi hayvonlar bilan tishlashi hamda sichqonlar) shikastlagan joyni zudlik bilan emlash, immunoglobulin, va shu kabi quturishga qarshi davo choralari ko'rish kerak.

Og'ir immuniteti buzilgan holatlarda (OIV bilan kasallangan; immunosupressiv terapiya olgan bemorlar va boshqalar) 2-toifadagi aloqaga tenglashtiriladi. Zarar joyiga sifatli va o'z vaqtida ko'rsatigan muolaja ushbu viruslar va ular sabab yuzaga keladigan muammolar sonini sezilarli darajada kamaytiradi, shu bilan quturish kasalligini rivojlanish xavfini kamaytiradi. Tezkor profilaktika choralari o'z ichiga oladi: uzoq muddat (kamida 15 daqiqa) yarani sovun bilan yuvish yoki boshqa yuvish vositalari bilan, antiseptiklarning (etanol yoki yod) ta'siri, birlamchi yarali jaroxatlarni davolashda samarali usul hisoblanadi. Hozirgi vaqtda, tovuq yoki o'rdaklar embrionlaridan olinadigan turli fiksatsiyaga asoslangan inaktiv vaktsinalar, quturgan virus shtammlari (PV-11, RM, Vnukovo-32 va boshqalar) faqat odamlar uchun emlashda foydalaniladi. Quturgan hayvonlar bilan aloqa qilish xavfi yuqori bo'lgan shaxslar uchun (veterinariya xizmati xodimlari, qarovsiz hayvonlarni ovlash bilan shug'ullanadigan ishchilar va o'rmonchilarni, ovchilarni va boshqalarni saqlash uchun) quturishga qarshi profilaktika maqsadida vaktsina qilinadi. Hayvonlar jonli zaiflashtirilgan, faolsizlantirilgan va genetik muhandislik natijasida olingan vaktsinalar yordamida immunizatsiya qilinadi (12).

Xulosa. Xulosa qilib aytish mumkinki, tibbiyotda quturishga chalingan bemorlarning o'lim foizi yuqoriligicha qolmoqda. Quturish diagnostikasida RIF, ELISA va PCR, Rapid Fluorescent, Focus Inhibition Test (RFFIT), neytralizatsiya testi, immunoelektroforez testi kabi usullar keng qo'llanilmoqda. Quturish kasalligini davolash uchun samarali dori vositalari xozircha ishlab chiqarilmadi, faqatgina virus yuqtirib olganda tezlik bilan qilingan vaksina, xamda immun kuchaytiruvchi vositalar davo chorasi bo'lishi mumkin. Shuning uchun xam kasallikni yuqtirib olmaslik uchun profilaktika qoidalarini joriy etish xamda amal qilish eng to'g'ri yo'l hisoblanadi. Bu kasallikka chalingan bemorlarda o'tkazilayotgan ko'plab klinik tadqiqotlar va tajribalar natijasida bir nechta farmakologik vositalar va vaksinalar ishlab chiqildi, biroq ular yetarlicha samara berishi uchun qator ishlar amalga oshirilmoqda. Umid qilamizki yaqin kelajakda ijobiy natijalarga erishiladi.

ADABIYOTLAR

1. Bas B. Oude Munnink, Elmoubashar Abu Baker Abd Farag, Corine GeurtsvanKessel et al.// First molecular analysis of rabies virus in Qatar and clinical cases imported into Qatar, a case report/ International Journal of Infectious Diseases 96 (2020) 323–326 https://doi.org/10.1016/j.ijid.2020.04.07
2. Byron E.E. Martina, Marcin Smreczak, Anna Orlowska, Anna Marzec, Pawel Trebas, Jouke M. Roose, Jan Zmudzinski, Ingo Gerhauser, Peter Wohlsein, Wolfgang Baumgärtner, Albert D.M.E. Osterhaus, Penelope Koraka//Combination drug treatment prolongs survival of experimentally infected mice with silver-haired bat rabies virus/ https://doi.org/10.1016/j.vaccine.2018.05.065
3. C.M. Malavé, J. Lopera-Madrid, L.G. Medina-Magües, T.E. Rocke, J.E. Osorio, Impact of molecular modifications on the immunogenicity and efficacy of recombinant raccoon poxvirus-vectored rabies vaccine candidates in mice, Vaccines 9 (12) (2021) 1436, https://doi.org/10.3390/vaccines9121436
Витамин Д является одним из эффективных средств лечения ВГПТ. Известно, что дефицит кальцитриола или развитие резистентности к нему являются основным патогенетическим звеном развития ВГПТ и для подавления уровня ПТГ применяют препараты и добавки с витамином Д. Следует учитывать, что кальцитриол усиливает всасывание кальция и фосфора в кишечнике, повышая их концентрацию в крови.

Кальцимиметики - это группа препаратов повышающие чувствительность кальцийчувствительных рецепторов к кальцию в паращитовидных железах, подавляя таким образом выработку паратгормона. Длительное применение цинакальцета приводит к уменьшению размеров ОЩЖ, снижает скорость ремоделирования костной ткани, а также уменьшает риск сердечно-сосудистой смертности при ВГПТ [21,22].

Хирургическое лечение. Если вторичный гиперпаратиреоз прогрессирует до тяжёлой степени и консервативное лечение не приносит эффекта, может потребоваться хирургическое вмешательство. Паратиреоидэктомия выполняется в том случае, если все методы консервативного лечения неэффективны. Паратиреоидэктомия показана в случае кальцификации мягких тканей, тяжелой гиперкальцемии, уровне ПТГ выше 800 пг/мл. Оперативное лечение может быть выполнено путем субтотальной паратиреоидэктомии, когда наименее измененная часть ОЩЖ оставляется в пределах шеи. Тотальная паратиреоидэктомия с аутотрансплантацией участка ОЩЖ в плече-лучевую мышцу позволяет исключить случаи рецидива гиперапартиреоза и осуществлять контроль над уровнем ПТГ. Прогноз после паратиреоидэктомии благоприятный: исчезают боли в костях, зуд, улучшается трофика кожи в местах ишемических некрозов вследствие кальцифилаксии. Однако, следует учитывать, что резкое снижение уровня ПТГ может привести к развитию «синдрома го-

лодной кости», связанный с резким снижением уровня кальция в крови. Поэтому очень важно строгое послеоперационное наблюдение за уровнем общего и ионизированного кальция у пациента.

Прогноз при вторичном гиперпаратиреозе зависит от своевременности диагностики и эффективности лечения основного заболевания. В случае хронической болезни почек и других заболеваний, сопровождающихся ВГПТ, очень важно поддерживать контроль над уровнем кальция, фосфора и витамина D для предотвращения развития остеопороза, остеодистрофии и других осложнений.

Заключение.

Вторичный гиперпаратиреоз является важным клиническим состоянием, тесно связанным с нарушением обмена кальция и функционирования паращитовидных желез. Лечение вторичного гиперпаратиреоза требует мультидисциплинарного подхода, раннее выявление и коррекция вторичного гиперпаратиреоза у пациентов с почечной недостаточностью предотвращает прогрессирование костных и сердечно-сосудистых осложнений и повышает качество жизни пациентов.

ЛИТЕРАТУРА

1. Silva BC, Bilezikian JP. Parathyroid hormone: anabolic and catabolic actions on the skeleton. Curr. Opin. Pharmacol. 2015; 22:4150. https://doi.org/10.1016/j.coph.2015.03.005.

2. Civitelli R, Ziambaras K. Calcium and phosphate homeostasis: concerted interplay of new regulators. J Endocrinol Invest. 2011; 34:3-7.

3. Slatopolsky E, Finch J, Denda M, et al. Phosphorus restriction prevents parathyroid gland growth. High phosphorus directly stimulates PTH secretion in vitro. J Clin Invest1996; 97:25344 – 40.

4. Slatopolsky E., Brown A., Dusso A. Pathogenesis of secondary hyperparathyroidism. Kidney Int Suppl. 1999. 73:S14-9. doi: 10.1046/j.1523-1755.1999.07304.x.

5. Martin K.J., Floege J., Ketteler M. Bone and Mineral Disorders in Chronic Kidney Disease. In: Feehally J., editor. Comprehensive Clinical Nephrology. 6th ed. Springer; Berlin/Heidelberg, 4 Germany: 2019

6. Chakhtoura MT, Nakhoul NN, Shawwa K, et al. Hypovitaminosis D in bariatric surgery: A systematic review of observational studies. Metabolism. 2016; 65(4): 574-585. https://doi.org/10.1016/j.metabol.2015.12.004

7. Johnson M., Maher J., DeMaria E. et al. Th e Long-term Eff ects of Gastric Bypass on Vitamin D Metabolism // Ann. Surg. — 2006. — Vol. 243. — P. 701 – 705.

8. Llach F. Secondary hyperparathyroidism in renal failure: the trade-off hypothesis revisited. Am J Kidney Dis. 1995; 25:663–679.

9. Asci G., Ok E., Savas R. et al. The link between bone and coronary calcifications in CKD-5 patients on haemodialysis. Nephrol Dial Transpl. 2011. 26:1010-1015.

10. Fang Y., Ginsberg C., Seifert M. et al. CKD-induced wingless/integration1 inhibitors and phosphorus cause the CKD-mineral and bone disorder. J Am SocNephrol 2014. 25:1760-1773.

11. Agoro R., White K. Regulation of FGF23 production and phosphate metabolism by bone-kidney interactions // Nat Rev Nephrol. 2023. Vol. 19, N 3. P. 185–193.

12. Garcia-Fernandez N., Lavilla J., Martín P., et al. Increased fibroblast growth factor 23 in heart failure: biomarker, mechanism, or both? // Am J Hypertens. 2019. Vol. 32, N 1. P. 15–17. doi: 10.1093/ajh/hpy153

13. Ho B., Bergwitz C. FGF23 signalling and physiology // J Mol Endocrinol. 2022. Vol. 66, N 2. P. R23–R32. doi: 10.1530/JME-20-0178

14. *Kuro-O M. Nat Rev Nephrol. The Klotho proteins in health and disease. 2019; 15:27–44.*

15. Mutation of the mouse klotho gene leads to a syndrome resembling ageing. Kuro-o M, Matsumura Y, Aizawa H, et al. Nature. 1997; 390:45–51. doi: 10.1038/36285.

16. *In vivo genetic evidence for klotho-dependent, fibroblast growth factor 23 (Fgf23) -mediated regulation of systemic phosphate homeostasis. Nakatani T, Sarraj B, Ohnishi M, et al. FASEB J. 2009;23:433–441. doi: 10.1096/fj.08-114397.*

17. *Mutation of the mouse klotho gene leads to a syndrome resembling ageing. Kuro-o M, Matsumura Y, Aizawa H, et al. Nature. 1997; 390:45–51*

18. Moe S, Drüeke T, Cunningham J, et al. Definition, evaluation, and classification of renal osteodystrophy: A position statement from Kidney Disease: Improving Global Outcomes (KDIGO). Kidney Int. 2006; 69(11):1945-1953. https://doi.org/10.1038/sj.ki.5000414

19. Moe SM. Renal Osteodystrophy or Kidney-Induced Osteoporosis? Curr Osteoporos Rep. 2017;15(3):194-197. https://doi.org/10.1007/s11914-017-0364-1

20. Sprague SM, Bellorin-Font E, Jorgetti V, et al. Diagnostic Accuracy of Bone Turnover Markers and Bone Histology in Patients With CKD Treated by Dialysis. Am J Kidney Dis. 2016;67(4):559-566.

21. Okuno S., Inaba M., Ishimura E. et al. Effects of longterm cinacalcet administration on parathyroid gland in hemodialysis patients with secondary hyperparathyroidism. Nephron. 2019. 142(2):106-13. doi: 10.1159/000496808

22. Behets G.J., Spasovski G., Sterling L.R. et al. Bone histomorphometry before and after long-term treatment with cinacalcet in dialysis patients with secondary hyperparathyroidism. Kidney Int. 2015. 87:846-856. doi: 10.1038/ki.2014.349

УДК: 618.3-06:616.24

ДИНАМИКА РАСПРОСТРАНЕННОСТИ РЕСПИРАТОРНЫХ СИМПТОМОВ У БЕРЕМЕННЫХ ЖЕНЩИН В РАЗЛИЧНЫХ ТРИМЕСТРАХ И ПРИ ЕСТЕСТВЕННЫХ РОДАХ

Муминова З.А. - д.м.н., доцент
Ражапова Г.Ф. - ассистент
Ташкентская медицинская академия (Ташкент, Узбекистан)

Аннотация. *Цель исследования - анализ изменений частоты респираторных симптомов у беременных женщин в разных триместрах беременности и при естественных родах. Проведен сравнительный анализ распространенности симптомов общей слабости, кашля, осиплости голоса, изменений дыхания, болей в горле, насморка и гиперемии зева. Полученные результаты позволяют определить тенденции изменения состояния здоровья беременных женщин и могут быть использованы для оптимизации медицинского сопровождения в период беременности и родов.*

Ключевые слова: *беременность, триместры, респираторные симптомы, естественные роды, здоровье женщин.*

RESPIRATOR SIMPTOMLARNING DINAMIKASI HOMILADOR AYOLLARDA TURLI TRIMESTERLARDA VA TABIIY TUG'ILISHLARDA TARQALISHINING O'ZGARISHI

Muminova Z.A. - t.f.d., dotsent
Rajapova G.F. - assistent
Toshkent tibbiyot akademiyasi (Toshkent, O'zbekiston)

Annotatsiya. *Tadqiqotning maqsadi – homilador ayollarda turli trimestrlarda va tabiiy tug'ilishlarda respirator simptomlarining tarqalish chastotasidagi o'zgarishlarni tahlil qilishdir. Umumiy zaiflik, yo'tala boshlash, ovozning bo'g'ilishi, nafas olishda o'zgarishlar, tomoq og'rig'i, burun oqishi va tomoq shishishi kabi simptomlarning tarqalishini solishtiruvchi tahlil o'tkazildi. Olingan natijalar homilador ayollarning sog'lig'ini o'zgarish tendensiyalarini aniqlashga imkon beradi va bu natijalar homiladorlik va tug'ilish jarayonida tibbiy yordamni optimallashtirish uchun foydalanilishi mumkin.*

Kalit so'zlar*: homiladorlik, trimestrlar, respirator simptomlar, tabiiy tug'ilishlar, ayollarning sog'ligi*

DYNAMICS OF RESPIRATORY SYMPTOMS PREVALENCE IN PREGNANT WOMEN IN DIFFERENT TRIMESTERS AND DURING NATURAL BIRTH

Muminova Z.A. - D.M.Sc., associate professor
Rajapova G.F. - assistant
Tashkent Medical Academy (Tashkent, Uzbekistan)

Abstract. *The aim of the study is to analyze changes in the frequency of respiratory symptoms in pregnant women during different trimesters of pregnancy and during natural childbirth. A comparative analysis of the prevalence of symptoms such as general weakness, cough, hoarseness, changes in breathing, sore throat, nasal discharge, and pharyngeal hyperemia was conducted. The results obtained allow us to determine trends in the health status of pregnant women and may be used to optimize medical support during pregnancy and childbirth.*

Keywords*: pregnancy, trimesters, respiratory symptoms, natural birth, women's health*

Введение. Беременность - уникальный физиологический процесс, сопровождающийся значительными изменениями во всех системах организма женщины, которые могут повышать восприимчивость женщин к респираторным инфекциям и усиливать выраженность респираторных симптомов [6, Racicot]. Гормональные перестройки, иммунологические изменения и увеличение физиологической нагрузки могут приводить к повышенной восприимчивости к респираторным инфекциям и усилению выраженности респираторных симптомов. Эти изменения не только влияют на качество жизни будущей матери, но и могут представлять риск для плода [4, Kourtis]. Несмотря на это, сравнительные исследования динамики респираторных симптомов на протяжении всей беременности и при родах ограничены.

Актуальность исследования обусловлена необходимостью детального изучения динамики респираторных симптомов на протяжении беременности и при родах для разработки эффективных стратегий профилактики и лечения.

Целью настоящего исследования является определение изменений в распространенности респираторных симптомов у беременных женщин в различных триместрах и при естественных родах. Основные задачи включают выявление наиболее характерных симптомов для каж-

дого периода и оценку их влияния на здоровье матери и плода.

Анализ существующих исследований.

Физиологические изменения во время беременности существенно влияют на дыхательную систему [3, Hegewald]. Увеличение объема циркулирующей крови, повышение уровня прогестерона и эстрогенов приводят к гиперемии и отеку слизистых оболочек дыхательных путей [2, Ellegard]. Это может вызывать симптомы, сходные с ринитом и фарингитом.

Ряд исследований указывает на то, что в первом триместре беременные женщины часто испытывают общую слабость и усталость, связанные с адаптацией организма к новым условиям [1, Dunlop]. Во втором триместре симптомы могут несколько ослабевать, однако изменения в дыхательной системе продолжаются [7, Schatz]. В третьем триместре увеличивается давление растущей матки на диафрагму, что может приводить к одышке и другим дыхательным нарушениям [3, Hegewald].

При родах физическое напряжение и стресс могут усиливать респираторные симптомы [5, Loprinzi]. Однако недостаточно исследований, анализирующих динамику респираторных симптомов на протяжении всей беременности и при родах.

Методология исследования.

В исследовании проанализировано 189 беременных женщин в возрасте от 20 до 35 лет, состоявшие под нашим наблюдением в период с января 2018 по декабрь 2022 года. Критерии включения: отсутствие хронических заболеваний дыхательной системы, нормальное течение беременности, согласие на участие в исследовании. Критерии исключения: наличие сопутствующих хронических заболеваний, осложнения беременности.

Данные собирались путем анкетирования и клинического наблюдения в каждом триместре беременности и во время родов. Оценивалось наличие следующих симптомов:

- ✓ Общая слабость
- ✓ Кашель
- ✓ Осиплость голоса
- ✓ Изменения дыхания (везикулярное, жесткое дыхание)
- ✓ Боли в горле
- ✓ Насморк
- ✓ Гиперемия зева

Данные обрабатывались с использованием статистического пакета SPSS версии 26.0. Для сравнения частоты симптомов в разных триместрах использовался χ^2-критерий Пирсона. Различия считались статистически значимыми при $p < 0,05$.

Распространенность респираторных симптомов у беременных женщин

Симптом	1-триместр	2-триместр	3-триместр	Роды
Общая слабость	95	92	90	98
Кашель	40	35	30	45
Осиплость голоса	25	30	35	40
Везикулярное дыхание	85	80	78	90
Жесткое дыхание	5	10	15	20
Боли в горле	50	55	60	65
Насморк	60	65	70	75
Гиперемия зева	30	35	40	50

Примечание. *Данные представлены в процентах.*



Результаты и обсуждение.

Общая слабость была наиболее распространенным симптомом во всех триместрах, достигая пика при родах (98%). Это может быть связано с увеличением физических нагрузок и энергетических затрат организма в процессе родов [1, Dunlop].

Кашель показывал тенденцию к снижению от первого к третьему триместру, но увеличивался при родах. Это может быть обусловлено усиленной работой дыхательной системы и физическим напряжением во время родов [5, Loprinzi].

Осиплость голоса и боли в горле постепенно увеличивались на протяжении беременности, что может быть связано с гормональными изменениями и отеком слизистых оболочек дыхательных путей [2, Ellegard].

Насморк и гиперемия зева также демонстрировали рост распространенности, подтверждая данные о ринитах беременных, обусловленных гормональными перестройками организма [2, Ellegard].

Изменения дыхания, такие как жесткое дыхание, увеличивались к третьему триместру и при родах, указывая на необходимость более внимательного мониторинга дыхательной функции беременных женщин [3, Hegewald].

Статистический анализ показал значимые различия в распространенности симптомов между триместрами и при родах ($p < 0,05$), что свидетельствует о динамичности изменений состояния здоровья беременных женщин.

Заключение.

Проведенное исследование выявило, что респираторные симптомы у беременных женщин имеют тенденцию к изменению на протяжении всей беременности и достигают максимума при родах. Это указывает на необходимость разработки адаптированных программ медицинского сопровождения, учитывающих динамику симптомов в разные периоды беременности.

Практические рекомендации:

Медицинский персонал должен уделять повышенное внимание мониторингу респираторных симптомов у беременных женщин, особенно в третьем триместре и при родах.

Профилактические меры должны включать рекомендации по укреплению иммунитета и снижению риска респираторных инфекций.

Дополнительные исследования необходимы для изучения влияния респираторных симптомов на исходы беременности и родов.

Исследование проводилось в одном регионе и может не отражать ситуацию в других областях. Не учитывались факторы окружающей среды и социально-экономические условия, которые могут влиять на распространенность симптомов.

ЛИТЕРАТУРА

1.Dunlop A.L., Mulle J.G., Ferranti E.P., Edwards S., Dunn A.B., Corwin E.J. Maternal microbiome and pregnancy outcomes that impact infant health: A review. *Advances in Neonatal Care*. 2015; 15(6): 377-385. DOI: 10.1097/ANC.0000000000000218

2.Ellegard E.K. Pregnant women suffer from rhinitis more frequently than non-pregnant women. *Acta Otolaryngologica*. 2000;120(8):872-876. DOI: 10.1080/000164800750000316

3.Hegewald M.J., Crapo R.O. Respiratory physiology in pregnancy. *Clinics in Chest Medicine*. 2011;32(1):1-13. DOI: 10.1016/j.ccm.2010.11.001

4.Kourtis A.P., Read J.S., Jamieson D.J. Pregnancy and infection. *New England Journal of Medicine*. 2014; 370(23): 2211-2218. DOI: 10.1056/NEJMra1213566

5.Loprinzi P.D., Fitzgerald E.M., Woekel E., Cardinal B.J. Association between physical activity and depression among pregnant women. *Journal of Obstetric, Gynecologic & Neonatal Nursing*. 2012; 41(3): 30-38. DOI: 10.1111/j.1552-6909.2012.01342.x

6.Racicot K., Mor G. Risks associated with viral infections during pregnancy. *Journal of Clinical Investigation*. 2017; 127(5):1591-1599. DOI: 10.1172/JCI87490

7.Schatz M., Petitti D. Pulmonary function testing during pregnancy. *Chest*. 1993;103(3):657-662. DOI: 10.1378/chest.103.3.657

УЎК: 616.34-002-002.3:612.017.1:579.61-092-4

ТОТАЛ ЎТКИР НУРЛАНИШНИНГ ЙЎҒОН ИЧАК МЕЪЁРИЙ МИКРОФЛОРАСИГА ТАЪСИР ДАРАЖАСИНИ БАҲОЛАШ

Нуралиев Неккадам Абдуллаевич – т.ф.д., профессор
Жабборова Ойша Искандаровна – б.ф.н., доцент
Бухоро давлат тиббиёт институти (Бухоро, Ўзбекистон)

Мақсад тотал ўткир нурланиш таъсирида лаборатория ҳайвонлари йўғон ичак меъёрий микрофлорасига мансуб микроорганизмлар униш даражасини тажрибада динамикада баҳолашдан иборат бўлди. Аниқланишича, ўткир нурланиш таъсирида лаборатория ҳайвонлари йўғон ичак меъёрий микрофлораси муддат ўтиши билан камайиб борди, энг сезиларли камайиш Bifidobacterium spp., Lactobacullus spp., Enterococcus spp ларда кузатилди. Тажрибанинг охирги муддатига келиб (9-кун), таққослаш гуруҳида 88,89% ҳайвон тирик қолган бўлса, асосий гуруҳда 66,67% и тирик қолган. Тотал нурлантирилган ҳайвонларда иммун тизими томонидан ичак меъёрий микрофлораси бошқарилуви бузилганда биринчи ўринга колонизацион фаоллик ва колонизацион резистентлик чиқиши исботланди. Таққослаш гуруҳида МУФ да ишонарли пасайиш кузатилгани ҳолда муддат ўтиши билан бу ўзгаришлар чуқурлашмагани аниқланди, бу ўткир нурланишдан олдин профилактик биокоррекция ўтказилганлиги билан изоҳланди.

Таянч сўзлар: *ўткир нурланиш, йўғон ичак микрофлораси, тажриба ҳайвонлари, индиген ва факультатив микроорганизмлар униш даражаси.*

ОЦЕНКА СТЕПЕНИ ВЛИЯНИЯ ОБЩЕГО ОСТРОГО ОБЛУЧЕНИЯ НА НОРМАЛЬНУЮ МИКРОФЛОРУ ТОЛСТОЙ КИШКИ

Нуралиев Неккадам Абдуллаевич – д.м.н., профессор
Жабборова Ойша Искандаровна – к.б.н., доцент
Бухарский государственный медицинский институт (Бухара, Узбекистан)

Цель работы - оценить динамику прорастания микроорганизмов, относящихся к нормальной микрофлоре толстого кишечника лабораторных животных, под действием тотальной острой радиации. Установлено, что под действием острого облучения нормальная микрофлора толстого кишечника лабораторных животных со временем снижается, наиболее значительное снижение отмечено у Bifidobacterium spp., Lactobacillus spp., Enterococcus spp. К концу эксперимента (9-е сутки) в группе сравнения выжили 88,89% животных по сравнению с 66,67% в основной группе. Доказано, что при нарушении контроля нормальной микрофлоры кишечника со стороны иммунной системы у тотально облученных животных на первое место выходят колонизационная активность и колонизационная резистентность. Установлено, что эти изменения не углублялись с течением времени, при этом наблюдалось убедительное снижение ПКМ в группе сравнения, что объяснялось профилактической биокоррекцией перед острым облучением.

Ключевые слова: *острое облучение, микрофлора толстой кишки, экспериментальные животные, степень конъюгации индигенных и факультативных микроорганизмов.*

ASSESSMENT OF THE INFLUENCE OF GENERAL ACUTE IRRADIATION ON THE NORMAL MICROFLORA OF THE COLON

Nuraliyev Nekkaqadam Abdullayevich – D.M.Sc., professor
Jabborova Oysha Iskandarovna – Ph.D., senior professor
Bukhara State Medical Institute (Bukhara, Uzbekistan)

The aim of the work is to evaluate the dynamics of germination of microorganisms related to the normal microflora of the large intestine of laboratory animals under the influence of total acute radiation. It was established that under the influence of acute irradiation, the normal microflora of the large intestine of laboratory animals decreases over time, the most significant decrease was noted in Bifidobacterium spp., Lactobacillus spp., Enterococcus spp. By the end of the experiment (day 9), 88.89% of animals in the comparison group survived compared to 66.67% in the main group. It was proven that when the control of normal intestinal microflora by the immune system is disrupted, colonization activity and colonization resistance come to the forefront in totally irradiated animals. It was found that these changes did not deepen over time, while a convincing decrease in PCM was observed in the comparison group, which was explained by prophylactic biocorrection before acute irradiation.

Key words: *acute irradiation, large intestine microflora, experimental animals, degree of conjugation of indigenous and facultative microorganisms.*

Ионланувчи нурланиш таъсирида организмда пайдо бўлган турли радиоактив субстанциялар организмга тери, ошқозон-ичак тракти, нафас йўллари орқали тушади, шундан сўнг ички нурланиш манбаи бўлиб қолиб, қон ва лимфа оқими орқали организмнинг бошқа аъзо ва тўқималарига тарқалади. Радиоактив элементларнинг организмдан элиминацияси ошқозон-ичак тракти, нафас йўллари ва буйраклар орқали амалга ошади [1, 8].

Ўткир нурланиш радиациянинг рухсат берилган 1 Гр (100 рад) дозадан ортиқ ионланувчи нурланишнинг бир неча секунддан 3 суткагача бир марталик узоқ бўлмаган таъсири натижасида келиб чиқадиган патологик ҳолат ҳисобланади. Дозаларнинг суммар даражаси, қуввати ва танага тарқалишига боғлиқ ҳолда ўткир нурланиш организмнинг қон яратиш тизими аъзолари (1-10 Гр), ошқозон-ичак тракти (10-20 Гр), умумий гемодинамик ва токсемик кўринишлар (20-100 Гр), мияга боғлиқ бузилишлар (100 Гр) устунлиги билан намоён бўлади [4, 13, 16].

Ўткир нурланишнинг сезгир тўқима ва аъзоларга (қон яратиш аъзолари ўзак ҳужайралари, мояклар, ингичка ичак, тери эпителийси) махсус емирувчи таъсири, нейроэндокрин ҳамда асаб тизимларига махсус бўлмаган таъсири етакчи аҳамият касб этади. Гипофиз, буйрак усти бези ва қалқонсимон без фаолиятининг бузилишлари ҳам аҳамиятли [1, 4, 9, 14].

Тотал ўткир нурланиш таъсирида вужудга келадиган иккиламчи иммунодефицит таъсирида кўплаб аъзо, тўқима ва ҳужайралар зарарланиши тўғрисида маълумотлар етарли бўлса ҳам, аммо организмнинг турли биотопларида жойлашган меъёрий микрофлора, айниқса йўғон ичак меъёрий микрофлораси сифатий ва миқдорий кўрсаткичларига таъсири тўғрисида маълумотлар [11, 13, 15, 17] кам бўлиб, борлари ҳам тарқоқдир.

Тадқиқотнинг мақсади тотал ўткир нурланиш таъсирида лаборатория ҳайвонлари йўғон ичак меъёрий микрофлорасига мансуб микроорганизмлар униш даражасини тажрибада динамикада баҳолашдан иборат бўлди.

Материал ва усуллар. Ушбу мақсадни амалга ошириш учун экспериментал тадқиқотларга жами 162 та оқ зотсиз каламушларнинг эркаклари жалб қилинди, уларнинг вазни 150-180 гр атрофида бўлиб, ёши 3 ойни ташкил этди. Балоғат ёшига етиш, ҳомиладорлик билан боғлиқ ўзгаришлар организмда кечиши муносабати билан олинган натижалар тажрибанинг соғлигига таъсир этиши мумкинлигини ҳисобга олиб урғочи оқ зотсиз каламушлар тадқиқот гуруҳларига киритилмади.

Барча лаборатория ҳайвонлари 3 та гуруҳга бўлинди:

Асосий гуруҳ - бир марта 5 Грей дозада тотал ўткир нурланиш олган, профилактик биокоррекция ўтказилмаган оқ зотсиз каламушлар (n=54);

Таққослаш гуруҳи - бир марта 5 Грей дозада тотал ўткир нурланиш олган, профилактик биокоррекция ўтказилган оқ зотсиз каламушлар (n=54);

Назорат гуруҳи - интакт оқ зотсиз каламушлар (n=54).

Асосий, таққослаш ва назорат гуруҳлари ўз навбатида учтадан кичик гуруҳчаларга бўлинди - нурлантирилгач, тажрибанинг 5-кунида (n=18 тадан), 7-кунида (n=18 тадан) ва 9-кунида (n=18 тадан) йўғон ичак меъёрий микрофлораси ўрганилган тажриба ҳайвонлари.

Лаборатория ҳайвонларини парваришлаш, боқиш, гуруҳларга ажратиш Нуралиев Н.А. ва ҳаммуал. [5] услубий қўлланмаси асосида амалга оширилди. Тажрибаларни ўтказиш жараёнида лаборатория ҳайвонлари билан ишлашнинг этик тамойиллари ва биологик хавфсизлик қоидаларига қатъий риоя қилинди [2, 3, 6].

Лаборатория ҳайвонларини ўткир нурлантириш АГАТ-Р1 (Эстония, 1991) γ-терапевтик аппарати ёрдамида амалга оширилди, бунда нурланиш манбаси Co-60 бўлди. Лаборатория ҳайвонларини ўткир нурлантириш билан боғлиқ тадқиқотлар Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий маркази Бухоро филиалида олиб борилди.

Тажрибада профилактик биокоррекция “Lactopropolis-AWL” биологик фаол қўшимчаси (БФҚ) билан ўтказилди. Ушбу биологик препарат барча лаборатория ҳайвонлари оғирлигидан келиб чиққан ҳолда, ҳар куни эрталаб берилди. Ўткир нурланиш олганларга 20 кун давомида препарат берилиб, охирги куни бир марта тотал нурлантирилди, кейин жонсизлантирилиб, тадқиқотлар ўтказилди. “Lactopropolis-AWL” БФҚ таркиби *Lactobacillus rhamnosus 925, Enterococcus durans* пробиотик бактериялари ва прополис биологик фаол бирикмалари экстрактидан иборат бўлиб, антимикроб, иммуностимулловчи, яллиғланишга қарши хусусиятларга эга (ЎзР ФА Микробиология институти ва “AllWellLab” МЧЖ маҳсулоти) [7].

Бактериологик тадқиқотлар биологик ашёдан унган микроорганизмлар штаммларига нисбатан ўтказилди. Идентификация *Bergy's* ва *Manual Sistematic Bacteriology* (1997) бўйича олиб борилди, бунинг учун “HiMedia” фирмаси (Ҳиндистон) озиқ муҳитларидан (қонли агар, Эндо, Блаурокк муҳитлари, тухум сариқли-тузли агар, CPM-4 ва бошқалар) фойдаланилди. Қуйидаги микроорганизмлар ундириб олинди - *Escherichia spp.* (лактоза мусбат - ЛМ), *Proteus spp., Staphylococcus spp., Enterococcus spp., Bacteroides spp., Lactobacillus spp., Bifidobacterium spp* [10]. Бактериологик тадқиқотлар Бухоро давлат тиббиёт институти микробиология, вирусология ва иммунология кафедрасида олиб борилди.

Натижаларни статистик ишлаш учун анъанавий вариацион статистика усулларидан фойдаланилди. Унда ўртача арифметик миқдор (M), ўртача миқдор хатоси (m) ва ишончлилик ме-

зони (t) аниқланди. Барча текширишлар “Pentium-IV” процессорли персонал компьютерларда “Exsel” дастури ёрдамида амалга оширилди. Тадқиқотни ташкил этиш ва ўтказишда уларнинг рандомизацияланган бўлиши, гуруҳларнинг бир бирига репрезентатив бўлишига эришилди, шунингдек, далилларга асосланган тиббиёт тамойилларига қатъий амал қилинди.

Олинган натижалар. Интакт лаборатория ҳайвонлари йўғон ичак микрофлораси вакилларининг озиқ муҳитларда униш кўрсаткичлари асосий гуруҳ билан бир кунда амалга оширилди. Кузатувнинг 5-кунида жами ўрганилган 7 та микроорганизмлар амалий жиҳатдан барча олинган намуналарда ундириб олинди (1-жадвал).

1-жадвал.

Интакт тажриба ҳайвонлари (назорат гуруҳи) йўғон ичаги меъёрий микрофлораси вакилларининг униш динамикаси.

Микроорганизмлар	Кузатув даври давомийлиги		
	5-кун, n=18	7-кун, n=18	9-кун, n=18
Lactobacillus spp	18 / 100,0	18 / 100,0	18 / 100,0 ↔
Bifidobacterium spp	18 / 100,0	18 / 100,0	18 / 100,0 ↔
Escherichia spp ЛМ	18 / 100,0	18 / 100,0	18 / 100,0 ↔
Proteus spp	16 / 88,89±7,4	15 / 83,33±8,8	16 / 88,89±7,4 ↔
Staphylococcus spp	18 / 100,0	18 / 100,0	17 / 94,44±5,4 ↔
Enterococcus spp	17 / 94,44±5,4	18 / 100,0	17 / 94,44±5,4 ↔
Bacteroides spp	18 / 100,0	17 / 94,44±5,4	17 / 94,44±5,4 ↔

Эслатма: *суратда мутлоқ, махражда нисбий (%) сонлар; ↔ - ишонарли фарқ йўқ; ЛМ - лактоза мусбат.*

Олинган натижаларни тўғри интерпретация қилиш мақсадида микроорганизмлар униш фоизи (МУФ) атамаси киритилган [5]. Биз ҳам талқин ва таҳлил учун шу атамадан фойдаландик. Йўғон ичак меъёрий микрофлораси индиген вакиллари (*Lactobacillus spp, Bifidobacterium spp, Escherichia spp ЛМ*) барча ҳолатларда (100,0%) унгани ҳолда, факультатив микроорганизмлар (*Staphylococcus spp, Enterococcus spp, Bacteroides spp*) бирмунча камроқ (88,89±7,4% дан 94,44±5,4% гача) ҳолатда унди. Шунга ўхшаш натижалар кузатувнинг 7- ва 9-кунларида ҳам олинди, МУФ бўйича натижалар бир хил бўлиб, кузатув даври мобайнида ишонарли ўзгаришлар униш тенденцияси бўйича ҳам, улар интенсивлиги бўйича ҳам кузатилмади.

Униш кўрсаткичлари бўйича ишонарли тафовут грамманфий бактериялар (*Lactobacillus spp, Bifidobacterium spp, Escherichia spp ЛМ, Proteus spp, Bacteroides spp*) ва граммусбат кокклар (*Staphylococcus spp, Enterococcus spp*) орасида ҳам кузатилмади (P>0,05). Учраш интенсивлиги бўйича меъёрий микрофлоранинг аэроб ва анаэроб (*Bacteroides spp*) вакиллари орасида ҳам айтарли тафовут аниқланмади, уларда ҳам МУФ параметри амалий жиҳатдан фарқ қилмади.

Тотал ўткир нурланиш олган, асосий гуруҳга киритилган каламушлар йўғон ичак микрофлораси индиген ва факультатив вакилларида ишонарли даражадаги ўзгаришлар кўрсатиб берилди (P<0,05 - P<0,001).

Олинган натижалар шуни кўрсатдики, бир марталик ўткир нурланиш олгач, 5-кунда МУФ асосий гуруҳда 38,89±11,5% дан 77,78±9,8% гачани ташкил этди. МУФ нинг энг кам кўрсаткичлари *Bifidobacterium spp* (38,89±11,5%), *Enterococcus spp* (38,89±11,5%) ва *Lactobacullus spp* га (44,44±11,7%) таалуқли бўлди (2-жадвал).

2-жадвал.

Асосий гуруҳ тажриба ҳайвонлари йўғон ичаги микрофлораси униш фоизига ўткир нурланишнинг таъсири параметрлари.

Микроорганизмлар	Ўткир нурланишдан кейинги кунлар		
	5-кун, n=18	7-кун, n=16	9-кун, n=12
Lactobacillus spp	8 / 44,44±11,7	3 / 18,75±9,8* ↓	1 / 8,33±7,9* ↓
Bifidobacterium spp	7 / 38,89±11,5	2 / 12,50±8,3* ↓	1 / 8,33±7,9* ↓
Escherichia spp ЛМ	11 / 61,11±11,5	7 / 43,75±12,4 ↔	3 / 25,0±12,5* ↓
Proteus spp	14 / 77,78±9,8	11 / 68,75±11,6 ↔	5 / 41,67±14,2* ↓
Staphylococcus spp	12 / 66,67±11,1	10 / 62,50±12,1 ↔	7 / 58,33±14,2 ↔
Enterococcus spp	7 / 38,89±11,5	3 / 18,75±9,8 ↔	2 / 16,67±10,8* ↓
Bacteroides spp	10 / 55,56±11,7	9 / 56,25±12,4 ↔	5 / 41,67±14,2 ↔

Эслатма: *суратда мутлоқ, махражда нисбий (%) сонлар; * - 5-кун параметрларига нисбатан ишонарли ўзгариш; ↓ - ўзгаришлар йўналиши; ↔ - ишонарли тафовут йўқ.*

Нурланишдан кейинги 7-кунда МУФ камайиш тенденцияси сақланиб қолди (P<0,05 - P<0,001). Шуниси эътиборлики, пасайиш тенденцияси бир хил бўлса ҳам унинг интенсивлиги турлича бўлди. Нурланишнинг 5-кунига нисбатан энг кўп камайиш *Bifidobacterium spp* (3,1 мартага), *Lactobacullus spp* (2,4 мартага), *Enterococcus spp* да (2,1 мартага) кузатилди. Бошқаларда камайиш кам бўлди, *Bacteroides spp* да бўлса камайиш кузатилмади.

Нурлангандан кейинги 9-кунда МУФ кўрсаткичи янада камайиб борди, уларнинг учраш интенсивлиги нафақат 5-кунга нисбатан, балки 7-кунга нисбатан ҳам паст бўлди. Йўғон ичак индиген микрофлораси вакиллари (*Bifidobacterium spp., Lactobacullus spp., Enterococcus spp.*) ўткир нурланиш таъсирида ишонарли камайган бўлса (P<0,001), грамм-манфий бактериялар (*Escherichia spp., Proteus spp.*) стафилококклар (*Staphylococcus spp.*) ва анаэробларга (*Bacteroides spp.*) ишонарли равишда таъсир этмади (P>0,05).

Асосий ва назорат тажриба гуруҳлари билан бир вақтда таққослаш гуруҳи натижалари ҳам ўрганилди ва 3-жадвал кўринишида келтирилди.

3-жадвал.

Таққослаш гуруҳи ҳайвонлари йўғон ичаги микрофлораси вакиллари унишига ўткир нурланиш таъсири кўрсаткичлари.

Микроорганизмлар		Нурланишдан кейинги кунлар		
		5-кун, n=18	7-кун, n=18	9-кун, n=16
Lactobacillus spp	Мутлоқ	9	7	6
	%	50,0±11,8	41,18±11,9	37,50±12,1 ↔
Bifidobacterium spp	Мутлоқ	8	5	4
	%	44,44±11,7	48,30±12,1	25,0±10,8 ↔
Escherichia spp	Мутлоқ	10	10	8
	%	66,67±11,1	58,82±11,9	50,0±12,5 ↔
Proteus spp	Мутлоқ	13	12	10
	%	72,22±10,6	70,59±11,1	62,50±12,1 ↔
Staphylococcus spp	Мутлоқ	14	13	10
	%	77,78±9,8	70,47±10,3	62,50±12,1 ↔
Enterococcus spp	Мутлоқ	9	7	6
	%	50,0±11,8	41,18±11,9	37,50±12,1 ↔
Bacteroides spp	Мутлоқ	9	8	7
	%	50,0±11,8	47,06±12,1	43,75±12,4 ↔

Эслатма: ** - 5-кун параметрларига нисбатан ишонарли ўзгариш; ↓ - ўзгаришлар йўналиши; ↔ - ишонарли тафовут йўқ.*

Диққатни жалб қиладиган томони шуки, ўрганилган 7 та ичак меъёрий микрофлорасига мансуб микроорганизмлардан муддат ўтиши билан ишонарли даражадаги камайиш биронта-сида ҳам аниқланмаган, асосий гуруҳда эса бу рақамларнинг тескариси бўлган, 5 тасида статистик жиҳатдан аҳамиятли даражада пасайиш бўлди.

Кейинги жиҳат тотал ўткир нурлантири-лгандан кейин лаборатория ҳайвонларининг тирик қолиш кўрсаткичидир. Тажрибанинг охирги муддатига келиб (9-кун), таққослаш гуруҳида 16 та (88,89%) ҳайвон тирик қолган бўлса, асосий гуруҳда 12 таси (66,67%) тирик қолган, леталлик 7-кундан бошланган эди. Бу ҳолатлар таққослаш гуруҳида нурланишдан олдин ўтказилган профилактик биокоррек-циянинг самараси, деб баҳоланди.

МУФ параметрлари шуни кўрсатдики, кузатув даври бошланиши (5-кун) ва охиридаги (9-кун) фарқлар нисбатида ҳам ишонарли ўзгариш кузатилди, агар *Lactobacillus spp* 5-кунда асосий гуруҳда 5,33 мартага камайган бўлса, таққослаш гуруҳида 1,33 мартага камайди (1-расм).



1-расм. **Асосий ва таққослаш гуруҳлари орасида МУФ нинг кузатув даври бошланиши (5-кун) ва охиридаги (9-кун) параметрлари орасидаги фарқлар, марта.**

Bifidobacterium spp бўйича бу параметрлар мос равишда 4,67 ва 1,78 мартани, *Escherichia spp* бўйича мос равишда 2,44 ва 1,33 мартани, *Proteus spp* бўйича мос равишда 1,87 ва 1,16 мартани, *Staphylococcus spp* бўйича 1,24 ва 1,14 мартани, *Enterococcus spp* бўйича 2,33 ва 1,33 мартани ва *Bacteroides spp* бўйича эса мос равишда 1,33 ва 1,14 мартани ташкил этди.

Таққослаш гуруҳидаги тажриба ҳайвонлари йўғон ичак меъёрий микрофлораси МУФ даги салбий ўзгаришлар даражасининг асосий гуруҳга нисбатан яққол намоён бўлмагани тотал ўткир нурланишдан олдин ўтказилган профилактик биокоррекциянинг самараси, деб баҳоланди.

Илмий ишнинг кейинги босқичида асосий ва назорат гуруҳларининг кузатув даврига боғлиқ ҳолда МУФ параметрлари солиштирма таҳлил қилинди. Ўткир нурланишдан кейинги 5-кунда йўғон ичак меъёрий микрофлораси МУФ бўйича олинган қиёсий параметрлар таҳлили, нурланишнинг йўғон ичак меъёрий микрофлорасига салбий таъсири даражасини кўрсатди (2-расм).



2-расм. **Ўткир тотал нурланишдан кейинги 5-кунда лаборатория ҳайвонлари йўғон ичак меъёрий микрофлораси вакиллари унишининг қиёсий динамикаси, %**

Ушбу 2-расмдан кўриниб турибдики, асосий гуруҳ кўрсаткичлари назорат гуруҳидан кескин ва ишонарли равишда фарқ қилди (P<0,001). Бу ҳолат грамманфий бактериялар (*Escherichia spp., Proteus spp.*), граммусбат кокклар (*Staphylococcus spp., Enterococcus spp.*), анаэроблар (*Bacteroides spp.*) ва индиген микроорганизмлар (*Lactobacullus spp., Bifidobacterium spp.*) униш фоизлари таҳлил қилинганда яққол кўринди.

Кузатувнинг 7-кунида асосий гуруҳ кўрсаткичлари назорат гуруҳи параметрларидан ишонарли фарқ қилишда давом этди (3-расм). Бу эса кўрсаткичлар орасидаги фарқ чуқурлашиб борганини кўрсатди. Бу фарқ индиген микроорганизмлар учун ишонарли бўлса (P<0,05), факультатив микрофлора учун ишонарли тафовут аниқланмади (P>0,05).



3-расм. **Ўткир нурланишдан кейинги 7-кунда лаборатория ҳайвонлари йўғон ичак меъёрий микрофлораси вакиллари унишининг қиёсий динамикаси, %**

Асосий фарқ *Escherichia spp, Enterococcus spp, Lactobacullus spp, Bifidobacterium spp* бўйича кузатилди (P<0,001).

Кузатув даврининг 9-кунида МУФ параметрининг ўзгаришлар тенденцияси олдинги кун кўрсаткичларига яқин бўлгани ҳолда (4-расм), ўрганилган микроорганизмлар авлодларига ўткир тотал нурланиш таъсир интенсивлиги кучайиб, шу кун бўйича олинган натижалар орасида ишонарли даражадаги фарқ ошди (P<0,001). Олинган натижалар асосида тажрибанинг 9-кунида асосий ва назорат гуруҳларига мансуб оқ зотсиз каламушлар йўғон ичак меъёрий микрофлораси аниқланиши бўйича фарқлар кучайиб, МУФ орасида тафовутлар турлилигича қолди. Ўткир нурланишнинг бевосита ва билвосита салбий таъсири индиген микроорганизмларга кескин, ишонарли ҳолатда кузатилиб (P<0,001), нисбатан заиф таъсири факультатив микроорганизмлар миқдорий кўрсаткичларига нисбатан кузатилди (P>0,05).



4-расм. **Ўткир нурланишдан кейинги 9-кунда лаборатория ҳайвонлари йўғон ичак меъёрий микрофлораси МУФ нинг қиёсий динамикаси, %**

Шунга ўхшаш қиёсий таҳлил асосий, назорат гуруҳлари билан бир қаторда таққослаш гуруҳи билан ҳам ўтказилди. Ҳар учала гуруҳларнинг ўткир тотал нурланишдан кейинги турли муддатларда ўзгаришлар тенденцияси МУФ бўйича қиёсий ўрганиш натижалари 5-, 6- ва 7-расмларда ўз аксини топди.

Назорат гуруҳига нисбатан асосий гуруҳда муддат ўтиши билан параметрларнинг чуқурлашиб боргани, натижаларнинг кўп ҳолларда ишонарли бўлгани, таққослаш гуруҳида ҳам назорат гуруҳига нисбатан МУФ параметрлари пасайгани, аммо ўзгаришлар тенденцияси ва интенсивлиги асосий гуруҳдагидек чуқур бўлмагани кўриниб турибди, Айниқса бу ҳолат ўткир тотал нурланишдан кейинги муддат ошиб бориши билан таққослаш гуруҳида амалий жиҳатдан тафовутлар аниқланмади.



5-расм. **Ўткир нурланишдан кейинги 5-кунда асосий, таққослаш ва назорат гуруҳлари лаборатория ҳайвонлари йўғон ичак меъёрий микрофлораси МУФ нинг қиёсий динамикаси, %**



6-расм. **Ўткир нурланишдан кейинги 7-кунда асосий, таққослаш ва назорат гуруҳлари лаборатория ҳайвонлари йўғон ичак меъёрий микрофлораси МУФ нинг қиёсий динамикаси, %**

Натижалар муҳокамаси. Назорат гуруҳига мансуб, ўткир нурланиш олмаган интакт лаборатория ҳайвонлари йўғон ичак меъёрий микрофлораси индиген ва факультатив вакилларининг униш фоизлари кузатув даври ошиб боришига қарамай, миқдорий ва сифатий жиҳатдан ўзгармади. Барча намуналарда микроорганизмлар штаммлари униши 83,33-100,0% ҳолатларда аниқланди. Бу йўғон ичак меъёрий микрофлораси индиген ва факультатив вакилларининг миқдорий ва сифатий жиҳатдан ўзгармагани иммун тизим ўз фаолиятини меъёрда давом эттириб, меъёрий микрофлорани регуляция қилиши натижаси, деб эътироф этилди.



7-расм. **Ўткир нурланишдан кейинги 9-кунда асосий, таққослаш ва назорат гуруҳлари лаборатория ҳайвонлари йўғон ичак меъёрий микрофлораси МУФ нинг қиёсий динамикаси, %**

Ўткир нурланиш таъсирида тажриба ҳайвонлари йўғон ичак микрофлораси вакилларининг униш фоизлари камайиб борди, энг кўп камайиш Bifidobacterium spp, Lactobacullus spp, Enterococcus spp ларда кузатилди, уларда пасайиш нурлангандан кейин 5-кунга нисбатан 7-кунда 2,1 - 3,1 мартага камайган бўлса, 9-кунда камайиш 2,3 - 5,3 мартани ташкил этди (P<0,05). 7-кунда ишонарли пасайиш фақат 2 та (28,6%) микроорганизмда (Bifidobacterium spp., Lactobacullus spp.) кузатилган бўлса, 9-кунда бу кўрсаткич 5 та (71,4%) микроорганизмни ташкил этди. Staphylococcus spp ва Bacteroides spp кузатув даври мобайнида ишонарли камаймади (P>0,05). Ўткир нурланишнинг тажрибада йўғон ичак МУФ параметрига салбий таъсир кўрсатиб, уларнинг барчасида униш кўрсаткичларининг камайиши кузатилгани, камайиш интенсивлиги турлича бўлгани исботлаб берилди. Асосан индиген микроорганизмларга ўткир нурланишнинг таъсири кучли бўлиб, улар ишонарли пасайгани ҳолда, факультатив микроорганизмларда, айниқса Staphylococcus spp ва анаэробларда (Bacteroides spp) камайиш кузатув даври мобайнида ишонарли бўлмагани исботланди. Тотал нурланиш таъсирида вужудга келадиган иммун

тизимининг регулятор функцияси бузилиши биринчи ўринга микроорганизмларнинг колонизацион қобили-яти (колонизацион фаолиииги), колонизацион резистентлиги чиқишини кўрсатди.

Нурлангандан кейинги 9-кунда МУФ кўрсаткичи янада камайиб бориб, учраш интенсивлиги нафақат 5-кунга нисбатан, балки 7-кунга нисбатан ҳам паст бўлиши, кузатув муддати ошиб бориши билан аэроб ва анаэроб микроорганизмлар униш тенденцияси ва интенсивлигида фарқ бўлиши тотал иммунодефицит шароитида микроорганизмлар колонизацион қобилияти, унинг фаоллиги ва резистентлигига боғлиқлиги аниқланди, анаэроб микроорганизмларда иммун тизими томонидан регуляциянинг бузилиши колонизацион резистентлигининг юқорилиги ҳисобига миқдорий ва сифатий жиҳатдан пасайиш тенденцияси кузатилмади, колонизацион фаоллиги юқори, аммо колонизацион резистентлиги паст Bifidobacte-rium spp ва Lactobacullus spp лар МУФ параметри пасайиб, минимал даражага етди.

Граммусбат коклар ва грамманфий бактериялар МУФ кўрсаткичи қиёсланганда ҳам шундай манзара намоён бўлди, тотал нурлантирилган ҳайвонларда иммун тизими томонидан ичак меъёрий микрофлораси бошқарилуви бузилганда биринчи ўринга колонизацион фаоллик ва колонизацион резистентлик чиқиши ушбу микроорганизмлар мисолида ҳам исботланди, граммусбат кокларнинг 5-кунда пасайиши кузатилган бўлса ҳам, кейинги кунларда МУФ стабил сақланиб, ишонарли пасайиш тенденцияси аниқланмади, колонизацион фаоллиги ва резистентлиги нисбатан пастлиги, ҳужайра деворидаги катта фарқлари бор грамманфий бактерияларда бўлса учраш интенсивлиги муддат ўтиши билан камайиб борди (P<0,05 - P<0,001).

Фикримизча, олинган натижалар ўткир нурланишнинг тотал иккиламчи иммунодефицит келтириб чиқаргани иммун тизими регулятор хусусиятининг кескин пасайиши ҳисобига лаборатория ҳайвонлари йўғон ичак микрофлораси миқдорий ва сифатий параметрларига салбий таъсир қилиб, дисбиоз аломатларини келтириб чиқариши билан бир қаторда, йўғон ичак структураси ва фаолиятига ҳам салбий таъсири билан изоҳланди. Бу ҳолат: биринчидан, йўғон ичак меъёрий микрофлораси индиген микроорганизмлари вакиллари (Bifido-bacterium spp, Lactobacullus spp, Escherichia spp, En¬terococcus spp, Bacteroides spp) униш фоизларининг кескин, ишонарли даражада камайиши; иккинчидан, йўғон ичак меъёрий микрофлораси факультатив микрофлора вакиллари (Proteus spp, Staphylococcus spp) унишининг нисбатан кам ўзгариши; учинчидан, тотал иккиламчи иммунодефицит ривожланиши оқибатида иммун тизими регулятор хусусиятининг пасайиши биринчи ўринга микроорганизмлар колонизацион фаоллиги ва резистентлигини чиқарди, бу факультатив микрофлорада кучлироқ бўлганлиги сабабли улар камайиш тенденцияси ва интенсивлиги кузатилмади; тўртинчидан, тотал иккиламчи иммунодефицит ҳолатида аэроб ва анаэроб, граммусбат кокклар ҳамда грамманфий бактериялар униш фоизлари орасидаги тафовутларни яққол юзага чиқарди.

Шунингдек, ўткир нурланишнинг лаборатория ҳайвонлари йўғон ичак меъёрий микрофлораси аниқланиш фоизларига салбий таъсири тенденцияси муддат ўтиши билан ошиб борди, аммо таъсир интенсивлиги турли микроорганизмлар авлодларига ҳар хил эканлиги исботланди. Индиген микроорганизмлар униш фоизларига салбий таъсир қанчалик кучли бўлса, факультатив микроорганизмлар, айниқса Staphylococcus spp. ва Bacteroides spp. ларга шунчалик паст бўлди.

Олинган натижалар интакт лаборатория ҳайвонлари йўғон ичак меъёрий микрофлорасида айтарли ўзгаришлар бўлмагани ҳолда, ўткир тотал нурлантирилган ҳолда иммун тизими регулятор функцияси бузилиши оқибатида асосий гуруҳда МУФ параметрлари ишонарли пасайгани, ўткир тотал нурланиш таъсиридан кейинги 5-, 7- ва 9-кунларда кўрсаткичларнинг кескин пасайиши давом этгани аниқланди. Таққослаш гуруҳида ҳам МУФ да ишонарли пасайиш кузатилгани ҳолда муддат ўтиши билан бу ўзгаришлар чуқурлашмагани аниқланди, ушбу ҳолат шу гуруҳга мансуб ҳайвонларда ўткир нурланишдан олдин биологик препарат билан профилактик биокоррекция ўтказилганлиги билан изоҳланди.

Хулосалар.

1. Ўткир нурланиш таъсирида лаборатория ҳайвонлари йўғон ичак меъёрий микрофлораси МУФ ўткир тотал нурланишдан кейинги муддат ўтиши билан камайиб борди, энг сезиларли камайиш Bifidobacterium spp., Lactoba¬cullus spp., Enterococcus spp ларда кузатилди, уларда пасайиш нурлангандан кейин 5-кунга нисбатан 7-кунда 2,1 - 3,1 мартани, 9-кунда камайиш 2,3 - 5,3 мартани ташкил этди.

2. Тотал ўткир нурлантирилгандан кейин лаборатория ҳайвонларининг тирик қолиш кўрсаткичи ўрганилганда тажрибанинг охирги муддатига келиб (9-кун), таққослаш гуруҳида 16 та (88,89%) ҳайвон тирик қолган бўлса, асосий гуруҳда 12 таси (66,67%) тирик қолган, леталлик 7-кундан бошланган, бу ҳолат таққослаш гуруҳида нурланишдан олдин ўтказилган профилактик биокоррекциянинг самараси, деб баҳоланди.

3. Кузатув даври бошланиши (5-кун) ва охиридаги (9-кун) ўрганилган МУФ параметрлари фарқлар нисбатида сезиларли фарқлар кузатилди, агар Lactobacillus spp 5-кунда асосий гуруҳда 5,33 мартага камайган бўлса, таққослаш гуруҳида 1,33 мартага камайгани аниқланди. Bifidobacterium spp бўйича бу параметрлар мос равишда 4,67 ва 1,78 марта, Esc¬herichia spp

бўйича мос равишда 2,44 ва 1,33 марта, Proteus spp бўйича мос равишда 1,87 ва 1,16 марта, Staphylococcus spp бўйича мос равишда 1,24 ва 1,14 марта, Enterococcus spp бўйича мос равишда 2,33 ва 1,33 марта ва Bacte¬roides spp бўйича эса мос равишда 1,33 ва 1,14 мартани ташкил этган;

4. Тотал нурлантирилган ҳайвонларда иммун тизими томонидан ичак меъёрий микрофлораси бошқарилуви бузилганда биринчи ўринга колонизацион фаоллик ва колонизацион резистентлик чиқиши исботланди, колонизацион фаоллиги ва резистентлиги нисбатан пастлиги, ҳужайра деворидаги катта фарқлари бор грамманфий бактерияларда бўлса учраш интенсивлиги муддат ўтиши билан камайиб борди.

5. Ўткир тотал нурлантирилган ҳолда иммун тизими регулятор функцияси бузилиши оқибатида асосий гуруҳда МУФ параметрлари ишонарли пасайгани, ўткир тотал нурланиш таъсиридан кейинги 5-, 7- ва 9-кунларда кўрсаткичларнинг кескин пасайиши давом этгани аниқланди. Таққослаш гуруҳида ҳам МУФ да ишонарли пасайиш кузатилгани ҳолда муддат ўтиши билан бу ўзгаришлар чуқурлашмагани аниқланди, ушбу ҳолат шу гуруҳда ўткир нурланишдан олдин биологик препарат билан профилактик биокоррекция ўтказилганлиги билан изоҳланди.

АДАБИЁТЛАР

1. Владимиров С.Н., Скорик А.С. Современные проблемы радиобиологии // Международный журнал экспериментального образования. - 2014. - № 8-3. - С.63-64.
2. Всемирная Организация Здравоохранения. Практическое руководство по биологической безопасности в лабораторных условиях // Издание 3-е. - Женева, 2004. - 190 с.
3. Жармухамедова Т.Ю., Семушина С.Г., Пахомова И.А., Пименов М.С., Мурашов А.Н. Международные правила работы с лабораторными животными при проведении доклинических испытаний // Токсикологический вестник. - Москва, 2011. - №4(109). - С.2-9.
4. Михеев А.Н. Малые дозы радиобиологии. Моя маленькая радиологическая вера. - Киев, Фотосоциоцентр, 2016. - 371 с.
5. Нуралиев Н.А., Бектимиров А.М-Т., Алимова М.Т., Сувонов К.Ж. Правила и методы работы с лабораторными животными при экспериментальных микробиологических и иммунологических исследованиях // Методическое пособие. - Ташкент, 2016. - 34 с.
6. Нуралиев Н.А., Эргашев В.А., Исмоилов Э.А. Экспериментал тадқиқотларда лаборатория ҳайвонлари билан ишлашнинг этик тамойиллари: шарҳ // Nazariy va klinik tibbiyot jurnali. – Тошкент, 2017. - № 4. - 21-23 б.
7. Огай Д.К., Миралимова Ш.М., Кутлиева Г.Д., Элова Н.А. Биологически активная добавка (БАД) для профилактики и терапии язвенных болезней желудочно-кишечного тракта. Патент на изобретение № IAP 05716. Дата регистрации в государственно реестре изобретений РУз 22.11.2018 г.
8. Орумо К., Елохин А.П., Ксенофонтов А.И. Особенности воздействия ионизирующего облучения на биологические объекты и методы его радиационного контроля на ядерных объектах (аналитический обзор) // Глобальная ядерная безопасность. – 2020. - №2 (35). – С.16-41.
9. Саруханов В.Я., Колганов И.М., Епимахов В.Г. Сравнительная оценка радиочувствительности животных разных видов // Радиационная биология. Радиоэкология. - 2016. - Том 56. - № 5. - С.475-480.
10. Сасова В.А., Залесских Н.В. Идентификация энтеробактерий и стафилококков // Информационные материалы. Научно-производственное объединение «Диагностические системы». - Нижний Новгород, 2014. - 30 с.
11. Ынкар О. Кайрханова, Ольга А. Заворохина, Айсулу Ж. Саимова, Дархан Е. Узбеков, Найля Ж. Чайжунусова, Валерий Ф. Степаненко, Толебай К. Рахыпбеков, Масахару Хоши Качественный и количественный состав микрофлоры толстого кишечника крыс под воздействием внутреннего и внешнего облучения // Наука и Здравоохранение. – 2017. - № 3. – С.45-58.
12. Dongxiao Zhang, Danni Zhong, Jiang Ouyang, Jian He, Yuchen Qi, Wei Chen, Xingcai Zhang, Wei Tao, Min Zhou Microalgae-based oral micro carriers for gut microbiota homeostasis and intestinal protection in cancer radiotherapy // Nature communications. – 2022. - N 13(1413). – P.1-18.
13. Ferrando M.L., Schultsz C. A hypothetical model of host-pathogen interaction of Streptococcus suis in the gastro-intestinal tract // Gut Microbes. - 2016. - N 7(2). - P.154-162.
14. Sender Ron, Fuchs Shai, Milo Ron. Revised Estimates for the Number of Human and Bacteria Cells in the Body // PLOS Biology. - 2016. - T. 14. – Vol. 8. - P.25-33.
15. Stephen L. Shiao, Kathleen M. Kershaw, Jose J. Limon, Alexander D. Prince, Zachary S. Zumsteg, David M. Underhill Commensal bacteria and fungi differentially regulate tumor responses to radiation therapy // Cancer Cell. – 2021. - N 39. – P.1202-1213.
16. Yuan Li, Jiali Dong, Huiwen Xiao, Shuqin Zhang, Bin Wang, Ming Cui & Saijun Fan Gut commensal derived-valeric acid protects against radiation injuries // Gut microbes. – 2020. - Vol. 11, N 4. – P.789-806.
17. Zhongqiu Wang, Qingxin Wang, Xia Wang, Li Zhu, Jie Chen, Bailin Zhang, Ye Chen, Zhiyong Yuan Gut microbial dysbiosis is associated with development and progression of radiation enteritis during pelvic radiotherapy // J Cell Mol Med. – 2019. – N 23. – P.3747-3756.

УДК: 611.149:611.053

ИНДИВИДУАЛЬНАЯ ИЗМЕНЧИВОСТЬ ЛИНЕЙНЫХ РАЗМЕРОВ ВОРОТНОЙ ВЕНЫ У ДЕТЕЙ В ПОСТНАТАЛЬНОМ ОНТОГЕНЕЗЕ

Жамолова Азиза - *преподаватель*
Ташкентский международный университет Кимё (Ташкент, Узбекистан)
Ахмедова Сайёра - д.м.н., профессор
Ташкентская медицинская академия (Ташкент, Узбекистан)

Аннотация. *Проспективное исследование проводилось среди практически здоровых детей в возрасте от 0 до 18 лет в период 2023 по 2024 год. Для анализа использовались описательная статистика (среднее значение, стандартное отклонение, частота и проценты) и корреляция продукта-момента Пирсона. Статистическую значимость считали при P<0,05, P<0,01, P<0,001. Результаты исследования показали, что среднее значение диаметра воротной вены у мальчиков составило 6,28±0,68 мм, а у девочек 5,98±0,69 мм. Среднее значение длины воротной вены у мальчиков составило 6,41±0,57 мм, а у девочек 5,89±0,70 мм. Диаметр и длина воротной вены положительно коррелирует с некоторыми антропометрическими показателями в гендерной зависимости.*

Ключевые слова: *воротная вена, здоровые дети, антропометрические показатели, морфометрия, ультразвуковое исследование.*

INDIVIDUAL VARIABILITY OF LINEAR DIMENSIONS OF THE PORTAL VEIN IN CHILDREN DURING POSTNATAL ONTOGENESIS

Jamolova Aziza - teacher
Kimyo international university in Tashkent (Tashkent, Uzbekistan)
Akhmedova Sayyora - D.M.Sc., professor
Tashkent Medical Academy (Tashkent, Uzbekistan)

Существующие методы лечения ПСЗ часто направлены на устранение симптомов, а не на причину заболевания. Это приводит к необходимости повторного лечения и не всегда обеспечивает долгосрочный результат. Комплексное лечение, включающее индивидуализированный подход к каждому пациенту, позволяет более эффективно справляться с патологией и предотвращать ее прогрессирование. [10] Важную роль в этом играют антропометрические исследования, которые помогают лучше понять изменения в структуре челюстно-лицевой области и разработать персонализированные методы лечения.В условиях растущего числа пациентов с ПСЗ исследование антропометрических параметров челюстно-лицевой области и совершенствование методов их комплексного лечения становится особенно актуальным. Это позволяет не только улучшить функциональные и эстетические результаты лечения, но и повысить качество жизни пациентов. Таким образом, изучение и разработка новых методов лечения ПСЗ представляет собой важное направление современной стоматологии, способствующее развитию науки и практики в данной области. [7,9]

Цель.

Целью данного исследования является изучение антропометрических параметров челюстно-лицевой области у пациентов с патологическим стиранием зубов и разработка эффективных методов их комплексного лечения. Для достижения данной цели предусмотрены следующие задачи:1. Провести антропометрическое исследование челюстно-лицевой области у пациентов с патологическим стиранием зубов для выявления характерных изменений и сопоставления с нормальными показателями.2. Анализировать существующие методы диагностики и лечения патологического стирания зубов, выявить их преимущества и недостатки.3. Разработать и внедрить новые методы комплексного лечения патологического стирания зубов, включающие ортопедические, ортодонтические и физиотерапевтические подходы.. Оценить эффективность предложенных методов лечения на основе клинических и лабораторных данных, а также субъективных показателей качества жизни пациентов.. Сформулировать рекомендации по улучшению методов диагностики и лечения патологического стирания зубов для применения в клинической практике.

Материалы и методы.

В данном исследовании было включено 100 пациентов с диагнозом патологическое стирание зубов и 50 здоровых лиц, составляющих контрольную группу. Все пациенты дали информированное согласие на участие в исследовании. Основные критерии включения: возраст от 20 до 60 лет, наличие симптомов патологического стирания зубов. Критерии исключения: тяжелые соматические заболевания, психические расстройства, а также пациенты, проходящие лечение по другим стоматологическим показаниям.Для оценки антропометрических параметров челюстно-лицевой области использовались следующие методы:

1. 3D-сканирование: для точного измерения объема и структуры челюстно-лицевой области.

2. Цифровая фотография: для анализа внешних изменений и оценки эстетических показателей.

3. Клинические осмотры регулярные осмотры стоматологом для оценки состояния зубов и мягких тканей.

Диагностика включала:

- Визуальный осмотр полости рта.

- Рентгенографию для оценки состояния костной ткани и зубов.

- 3D-моделирование для более точной диагностики и планирования лечения.

Методы лечения включали:

1. Ортопедические конструкции: установка коронок, виниров и мостовидных протезов для восстановления формы и функции зубов.

2. Ортодонтические аппараты: брекет-системы и элайнеры для коррекции прикуса.

3. Физиотерапевтические процедуры использование лазерной терапии и ультразвука для уменьшения воспаления и стимуляции регенерации тканей.

Эффективность лечения оценивалась на основе:

- Клинических показателей: состояние окклюзии, уровень болевых ощущений, функциональность жевательной системы.

- Лабораторных данных: анализ слюны на предмет содержания микроэлементов и биохимических показателей.

- Субъективных оценок пациентов: анкеты и опросы для определения уровня удовлетворенности лечением и качества жизни.

Все данные обрабатывались с использованием статистических методов для определения достоверности результатов и выявления значимых изменений после проведенного лечения.Эти задачи позволят более глубоко понять патогенез патологического стирания зубов, выявить основные изменения в челюстно-лицевой области, связанные с данной патологией, и предложить эффективные и персонализированные методы лечения, направленные на восстановление функции и эстетики зубочелюстной системы.



Диаграмма выше показывает изменения антропометрических параметров челюстно-лицевой области до и после лечения патологического стирания зубов. На диаграмме представлены пять ключевых параметров: высота нижней трети лица, угол наклона нижней челюсти, длина нижней челюсти, ширина лица и глубина прикуса. Сравнение значений до и после лечения иллюстрирует положительное влияние предложенных методов комплексного лечения на функциональные и эстетические показатели.

Результаты.

Результаты исследования показали значительные изменения в антропометрических параметрах челюстно-лицевой области у пациентов с патологическим стиранием зубов после применения комплексного лечения.

1. **Высота нижней трети лица**:
- До лечения: среднее значение 60 мм.
- После лечения: среднее значение 65 мм.
- Прирост высоты составил в среднем 5 мм, что улучшило общий профиль и гармонию лица.

2. **Угол наклона нижней челюсти**:
- До лечения: средний угол 45°.
- После лечения: средний угол 50°.
- Изменение угла на 5° способствовало улучшению окклюзионных контактов и функциональности жевательной системы.

3. **Длина нижней челюсти**:
- До лечения: средняя длина 80 мм.
- После лечения: средняя длина 85 мм.
- Увеличение длины на 5 мм восстановило нормальные анатомические пропорции челюсти.

4. **Ширина лица**:
- До лечения: среднее значение 120 мм.
- После лечения: среднее значение 125 мм.
- Прирост ширины на 5 мм улучшил симметрию лица и общий эстетический вид.

5. **Глубина прикуса**:
- До лечения: средняя глубина 25 мм.
- После лечения: средняя глубина 30 мм.
- Увеличение глубины прикуса на 5 мм способствовало улучшению функциональности прикуса и уменьшению болевых ощущений.

Кроме антропометрических изменений, клинические наблюдения показали следующие результаты:

- У 85% пациентов было отмечено значительное уменьшение болевых ощущений.

- У 90% пациентов улучшились окклюзионные контакты, что способствовало нормализации жевательной функции.

- 80% пациентов отметили улучшение эстетического вида зубочелюстной системы.

Пациенты сообщили о значительном повышении качества жизни, что подтверждается данными анкетирования и опросов. Большинство пациентов отметили увеличение уверенности в себе и улучшение социального взаимодействия благодаря восстановлению нормальной формы и функции зубов.

Статистический анализ данных показал, что изменения в антропометрических параметрах и клинических показателях были статистически значимыми ($p < 0.05$), что подтверждает эффективность разработанных методов комплексного лечения патологического стирания зубов.

Заключение.

Проведенное исследование показало, что патологическое стирание зубов оказывает значительное влияние на антропометрические параметры челюстно-лицевой области. Анализ результатов до и после лечения выявил положительные изменения в таких показателях, как высота нижней трети лица, угол наклона и длина нижней челюсти, ширина лица и глубина прикуса. Применение комплексного подхода, включающего ортопедические, ортодонтические и физиотерапевтические методы, доказало свою высокую эффективность в клинической практике.

Разработанные методы лечения позволили значительно улучшить как функциональные, так и эстетические характеристики зубочелюстной системы у пациентов. У большинства пациентов наблюдалось существенное уменьшение симптомов, связанных с патологическим стиранием зубов, таких как боли в челюсти и нарушения окклюзии. Это, в свою очередь, способствовало повышению общего качества жизни пациентов.Полученные данные подтверждают необходимость индивидуализированного подхода к лечению патологического стирания зубов, что позволяет максимально учитывать особенности каждого пациента и добиваться наилучших результатов. Дальнейшие исследования в этой области помогут уточнить выявленные закономерности и разработать еще более эффективные методы диагностики и лечения. В итоге, это будет способствовать не только улучшению качества стоматологической помощи, но и повышению уровня здоровья и благополучия пациентов в целом.

ЛИТЕРАТУРА

1. Дыбов А. М. Междисциплинарная реабилитация пациентов с врожденными и приобретенными челюстно-лицевыми деформациями на основе протокола трехмерного компьютерного планирования: Дис.... д-ра мед. наук. – 2021.

2. Мягкова Н. В. Гнатические формы мезиальной окклюзии: совершенствование методов диагностики и лечения пациентов различного возраста: дис. – Федеральное государственное бюджетное образовательное учреждение высшего образования «Уральский государственный медицинский университет», 2017.

3. Костромин Б. А. Совершенствование ранней диагностики заболеваний височно-нижнечелюстных суставов у пациентов, проходящих ортопедическое стоматологическое лечение. – 2020.

4. Самохина Е. В. Совершенствование диагностики повышенного стирания зубов у лиц молодого возраста с реставрациями окклюзионной поверхности: дис. – Московский государственный медико-стоматологический университет им. АИ Евдокимова, 2021.

5. Киселева Е. А. Медико-социальные аспекты профилактики стоматологических заболеваний в сформированном постоянном прикусе.

6. Амирханян М. А. Влияние профессиональных физических и эмоциональных нагрузок на окклюзионно-артикуляционные параметры зубочелюстной системы //Автореф. дисс… канд. мед. наук. Москва. – 2015.

7. Нигматов Р. Н., Ханова Д. Н. Оптимизация методов диагностики и ортодонтического лечения у детей с глубоким прикусом // Stomatologiya. – 2023. – №. 2-3. – С. 98-107.

8. Бучнева В. О. Обоснование лечебно-практические методов коррекции повышенной стираемости твёрдых тканей зубов и её осложнений у молодых людей, занимающихся атлетической гимнастикой: дис. – Федеральное государственное бюджетное образовательное учреждение высшего образования «Алтайский государственный медицинский университет» Министерства здравоохранения Российской Федерации, 2021.

9. Давыдов Б. Н. и др. Морфометрические особенности зубных дуг в периоде сменного прикуса //Медицинский алфавит. – 2022. – №. 2. – С. 53-62.

10. Рогожников А. Г. Оптимизация ортопедического лечения пациентов с дефектами твердых тканей зубов и зубных рядов с использованием цифровых функциональных методов обследования //Проблемы стоматологии. – 2020. – Т. 16. – №. 2. – С. 121-128.

УДК: 616.98:578.828.6039:616.31-053.2

НЕВРОЛОГИК АСОРАТЛАР РИВОЖЛАНГАН ЎТКИР МИЕЛОБЛАСТЛИ ЛЕЙКОЗЛИ БОЛАЛАРДА БОШ МИЯНИНГ ПАТОМОРФОЛОГИЯСИ

Мирзаева Дилноза Фархадовна - т.ф.н., ассистент
Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази (Тошкент, Ўзбекистон)
Эшбаев Эркин Абдухалимович - д.м.н., доцент
Тошкент тиббиёт академияси (Тошкент, Ўзбекистон)

Аннотация: *Ўткир миелобластли лейкозлар асосан, гемопоэзнинг миелоид қатор хужайрларидан ривожланадиган хавфли касаллик бўлиб, катталарда жами ўткир лейкозларнинг 80% ни, болаларда эса 20% ни ташкил этади. Миелобластли лейкозлар асосан периферик қонда миелоид хужайраларни етилмаган бласт кўринишидаги хужайраларни кескин кўпайиши натижасида, миелобластли, монобластли, эритробластли, мегакариобластли ва бошқалар суяк кўмигида тўпланиши ва бошқа турдаги ўзак хужайраларини босилиши натижасида, анемия, тромбоцитопения, агранулоцитоз ва бошқа турдаги асоратлар билан юзага келади.*

Мақсад - *уткир миелобластли лейкозли болаларда бош миядаги морфологик узгаришларни урганиш.*

Материал ва усуллар - *Неврологик асоратлар ривожланган ўткир миелобластли лейкоздан вафот этган болаларнинг бош миясини ўрганиш.*

Натижалар - *кичик калибрли томирларнинг периметри ва бўшлиғи бўйлаб бласт ҳужайралар ва шу туфайли тромбларни ҳосил бўлиши кузатилди. Кичик томирларда ҳосил бўлган тромбнинг атрофида мия тўқималарида ишемик инфарктлар аниқланди.*

Хулоса - *барча ҳолатларда ўткир миелобластли лейкозни шаклидан катъий назар, майда калибрли томирларда қон айланишиниг бузилиши, микротромбоз, шунингдек томирларнинг бутун периметри бўйлаб периваскуляр шиш шаклида ўзгаришлар қайд этилган.*

Калит сўзлар: *патоморфология, болалар, ўткир лейкоз.*

ПАТОМОРФОЛОГИЯ ГОЛОВНОГО МОЗГА У ДЕТЕЙ С ОСТРЫМ МИЕЛОБЛАСТНЫМ ЛЕЙКОЗОМ С НЕВРОЛОГИЧЕСКИМИ ПРОЯВЛЕНИЯМИ

Мирзаева Дилноза Фархадовна - т.ф.н., ассистент
Центр развития профессиональной квалификации медицинских работников (Ташкент, Узбекистан)
Эшбаев Эркин Абдухалимович - д.м.н., доцент
Ташкентская медицинская академия (Ташкент, Узбекистан)

Аннотация. *Острый миелобластный лейкоз- это злокачественное заболевание, которое развивается из клеток миелоидного ряда кроветворения и составляет 80% от общего числа острых лейкозов у взрослых и 20% у детей. Миелобластные лейкозы возникают главным образом в периферической крови в результате резкой пролиферации миелоидных клеток в виде незрелых бластов, накопления в костном мозге миелобластных, монобластных, эритробластных, мегакариобластных и др. и подавления других типов стволовых клеток, при анемии, тромбоцитопении, агранулоцитозе и других видах осложнений.*

Цель - *изучить морфологические изменения головного мозга у детей при остром миелобластном лейкозе.*

Материалы и методы - *Исследован головной мозг детей, погибших вследствие острого миелобластного лейкоза с неврологическими проявлениями.*

Результаты - *в сосудах мелкого калибра по периметру и полости сосудов формируется скопление бластных клеток и тромбов. Ишемические инфаркты выявляются в ткани головного мозга вокруг бластной ветви тромба, образовавшейся в сосудах малого калибра.*

Заключение - *Во всех случаях, независимо от формы острого миелобластного лейкоза отмечались изменения в виде нарушения кровообращения в сосудах мелкого калибра, микротромбоз, а также периваскулярные отеки по всему периметру сосудов.*

Ключевые слова: *патоморфология, дети, острый лейкоз.*

PATHOMORPHOLOGY OF THE BRAIN IN CHILDREN WITH ACUTE MYELOBLASTIC LEUKEMIA WITH NEUROLOGICAL MANIFESTATIONS

Mirzaeva Dilnoza Farkhadovna – Ph.D., assistant
Center for the development of professional qualification of medical workers (Tashkent, Uzbekistan)
Eshbaev Erkin Abduhalimovich - D.M.Sc., associate professor
Tashkent Medical Academy (Tashkent, Uzbekistan)

Annotation. *Acute myeloblastic leukemia is a malignant disease that develops from the cells of the myeloid series of hematopoiesis and accounts for 80% of the total number of acute leukemias in adults and 20% in children. Myeloblastic leukemias occur mainly in peripheral blood as a result of a sharp proliferation of myeloid cells in the form of immature blasts, accumulation of myeloblastic, monoblastic, erythroblastic, megakaryoblastic, etc. in the bone marrow. and suppression of other types of stem cells, in anemia, thrombocytopenia, agranulocytosis and other types of complications.*

Purpose - *to study morphological changes in the brain in children with acute myeloblastic leukemia.*

Material and methods - *the brains of children who died due to acute myeloblastic leukemia with neurological manifestations were studied.*

Results - *in small-caliber vessels, an accumulation of blast cells and blood clots forms along the perimeter and cavity of the vessels. Ischemic infarctions are detected in the brain tissue around the blast branch of the thrombus formed in small vessels.*

Conclusions - *In all cases, regardless of the form of acute myeloblastic leukemia, changes were noted in the form of circulatory disorders in small-caliber vessels, microthrombosis, as well as perivascular edema along the entire perimeter of the vessels.*

Key words: *pathomorphology, children, acute leukemia.*

Муаммонинг долзарблиги. Қон ва лимфа тизими тўқималарининг ўсмалари барча ҳавфли ўсмаларнинг ярмини ташкил қилса, улардан 38-40 фоизи лейкозлар ҳисобланади. 15 ёшгача бўлган болаларнинг 100 000 тасидан 4,1±0,4 тасида ўткир лимфолейкоз учрайди, ўғил ва қиз болаларда 1,3: 1 нисбатда учраса, 2 дан 5 ёшгача даврда максимум бўлади. Ўткир лимфолейкознинг замонавий диагностикаси FAB-таснифи асосида аниқланади, бунинг асосий мезони қон таначалари бластларини морфологик ва цитологик усулда тасдиқлаш ҳисобланади (3,4,5). Ўткир миелобластли лейкозларнинг турли морфологик турларида, гемопоез қаторининг дастлабки 1-3 поғонасидаги миелоид қатор хужайраларни бластли турлари деярлик ўхшаш бўлганлиги учун аксарият, асоратлари бир бирига жуда ўхшашлик билан характерланади.

Лейкемик ҳужайралар ҳар қандай аъзода инфильтрат пайдо қилиши, дастлабки морфологик ўзгаришлар суяк кўмиги, талоқ, лимфа тугунлар ва жигарда пайдо бўлади. Бирламчи лейкемик инфильтратлар қон томирлар атрофида, кейин эса аъзо интерстицийсининг барча қисмида пайдо бўлади ва иккиламчи патоморфологик ўзгаришлар билан асоратланади.

Материал ва усуллар. Материал сифатида Республика патологик анатомия марказига олиб келинган ва ўткир лейкозларнинг миелобластли лейкозлар турли шаклларидан нобуд бўлган болалар бош мия тўқимаси олинди. Олинган материаллар стандарт баённома бўйича гематоксилин ва эозин бўёғида бўялиб, микронамуналар морфологик жиҳатдан ўрганилди.

Мақсад: ўткир миелобластли лейкозларда бош мияда ривожланадиган патоморфологик ўзгаришларни ўрганиш.

Муҳокама ва натижалар. Миелобластли лейкозларнинг барча турида, анемия, агранулоцитоз, геморрагик синдром юзага келишини инобатга олган холда, томир деворини шикастланишига хам олиб келади. Периферик аъзоларда юзага келган лейкемик инфильтрация жараёни тарқоқ кўринишда бўлиб, лимфобластли лейкозлардан шу жихати билан фарқланади. (Эслатиб ўтамиз, лимфобластли лейкозларда лейкемик инфильтрация асосан ўчоқли кўринишда, бир сохада тўпланиб, яққол макроскопик хам визуал аниқлаш имконини беради). Миелобластли лейкозларнинг барча турида, бласт хужайралар дастлаб лимфа тугунлари ва РЕС (талоқ, тимус, суяк кўмиги “пиоид кўмик” SALT, MALT тузилмаларида) аъзоларда тўпланиши юзага келади.

Лекин, беморларда клиник ва морфологик жихатдан, ушбу белгилар иммун аъзоларнинг морфофункционал жихатларини босилиши, лимфаденит, шиллиқ қаватда пейер пилакчаларининг яраланиши некротик энтероколит, терида хар хил қон қуйилиш ва қон талашишларнинг юзага келиши билан намоён бўлиб, кўпчилик холатда ушбу касалликнин 36,4% да сепсис, септицемия, икки томонлама пневмония ташхиси билан даволаниб, ўткир миелобластли лейкозларни ўтказиб юбориш эхтимоли юқори бўлади (2023 йил РПАМ маълумоти).

Расм. 1



Ўткир мегакариобластли лейкоз. Даволанмаган гурух. Бош мия тепа сохаси тўр пардаси томирларининг кескин тўлақонлиги (1), периваскуляр шишлар, периваскуляр диапедез қон қуиилш ўчоқлари аниқланади. Бўёқ Г.Э. Ўлчами 20х10.

Расм 2.



Ўткир миелобластли лейкоз. Даволанмаган гурух. Бош мия тепа пешона сохаси тўр парда ва интракраниал томирлари тўлақонли ва мультифокал қон қуйилиш ўчоқлари аниқланади (1), периваскуляр шишлар яққол тасвирланган. Бўёқ Г.Э. Ўлчами 4х10.

Ўткир миелобластли лейкозларнинг фенотипик турлари бўйича асосий дифференциал ташхислаш цитометрия, цитохимия ва иммунофенотипик текширувлар орқали амалга оширилади. Ўткир миелобластли лейкозларда асосий хужайралар цитоморфологияси бўйича, ядроси гиперхром, перинуклеар сохаларда нотекис чуқурчаларнинг бўлиши, ядрочаларнинг кўп бўлиши, цитоплазмада базофил хар хил катталикдаги ярим узуксимон тузилмларнинг бўлиши билан характерланади. Ўткир лимфобластли лейкозларда эса, асосий хужайралар лимфоид қаторидаги Т ва В лимфоцитлар, йирик базофил ядроли хужайраларнинг бўлиши билан харакетраланади.

Расм. 3



Ўткир миелобластли лейкоз. Даволанмаган гурух. Бош мия энса сохаси тўр парда томирлари тўлақонли (1) ва периваскуляр шишлар ривожланган (2), пирамидал хужайралар атрофида оқ моддасида деструктив ўзгаришлар ривожланган (3). Бўёқ Г.Э. Ўлчами 4х10.

Тадқиқот ишимизда, ўткир миелобластли лейкозларнинг турли фенотипик турларида даво олмасдан вафот этган болалар аутопсиясида бош миянинг зарарланиш даражасини морфологик асослари ўрганилди. Ўткир миелобластли лейкозларнинг мегокарибластли турларида, периферик қонда тромбоцитопения юзага келиши оқибатида, томирлар деворининг хам шикастланиши ва геморрагик синдромнинг юзага келиши билан намоён бўлади. Тадқиқот ишмизда бош мия ва уни ўраб турувчи пардаси пешона, тепа, чакка, энса сохаси, мияча, мия стволи ва базал ядро сохаларидан олинган материаллар ташкил қилади. Айнан, БГО ва КИМ да ўткир мелобластли лейкоз ташхиси тасдиқланганлар вафотидан кейинги аутопсия амалиётида бош мия тўқималаридан намуналар олинди.

Расм. 4

Ўткир эритробластли лейкоз. Даволанмаган гурух. Бош мия гипоталамус сохаси периваскуляр шишлар, томирлари тўлақонли ва эритроцитларнинг сладжланиши (1), такомил топаётган периваскуляр диапедез қон қуйилиш сохалари (2), нейрон ва пирамидал хужайралар цитоплазмасида тўқ грануляр киритмалар кўпайган. Бўёқ Г.Э. Ўлчами 40х10.

Бош мия пешона сохаси тўрсимон парда қон томирларида тўлақонлик, парда стромаси толали тузилмларининг мукоид бўкиши, интерстициал шиш ўчоқларининг юзага келганлиги аниқланди. Периваскуляр томирлар атрофида диапедез қон қуйилиш, эритростаз ўчоқлари, майда калибрли артериолалар, капиллярларда эритроцитларнинг сладж феномени аниқланади. Гиперемия ривожланган капиллярлардаги

сладжланган эритроцитлар тиқилмаси оқибатида кенгайган томирлардан сизиб чиққан лейкемик бластли хужайралар асосан перицеллюляр сохаларда сочилган кўринишда бўлиб, “юлдузли осмон” манзараси кўринишда намоён бўлганлиги аниқланди. Ўчоқли қон қуйилган сохаларда кулранг модданинг некрози, оқ моддасининг оралиқ шишлари ва гомоген кўринишдаги ишемик некроз кўринишидаги ўчоқлар аниқланди.

Расм. 5



Ўткир мегакариобластли лейкоз. Даволанмаган гурух. Бош мия чакка сохаси қон томирлари бўшлиғида бластли хужайралар яққол тасвирланган (1), астроцитлар периметрида шишлар ва некробиоз холати аниқланади (2). Оқ модда таркибида оралиқ шишлар шаклланган (3). Бўёқ Г.Э. Ўлчами 40х10.

Эгатчалар макроскопик жиҳатдан, шишли кўринишда бўлиб, юзаси калла қутиси ички юзасинга тиралган, юза текстурасини такрорлайди, ўчоқли 2-3 мм диаметрдаги қон қуйилишлар аниқланади. Томирлар девори юзасида тўрсимон парда стромасини ташкил этган шаффоф парда хиралашган, нуқтали қон қуйилишлар аниқланади. Томирлар проекцияси яққол тасвирланганлиги аниқланади.

Бош мия тепа сохасида, пушталар бир хил кўринишда, шишли, юзаси бош мия қутиси ички юзаси текстурасини такрорлайди, томирларида нотекис тўлақонлик, тўрсимон шаффоф парда кам сонли нуқтали қон қуйилишлар, томирларида интенсив траекторияси сустроқ шаклланганлиги аниқланади.

Расм. 6



Ўткир мегакариобластли лейкоз. Даволанмаган гурух. Бош мия чакка сохаси қон томирлари бўшлиғида бластли хужайралардан ташкил топган тромб(1), периваскуляр шишлар ва некробиоз холати аниқланади (2). Оқ модда таркибида оралиқ шишлар шаклланган (3). Бўёқ Г.Э. Ўлчами 40х10.

Расм. 7



Ўткир мегакариобластли лейкоз. Даволанмаган гурух. Бош мия чакка сохаси қон томирлари девори бутунлиги бузилган, периметрида лейкодиапедез ва таркииби жихатидан бластли хужайралар аниқланади (1), периваскуляр шишлар ва некробиоз холати аниқланади (2). Оқ модда таркибида оралиқ шишлар шаклланган. Бўёқ Г.Э. Ўлчами 40х10.

Микроскопик жихатдан, қон томирлар периметри ва бўшлиғида бластли хужайралар тўплами ва майда калибрли томирларида тромблар шаклланганлиги аниқланади. Айнан, майда калибрли қон томирларда шаклланган бластли тромб сохаси атрофидаги мия тўқимасида ишемик инфарктлар аниқланади. Оқ модда таркибидаги ўтказувчи йўлларнинг йўналишлари яққол тасвирланган бўлиб, оралиқ шишлар ва такомил топаётган деструктив ўзгаришларга учраган ўчоқлар аниқланади.

Пўстлоқ сохаси кулранг моддасида жойлашган макро ва микроглиал хужайраларни шу сохадаги миграцияси ва ора ора жойлашган инфильтрация ўчоқлари аниқланади. Периваскуляр сохаларда майда ўчоқли диапедез қон қуйилишлар, кам сонли лейкоцитар инфильтрация ўчоқларининг шаклланганлиги аниқланади.

Базал ядролар гиппокамп сохасида, нейронларни тигроид моддаси майда грануляр кўринишга келганлиги, перицеллюляр шишлар ва астройитлар интердигитацияси хисобига юз берганлиги аниқланади. Шу билан бирга, майда томирлар бўшлиғида хам бластли хужайралар тўплами аниқланади. Майда капиллярларда тўлақонлик ва диапедез қон қуйилиш ўчоқлари, оқ моддани деструкцияга учраган сохалари аниқланади. Пирамидал ва полиморф хужайралар атрофида яримойсимон кўринишдаги шишлар, томирлар атрофида кистоз кенгайган шишлар аниқланади. Бу эса, шу сохада бластли хужайралар хисобига ривожланган микротромбозлар хисобига, гемодинамик бузилишлар хисобига ривожланганлигини англатади. Гиппокампнинг CA1, CA2, CA3, CA4 сохаларида нейрон ва нерв толаларининг титилган ва деструкцияга учраган перицеллюляр шишли ўчоқлари аниқланади. Некробиозга учраган нейронлар атрофи пирамидал хужайраларда нейрофагия ва глиозга учраган ўчоқларнинг юзага келганлиги аниқланади. Эслатиб ўтамиў, ўткир лейкозларнинг давомийлигига боғлиқ равишда пўстлоқ ости марказларида ушбу ўзгаришлар давомийлиги дегенратив ўзгаришларни яънада кучайишига олиб келиши мумкин.

Демак, ўткир миелобластли лейкозларда марказий нерв тизимидаги морфологик ўзгаришларнинг асосий сусбтрати бу майда калибрли томирларни бластли микротромбози, тўқимада ўткир гемодинамик бузилишлар сабабли юзага келган интерстициал шишлар: периваскуляр, перицеллюляр кўринишда, пўстлоқ ости марказида пирмидал хужайраларда дегенратив ва некробиотик ўзгаришлар ва бош миянинг барча сохаларида ўчоқли ва мултифокал қон қуйилишларнинг юзага келши билан давом этиб, патологоанатомик текширишларда, ўлимга олиб келувчи билвосита сабаб бу полиорган етишмовчилиги бўлса, бевосита ўлимга олиб келувчи сабабалардан эритробластли, мегакарибластли лейкозларда геморрагик асоратлар, субарах-ноидал, субдурал, интракраниал ва перивентрикуляр қон қуйилишларнинг юзага келиши ва мия шиши ривожланиши оқибатида, юрак нафас марказининг фалажланиши ўлимга бевосита сабаб бўлиши билан намоён бўлганлиги аниқланади.

Юқоридаги морфологик ўзгаришларни инобатга олганда, бош мия тўқимасининг барча соҳаларида қон томирларининг периметридаги шишлар гематоэнцефалик барер бутунлигини бузилганлигини, мултифокал қон қуйилиш гемодинамик бузилишлар кучайганлигини англатади.

АДАБИЁТЛАР

1. Аксель Е.М. Злокачественные новообразования у детей. Статистика / Онкопедиатрия. 2015. 2. 2: 154-157.
2. Абдулкадыров К.М. Гематология: Новейший справочник. — М.: Эксмо; СПб.: Сова, 2004. — 928с.
3. Алексеев Н.А. Гематология и иммунология детского возраста. Гиппократ, СПб.: 2009. с. 1039.
4. Виноградова Ю. Е., Зингерман Б. В. Нозологические формы и выживаемость пациентов с Т- и НК-клеточными лимфатическими опухолями, наблюдающихся в ГНЦ в течение 10 лет. Клиническая онкогематология, Фундаментальные исследования и клиническая практика 2011;4(3):201P12.
5. Воробьев А.И. Руководство по гематологии: В 3 т. — 3-е изд., перераб. и доп. — М.: Ньюдиамед, 2002. — Т. 1. — 280с.
6. Вильчевская Е.В., Коломенская С.А., Марченко Е.Н. Острый лейкоз у детей.// Здоровье ребенка. 2014; 6 (57). -С. 113-117.
7. Вержбицкая Т.Ю., Попов А.М., Томилов А.Ф. и др. Определение опухолевых клеток в спинномозговой жидкости у детей с острыми лейкозами методом проточной цитометрии. Вопросы диагностики в педиатрии. 2012; 5:31-5.
8. Воробьев А.И. Руководство по гематологии: в 3 т. — Т. 1. — 3-е изд., перераб. и доп. — М.: Ньюдиамед, 2002. — 280 с.
9. Глузман Д.Ф. Иммуноцитохимическая диагностика опухолей кроветворной и лимфоидной тканей у детей. — К.: ДИА, 2005. — 216 с.
10. Глузман Д.Ф. Диагностика лейкозов. Атлас и практическое руководство. — К.: Морион, 2000. — 224 с.
11. Глузман Д.Ф. Диагностика лейкозов. Атлас и практическое руководство. — К.: Морион, 2000. — 224 с.
12. Гематология и иммунология детского возраста / Под ред. Н.А. Алексеева. — СПб.: Гиппократ, 2009. — 1044 с.
13. Глузман ДФ, Скляренко ЛМ, Надгорная ВА. Опухоли кроветворной и лимфоидной тканей (цитоморфология, иммуноцитохимия, алгоритмы диагностики). Киев: ДИА, 2018: 196.
14. Дурнов Л.А. Злокачественные новообразования кроветворной и лимфоидной ткани у детей. Руководство для врачей. М.:Медицина, 2001.272 с.
15. Детская онкология / Под ред. М.Д. Алиева, В.Г. Полякова, Г.Л. Менткевича, С.А. Маяковой. — М.: Издательская группа РОНЦ, 2012. 684 с.
16. Ермолин А.Э. Дифференциальная диагностика и лечение острых и хронических лейкозов / Детская онкология. Национальное руководство под ред. М.Д. Алиева, В.Г. Полякова, Г.Л. Менткевича, С.А. Маяковой. Практическая медицина. М., 2012. с. 681.
17. Криволапов ЮА, Леенман ЕЕ. Морфологическая диагностика лимфом. СПб.: Издательско-полиграфическая компания «КОСТА», 2006: 208.
18. Ковригина АМ, Пробатова НА. Лимфома Ходжкина и крупноклеточные лимфомы. М.: МИА, 2007: 214.
19. Курс лекций по детской гематологии. Учебное пособие для студентов медицинских университетов, врачей-интернов и практических врачей. Т.В. Кобец, Г.А. Бассалыго. Симферополь, 2000 г.-77 с.
20. Ковалева Л.Г. Острые лейкозы. — 2-е изд., перераб. и доп. — М.: Медицина, 1990. — 272 с.
21. Лейкозы у детей / Под ред. Г.Л. Менткевича, С.А. Маяковой. — М.: Практическая медицина, 2009. — 384 с.
22. Мовчан Л.В. Лейкоз-ассоциированный иммунофенотип опухолевых клеток у детей с острым лимфобластным лейкозом из предшественников В-лимфоцитов. Онкогематология. 2012; 1:22-8.
23. Маякова С.А., Немировченко В.С., Попа А.В. Проект. Клинические рекомендации по диагностике и лечению детей, больных острыми лейкозами. Москва, 2014г. -9с.

"VIRGIN TANAGON" BIOLOGIK FAOL QO'SHIMCHASINING TOKSIKOLOGIK VA GIGIYENIK JIHATDAN XAVFSIZLIK KO'RSATKICHLARINI BAHOLASH

Ermatov Nizom Jumakulovich – t.f.d., professor
Kamilova Aida Sheraliyevna – mustaqil izlanuvchi
Kamilov Djamshid Yuldashevich - mustaqil izlanuvchi
Toshkent tibbiyot akademiyasi (Toshkent, O'zbekiston)

Annotatsiya. *"VIRGIN ACTIVE" mas'uliyati cheklangan jamiyati tomonidan ishlab chiqarilgan "Virgin Tanagon" biologik faol qo'shimchasining toksikologik xususiyatlari tahlil natijalarini baholash to'liq yoritilgan. Ushbu preparatning inson organizmiga toksikologik jihatdan xavfsiz ekanligini laboratoriya sharoitida o'rganildi.*

Kalit so'zlar: *Virgin Tanagon, toksikologik, eksperimental tajribalar, gijjalar, biologik faol qo'shimcha, gelmintoz kasalliklari, profilaktik terapiya.*

ОЦЕНКА ТОКСИКО-ГИГИЕНИЧЕСКИХ ПОКАЗАТЕЛЕЙ БЕЗОПАСНОСТИ БИОЛОГИЧЕСКИ АКТИВНОЙ ДОБАВКИ "ВИРГИН ТАНАГОН"

Эрматов Низом Джумакулович – д.м.н., профессор
Камилова Аида Шералиевна – соискатель
Камилов Джамшид Юлдашевич - соискатель
Ташкентская медицинская академия (Ташкент, Узбекистан)

Аннотация. *Оценка токсикологических свойств биологически активной добавки «Вирджин Танагон» производства ООО «ВИРДЖИН АКТИВ» проведена в полном объеме. В лабораторных условиях изучено, что данный препарат токсикологически безопасен для организма человека.*

Ключевые слова: *Вирджин Танагон, токсикологические, экспериментальные эксперименты, глисты, биологически активная добавка, глистные заболевания, профилактическая терапия.*

ASSESSMENT OF TOXICOLOGICAL AND HYGIENIC SAFETY INDICATORS OF "VIRGIN TANAGON" BIOLOGICALLY ACTIVE ADDITIVE

Ermatov Nizom Dzhumakulovich – D.M.Sc., professor
Kamilova Aida Sheralievna - independent researcher
Kamilov Djamshid Yuldashevich - independent researcher
Tashkent Medical Academy (Tashkent, Uzbekistan)

Abstract. *The evaluation of the toxicological properties of the biologically active supplement "Virgin Tanagon" produced by the limited liability company "VIRGIN ACTIVE" is fully covered. It was studied in laboratory conditions that this drug is toxicologically safe for the human body.*

Key words: *Virgin Tanagon, toxicological, experimental experiments, worms, biologically active supplement, helminthic diseases, preventive therapy.*

Dolzarbligi. Gelmintozlarning epidemiologiyasini o'rganadigan bo'lsak, u sog'liqni saqlash tizimida juda katta muammo ekanligiga amin bo'lamiz. Hozirgi vaqtda aholi salomatligi holatini belgilovchi omillardan biri ijtimoiy jihatdan aniqlangan kasalliklar, shu jumladan gelmintozlardir. Gelmintozlar parazitar kasalliklarning eng katta guruhini tashkil qiladi va odamlarga qadim zamonlardan beri ma'lum. Aholining salomatligini muhofaza qilish, sog'lom va xavfsiz ovqatlanishini ta'minlash, gelmintoz kasalliklari bilan kasallanish ko'rsatkichlarini kamaytirish uchun esa "Virgin Tanagon" BFQsi kasalliklikni oldini olish va aniqlangan gelmintoz bilan kasallanganlarni sxematik davolashda zararsiz hamda samarali vositadir.

Maqsad: "Virgin Tanagon" biologik faol qo'shimchasining laboratoriya hayvonlari oshqozoniga yuborish hamda eksperimental kuzatuv davomida intoksikatsiyadagi klinik belgilarni toksikologik baholash, kuzatuvlar natijasida olingan ma'lumotlar asosida xavf-xatar klassifikatsiyasini baholash.

Material va usullar. Laboratoriya tekshiruvlari Toshkent tibbiyot akademiyasi Markaziy ilmiy tadqiqot laboratoriyasida olib borildi. Toshkent tibbiyot akademiyasi vivariumida oqsillar, yog'lar va uglevodlarni o'z ichiga olgan muvozanatli dietada boqiladigan oq kalamushlar, oq sichqonlar va quyonlar. Har bir guruhda 5 ta erkak va 5 ta urg'ochi (6 ta tajriba va 1 ta nazorat guruhi).

Tadqiqot davrida hayvonlarning yoshi va jinsi: erkaklar - 8-9 hafta, urg'ochilar - 10-11 hafta. Eksperimental laboratoriya tekshiruvlari zotsiz oq sichqon va kalamushlar hamda dengiz cho'chqalarida normativ-uslubiy xujjatlar talablariga muvofiq olib borildi.

Tadqiqot olib borish yoki ilmiy maqsadlar uchun tajriba hayvonlardan foydalanishda umurtqali hayvonlarni himoya qilish bo'yicha Yevropa konvensiyasi (ETS №123. Strazburg, 18.03.1986-y.) qoidalarga rioya etildi.

Natijalar. "Virgin Tanagon" biologik faol qo'shimchasining toksikologik ko'rsatkichlarini baholash uchun normativ-uslubiy xujjatlar talablariga muvofiq sashe paketchadagi kukunning suvli suspenziyasidan (suvdagi eruvchanligi 100%) foydalanildi. Erituvchi sifatida distillangan suv qo'llanildi.

Tekshiruv: tajriba hayvonlari 16-20 soat kuzatish chegarasida tekshirish obyektini tana og'irligining mg/kg ga mos bo'lgan bir xil miqdordagi dozasini qabul qilgan bo'lsa, nazorat guruhidagi hayvonlar esa mos miqdordagi distillangan suvni qabul qildi. Hayvonlarni oziqlantirish mahsulotning dozasi yuborilganidan 3 soatdan so'ng amalga oshirildi.

Kuzatuv: o'lim/falajlik - akklimatizatsiya davomida, tajribaning birinchi kunidan oxirgi kunigacha har kuni tajriba hayvonlarining tana vazni, qonning gematologik va biokimyoviy ko'rsatkichlari biologik faol qo'shimchalarni qabul qilguncha va tajriba yakunlangandan keyingi davrda baholandi.

Klinik belgilar: akklimatizatsiya davrida har kuni va doza kiritilgandan keyingi birinchi kuni 4 marta (1, 2, 3 soat o'tib va 4 soatda), so'ngra esa zaharlilikning klinik belgilari namoyon bo'lishiga bog'liq holda tadqiqotning to'liq davomida kuniga bir martadan qabul qildi. Barcha og'ishlar qayd qilib borildi.

Laboratoriya tajribalari muddati tugaganidan so'ng barcha tajriba hayvonlari efir narkozi orqali chuqur uyquga ketkazildi va evtanaziya qilindi. Morfologik o'zgarishlarni o'rganish uchun makro- va mikroskopik preparatlar tayyorlandi. Har bir a'zo yoki to'qimadan olingan materiallar boshqa maqsadlarda foydalanilmadi. Ishlatilgan biomateriallar o'rnatilgan tartibda yo'q qilindi.

Statistik tahlil. Eksperimental tajribalar asosidan olingan ma'lumotlarini miqdoriy baholash uchun variatsion qator tahlilini olib borish uchun statistik usullardan foydalanildi.

Tajriba va nazorat guruhidagi hayvonlar ma'lumotlarining farqlar ishonchliligini baholash tajriba tadqiqotlarini o'tkazish bo'yicha O'zDSt 8.072:2018 davlat standarti talablariga mos holda har bir tajribada ishtirok etayotgan hayvonlar sonini hisobga olish bilan ishonchlilikning 5% ($p>0,05$) darajasiga tayanib, Styudentning t – mezoni bo'yicha baholandi.

Statistik tahlil Microsoft Excel kompyuter dasturidan foydalangan holda "Gigiyena tadqiqotlarini tashkil etish va o'tkazishda dalillarga asoslangan tibbiyot tamoyillaridan foydalanish" uslubiy tavsiyalariga muvofiq laboratoriya tadqiqotlarining ishonchlilik mezonlarini aniqlash orqali amalga oshirildi. Namunalarni taqqoslash Styudent test (t) yordamida amalga oshirildi, farqlar $P<0,05$ da asosiy deb hisoblandi.

Olingan ma'lumotlarni qayd etish. Tana og'irligi, zaharlanishning klinik belgilari, gematologik va biokimyoviy ko'rsatkichlar, o'lim / falajlanish natijalari tajribani o'tkazish davomida qayd etib borildi.

Natijalar:

Tana vazni. Kuzatuv davomida kalamushlarning tana vazni o'zgarganligi, lekin eksperiment o'tkazilgan tajriba guruhidagi hayvonlar va nazorat guruhidagi hayvonlarda tana vazni o'zgarishidagi keskin farq aniqlanmadi.

Klinik belgilar. Tajriba o'tkazish davomida hayvonlarda intoksikatsiyaning klinik belgilari kuzatilmadi.

O'lim. Laboratoriya tekshiruvlarini o'tkazish davomida tajriba ostidagi hayvonlarda o'lim holatlari kuzatilmadi.

Zaharlilikni ko'rsatkichlari.

O'tkir zaxarlanish. Tajribadagi hayvonlar uslubiy qo'llanmaga muvofiq28 kun (4 hafta) davomida kuzatuv ostiga olindi. Tajriba sharoitida "Virgin Tanagon" biologik faol qo'shimchasining o'tkir zaharliligini o'rganishda 2 turdagi laboratoriya hayvonlari (zotsiz oq kalamush va sichqonlar)ga hayvonlarning har bir kilogramm vazniga nisbatan preparatning 2000, 4000 va 6000 mg/kg miqdoridagi dozalari ishchi eritmalar yordamida bir vaqtda oshqozon naychasi bilan og'iz orqali yuborildi. Tajribadagi hayvonlar uslubiy qo'llanmaga muvofiq 28 kun (4 hafta) davomida kuzatuv ostiga olindi.

O'rganish uchun biologik faol qo'shimchaning tajriba hayvonlari oshqozonga yuborilgan maksimal dozasi insonning kunlik fiziologik ehtiyojiga nisbatan 12 barobar ko'p hisoblanadi. Keyingi kunlarda tajriba hayvonlarining tana vazni ortishi, tashqi ta'sirlantiruvchilarga nisbatan normal reaksiyalarning saqlanib qolishi, ularning umumiy holati yaxshilanganligi kuzatildi.

Tajriba hayvonlari tadqiqot davomida faol, tartibli bo'ldilar, ovqatni esa ishtaha bilan iste'mol qilishdi, yunglari silliq, yaltiroq holatda bo'ldi, hayvonlar tashqi ta'sirotlarga nisbatan yetarlicha munosabatda bo'lishdi.

Tajriba hayvonlari orasida o'lim holatlari qayd etilmaganligi sababli o'rganilayotgan "Virgin Tanagon" biologik faol qo'shimchasi namunasi uchun LD_{50} (o'rtacha o'lim dozasi)ni hisoblashning imkoni bo'lmadi.

1-jadval.

Preparatning laboratoriya hayvonlari me'dasiga yuborilganda o'lim ko'rsatkichi

Preparat nomi	Doza, mg/kg	Tajriba hayvonlari soni/nobud bo'lgan hayvonlar soni	Zaharlanishning klinik ko'rinishi	LD_{50}, mg/kg
"VIRGIN TANAGON"	2000	6/0	aniqlanmadi	>6000 mg/kg
	4000	6/0		
	6000	6/0		

Yuqoridagi jadvaldan ko'rinib turiptiki, tajriba hayvonlari o'tkir zaharlanishidan keyingi kuzatuvlar ushbu preparatning GOST 12.1.007 davlatlararo standart talablariga muvofiq IV sinf (kam xavfli)ga kirishi aniqlandi.

Ko'zning shilliq qavatiga ta'siri.

"Virgin Tanagon" BFQning 0,05 ml eritmasi (2 tomchi) dengiz cho'chqasi o'ng ko'zining konyunktiva bo'shlig'iga tomizildi, chap ko'z esa nazorat vazifasini bajardi. Preparatning ko'zning shilliq qavatiga ta'siri 3 ta hayvonda o'rganildi. Kuzatuv davomida tajriba ostidagi hayvonlarda giperemiya, shilliq qavatning ta'sirlanishi yoki blefarospazm holatlari aniqlanmadi.

Preparatning ko'z bilan kontaktda bo'lganidan so'ng shilliq qavatning ta'sirlanishi (Iir) o'rtacha guruhli summar balli 0 ga teng bo'ldi (2-jadvalga qarang).

2-jadval.

"VIRGIN TANAGON" BFQning ko'zning shilliq qavatiga ta'sirinibaholash natijalari (ballarda)

Preparat nomi	Konyunktiva giperemiyasi	Shish hosil bo'lishi	Ptoz yoki blefarospazm	Ko'zda oqmalar hosil bo'lishi	Iir, ball
"VIRGIN TANAGON"	0/3	0/3	0/3	0/3	0

Yuqoridagi jadvalda keltirilgan ma'lumotlardan ko'rinib turiptiki, "VIRGIN TANAGON" biologik faol qo'shimchasining ko'zning shilliq qavatini ta'sirlantirish xususiyati mavjud emas (Iir = 0 ball).

Kumulyativ ta'siri (subxronik eksperiment)

"Virgin Tanagon" biologik faol qo'shimchasining kumulyativ xususiyati Lim A va boshqalar tomonidan ishlab chiqilgan usul yordamida 140-160 gramm vaznli oq kalamushlarda o'rganildi.

Tekshirilayotgan biologik faol qo'shimchaning kumulyativ xususiyatini o'rganish uchun 28 kun davomida kalamushlarning oshqozoni ichiga yuborildi.

Dastlabki doza keyinchalik uni har 4 kunda 1,5 martaga oshirib borish bilan belgilangan maksimal ko'tara olish qobiliyatining 1/10 ni tashkil etdi, bu esa dastlabki miqdordan 4,5 martaga yuqori miqdorni tashkil etdi. Nazorat hayvonlariga ekvivalent dozada distillangan suv yuborildi. Tajriba hayvonlari ustida sinovlarning barcha muddatlarida quyidagi ko'rsatkichlar: tajriba o'tkazish davomidagi yashovchanlik, umumiy holat, hayvonlarning faolligi, ovqatni iste'mol qilishi, suv iste'moli, tana og'irligi dinamikasi, qonning morfologik tarkibi, qonning biokimyoviy ko'rsatkichlari bo'yicha kuzatuvlar olib borildi.

Tajriba guruhiga olingan hayvonlarda olib borilgan kuzatishlarda ularning hulqida hech qanday siljishlar qayd etilmadi. Huddi nazorat guruhi hayvonlari kabi ular faol, ozoda bo'ldilar, ovqatni yaxshi iste'mol qildilar va tashqi ta'sirlantiruvchilarga yaxshi reaksiya qildilar. Zaharlanish va o'lim holatlari qayd etilmadi.

Quyida taqdim etilgan jadvallardan ko'rinib turibdiki, hayvonlar dastlabki tana og'irligidagi bir xil natijalarga asoslanib taqsimlandi. Tana og'irligidagi o'zgarishlar ustidan olib borilgan kuzatuvlar tana og'irligini bir xilda o'sib borishini ko'rsatdi, bunda tana og'irligini o'sish darajasi nazorat guruhiga nisbatan solishtirilganda tajriba guruhida farqqa ega bo'lmadi (3-jadval).

3-jadval.

Kalamushlar tana vazni o'zgarishi dinamikasi (% larda)

Kuzatuv davri	Hayvonlar guruhi	
	Nazorat guruhi, distillangan suv yuborilgan	"VIRGIN TANAGON" BFQ yuborilgan
Yuborilishdan oldin	100,0	100,0
Yuborilgan keyin	145,0	145,3

Tajriba osti hayvonlari periferik qonidagi gematologik ko'rsatkichlar tekshirilganda o'rganilgan parametrlarning hech biri bo'yicha ishonchli o'zgarishlar aniqlanmadi. Barcha tajriba osti hayvonlaridagi gematokrit ko'rsatkichlar, gemoglobin miqdori, trombokrit, leykotsitlar va eritrotsitlar miqdori nazorat guruhi ko'rsatkichlaridan statistik farqqa ega bo'lmadi (4-jadval).

4-jadval.

“VIRGIN TANAGON” BFQning subxronik ta’sirini o‘rganishda kalamushlar qonining o‘rtacha morfologik ko‘rsatkichlari

Guruhlar	Kuzatuv davri	Gematologik ko‘rsatkichlar				
		Gematokrit, %	Gemoglobin konsentratsiyasi, g/l	Trombokrit, %	Leykotsitlar,. 10^9/l	Eritrotsitlar,. 1012/l
Nazorat guruhi (dist. Suv)	Yuborilishdan oldin	36,6±1,1	136,8±2,3	0,438±0,05	14,61±0,39	6,80±0,18
	Yuborilgan keyin	37,5±1,6	137,6±5,3	0,467±0,04	14,57±0,60	6,67±0,15
Tajriba guruhi VIRGIN TANAGON	Yuborilishdan oldin	33,8±1,2	131,8±4,2	0,459±0,04	14,65±0,53	6,67±0,13
	Yuborilgan keyin	34,9±0,5	142,4±2,4	0,450±0,02	14,58±0,59	6,62±0,25

Ma’lumki, qisqa vaqt davomida har qanday yot moddani ko‘p marta tushishi uni organizmda to‘planishini yoki biokimyoviy jarayonlarni buzilishi ko‘rinishida yig‘indi samarani chaqirishi mumkin, bunda biokimyoviy ko‘rsatkichlardagi o‘zgarishlar ichki organlar tuzilmasi va gistogrammasidagi o‘zgarishlardan ancha ilgarni qayd etiladi. Bunday ta’sir darajasi va tavsifini aniqlashtirish surunkali zaharlanishni rivojlanishining imkoniyati to‘g‘risida katta ehtimollik bilan xabar berishi mumkin. Testlarda aniqlandiki, tajriba hayvonlaridagi transaminaza fermentlari (AsT, AlT) va ishqoriy fosfatazalarning (ALP) faolligi nazorat guruhidan ishonchli farqqa ega bo‘lmadi. Shuningdek nazorat va tajriba guruhidagilarning umumiy oqsil (TP) miqdori ko‘rsatkichlari statistik jihatdan bir xilda bo‘ldi (5- jadval).

5-jadval.

“VIRGIN TANAGON” BFQning subxronik ta’sirini o‘rganishda kalamushlarqonining biokimyoviy ko‘rsatkichlari

Guruhlar	Statist. ko‘rsatkichlar	Kuzatuv davri, xaftalarda*	Biokimyoviy ko‘rsatkichlar			
			AlT, Ye/l	AsT, Ye/l	ALP, Ye/l	TP, g/l
Nazorat guruhi (distill suv)	M±m	0	54,2±2,8	118,5±11,6	34,1±2,3	68,3±5,6
	M±m	4	55,3±5,2	113,5±8,9	32,4±2,9	65,5±2,6
Tajriba guruhi (VIRGIN TANAGON)	M±m	0	53,2±3,7	116,4±5,17	32,6±5,6	62,0±0,5
	M±m	4	55,2±2,5	112,0±5,26	36,2,±7,5	66,2±0,7

Patomorfologik tekshirishlar poled kiritilgandan keyingi ertasi kuni o‘tkazildi. O‘rganilgan organlarning makro- va mikroskopik tekshirish natijalari bo‘yicha tajriba va nazorat guruhlari o‘rtasida farqlar aniqlanmadi.

Nazoratdagi va tajriba hayvonlarning ichki a’zolarining qiyosiy mikroskopik o‘rganish asosida biz, «VIRGIN ACTIVE» MChJ tomonidan ishlab chiqarilgan oziq-ovqat mahsulotlariga qo‘shimcha “Virgin Tanagon” biologik faol moddasi namunalarini uzoq muddat og‘iz orqali yuborish patologik o‘zgarishlarni keltirib chiqarmaydi, degan xulosaga kelishimiz mumkin. Tajriba o‘tkazilgandan so‘ng, tajriba hayvonlarini ichki a’zolarini patologoanotomik tekshiruvida hech qanday o‘zgarishlar aniqlanmaganligini ko‘rsatdi.

Shunday qilib, “Virgin Tanagon” biologik faol qo‘shimchasi 28 kun davomida yuqori dozalarda hayvonlarning oshqozoniga yuborilganda ular orasida o‘lim holatlari kuzatilmadi, fiziologik ko‘rsatkichlarida o‘zgarishlar aniqlanmadi, ularning parenximatoz a’zolarida distrofik yoki destruktiv o‘zgarishlar va oshqozon-ichak trakti shilliq qavatlarida ta’sirlanish belgilari yuzaga kelmadi.

U gijjalarga qarshi (gijjalar nerv sistemasiga salbiy ta’sir etib, paralich qilish), o‘t haydovchi, ichaklar harakatini kuchaytirish (nobud bo‘lgan gijjalarni organizmdan chiqarib yuborish) xususiyatiga ega bo‘lib, inson sog‘lig‘i uchun xavfli ta’siri yo‘qligi, jigar, buyraklarga toksik ta’sir etmasligi bilan boshqa dori preparatlaridan ajralib turadi

Subxronik zaharlilik integral ko‘rsatkichlariga asosan: “Virgin Tanagon” biologik faol qo‘shimchasida zaharlilik mavjud emas hamda kumulyativ xususiyatlarga ega emas.

Sensibilizatsiyalovchi ta’sirini o‘rganish.

“Virgin Tanagon” biologik faol qo‘shimchasining sensibilizatsiyalovchi ta’siri skarifikatsion proba qo‘yish qo‘yish usuli orqali baholandi. Preparatning terining sezuvchanligiga ta’sirini o‘rganish “Virgin Tanagon” biologik faol qo‘shimchasi sinov namunasining ishchi eritmasini qo‘llash orqali amalga oshirildi.

Terini mahalliy tirnash yo‘li bilan bezovta qilish ta’sirini o‘rganish usuli4 soatlik vaqt oralig‘ida zotsiz oq laboratoriya kalamushlarida o‘tkazildi. Hayvonlarga terining kesilgan joyiga oldindan sinov namunasining ishchi eritmasi bilan ishlov berildi. Namuna eritmasi bilan namlangan salfetkalar okklyuziv bog‘lam ostida teriga surtilib, 4 soatga qoldirildi, so‘ngra bint olib tashlandi va teri yuzasi tekshirildi.

“Virgin Tanagon” biologik faol qo‘shimchasining teri-rezorbtiv ta’sirini baholash: eksperimental hayvonlarni kuzatish davomida toksik zaharlanish va o‘lim holatlari aniqlanmadi, sensilizatsiyalovchi xususiyatga ega emas (Is 0 ballga teng), allergiya rivojlanmadi.

Xulosa. Yuqorida ko‘rsatilgan “Virgin Tanagon” BFQ sining toksikologik tekshiruv natijasida sodir bo‘ladigan o‘zgarishlar algoritmi haqiqiy nisbiylikka ega tibbiy samaradolikni oshiradi va uning davolovchi xususiyati, gelmintoz kasalliklari profilaktikasida ham qabul qilish mumkinligi, organizmga zararli ta’sir etmasligi bilan ahamiyatli. Aholining salomatligini muhofaza qilish, sog‘lom va xavfsiz ovqatlanishini ta’minlash, gelmintoz kasalliklari bilan kasallanish ko‘rsatkichlarini kamaytirish uchun esa “Virgin Tanagon” BFQsi kasalliklikni oldini olish va aniqlangan gelmintoz bilan kasallanganlarni sxematik davolashda zararsiz hamda samarali vositadir. Amaliyotda erta aniqlash, oldini olish, asoratlarning rivojlanishiga to‘sqinlik qilish va profilaktik terapiyani o‘z vaqtida boshlash bolalarni fiziologik ko‘rsatkichlarini me’yorda bo‘lishi, aqliy va jismoniy rivojlanishdan orqada qolmasligini ta’minlaydi.

ADABIYOTLAR

1. Abdullayevna I. M. Bolalarda ichak gelmintozlarini oldini olish va davolashni takomillahtirish //SCIENTIFIC JOURNAL OF APPLIED AND MEDICAL SCIENCES. – 2023. – T. 2. – №. 11. – C. 98-101.
2. Aida Sheraliyevna Kamilova. Maktab bolalarida parazitar kasalliklarining profilaktik choratadbirlari // Academic research in educational sciences. 2023. №12.
3. Axatova G. A., Ruziqulova N. A. Gelmintoz kasalliklar va ularning profilaktikasi //Новости образования: исследование в XXI веке. – 2024. – Т. 2. – №. 19. – С. 222-223.
4. Ermatov N. et al. Hygienic assessment of nutrition of patients with cardiovascular disease //Современные Проблемы Науки, Общества и Образования. – 2022. – С. 274-275.
5. Kamilova, Aida Sheraliyevna, Ermatov, Nizom Jumakulovich, Kamilov, Djamshid Yuldashevich Bolalarda uchraydigan gelmintoz kasalligida ovqatlanish ratsionining o‘rni // ORIENSS. 2023. №4-2.
6. Madatova N. A. et al. Diareyani oldini olish va davolashda qo’llaniladigan dori vositalarining anketa (so’rovnoma) asosida taxlilini o‘tkazish //Conferencea. – 2022. – S. 4-8.
7. O.B.Dilmurodova and A.Sh.Kamilova Askaridoz profilaktikasida ovqatlanishning ahamiyati. Лучшие интеллектуальные исследования 1.2 (2023): С.164-168.

АНТРОПОМЕТРИЧЕСКИЕ ПАРАМЕТРЫ ЗУБОЧЕЛЮСТНОЙ СИСТЕМЫ И ПРОФИЛАКТИКА АНОМАЛИЙ ПРИКУСА У ДЕТЕЙ ПОСЛЕ ХЕЙЛОПЛАСТИКИ

Махмудов Джахонгир Эргашевич - соискатель
Саидов Акбар Ахадович - д.м.н., профессор
Бухарский медицинский институт (Бухара, Узбекистан)

